

2971  
86.38  
193

АҲМАД ЛУТФИЙ



# РИСОЛАТ

МАККА ДАВРИ

2

АҲМАД ЛУТФИЙ

# РИСОЛАТ

МАККА ДАВРИ



«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2018

УЎК 297.1  
КБК 86.38  
Л 93

**Аҳмад Лутфий.**  
**Рисолат (Макка даври).** — Тошкент: «Sano-standart»,  
2018. — 400 бет.

Тақризчи:  
**Шайх Абдулазиз Мансур**  
*Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси уринбосари*

Масъул муҳаррир:  
**Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов**  
*Ўзбекистон халқаро Ислом академияси доценти,  
сиёсий фанлар доктори*


Таржимонлар:  
**Абдукамол Абдужалилов,**  
**Равшан Мамадалиев**

*Қўлингиздаги ушбу китоб Икки Олам Сарвари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари тўғрисидадир.*

*Туркиялик олим ва ёзувчи Аҳмад Лутфий Қозончи қаламига мансуб олти жилддан иборат муҳташам бадиий асарнинг иккинчи жилдида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рисолат келганидан то Мадинага ҳижрат қилгунга қадар бўлган ҳаётлари моҳирлик ва ҳассослик ила баён қилинган.*

*Асар Сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлишидан умидвормиз.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2018 йил 5 сентябрдаги  
№ 4863-рақамли тавсияи билан чоп этилди.*



ISBN 978-9943-5463-1-8

© Равшан Мамадалиев, 2018  
© «Sano-standart» нашриёти, 2018

## ИЙМОН ЙЎЛИНИНГ ИЛК ЙЎЛЧИЛАРИ (Ас-Сабиқун-ал аввалин)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун яратилишдан асл мақсад бўлган ғояни амалга ошириш даври бошланганди. Бошқа инсонлар Аллоҳ таолони таниш, Унга қуллик қилиш учун яратилган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яратилиш сабаби эса айнан шунинг мукамал ва юксак намунаси ҳисобланарди. Инсонларга буюк Аллоҳни танитиш, Унга қандай қуллик қилиш лозимлигини кўрсатиб бериш, ҳидоят йўлининг раҳбари бўлиш вазифаси айнан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юклатилганди.

Туширилган ваҳийга кўра ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга буюрилган эдилар:

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ {1} فَمَاقْنَدِرْ {2} وَرَبِّكَ فَكَبِّرْ {3} وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ {4} وَالرُّجْزَ فَاهْجِرْ {5}

Мазмуни: «Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад!) Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огоҳлантиринг, Раббингизни улуғланг, либосларингизни покланг, бутлардан йироқ бўлинг»<sup>1</sup> (**Муддассир сураси 1–5-оятлар**).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун энди савдо-сотик билан шуғулланиш даври якун топганди. Шу давргача Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб аталган бўлсалар, бундан кейин Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деб аталадиган бўлдилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макканинг юқори қисмида айланиб юрганларида рўпараларида Жаброил алайҳиссалом пайдо бўлди. Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда кўрқувдан

<sup>1</sup> Қуръони карим маъноларининг изоҳди таржималари Шайх Абдулазиз Мансурга тегишли.

асар ҳам йўқ эди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кўриб хурсанд бўлдилар.

Жаброили Амин ерни урди, ундан сув чиқди. Бу сувдан таҳорат қилди. Пайғамбаримизга ҳам худди шундай таҳорат олишни буюрди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрганларини такрорлай бошладилар: аввал қўлларини ювдилар, оғизбурунларини чайдилар. Кейин юзларини ва қўлларини тирсақлари билан қўшиб, яхшилаб ювдилар. Бўйин ва қулоқларига масҳ тортдилар. Оёқларини тўпиқлари билан қўшиб ювдилар. Жаброил алайҳиссалом имомлигида икки ракат намоз ўқишди.

Уйга келдилар, фаришта Жаброили Амин кўрсатиб берганларидек таҳорат олдилар. Бундан мақсад уларни илк бор Аллоҳнинг Расули сифатида таниган ва эътироф этган Ҳазрат Ҳадича онамизга таҳорат ва намоздан таълим бериш эди.

Ҳазрат Ҳадича онамиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари ичида биринчи бўлиб намоз ўқиш шарафини ҳам қўлга киритдилар.

Ҳали ҳам маккаликларнинг ҳеч бири келган ваҳий ва ўқилган намоз ҳақида ҳеч нима билишмасди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларида бўлган Али бир куни амакиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Ҳадича онамизнинг намоз ўқишаётганларини кўриб:

– Нима қилаяпсизлар? – деди.

– Аллоҳга ибодат қилиб намоз ўқияпмиз.

Али шу кунгача ҳеч қаерда эшитмаган ҳақиқатларини улардан эшитди. Аллоҳ таолонинг юборган Пайғамбари ва унга инсонларни даъват қилиш буюрилгани, янги дин ҳақида маълумот олди. У ҳам янги динга даъват қилинди.

– Мен сизнинг Аллоҳ Расули эканингизга ишонаман ва динингиз ҳақ эканига иймон келтираман.

Шундай қилиб Ҳазрат Али шаҳодат калимасини айтиб Ислом динини қабул қилган иккинчи одам бўлдилар.

Йиллар давомида шу уйда улғайиб, шу уй соҳибларининг нон-тузини еган Зайд ибн Ҳориса Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан Исломга даъват қилинганда ҳеч ҳам иккиланмади.

— Мен гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг қули ва Пайғамбарисиз, — деди.

Бир неча йиллар олдин дунё саодатхонасига бир фарзанд сифатида кирган Ҳазрат Зайд тутинган онаси Ҳазрат Ҳадича, Ҳазрат Али ибн Абу Толибдан кейин учинчи бўлиб мусулмон бўлиш шарафини кўлга киритдилар.

\* \* \*

Абу Куҳофанинг ўгли Абу Бакр ҳамманинг ҳурматини қозонган яхши савдогар эди. У шунча йил яшаган бўлсада бирор марта бутларга сиғинмаган, «Ўзига фойда келтира олмайдиган тош одамларга нима фойда берарди!» — дея илоҳ билан тош ёки дарахтнинг орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўп бор такрорлар эди.

Шунга қарамай, ўзига ишонган, одамлар орасида ҳурмат қозонган, шарафли деб билинган кўп кишилар бу тошларнинг олдида бош эгишарди. Бу ишни улар шунчаки кўнгилхушлик учун эмас, ибодат сифатида уларни шунга лойиқ кўрганлари учун бажарардилар.

Ичкилик ичганларнинг қандай ҳолатга тушганини кўп бор гувоҳи бўлган Абу Бакр шаробнинг бир томчисини ҳам оғзига олмаганди. Зино деган балога эса мутлақо яқин йўламасди.

Ўша даврларда зино қилиш одатий ҳолга айланганди. Ҳаттоки айрим кимсалар аслзода ҳисобланган кишилардан фарзанд кўришни орзу қилиб, ўз аёлини уларнинг кўлига топширар, аёли ҳомиладор эканини аниқ билмагунча у билан алоҳида ётарди. Кейин бу ишни бажарган «аслзодалар»га ташаккур айтиб, совға-салом юборишарди.

Шаҳарда насл-насаби аниқ бўлмаган анчагина болалар бор эди. Ҳомиладор эмаслиги аниқ бўлган аёлнинг

олдига саккиз-ўн киши келиб турар, бундай чиркин иш то аёл ҳомиладор бўлгунича давом этарди. Бола туғилгач барча эркаклар ўша аёлнинг ёнига тўпланишар, аёл кимни танласа, ўша киши, ҳеч эътирозсиз, болага оталик қиларди.

Судхўрлик ҳам жуда кенг ёйилган эди. Пули кўплар томонидан қурилган бу «тегирмон» барча фақир ва кучсизларни ўз домига тортар, уларнинг пешона териси эвазига топилган пул судхўрларнинг чўнтагини қаппайтирарди.

Замон зўрларники эди. Заифлар доим оёқ остида эзиларди. Ўзаро ишонч туйғуси йўқолганди. Бир қабиладан бошқа қабила жойлашган ерга бориш, йўлда ўз молини ҳимоя қилиш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолганди. Қон тўкиш қийин иш эмасди. Жаҳл отига минган бирор киши адоват қилган душманининг бош чаноғида шароб ичиш учун қасамёд қиларди.

Қиз болаларнинг тириклайин қумга кўмилиши ёки бирор қудуққа ташлаб юборилиши, энг ёмони бундан ҳеч қандай виждон қийноғини ҳис қилмаслик оддий ҳолга айланганди. Бирор киши шундай ишни қилгандан кейин бироз бўлса-да афсусланса айб саналарди.

Халқ орасида шуҳрат топган шоирлар шеърларида ўзлари амалга оширган жирканч ва одобсиз ишларини айтиб мақтанишарди. Булардан бири бўлган шоир Амр ибн Кулсум шундай деганди:

«Ҳеч бир кимса бизга қарши жоҳиллик қилишга уринмасин. Акс ҳолда биз ҳам жоҳилларнинг жоҳиллиги ёрдамида ўзларига жоҳиллик қиламиз!»

Буларнинг ичида юксак тушунчали, фазилат йўлини тутган инсонлар ҳам йўқ эмасди, лекин улар жуда оз бўлиб, ҳузурсиз, ҳаловатсиз аҳволда эдилар. Чунончи, аввалдан соф ахлоқли, чин инсоний фазилатга эга бўлган Абу Бакр ҳам жуда қийналиб, бўғилиб кетганди. Бир четга ўтириб суҳбат қиладиган, кўнглини ёрса бўладиган яқинлари бармоқ билан санарли эди.

Ягона ишонгани, ҳар тарафлама ҳурмат қиладиган инсони Ҳошимийлардан бўлмиш Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эди.

Унинг анчадан буён Ҳадичанинг савдо-сотик ишларини бошқараётганини биларди. Халқ орасида Ал-Амин дея ном қозонган бу инсоннинг том маънода ишончли дўст бўлишига шубҳа қилмасди. Шу боис Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан самимий дўстлик ришталарини боғлаганди. Ўтган бир неча йиллар бу дўстликни янада мустаҳкамлади. Икки дўст бир-бирларига кўр-кўрона эмас, софдил, фазилатли бўлганликлари учун боғланганди. Ўттиз саккиз ёшга кириб ҳаётнинг пасту баландликларини яхшигина кўрган Абу Бакрнинг қалбидаги тош жуда оғир бўлиб, охирги пайтларда портлаш ҳолига келиб қолганди.

Абу Куҳофанинг ўғли Абу Бакр «Бироз бўлса-да кўнглимни ёзай, тоза ҳаво олай!» — деган мақсадда ўрнидан турди. У Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ёнига бориб, дардлашмоқчи, бу оғир ҳолатдан қутилиш йўлларини бирга қидиришни таклиф қилмоқчи эди.

— Қаерга кетмоқдасан, эй Муҳаммад?

— Сени излаб юргандим, Абу Бакр.

— Мен ҳам сени олдинга келаётгандим, вафоли дўстим!

Четроқ бир ерга ўтдилар. Бир неча ой олдин бошланган ғалати тушлар, кейин ёлғиз қолиш истаги ва Ҳиро ғорига келган фаришта ҳақида сўз кетди. Охир-оқибат Абу Бакр ягона Аллоҳдан бошқани тан олмайдиган Ҳақ динга даъват қилинди.

Абу Бакр ҳеч ўйланиб ўтирмади. Қалбида чин ишонч билан:

— Эй Муҳаммад, гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга бирор илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик бераманки, сиз Унинг қули ва Расулисиз! — деди.

Абу Бакрдан айнан шу нарса кутилганди. Шундан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларининг сони тўрт кишига етди. Уларнинг орасида Абу Куҳофанинг ўғли Абу Бакрнинг ўз ўринлари бор эди.

\* \* \*

Ҳазрат Абу Бакр ўттиз саккиз йиллик ҳаётларида бу қадар қалби роҳатланган ҳолда уйқуга ётмагандилар.

Шунча йиллик ҳаётлари давомида ҳамма эътиқод қиладиган бутпарастликка ҳеч кўниколмас, уларга сиғинмас, аммо кўнгиллари ҳузур-ҳаловатга қовуштирувчи бир динни орзу қилардилар. Бир инсон сифатида ўзлигини ва бутун оламларни яратган Зотни таниш шарафига эришиб, қалблари сокин бўлишига астойдил ишонардилар.

Улар энди қидирганларини топгандилар. Исломдан ташқарида бирор тўғрилиқнинг бўлишини ҳеч ўйлаб кўрмаган инсон сифатида ётоқларига кираркан, самимият билан шу сўзларни тинмай такрорлардилар:

— Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг Расулидир!

\* \* \*

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзларининг нури бўлган Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва кичик Фотималарнинг Исломни қабул қилишларида оталари ва оналари ҳеч қандай қийинчиликка дуч келишмади. Ибн Саъд улар ҳақида бирма-бир гапириб ўтаркан, «Оналари Ҳадича иймон келтиргач, улар ҳам иймон келтирдилар» — дейди. Зотан бу оиланинг тарбиялаган гул гунчаларидан бошқача ҳолатни кутиш ҳам тўғри бўлмас эди.

Нур юзли қизларнинг Ҳазрат Ҳадича онамиздан сўнг иймонга келганлар (Ҳазрат Абу Бакр, Ҳазрат Али, Ҳазрат Зайд розияллоҳу анҳумлар)дан олдин Исломга кирганми, ёки кейин — бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш мушқул. Ибн Саъд тарафидан берилган маълумотга кўра,

бу қизлар оналаридан кейин дарҳол иймон келтирганлар. Балки Ислом тарихида Ҳазрат Ҳадича онамизнинг иймон келтиришлари ҳақида гап кетганда бу нур юзли қизлар ҳам назарда тутилар.

\* \* \*

Макканинг оддийгина бир кўчаси.

Ўттиз ёшлардаги тарбияли, уятчан бир йигит. Ҳазрат Абу Бакрнинг айтаётган сўзларини диққат билан тингламоқда.

Ёлғиз ҳолда қилинган суҳбат бир қанча вақт давом этди. Охирида қўл сиқишдилар. Айрилишаркан Ҳазрат Абу Бакр:

— Бу нарса сир бўлиб қолиши керак, Усмон! Қасам ичиб айтаманки, сени фақат яхшиликка ундаяпман. Гапларимни тўғри тушун, — дедилар.

Айрилишди.

Усмон ибн Аффон ақлни жумбушга келтирувчи, дунёқарашни ўзгартириб юборадиган таклифга дуч келганди.

— Бу бутлар жонсиз нарсалардир. Ҳеч кимга фойда бермайди. Яхшилаб ўйлаб кўрсанг, гапларим қанчалар рост эканига амин бўласан. Уйларимизни қураётганимизда фойдаланадиган, тоғу водийларда учрайдиган тошлардан бу бутларнинг ҳеч қандай фарқи йўқ, — дейилганди унга.

Эс-ҳуши жойида бўлган одам бошқача ўйлаши мумкин ҳам эмасди. Усмон шу кунга қадар вақти-вақти билан бу тошларнинг илоҳ эмаслиги тўғрисида кўп бор ўйлаганди, бироқ «Мана бу сабаб туфайли улар оддий тошлардир» — демаган, яна ҳам аниқроғи бунинг учун жасорат топа олмаганди. Жиддий, самимий одам сифатида танилган Ҳазрат Абу Бакрнинг гапларига нисбатан «Йўқ, сен янглиш гапирмоқдасан» — деб ҳам айтолмасди.

У тунни юқоридаги каби ўй-хаёллар билан ўтказди. Овқат еганда ҳам, айланиб юрганда ҳам фикру хаёли фақат шу мавзу билан банд бўлди. Ётоққа кирган вақтида ҳам бутларнинг илоҳ ёки илоҳ эмаслиги ҳақида ўйларди.

Ҳеч бир шубҳа йўқки, юксаклардан узатилган маънавий бир қўл Усмонни қалбининг энг чуқур жойларигача қарашга мажбур қилганди, ўзи яшаб турган чиркин ҳаётдан тобора узоқлаштира бошлаганди. «Шу кунгача турган еридан бир одим ҳам нарига жилмаган, узоқ йиллар давомида қуёш нурларию ёмғир сувларида нурашдан ўзини асрай олмаган, кучли шамоллар келтирган тўзонларга, устига пешоб қилиб кетувчи итларга қарши ҳеч бир чора кўрмаган бу тошлар қайси йўл билан илоҳ даражасига кўтарилиб қолишди?!»

Усмон орсиз пашша каби тез-тез хаёлини банд қилган бу тушунчалар қаршисида узоқ тўхтаб, бирор балога йўлиқишдан кўрқиб, ётарди. Олаётган ҳар бир нафаси бутларни чин маънода тош эканини кўрсатар, Ҳазрат Абу Бакр айтган гаплар рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат экани ойдинлашиб борарди.

Эртаси куни тонгда тонг шамоли эсаркан, Усмоннинг қалбида ҳам Ислом қуёши порлади. Унинг илк иши Ҳазрат Абу Бакрни топиш бўлди. Тўғри уларнинг ёнига борди:

– Мени Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ёнига олиб боринг, — деди.

\* \* \*

Ҳазрат Абу Бакр ишончли ёшлар билан бирма-бир учрашиб, уларга буюк ҳақиқатни англата бошладилар. Улар билан кўришганларида бутлар ҳақида сўзлашар, ёлғиз Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ эканини айттар, шундан сўнг суҳбатдошида яхши муносабатни сезгач, Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида гапирардилар.

Зубайр ибн Аввом Ҳазрат Абу Бакр учрашган иккинчи йигит эди. Унга ҳам Ҳазрат Усмонга айтган гапларини айтдилар. Зубайр аввалдан ҳурмат қиладиган, яхши кўрадиган одами — Ҳазрат Абу Бакр тарафидан айтилган

гапларнинг маъносини ўйлаб кўрмади. Ҳазрат Абу Бакр майлику-я, Пайғамбар экани айтилган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни жуда яхши танир эди. Чунки Зубайрнинг онаси Сафийя Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаси эди. Ораларида яқин қариндошлик бор эди. Аммо қариндош эканлик Зубайрга камлик қилди. Эскидан ишониб келгани, отабоболаридан бир неча асрлардан буён мерос бўлиб келаётган ҳаёт тарзини тарк этиш унинг учун оғир туюлди.

Ҳақиқатан бу иш осон эмасди. Шу кунга қадар ақлу ҳуши жойида бўлган жуда кўп одамлар, биргина буйруқ билан юзлаб кишилардан ташкил топган қабилаларни ҳаракатга келтирган раислар, шоирлар, нотиклар, ёзувчилар оналару оталар – барчаси шу йўлдан юргандилар. Бу бутларнинг олдида бошини эггандилар.

Уларнинг қабул қилганларини рад этиш, уларнинг илоҳ деганларини фойдасиз бир тош деб айтиш осонгина иш эмасди.

Шу тарзда орадан анча вақт ўтди.

«Мен эсли-ҳушли одам бўлсам, нега ақл юргизиб кўрмаслигим керак!?»

Зубайрнинг онгида чақмоқдек чақнаган бу савол эски эътиқодини илдизлари билан суғуриб, ташқарига улоқтирди. Бутларни илоҳ деб ўйлаш ўз-ўзидан йўқолди. У Ҳазрат Абу Бакрни иккинчи марта учратган вақтида энди бутларни оддий тош эканини тан олганди.

– Мени тоғамнинг ўғли билан учраштиринг, Абу Бакр, – деди.

Бир қанча муддатдан сўнг Ҳазрат Ҳадичанинг иймон нури тўла уйларида Зубайр ибн Аввом исми билан танилган йигит қалбининг энг тубидан отилиб чиққан ва умр бўйи содиқ қоладиган асл ҳақиқатни дона-дона қилиб такрорларди:

– Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Унинг қули ва Расули эканига гувоҳлик бераман.

Набийлар Сарвари соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган кечани хотирлаганлар, ўша оқшом Ҳазрат Омийнага доялик қилиш учун келган икки аёлдан бирининг Шифо хоним эканини эсласалар керак.

Шифо хоним Фил воқеасидан ўн йил ўтгач бир ўғил туққанди. Уни Абди Амр деб атагандилар. Абдулкаъба деганлар ҳам бўларди.

Алчиқ-чучук ҳолда бир-бирини қувалаган йиллар Абди Амрни ўттиз ёшга олиб келганди. Ҳаётининг энг асосий ва энг гўзал йиллари бўлиши керак эди бу пайтлар.

Бир куни ниҳоятда ҳурмат қиладиган кишиси тарафидан тафаккурга даъват қилинганда Абди Амр кўлини пешонасига қўйганча ўйлашга мажбур бўлди.

— Маъқул, эй Абу Бакр! Фақат мен бу ҳақда бироз ўйлаб олай, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биродари Ҳазрат Абу Бакр билан бирга Абди Амрни қаршисида кўриб жуда мамнун бўлдилар. У ҳам иймон келтириш, ҳидоят ва саодат йўлига кирмоқ учун келганди. У ҳам шаҳодат калимасини такрорлади. Куфр ва инкор йўлини ҳеч қачон қайтмас бўлиб тарк этди.

— Сенинг исминг Абдурахмон бўлсин!..

Бу исмини унга пайғамбарларнинг энг буюги берганди.

Ўзлари яхши кўрган ва доимо яхши кўриб қоладиган исмни мана шу дунёда ҳам, охиратда ҳам йўлдошлари бўладиган йигитга бердилар. Бу йигит бир қанча йиллардан кейин Набийлар Сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилидан айтилган «Исмларнинг энг энг гўзали Абдуллоҳ ва Абдурахмондир!» — деган гапларини эшитганида, ўзини Абди Амр бўлишдан қутқарган ва Абдурахмон бўлиш шарафига етиштирган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга меҳр кўзлари билан боққанди. Унинг исми билан бирга ҳамма нарсаси ўзгарганди. У бутун

борлиғи билан эскилик сарқитларидан қутилиб, янгича ҳаёт бошлаганди.

Ҳазрат Абдурахмон ибн Авф иймон йўлида қардош бўладиган инсонлар билан танишди. Улар ҳали ҳам бармоқ билан санарли даражада кам эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйдагилардан ташқари тўрт киши — Ҳазрат Абу Бакр, Ҳазрат Усмон ибн Аффон, Ҳазрат Абдурахмон ибн Авф, Ҳазрат Зубайр ибн Аввом эдилар.

Бу ҳисобга Ҳазрат Зайд ибн Ҳориса ва ҳозирча балоғатга етмаган Ҳазрат Али кирмасдилар. Агар уларни ҳам қўшиб ҳисобласа, олти киши бўларди. Ўткинчи дунёда дунёнинг асл Соҳибига иймон келтирган, Уни инкор қилмаган, ҳеч қандай шерик қўшмаган олти бахтиёр инсон.

Ҳазрат Абдурахмон ибн Авф таҳорат қилишни, намоз ўқишни ўргандилар. Намозда нималар ўқилиши кераклигини такрорлай-такрорлай ёдлаб олдилар. Бундан кейин токи ҳаётларининг охирига қадар намозларининг ҳар ракатида ўқиладиган Фотиҳа сурасини Икки Олам Сарварининг ўз тилидан эшитдилар:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ {1} الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ {2} الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ {3}  
مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ {4} إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ {5} اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ {6}  
صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ {7}

Мазмуни: «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан!

Ҳамд оламларнинг Рабби — Аллоҳгаким, (У) Меҳрибон, Раҳмли ва жазо (ва мукофот) кунининг (қиёмат кунининг) Эгасидир.

Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз.

Бизни шундай тўғри йўлга йўллагинки, у Сен инъом этган зотларнинг йўли (ҳидоят йўли) бўлсин, ғазабга учраган ва адашганларнинг эмас!» (Фотиҳа сураси, 1–7-оятлар).

Иймон келтирганлар келажакда Аллоҳ таоло тайин қиладиган вақтгача ҳеч кимга ўз иймонларини ошкор этмаслик, одамлар олдида намоз ўқимаслик шартини қабул қилишди.

Кейинроқ Саъд ибн Абу Ваққос мусулмон бўлиш ша- рафини қўлга киритди.

\* \* \*

Ҳолид ибн Саид ибн Ос уйғонган вақтида юрагининг киндан чиққудек даражада тез ураётганини ҳис қилди. У бир туш кўрган эди. Мана шу тушининг таъбирини би- лиш учун уйдан ташқарига чиқди.

— Йўл бўлсин, қаерга отландинг?

— Ал-Амин билан учрашгани кетаяпман, Абу Бакр.

— Нима қилмоқчисан у ерда?

— Бир туш кўргандим. Ўшани айтиб бермоқчиман. Сен ҳам эшитсанг зиён қилмаса керак, менимча.

Иккиси биргаликда тўғри Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг уйларига қараб йўл олишди. Ҳолид йўлда Ҳазрат Абу Бакрга кўрган тушини айтиб берди:

— Даҳшатли бир жарлик ёқасида эмишман. Нотаниш бир одам мени пастга итариб юборди. Шу орада бирданига Ал-Амин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ пайдо бўлди. Менинг белимдан ушлаб жарга қулашдан қутқариб қолди. Унга ҳам бу тушни айтиб, нималар дейишини билмоқчиман.

— Тўғри айтмоқдасан, Ҳолид. Эҳтимол, Аллоҳ таоло сенинг ҳидоятга киришингни истаётгандир.

Ҳолид ибн Саид янги диннинг вужудга келгани ва ке- чагина Ал-Амин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ дея билишган инсони Пайғамбар сифатида вазифа олганини йўл даво- мида Ҳазрат Абу Бакрдан эшитди.

Набиййи Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам бу пайт- да Ажёд деган ерда эдилар.

— Бизни нимага даъват қиласан, эй Муҳаммад?

– Сизларни Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига ва Мен Аллоҳнинг Пайғамбари эканимни тасдиқ этишга даъват этаман. Шу кунгача топинганингиз – ҳеч нимани кўрмайдиган, эшитмайдиган, фойда ва зарар бера олмайдиган бутлардан юз ўгиришга чақираман.

– Мен гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг Пайғамбарисиз, келтирган динингиз ҳам ҳақ диндир.

Шундан кейин Ҳазрат Ҳолид кўрган тушини айтиб бердилар.

\* \* \*

Ҳаддан зиёд ночор ва камбағал бир чўпон қўйларни боқиб юраркан, икки кишига дуч келди.

– Сен кимнинг чўпонисан?

– Уқба ибн Абу Муайтнинг чўпониман.

– Қўйларингда биз тўядиган миқдорда сутинг борми?

– Албатта, бор, лекин мен бор-йўғи бир чўпонман. Сут беришга ҳаққим йўқ. Менга билдирилган ишончни поймол қилолмайман.

– Яхши, унда бизга бирор сути йўқ қўйни кўрсата оласанми?

Чўпон сурувдан бир қўйни етаклаб чиқди, унинг сути йўқ эди.

Юзидан нур ёғилиб турган инсон қўйнинг оёқлари орасини очиб дуо қилди. Бирдан қўйнинг елини катта-лашиб, сутга тўла бошлади. Нариги киши чўпондан бир идиш сўради. Чўпон ўзи билан олиб юрадиган сопол идишни узатди.

Сут соғилди. Олдин соққан киши ичди, кейин биродарига берди. Кейин эса идишдаги сутни чўпонга бердилар. Ҳаммалари сут ичиб тўйишгач, қўйнинг елини аввалги ҳолига қайтди. Гўёки бироз олдин сут билан тўлиб-тошган елин бу қўйники эмасдек эди.

– Эй улуғ инсон! Бу қўйни соққан пайтингда нима деб дуо қилганингни менга ҳам айта оласанми?

– Исминг нима?

– Абдуллоҳ, Масъуднинг ўғлиман.

– Сени ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва бутларга топинишни бас қилишга чақираман.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапларни айтар эканлар, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг бошини силаб:

– Аллоҳ сендан марҳаматини дариф тутмасин. Сени хос қулларидан қилиб, қалбингга илмни жо этсин! – дер эдилар.

Абдуллоҳ шаҳодат калимасини айтди. Энди у «Иймон ва Ислом лашкари»нинг ҳозирча жуда заиф, бироқ кучли иймонга эга аскарларидан эди.

Мўминларнинг сони ўнгача эди. Кейинроқ Ҳазрат Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Ҳазрат Абу Убайда ибн Жарроҳ, Ҳазрат Абу Салама, Арқам ибн Абу Арқам, Ҳазрат Усмон ибн Маъзун, Ҳазрат Убайда ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиблар мусулмон бўлдилар.

\* \* \*

Бир замонлар Яман тарафлардан келиб, Бани Муғира уруғининг ҳимоясига кирган Ёсир шу уруғга тегишли Сумайя исмли бир жорияга уйланганди. Бу турмушдан Аммор ва Абдуллоҳ дея исм берилган икки ўғил дунёга кеганди.

Орадан кўп йиллар ўтди ва ўша икки болакай балоғатга етдилар. Бир куни Аммор Макка кўчаларида айланиб юрар экан, бир қанча кишининг Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳақида суҳбатлашаётганларини эшитиб қолди. Суҳбат жуда қизғин эди. У Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан шахсан кўришишни истаб, сўраб-суриштирди.

Ниҳоят Ҳазрат Арқам ибн Абу Арқамнинг уйларида эканликларидан хабар топди. Кўришиш учун ўша уйга борди. У ерда Суҳайб ибн Синон Румий ҳам бор эди.

– Эй Суҳайб, бу ерда нима ишинг бор?

– Сен ўзинг нима қилиб юрибсан?

– Мен ичкари кириб Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг сўзларини эшитмоқчиман.

– Менинг ҳам истагим худди сеникидек.

Биргаликда ичкари киришди. Маънолар оламидан келиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дудоқларидан тўкилаётган каломни тингладилар. Бу сўзларни ҳар тарафлама мукамал эканини эътироф қилишиб, иккиси ҳам шаҳодат калимасини айтишди. Оқшомга қадар ўша ерда қолишди.

Кўп ўтмай Ҳазрат Амморнинг оталари Ёсир, оналари Сумайя ва укалари Абдуллоҳ ҳам мусулмон бўлдилар. Шундай қилиб, бутун бир оила Ислом динига кирган, қалблар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган тарафга қараб йўналганди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб Ҳазрат Усмон ибн Маъзун икки укасини қўлларидан тутганча олиб келдилар. Қудома ва Абдуллоҳ акалари каби Ислом ва иймон билан шарафландилар.

\* \* \*

Буюк пайғамбар Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динини қидириб йўлга чиққан, минг турли машаққатларга қарамай, ниятига ета олмаган Зайд бу кунларга етганда ким билади, қандай байрам қилган бўларди!? Бироқ тақдирга қарши чиқиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

Зайднинг кичик ёшида ташлаб кетган ўғли Саид катта бўлди. У оғир-босиқ, кам гапирадиган, тарбияли йигит бўлиб улғайди. Амакиси Хаттоб унга кўз-қулоқ бўлиб турди. Қизи Фотимага уйлантириб қўйди.

Кунлардан бир куни Саид ўзини ҳақиқат оламидан келган бир даъват қаршисида кўрди. Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқлигини тасдиқлашга таклиф этилди.

Бу ҳақли таклиф эди. Отаси Зайд худди шундай таклифни эшитиш, Аллоҳга олиб боргувчи йўлда ўзига раҳнамо топиш мақсадида ҳад-ҳисобсиз қийинчиликларга бардош берганди.

Ҳаққа ва фазилатга чақирган бу таклифга эргашмай бўлмасди. Қисқа вақт ичида хотини Фотиманинг қалбида иймон нури порлади. Шу тарзда ёш оилага Ислом нури кириб келди. Улар мусулмон бўлишнинг завқини туйдилар.

Бу орада Ҳазрати Абу Бакр қизлари Асмонинг мусулмон бўлгани ҳақидаги хушxabарни келтирдилар.

Ҳаббоб ибн Арот, Умайр ибн Абу Ваққос, Масъуд Ал-Қорий, Салит ибн Амир, Айёш ибн Абу Робиа ва унинг хотини Асмо, Ҳунайс ибн Жаҳш шаҳодат калимасини айтдилар ва мусулмон бўлдилар.

Абу Толибнинг ўғли, Ҳазрат Алининг акаси Жафар унинг аёли Асмо бинти Умайс, Ҳотиб ибн Ҳорис ва унинг хотини Фотима бинти Мужаллал, Ҳотибнинг укаси Хаттоб ибн Ҳорис ва унинг хотини Фуқайҳа бинти Ясар Маъмар ибн Ҳорис, Ҳазрат Усмон ибн Маъзуннинг ўғиллари Соиб, Мутталиб ибн Азҳор ва унинг хотини Рамла, Нуайм ибн Абдуллоҳ, Амир ибн Фуҳайра, Ҳотиб ибн Амр, Утба ибн Робианинг ўғли Абу Ҳузайфа, Воқид ибн Абдуллоҳ — буларнинг бари яширин даъват пайтида Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлишди.

\* \* \*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тушган оятларни унутилмасин ва яхши муҳофаза қилинсин, деган ўйда ёздириб борардилар. Оятлар қўлма-қўл тарқалар, хоҳлаганлар уларни ёд оларди.

\* \* \*

Ваҳий тушиш вақтида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унутиб қўйишдан қўрқиб оятларни Жаброил алайҳиссалом билан биргаликда такрорлардилар.

Аршдан келган амр уларни фақат тинглашга буюрди:

لا تُحَرِّكْ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ {16} إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُ وَقُرْآنَهُ {17} فَإِذَا قَرَأْنَاهُ فَاتَّبِعْ قُرْآنَهُ {18} ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُ {19}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад! Қуръонни) тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан (кўп) ҳаракатлантираверманг. Зеро, уни (Сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингиздаги) қироати ҳам Бизнинг зиммамиздадир. Бас, қачон Биз (Жаброил тилида) уни ўқисак, Сиз ҳам уни ўқишга эргашинг! Сўнгра уни (Қуръонни) баён қилиб бериш ҳам, албатта, Бизнинг зиммамиздадир» **(Қиёмат сураси, 16–19-оятлар)**.

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан кейинги ҳолат ҳақида шундай дегандилар:

– Келган ваҳий тугагач, у худди қалбимга ўйиб ёзилгандек муҳрланиб қолади.

Яна бир бошқа ҳадисда шундай деганлар:

– Худди қалбимга китоб ёзилаётганини ҳис қилиб турман.

Бундан кейинги вазифа оятларни инсонларга айтиб бериш ва уларни тўғри йўлга даъват қилиш бўларди.

Севикли Пайғамбаримизнинг муборак қалбларига жо қилинган оятлар билан бирга шунга мос тарзда хос бир илм ҳам сингдирилганига ҳеч бир шубҳа йўқ. Чунки Буюк Аллоҳ Каломида:

ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُ {19}

Мазмуни: «Сўнгра уни (Қуръонни) баён қилиб бериш ҳам, албатта, Бизнинг зиммамиздадир» **(Қиёмат сураси, 19-оят)**.

Нубувватнинг келганига ҳам икки йилча бўлганди. Хаттоб ўғли Умарнинг уйида чақалоқ йиғиси эшитилди.

Эртанги куннинг буюги бўладиган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини шахсан

ўз ҳаётига тадбиқ этадиган ва асҳоби икромнинг энг олдинги сафидан жой оладиган гўдакка Абдуллоҳ деб исм бердилар.

Ҳозирча Абдуллоҳ ўзига шундай исм қўйилганидан беҳабар ҳолда ётарди.

\* \* \*

Абу Толиб бир кун шаҳар ташқарисида кезиб юраркан, сира кутилмаган манзарага дуч келди. Олдинда жияни Муҳаммад Ал-Амин, ундан бироз орқароқда ўғли Али биргаликда ибодат қилишарди.

– Бу ерда нима қиляпсизлар, эй Абу Қосим? Бу бажарётган ҳаракатларингиз нима?

– Амакижон! Бу Аллоҳнинг бизга юборган динидир. Фаришталарнинг, пайгамбарларнинг ва шахсан бобомиз Иброҳим алайҳиссаломнинг динидир. Аллоҳ таоло мени бу динга даъват қилиш учун танлади. Сиз эса мен бу динга киришимни чин қалбимдан хоҳлаган инсонлардан бирисиз, амакижон! Бу даъватни қабул қилишга энг лойиқ одам ҳам сизсиз.

Абу Толиб жавоб берди:

– Ота-боболаримнинг динини тарк этолмайман. Лекин мен ҳаёт эканман, сенга Қурайш томонидан ҳеч бир азият етмайди.

Сўнг ўғлига қаради:

– Амакингнинг ўғли сени фақат хайрли бир ишга даъват қилибди. Ундан ҳеч қачон айрилма, – деди.

\* \* \*

Энди ваҳий тўхтамай, пайдар-пай келаётганди:

يَا أَيُّهَا الْمَرْمَلُ {1} قَمِ اللَّيْلَ إِلَّا قَلِيلاً {2} نَصْفَهُ أَوْ انْقُصْ مِنْهُ قَلِيلاً {3} أَوْ زِدْ عَلَيْهِ وَرَتِّلِ الْفُرْآنَ تَرْتِيلاً {4} إِنَّا سَنُلْقِي عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلاً {5} إِنَّ نَاشِئَةَ اللَّيْلِ هِيَ أَشَدُّ وَطْئاً وَأَقْوَمُ قِيلاً {6} إِنَّ لَكَ فِي النَّهَارِ سَبْحًا طَوِيلًا {7} وَادْكُرْ اسْمَ رَبِّكَ وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلاً {8} رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَاتَّخِذْهُ وَكِيلًا {9}

Мазмуни: «Эй (кийимларига) ўралиб олган киши (Муҳаммад!) Тунда (бедор бўлиб, намозга) тулинг! Фақат озгина (ухлашга вақт қолсин!) Яъни ярми (қолсин) ёки ярмидан ҳам бироз камайтинг! Ёхуд унга (бироз вақт) кўшинг (ярмидан кўпроғида ухланг) ва Куръонни «тарти» билан (дона-дона қилиб) тиловат қилинг! Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни (Куръонни) туширажакмиз. Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш фаолият жиҳатидан оғирроқдир, (лекин) сўз (сўзлаш, қироат қилиш) жиҳатидан қулайроқдир. Албатта, Сиз учун кундузи (пайгамбарлик ишлари билан) давомли машғулот бордир. Раббингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай ажралинг! (У) машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, Унигина вакил (ҳимоячи) қилиб олинг!» **(Муззаммил сураси, 1–9-оятлар).**

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятлар билан тунги ибодатларга буюрилган эдилар.

\* \* \*

Ўша кунларда исми тарих китобларига ҳам битилмаган бир одам жоҳилият даврининг ёмон одатларидан бирини бажаришга бел боғлаганди.

Унинг ширингина, ёқимтой бир қизи бор эди. Қизалоқ отасини жуда яхши кўрарди. Чақирган заҳоти «Лаббай, отажон!» — деганча югуриб келар, ота-онасига эркалалар, бағирларига кирарди.

Яна бир куни исмини эшитгач, ўқдай учиб келди. Ҳар доимгидай отасининг қучоғига отилди.

Ота уни кўлидан тутди. Ширин-ширин суҳбатлашганча қаергадир кетардилар. Уйларидан анчагина узоқлаб кетишди. Ота қизига турли ноз-неъматлар ҳақида гапирар, яқинда қариндошларидан бирининг тўйига оладиган кўйлаги тўғрисида сўзларди.

Шунда қизалоқ кутилмаганда ўзининг итариб юборилганини ҳис қилди. Эндигина олдидан ўтиб кетган қудуқ

қизалоқни ҳеч қачон ташқарига чиқмайдиган қилиб ютиб юборди. Аммо юқорида ҳайвонларгагина ярашадиган бу ишни қилган отанинг қулоғига:

— Отажоним, отажоним!.. — деган овозлар эшитилди. Ота қизининг оғзидан эшитган охирги сўз шу бўлди. Кейин пешонасидаги терларни артиб, тезда у ердан узоқлашди. Ким билади бечора гўдак қудуқ ичида яна қанча вақт «Отажоним!..» — дея инграб ётади.

Келажакда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилган даврларида мусулмон бўладиган бу ота бўлиб ўтган воқеани уларга сўзлаб беради, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса соқоллари ҳўл бўлганча дув-дув ёш тўкадилар.

\* \* \*

Жоҳилият даврининг шафқатсиз одатига кўра бир одам қиз фарзанд кўрса, ўзини уятдан ерга киргудек ҳис қиларди. Уни одамлар қўли билан кўрсатишар, обрў-эътибори гўёки бир пул бўларди. Энди у тенгқурлари олдида кўкрак кериб юра олмас, ҳеч кимнинг юзига қарай олмасди. Бу дарддан қутулишнинг чораси тақдирга тан бериш, ёки нима бўлса ҳам қизни катта қилиш эди. Яна бир йўли эса қизини тириклайин тупроққа кўмиш эди.

Мана шундай қарама-қаршиликлар исканжасида олти ёшигача боқиб катта қилган қизининг қўлидан тутганча, тириклайин кўмган яна бир ота ва унинг толесиз қизи ҳақидаги воқеа қуйидагича:

Ота ва қиз ҳеч ким кўрмайдиган бир ерга келдилар. Ота елкасидаги белқуракни қўлига олди ва чуқур қазишни бошлади.

— Отажон, нима қияпсиз? Бу ерни нега қазияпсиз?

— Шу ерга сени кўмаман.

Қизчанинг ҳуши бошидан учди. У отасини жуда яхши биларди. Олдидаги одамни юз-хотир қилиб ўтирмайдиган табиати, ҳар бир сўзни шунчаки сўйламайдиган одам эканини яхши ҳис қиларди.

Ёшга тўлган кўзлар отага қадалди:

— Отажон, мени ўлдирманг, жон отажон!..

— Қани, ҳиқилламай тургинчи.

Ёлвориш беҳуда, ягона чора қочиш эди. Ширин жон ўлишни сира-сира истамасди.

Пешонасидан оққан терларни арта-арта чуқур қазиётган ота бирданига олдинга отилди.

— Тўхта, қочма! — дея бақириб югурди.

Бор кучини тўплаб қочаётган қизалоқнинг орқасидан етиб келган ва сочларидан қаттиқ тортган кўл уни таққа тўхтатди. Кейин қизни судраганча чуқурнинг ёнига олиб келди.

Ота қазишни давом эттирди, қизалоқнинг кўз ёшлари унга эш бўлди.

Ота қўлидаги белкуракнинг сопини тиззасига тиради. Унга суяниб дам олмоқчи эди. Бирдан санчиб қўйилган еридан отилиб чиққан белкурак бир сиқим тупроқни ҳавога кўтарди. Отанинг юз-кўзлари тупроққа беланди. У ерга ўтириб юзини тозалай бошлади. Отасининг бу ҳолатини кўрган қизалоқ ўрнидан сакраб турди:

— Отажон, мени ўлдирсангиз, сизнинг соқолингизни ким тараб кўяди? Юзингизни ким ювиб кўяди? — деб қўлчалари билан отасининг соқолларини тарай бошлади.

Отаси унинг қўлларни силтаб ташлади. Ўтирган еридан турди. Яна қазишни бошлади.

Кейин тўхтаб бошини эгди, бир муддат ўйлаб қолди. Йиғлайверганидан кўзлари шишиб кетган боласига тикилди. Олти йилдан буён катта қилаётган, суйиб-эркалатган боласи эди бу. Унинг жонидан осонгина кечиш мумкин эмасди.

Бирданига фикридан қайтмоқчи бўлди. Қизалоғини қўлларидан тутиб Маккага қайтмоқчи ҳам бўлди.

Шундай бўлганида бечора қизалоқ қанчалар севи нарди. Янгидан ҳаётга қайтгандек бўларди. Ким билади, ҳозир уйида қанча дардли онлар бошдан кечаётган, нечалаб оҳлар урилган, кўз ёшлар тўкилаётган экан!?

Бу ишнинг бошқа бир томони ҳам бор эди. «Қизини ўлдириш учун олиб бориб эплай олмай, қайтариб келибди!» — дейишмайдими? Умр бўйи иснод келтирадиган бу қизга қандай чора топиш мумкин?

Бир қанча сония шундай ўтди. Соатларга, ҳаттоки бир неча кунларга етгулик ўй-хаёллар яшин тезлигида хаёлидан кечди. Кейин қўли яна белкуракни топиб, қазишни давом эттирди.

Етарлича қазиганига қаноат ҳосил қилди. Ерда инграганча ётган қизалоқ вақт бўлганини фаҳмлади. Мўлтираган кўзлари билан отасига қаради, лекин бу кўзларда оташни кўрди. Кейин яна ўрnidан туриб қоча бошлади.

Ота яна қизининг ортидан қувиб етди. Энди қутулишнинг бошқа имкони қолмаганди. Қизалоқ фақатгина «Отажоним! Отажоним!» — дея йиғларди.

Бир парча латтадек улоқтирилган жажжи вужуд чуқурнинг четларига туртилиб-туртилиб қулаб тушди. Шафқатсиз отанинг бақувват қўллари уйилган қум аралаш тупроқни таталаб чуқурга тортар, оёғи билан сўнгги бор чуқурдан чиқишга уринаётган гўдакнинг устидан босиб турарди. Боши, кўзлари қумга беланган қизалоқ бир-икки чирангандан сўнг ҳаракатлари секинлашди. Устма-уст тушаётган қум-тупроқ уюми унга оғирлик қилар, нафаси ҳам қисила бошлаганди. Оёқлари тагидаги вужуднинг ҳаракатдан тўхтаганини сезган ота енгил нафас олди. Пешонасидаги терларни артди ва секин-секин қолган қум-тупроқ билан чуқурни тўлдирди.

Ўша кеча уйдаги ҳамма худди оғзига талқон солгандек эди. Ота ҳар доимгиданда асабийлашган эди. Унинг бу ҳолати уйдаги бирор кишига овоз чиқаришга изн бермасди. Фақатгина қўллар тез-тез кўзларга олиб борилиб, оққан ёшларни артарди.

## ОЧИҚ ДАЪВАТГА ИЛК ҚАДАМ (Яқин қавм-қариндош)

Ҳиро тоғидаги ғорда фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг келиб, «Ўқинг!» амрини бергандан бери орадан уч йил вақт ўтди. Ҳар тарафдаги қалби тоза инсонлар ўта ҳассослик билан танланиб динга даъват этилди, муваффақият қозонилди. Уларнинг ичида озод кишилар ҳам, қул бўлганлари ҳам бор эди. Эркагу аёли ҳам бор эди. Кимларидир жуда бой, кимларидир фақир эдилар.

Аллоҳ таоло тарафидан «Сабиқун аввалин» деб аталган бу шараф эгалари бутлар олдида эгишдан қутқарган бошларини Аллоҳ ҳузурида саждага қўйиш саодатига эришгандилар.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйидаги муҳим амрни олдилар:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ {214} وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ  
{215} فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تَعْمَلُونَ {216} وَتَوَكَّلْ عَلَى الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ  
{217} الَّذِي يَرَاكَ حِينَ تَقُومُ {218} وَتَقَلِّبُكَ فِي السَّاجِدِينَ {219} إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ  
الْعَلِيمُ {220}

Мазмуни: «Яқин қариндошларингизни (Аллоҳ азобидан) огоҳлантиринг! Сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг! Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: «Албатта, мен сизлар қилаётган ишдан покдирман». Қудратли ва Раҳмли (зот)га (барча ишларингизда) таваккул қилинг! У Сизни (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам кўради, сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида кезган (вақтингизда ҳам) кўриб турур. Албатта, У Эшитувчи ва Билувчидир» **(Шуаро сураси, 214–220-оятлар).**

Машаққатли кунлар сари қўйилган қадам шундай бошланганди. Энди Ислom қилинган яширин даъватларга эргашган, мусулмонликни қабул қилмаган бўлса ҳам

сир сақлай олишига ишонилган кишилардан ташқари ёйилмоқда эди. Илк даъват яқин қариндошлардан бошланди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини зиёрат қилиб келган аммаларига вазиятни тушунтирдилар. Бир зиёфат уюштириб, ҳамма қариндошларни чақирмоқчи, кейин ўша жойда янги дин ҳақида хабар бермоқчи эканликларини сўзладилар.

— Хоҳласанг шундай зиёфат бер, бироқ Абдулуззо (Абу Лаҳаб)ни зиёфатга чақирма. Чунки у сенинг даъватларингни қабул қилмайди, — дейишди улар.

Улар укаси Абдулуззони беш қўлдек яхши билишарди. Хоҳласа сувни тескари оқизадиган одамлар хилидан эди у. Бироқ «Яқин қариндошлар» деган лафзга Абдулуззо ҳам кирар эди. Чунки у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси эди. Аршдан келган амрни эса бажармаслик ёки пайсалга солиш асло мумкин эмасди.

Бир киши бемалол тўядиган миқдорда гўшт пиширилди. Худди шунча сут ҳам ҳозирланди. Амакию аммалар, бошқа яқин қариндошларнинг бари таклиф қилинди. Дастурхонга тортилган таомдан аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тановул қилдилар, сўнг барчани:

— Марҳамат, дастурхонга қаранглар! — деб айтдилар.

Ҳамма тўйгунича гўштан тановул қилди, бироқ гўшт ҳали ҳам дастурхонда, қандай қўйилган бўлса, шундайлигича камаймасдан турарди.

Навбат сутга келди. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам сутдан бироз ичдилар. Кейин таклиф қилинганлар ича бошлашди. Ҳамма сутга тўйган бўлсада, сут аввалгидек эди.

Шундан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мақсадларини англатмоқчи бўлдилар. Лекин кутилмаганда Абдулуззо ўрнидан турди. У жуда асабийлашган эди:

— Қасам ичиб айтаманки, у сизларни сеҳрлади! — дея бақирди.

Ҳаяжондан портлагудек ҳолга келганди. Тинмай бақириб-чақирарди. Зиёфат шу ҳолда давом этса, яхшилик билан тугамаслиги аниқ бўлиб қолди. Шу боис меҳмонлар бирин-кетин тарқалишди.

Орадан бир кун ўтгач яна таклиф бўлди. Абдулуззо яна бирор кўнгилсизликни бошламасин, деган мақсадда бу зиёфатга чақирилмади. Бироқ у Бани Ҳошим уруги вакилларининг такрор йиғилаётганини кўргач, таклифсиз бўлса ҳам уларга эргашди. Ҳеч ким унга:

— Сен таклиф қилинмагансан, меҳмондорчиликка борма! — деб айтмади.

Абдулуззо бир кун аввалги разиллигини такрорлаб, ҳаммани ҳузурсиз аҳволга солди. Ўша кундаги каби бақириб-чақирди. Сўзларини:

— Қариндош-уругига сенчалик ёмонликлар қилган кимса топилмаса керак! — дея тугатди.

Ҳамманинг кайфияти бузулганди. Мақсад ойдинлашмай, йиғилганлар яна тарқалдилар.

Абдулуззонинг мақсади нима эди? Нима учун ҳаммани асабини бузиб, қирқ йилдан буён ҳар бир одамнинг мақтовига сазовор бўлган жиянини ёмонлаш фикри унинг миясига қаердан келиб қолганди? Ягона сабаб дегулик ҳодиса қуйидагича бўлганди:

Бир куни укаси Абу Толиб билан жанжаллашаётган Абдулуззо уни остига босиб, калтаклай бошлади. Бу орада етиб келган Улуғ Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Абу Толибнинг ёнини олди. Абдулуззони Абу Толибнинг устидан иргитиб юборди. Энди калтаклаш навбати Абу Толибга келганди.

Шу воқеадан кейин Абдулуззо жиянига нисбатан кин сақлаб юрди. «Қасам ичаманки, бундан сўнг сени ҳеч қачон яхши кўрмайман!» — деганди.

Абдулуззо гиначи одам эди. Табиатида ҳасадгўйлик бор эди. Юрагини ёндирган кин ва ҳасад олови унинг ҳақ

йўлга юришига монелик қилар, сўз тинглашга тоқати, уни англайдиган қалби йўқолганди.

Ҳолбуки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам орадаги бу совуқчиликни бартараф қилиш ниятида кўзларининг қораси бўлмиш Руқайя ва Умму Қулсумни Абдулуззонинг икки ўглига унаштириб қўйгандилар. Лекин бу иш ҳам Абдулуззонинг ичидаги оташни асло сўндирмади.

Орадан бир қанча қайғули кунлар ўтди. Жаброили Амин келди. Олдинги амрни яна такрорлади, агар бажармаса қаттиқ азоб бўлиши мумкинлиги билан огоҳлантирди.

Икки Олам Сарвари соллаллоҳу алайҳи васаллам яна қариндошларини уйларига таклиф қилдилар. Таом ейилиб, ичимликлар ичилди. Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар ва шундай дедилар:

— Мард киши ўз оиласига ёлғон сўзламайди. Мен агар бутун инсониятга ёлғон гапирсам ҳам, сизга ёлғон гапирмайман. Ҳамма одамларни алдасам ҳам, сизларни алдамайман.

Эй Абдулмутталибнинг ўғил-қизлари! Қасам ичиб айтаманки, мен келтиргандан кўра шарафли ва фойдали бўлган нарсани, ҳеч ким ўз қавмига келтирмаган. Мен сизга дунё ва охират саодатига, шарафига эришмоқликни англатиш учун юборилдим. Буюк Аллоҳ сизларни бу динга даъват қилишни менга амр қилди. Ўзидан бошқа ҳеч бир илоҳ бўлмаган Аллоҳ номи билан онт ичаманки, мен Унинг бутун инсониятга ва бошқа мавжудотларига, шу қаторда сизларга юборилган пайғамбариман.

Сизлар худди ухлаганларингиз каби ўласизлар, уйқудан уйғонганларингиз каби тириласизлар. Кейин эса бу дунёда қилган ишларингиздан ҳисоб берасизлар. Яхшилик қилган яхшилик топади, ёмонлик қилган жазосини олади. Жаннат ва жаҳаннамга абадий кирадилар.

Ичларингиздан қай бирингиз қариндошим сифатида мени қўллаб-қувватлайсиз?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларини шундай тугатдилар. Бироқ ҳеч ким «чурқ» этган овоз чиқармади. Бир-бирларига қарашиб, бошларини қуйи солишди. Шу аҳволда бир муддат кутдилар. Охири ҳали ҳам балоғатга етиб улгурмаган Ҳазрат Али ўринларидан турдилар:

— Ораларингизда энг кичиги ва кучсизи менман. Бироқ Сизга ёрдамчи бўлишга, доимо ёнингиздан айрилмасликка тайёрман! — дедилар.

Ҳазрат Алининг бу ишидан кулганлар, Абу Толибга маъноли қараб қўйганлар бўлди.

Абдулуззо эса яна ишни расво қилишни истади:

— Агар араблар оёққа турсалар борми, ўзимизни асло қутқара олмаймиз. У бизни лақиллатмоқда! — деб бақириб, йиғилганларнинг кўнглига ғулғула солмоқчи бўлди.

Абу Толибнинг жаҳли чиқди:

— Эй кўрқоқ! Қасам ичаманки, биз тирик эканмиз, жиянимни қўриқлаймиз! — деди.

Кейин Икки Олам Сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламга қаради:

— Эй укамнинг ўғли! Қачон одамларни даъват қилишни истасанг, менга хабар бер. Қуролланиб келаман ва сен билан бирга ёнингда бўламан! — деди.

Йиғилганларнинг орасида Абдулуззонинг фикрини қувватловчи ҳеч ким топилмади. Улар ҳозирча янги динни қабул қилишмаган бўлса ҳам, ораларида Абдулуззо каби очикдан-очик қарши чиққан бошқа кишининг бўлмагани яхши натижа эди.

\* \* \*

Даъват борасида яна бир қадам ташланди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай амр олдилар:

فَاَصْدَغَ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرَضَ عَنِ الْمُشْرِكِينَ {94}

Мазмуни: «Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни ҳақ динга даъватни) ошкора қилинг ва мушриклардан (ҳозирча) юз ўгиринг!» (Ҳижр сураси, 94-оят).

Энди яширин ҳолда иш юритиш даври ниҳоясига етганди. Қавму қариндош, дўсту бегона — барча баробар бу даъватни эшитиши лозим эди.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам маккаликлар муҳим ишларни амалга оширмоқчи бўлишганида тутадиган йўлдан бордилар. Каъба яқинидаги Сафо тепалигига чиқдилар, қўлларини қулоқларига қўйдилар ва бор кучларини тўплаб:

— Эй маккаликлар, эй маккаликлар!.. — дея бақирдилар.

Муҳим бир масала бор экани аниқ бўлди. Ҳамма тўпланди, эшитмаганларга хабар жўнатилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофини ўраб олган оломонга қарата:

— Эй қурайшликлар! Сизларга шу атрофдаги тоғнинг этагида қуролланган отлиқ қўшин ҳужум қилишга тайёр турибди, десам менга ишонасизларми? — дедилар.

Йиғилганлар ҳеч бир кутиб ўтирмасдан жавоб қайтардилар:

— Эй Ал-Амин! Сенинг ёлғон сўзлаганингни ҳеч қачон эшитмаганмиз! Албатта, сўзларингни тасдиқлаймиз.

— У ҳолда шуни билингларки, мен сизларга улуғ бир азобнинг келишидан олдин юборилган хабарчиман. Сизларни Аллоҳдан бошқа маъбудга топинмасликка ва мени Аллоҳнинг Расули эканимни тасдиқлашга чақираман. Агар қабул қилсангиз, бунинг эвазига жаннат билан мукофотланишингизга кафолат бераман. Қабул қилмасангиз дунё ва охирада сизларга ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларини давом эттира олмадилар. Олдинги сафлардан бирида турган қизил соқолли одам ердан олган тошини улоқтирди.

— Бутларнинг қаҳрига учра, қўлларинг қурисин! Бизни шу гапларни айтиш учунгина тўплаганмидинг бу ерга? — дея ҳайқирди.

Бу одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси Абдулуззодан бошқаси эмасди. У киши амаки бўла туриб шундай иш қилса, бегонадан нимани кутиш мумкин?!

Йиғилганлар бошларини экканча тарқалдилар. Уларнинг орасидан бирор марди чиқиб:

— Албатта, биз сенинг ёлғон гапирганингни ҳеч қачон эшитмадик. Аммо бу сафар абадий саодатга эришмоқ ёки уни йўқотмоқ каби муҳим масала қаршисида турибмиз. Аллоҳнинг Пайғамбари эканингни қай тариқа исботлай оласан? — деб айтмади.

Улар ўзларини қаерга судраса, ўша тарафга эргашиб кетаверадиган оломондек эмас, балки нима қилаётганини, нима қилмоқчи эканини биладиган онгли инсонлар жамоасидек тутиши, шунга хос тарзда сўзлашлари, жавоб ва исбот талаб қилишлари керак эди. Қисқача айтганда, жуда аҳамиятли бўлган бу иш биргина Абдулуззонинг бетаин ҳаракати билан барбод бўлмаслиги лозим эди.

Улуғ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигидан ғамгин ҳолда узоқлашдилар.

\* \* \*

Кейинчалик Аллоҳ томонидан «Абу Лаҳаб» дея ном берилгувчи Абдулуззо Сафо тепалигидан қайтаркан, қойилмақом иш қилганига амин эди. «Бир неча кун олдин қариндошлар орасида қилган сеҳр-жодулари етмаётгандек, энди бутун қурайшликларни оёққа турғизмоқчи эканига шундайгина қараб тураманми?! Аксинча бўлиб, бу ишнинг охири ғалаба билан якунланса, Муҳаммад катта шухратга эришиб, Мен унинг соясида қолиб кетсам нима бўлади?»

Мукаммал режага асосланган уруш очиш вақти келганди. Жиянини жим қилиш ва тўхтатиш учун яхшилаб ўйлаб олмоқчи, қўлидан келган барча ишларни қилмоқчи эди. Унинг бу даъвоси билан ёлғиз қолдириш, чорасиз

аҳволга тушириш учун нима лозим бўлса, барини амалга оширишга аҳд қилди.

Хотини Умму Жамил ҳам айни шу фикрда эди. Шу кундан бошлаб энг яқин кўшниси бўлган Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг уйига девор тепасидан тошлар ташлай бошланди. Эрта тонгда уйлари-дан чиққан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эшик олдига ташлаб кетилган ахлатларга дуч келдилар. «Оёқларига кириб азоб берсин!» дея йўл устига ташланган тиканларни кўрдилар. Бу ахлоқсиз ҳаракатларни эрхотин жуда ғайрат билан давом эттирдилар.

Абу Суфённинг синглиси ва Абдулуззонинг хотини бўлмиш Умму Жамил баъзан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолганида:

– Шайтонингдан нима хабарлар келди? – дея мазах қилар ёки тезда жўнаб қолар, баъзида эса:

– Осмондан қандай хабарлар келиб турибди? Кўрайликчи, бугун одамларни нима деб лақиллатар экансан? – деб дилларини оғритарди. Бунинг натижаси сифатида Жаброил алайҳиссалом Арши Аълодан юборилган, ҳеч қачон ўзгармайдиган, қатъий ҳукми Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб тушди:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ {1} مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ {2} سَيَصْلَىٰ نَارًا ذَاتَ  
لَهَبٍ {3} وَامْرَأَتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ {4} فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ {5}

Мазмуни: «Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин (ҳалок бўлсин)! Ҳалок бўлди ҳам. Мол-мулки ва топган-тутгани (бойликлари) унга асқотмади. Яқинда (у) алангали оловда куяжак. Шунингдек, ўтин ташувчи хотини ҳам. Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур» (**Масад сураси, 1–5-оятлар**).

Бу сурада юксак адолат намунаси бор эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси бўлса ҳам, Ҳаққа бўйин эгмаган, Аллоҳ таолога итоатсиз киши қилмишига яраша жазоланадиган бўлди.

Бу сура бориб-бориб Абу Лаҳабнинг ҳам қулоғига етди. У бирдан қутурди:

– Энди мендан кўрасан, Муҳаммад! Ҳақиқий жанг мана энди бошланади. Кимнинг қўллари қуришини, кимнинг мағлуб бўлишини шундан сўнг билиб оламиз, – дея валдиради.

Шундан кейин яна девордан ахлатлар ошиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовлиларига келиб туша бошлади. Эшик олди юриб бўлмас аҳволга келди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бу ишлар қаршисида:

– Эй Абдуманноф ўғиллари! Бу қандай қариндош-уруғчилик? Бу қандай кўшничилик? – дедилар. Ҳар куни сабр бардош билан бу ишларни кўриб кўрмасликка олдилар ўзларини.

Ора-сира Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларидан чиқаётганларида дуч келган манзарага қўшимча равишда бир ахлоқсиз хотиннинг қаҳқаҳаларини ҳам эшитардилар. Бу хотин:

– Қани дарҳол буйруқ бер, шайтонларинг тозалаб олсин, – дейишдан тоймасди.

Бир куни Абу Лаҳаб ёмон аҳволга тушди. Ҳар кунги одати бўйича ахлатларини бир идишга солиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйлари олдига тўкиш учун кетаётганди. Эндигина ахлатларни тўкаётган эди ҳамки, ортидан кучли бир қўлнинг идишни ушлаганини ҳис қилди. Ўгирилиб қаради. Бу укаси Ҳамза эди.

– Нима қияпсан?

– Идишни кўйиб юбор!

Ҳамза кўп кутиб ўтирмади. Ахлат тўлдирилган идишни даст кўтариб, акасининг бошидан тўкиб юборди. Сочу соқоли расво бўлган, юзи ва қўлларидан ахлат оқиб тўшаётган Абу Лаҳаб жуда жирканч овозда бақирди:

– Аҳмоқ, кофир!

Ҳамза жуда гўзал санъат намунасини томоша қилаётгандек акасига тикилиб турар, майингина табас-сум қиларди.

– Бундай қилишга уялмайсанми?

Бу ҳали ҳаммаси эмасди. Ҳамза шундай деди:

– Йўқ, асло уялмайман. Қайтанга жуда мамнунман. Сен ҳар куни укангнинг ўғлига шу каби жирканч ишларни қилаётганингда уялмадингми? Бундай ишни бошқа биров қилганда олдини олиш ўрнига, ўзинг қилишинг айб эмасми?

Абу Лаҳаб Масад сурасини ўқиди ва:

– Хўш, бунга нима дейсан? Одам ҳеч иккиланмай ўз амакисини жаҳаннамга тиқадими? — деди.

– Сен бунга лойиқ ишларни қилдинг, эй Абдулуззо! Қани ўзинг айтчи, унга нисбатан сенингчалик манфур ишларни амалга оширган яна ким бор? Аввал унга душманлик қилишни ўзинг бошладинг. Шундай қилмаганингда Муҳаммад Ал-Амин ҳам сен ҳақингда бундай сўз айтмас эди. Нега бошқа амакилари ҳақида шу каби гап айтмай, айнан сен ҳақингда айтди? Жиянинг айтган хабар сенинг бошингга бало бўлиб келишидан кўрқяпман.

Абу Лаҳаб асабий ҳолда уйига кириб кетди.

Бир тарафдан Абу Лаҳабнинг битмас-туганмас одобсизликлари, яна бир тарафдан яқин кўшниси Уқба ибн Абу Муайтнинг Абу Лаҳаб билан яширинча етказаеткан азиятлар туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба яқинида жойлашган Ҳазрат Арқамнинг уйларига кўчиб ўтдилар.

Бу кўчиш нубувватнинг тўртинчи йилида юз берди. Улар бу уйга оила аъзолари билан кўчиб ўтганмидилар, ёки фақат ўзлари эрта тонгда чиқиб, оқшом у ердан қайтармидилар?

Биз учун иккинчи эҳтимол ишончлироқдир. Бизнингча, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тонгдан оқшомга қадар Ҳазрат Арқамнинг уйларида бўлиб, баъ-

зан кечалари ҳам ўша ердан қолардилар. Шу ҳолда Ҳазрат Ҳадича ва қизларининг, қўшнилариининг роҳатини бузмасликка ҳаракат қилган бўлсалар керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида бўлмаган пайтларда фақат аёлларга нисбатан бирор ёмон иш қилиш арабларда жуда ёмон иш сифатида қаралар, бундан ташқари, Ҳазрат Ҳадичадек аёлга ёмонлик қилишни ҳеч бир қўшни хоҳламас эди. Шу сабаб ҳам Расулуллоҳ оилаларидан бежавотир эдилар.

Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамил ўзларини жаҳаннамга тушувчи кимсалар деб хабар берган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқачароқ интиқом олишини режа қилишди. Ўғиллари Утба ва Муаттибга:

— Муҳаммаднинг қизлари билан бўлган унаштирувни бекор қиласизлар. Ё бизни танланг, ёки уларни, — дедилар.

Етиб келган хабарга кўра унаштирув бекор қилинди. Ҳазрат Ҳадича ва қизларининг қалбларини севинч қоплаб олди. Шу унаштирув боис ёнаётган юракларига ҳаловат кирганди.

Ҳикмати чексиз бўлган Аллоҳ таолонинг бу василаси билан Ҳабиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни оғир бир юкдан халос қилганди. Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамил Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гул юзли қизларини ўзларидек шарафсиз бир оиланинг келини бўлиш азобидан Аллоҳ таоло қутқариб қолганини ўйлаб кўрадиган даражада фаросатга эга эмасдилар.

## ЖАНЖАЛ ВА ҚИЙНОҚЛАР

Бир куни оқшом пайти Абу Дубб водисийдан ўтиб кетаётганлар бир қанча ёшларнинг ғалати ҳаракатлар қилишаётганларини кўришди. Тўхтаб қузатдилар. Бу орада йигитлар намозларини битирдилар. Аҳнас ибн Шарик олдинга чиқди.

– Нима қилаётганингларни сўрасам бўладими?

– Кўриб турганингдек ибодат қилмоқдамиз.

– Жуда ғалати-ку! Санамингиз қани?

– Қандай санам?

– Қандай санам деганинг нимаси? Санамдака санамда!..

– Биз бут ва санамларга ибодат қилмаймиз.

Абу Суфён гапга аралашди:

– Демак, Улуғ Хубалга ўхшаш, Лот ва Уззодек санамларни назарда тутяпсан, шундайми?

– Улар бор йўғи оддий тош-ку! Уларнинг бошқа тошлардан нима фарқи бор?

Баҳс шу тарзда чўзилиб борарди. Ўтиб кетаётганлар йигитларни мазах қила бошлашди. Вазият кескинлашмоқда эди. Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос чиндан асабийлашиб кетдилар.

– Қани энди бу ердан даф бўлинглар-чи!

– Нима, сен бизни ҳайдаяпсанми?

– Худди шундай. Бу ердан қорангизни ўчиринг!

– Сен ўз бошингга ўзинг калтак сотиб олдинг, эй Саъд. Сени бироз тарбиялаб, тилингни қисқа қилиб кўяман.

Ҳазрат Саъд сал нарида турган калла суягига қўл узатдилар. Суякни ушлаб, олдиларда турган биринчи одамнинг калласига туширдилар. Куч билан урилган суяк ўша одамнинг бошини ёрди, юзига қон оқиб туша бошлади.

Ўқ ёйдан чиқиб бўлгани учун Ҳазрат Саъд иккинчи одамни ҳам шу кўйга солмоқчи бўлдилар. Ҳеч қутилмаганда унга ҳам ташландилар, бироқ кейин шаштларидан

қайтдилар. Чунки иккинчи одам навбат ўзига келганини сезиб уришишга тайёр турганди. Йигитлар қоча бошладилар. Илоҳий ваҳий осмондан тушган кундан бери мушрикларга қилинган биринчи қаршилик шу бўлди. Бу йўлдаги илк қон Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос тарафларидан оқизилганди.

Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос бўлиб ўтган жанжалдан кейин яшириниб юришдан ҳеч бир фойда йўқлигини билардилар. Маккада бу жанжални эшитмаган бирор киши қолмаганди.

Ора-сирада бирор жанжал чиқса, бир-икки бора эсланиб, кейин эсдан чиқариларди. Аммо бу ғавғо ҳали ҳеч ким билмайдиган бир дин йўлида қилинган эди. Шу сабабли ҳам узоқ-яқиндан келган жуда кўп одамлар бу ишга бевосита алоқадор бўлиб, қаерда шу жанжал ҳақида гап бошланса диққат билан қулоқ солишарди. Ҳазрат Саъд ҳам энди уйларнинг бир бурчига бориб, намозларини ўша ерда ўқийдиган бўлгандилар. Кун заволга юз тутмасдан олдин, яъни аср вақти икки ракат, эрта тонгда қуёш чиқмасидан илгари икки ракат бўлган намозларини ўқиб юравердилар. Бироқ уйда ўқилган бу намозларни Ҳазрат Саъднинг онаси узоқ вақт давомида пайқамаслиги имконсиз эди.

— Сенинг бу ишларинг нимаси, болам?

— Намоз ўқимоқдаман, онажон!

— Яъни ўша жанжалнинг чиқишига сабаб бўлган намозми бу?

— Йўқ, онажон! Жанжалга бу намоз сабаб бўлгани йўқ. Уларнинг одобсизликлари, бизни мазах қилишлари, ёмон сўзлар билан ҳақоратлашлари сабабли жанжал чиқди.

— Эшитишимга қараганда, сен Абдулмутталибнинг набирасига эргашган эмишсан, унинг динига кирибсан?

— Худди шундай, онажон! Унинг динига кирдим. Буларга қуллик қилишдан қутулдим. Осмонлар ва ерни яратган Буюк Аллоҳнинг ҳузурида бошимни саждага қўйиш бахтига эришдим.

– Муҳаммад сени нималарга буюрди?

– У бизга бутлардан юз ўгиришимизни ва ёлғиз Аллоҳагина ишонишимизни, Унга ибодат қилиб, намоз ўқишимизни, қавм-қариндошларга ва бутун инсониятга нисбатан гўзал муносабатда бўлишимизни буюрди.

– Яхши, ота-она қариндошларнинг энг яқини ҳисобланадими?

– Албатта, шундай, онажон!

– У ҳолда мен сендан дарҳол Муҳаммад билан алоқангни узишингни талаб қиламан.

– Бунинг сира ҳам иложи йўқ, онажон!

Ҳамна нима қилиб бўлса ҳам ўғлини аввалги динига қайтаришни истарди.

– Менга қара, ўғлим! Агар чиндан ҳам мени яхши кўрсанг, бу диндан воз кеч. Агар яхши кўрмасанг, унда билганингча иш тутиб юравер.

– Онажон, мен сизни қанчалар яхши кўришимни жуда яхши биласиз. Бироқ мен кирган бу йўл энг тўғри йўл, динларнинг энг гўзалидир. Охири ўлим билан тугаса ҳам бу йўлдан воз кеча олмайман.

Ҳамна охирги чорани қўллади:

– У ҳолда шуни яхшилаб билиб ол, эй Саъд! Сен бу динни тарк қилмагунигча ҳеч нима емасликка ва ичмасликка қасам ичаман. Ё аввалги динингга қайтасан, ёки онанг қотилига айланасан. Ўшанда номинг ёмонотлиққа чиқади, устингга лаънатлар ёғилади.

У шу сўзларни айтиб, уйдан чиқди. Сафо ва Марва тепаликларига келди. Бу тепаликларда тик турган Исоф ва Ноила номи берилган бутларга қўлларини суриб уйига қайтди. Шу тарзда ўлим рўзаси бошланди.

Кун кеч бўлди. Оқшом кетидан тонг отди. Аёл айтган гапида турар, бир қултум сув ҳам ичмас, бир бурда нон ҳам емасди.

Ўғлини бу йўлдан қайтариш учун қилган ишлари жавобсиз қолаверди. Аёл ўғлидан фақатгина «Қайтасанми?»

деб сўрар, истаган жавобини эшитмагач, бошқа оғиз ҳам очмас эди.

Емай-ичмай, Ҳазрат Саъд билан гаплашилмай давом эттирилган ўлим рўзаси учинчи куни оқшом кирганда аёлнинг дармонини қуритди. Хўрозлар тонг отганидан дарак бериб қичқираётган пайтда аёл ҳушидан кетганди.

Иккинчи ўғли Умора уни ҳушига келтириш учун юзига сув сепди. Аёл бироз ўзига келди.

— Саъд нима қилди? — дея сўради.

— Шу ердаман, онажон!

— Қайтдингми? Оталаринг динига қайтдингми?

— Йўқ, онажон! Энди қайтиб бўлмайди.

Аёл бир неча бор ҳушидан кетди. Бироз сув ичиришга уриндилар. Оғзини чўп билан очиб, мажбуран овқат тикдилар. Анча ўзига келган аёл ёнидаги чўпни олиб, Саъднинг бурнига туширди. Лаънатлар ёғдириб, баддуолар қилди.

Ҳазрат Саъднинг бурунлари ёрилганди. Бу яранинг изи вафот қилгунларига қадар аччиқ кунларидан хотира ўлароқ қолди.

Улар маҳзун ҳолда, кўзларидан аччиқ ёш оқизганча ўринларидан турдилар. Ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмай уйдан чиқдилар. Дардларини енгиллатишни истардилар.

Бир она дунёда энг кўп яхши кўрган ўз боласига қандай қилиб бу ишни қилиши мумкин? Нега ўғлининг яна куфур йўлга қайтиши учун бундай қилмоқда? Бундан кейин Ҳазрат Саъд онаси билан қандай муносабатда бўладилар? Орадаги ришта жуда нозик эди. Энди бу риштани қандай қилиб аввалги ҳолига қайтариш мумкин?..

Ҳазрат Саъд келдилар, кўнгиллар султони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида тиз чўкдилар. Суҳбатнинг тугашини кутиб турдилар. Дарду ҳолини айтмоқчи, дармонини сўрамоқчи, уларнинг муборак тилидан айтиладиган сўзларни қалбларига малҳам қилмоқчи эдилар. Лекин буларни сўрашга фурсат топа

олмадилар. Чунки малакут оламидан келган илоҳий ҳукм ер юзига тушган, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бу ваҳийни қабул қилиш билан банд эдилар.

Ҳазрат Саъд қалбларини лиммо-лим тўлдирган ҳурмат туйғулари ила, нубувват тожини энг сўнгги пайгамбар сифатида кийган У зотнинг муборак юзларида титраш аломатларини сездилар.

Ҳазрат Саъд бу юзларга бир муддат қараб турдилар. Диққат билан, ҳеч нимани кўздан қочирмай тикилдилар. Бу юзларда кўрқув ёки уялишга ўхшаш туйғулардан асар ҳам йўқ эди. Қирқ йилдан буён фақат ишончли сўзларни айтган, фақат ишонч излари кўрилган бу нубувват соҳибининг нурли юзлари юракда ёнган оловдан нур олаётгандек эди. Бу юрак қанчалар соф ва самимий бўлса, бу юзлар ҳам шу даражада тозава гўзал эди. Юракдаги бор нарса бу юзларда яққол акс этиб турарди. Бу юзларга қараган одам «Шубҳа қиляпман, бу юзларда алдовни кўраяпман!» – деб айта олмас эди. Ҳеч кимсага ёмонлик қилишни дилига тугмаган бу юзлардан фақат ишонч балқиб турарди.

Бир неча дақиқадан сўнг ёзиш учун олиб келинган курак суягига Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан тўкилган ваҳий дарҳол нақшланди:

ووصينا الإنسان بوالديه حماته أمه وهنا على وهن وفصاله في عامين أن  
اشكر لي ولوالديك إلي المصير {14} وإن جاهدك على أن تشرك بي ما ليس لك به  
علم فلا تطعهما وصاحبهما في الدنيا معروفا واتبع سبيل من أناب إلي ثم إلي  
مرجعكم فأنبئكم بما كنتم تعملون {15}

Мазмуни: «Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шуқр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир». Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг

билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсаларда,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни қиёмат кунда) қайтиш Менинг хузуримгадир, бас, сизларга (ўшанда) қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман» **(Луқмон сураси, 14–15-оятлар).**

Ҳазрат Саъд энди не мақсадда келганларини айтишга, қандай йўл тутишларини сўрашга эҳтиёж сезмадилар. Чунки айтмоқчи бўлган барча саволларига жавоб олгандилар. Ер юзиде фақатгина икки инсон ўртасида бўлиб ўтган бу ҳодиса малакут олаמידан алоҳида фармон келишига сабаб бўлган муҳим воқеага айланганди. Она ва бола ўртасида Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳукм чиқарганди.

Ҳазрат Саъд уйга қайтиб, онасининг олдига тиз чўкдилар ва дедилар:

– Суюкли онажон! Сизни қанчалар кўп яхши кўришимни биласиз. Шу билан бирга билиб қўйингки, агар юзта жонингиз бўлиб, кўз ўнгимда юз бора вафот қилсангиз ҳам ўз динимдан асло қайтмайман. Энди бу каби бемаъни ишга барҳам беринг ва овқатланинг, яна ўзингиз биласиз!..

Ўғлининг гапларини эшитган она ўлим рўзасига барҳам беришни маъкул кўрди.

\* \* \*

Ҳазрат Зубайр ибн Аввомнинг онаси Сафийя Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари эди. Отаси Аввом Фижор жангида вафот этганди.

Ҳазрат Зубайрнинг мусулмон бўлганларини эшитган амакиси бу хабарни бурушган юз билан қаршилади. Ҳеч бир мамнун бўлмаганди.

– Эй Зубайр, эшитганларим ростми?

– Қайси бири, амаки?

– Юлдузларга сиғинувчилардан бўлган эмишсан!..

— Асло, амаки. Ҳеч қачон юлдузларга сиғинмайман. Амакиси Ҳазрат Зубайрнинг тўғри сўзли йигит эканини яхши биларди.

— Демак, тухмат қилишибди-да!.. — деди ва масала шу ерда ёпилди.

Орадан ўтган бир неча кун ичида амаки бу муаммони ҳеч тушуна олмади. Аммо Ҳазрат Зубайрнинг намоз ўқиётганларини кўриб қолиб, фиғони фалакка чиқди:

— Ўша куни менга ёлғон гапирганмидинг, Зубайр! — деди.

— Мен ёлғон гапирганим йўқ. Ёлғон гапириш ниятим ҳам йўқ эди, амакижон!

— Демак, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ келтирган динга кирганингни инкор қиласан, шундайми?

— Йўқ, ҳеч қачон инкор қилмайман. Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳ келтирган динга кирдим. Бироқ бу динда юлдузларга сиғинилмайди. Мен ҳам уларга сиғинмайман. Бутун дунё ва инсонларни яратган ёлғиз Раббимга сиғинаман.

— Масала аниқ бўлди, — деди амаки. — Шундай экан, амакининг сифатида дарҳол аввалги динга — отанг Аввом ва менинг динимга қайтишингни истайман.

— Ундай қилолмайман, амакижон.

— Жиддий айтяпсанми?

Амакисининг бундай саволни бериши табиий эди, албатта. Бундай жавобни тушида эшитганда ҳам асло ишонмаган бўларди.

Ҳайрат ва ҳаяжон ичида берилган саволга жавоб қайтарилди:

— Албатта, амакижон! Қарорим қатъий.

— Мен сени амакингга қарши чиқаётганингни ҳечам тушуна олмадим. Шу кунгача бундай хатти-ҳаракатларингни бирор марта сезмагандим. Бундан чиқди, сен бутунлай ўзгарибсан-да!..

Ҳазрат Зубайр бир қанча насиҳатларни тингладилар, бироқ булар фойда бермади. Насиҳат кор қилмагач,

иккинчи бир усул қўлланилди. Уларнинг қўл-оёқлари боғланди. Бир хонага қамаб қўйилди. Орадан бир кун ўтди. Бу жазо етарли бўлиши лозим эди.

Амакиси эрта тонгда жиянини ечиш учун келди. «Кечиринг, амакижон. Мен хато иш қилиб қўйибман!» У Ҳазрат Зубайрдан шу жавобни эшитмоқчи, уни бағрига босиб юз-кўзларидан ўпмоқчи, кейин эса, жиянидан аччиқланганини айтмоқчи эди. Эндигина ўн олти-ўн етти ёшларни қаршилаган, ҳали ҳаётнинг оқу қорасини яхши билмайдиган Ҳазрат Зубайрга оталик қилишни ўз вазифаси деб билар эди.

– Қалайсан, Зубайр?!

– Кўриб турганингиздек, амакижон!

– Яъни пушаймон бўлдинг, шундайми?

У шундай деб, ўзи билан олиб келган бутни Ҳазрат Зубайрнинг олдиларига қўйди.

– Оддий тошга қандай қилиб бош эгаман, қандай сажда қиламан?

Шу бир оғиз гап амакининг қонини қайнатиб юборди.

– Зубайр, аҳмоқмисан сен? Нималар деяётганингни фарқига боряпсанми? Бир умр мен мана шу бутга сажда қилдим. Сенинг отанг, онанг, бутун аждодларинг ҳам бунинг олдида сажда қилишган.

У бу гапларни айтиб бутга қаради, йиғламсираган бир овозда:

– Зубайрни кечир, нима қилаётганини билмаётган бечора, алданиб қолган йигит бу! – дея ёлворди.

Зубайрга қаради:

– Аниқ бўлди, энди сени яхшилик билан йўлга сололмас эканман, – деди.

Шундан сўнг ердан бутни эҳтиётлаб олиб ташқари чиқди.

Бироз вақт ўтгач, эшик олдига ўтинлар тўпланди. Олов ёқилди. Оловдан чиқаётган тутун хонани тўлдира

бошлади. Ҳазрат Зубайр одамни бўғиб кўйгувчи тутун ичида қолиб кетгандилар. Тинмай аксирар, аранг нафас олар, кўзлари ва бўғизлари олов каби ёна бошлаганди.

Шу пайт Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куйидаги муборак сўзлари қулоқлари остида жаранглай бошлади: «Уч нарса бордир. Кимда шу уч нарса бўлса, иймоннинг лаззатини чин маънода тотибди ва ҳақиқий мўмин бўлибди. Биринчи: Аллоҳ таолони ва Унинг Расулини ҳаммадан ортиқ яхши кўриш; иккинчи: Бирор одамни фақат Аллоҳ ризоси учунгина яхши кўриш; учинчи: Такроран куфур ҳаётга қайтишдан худди дўзах оловидан кўрққанчалик кўрқиш ва нафратланиш».

Ҳазрат Зубайр энди зўрға нафас олар, кўз ва бурунларидан ёшлар оқар, юзлари лўқ-лўқ оғрир эди. Хонага тўлган тутунлар орасидан «Аллоҳим, менга сабр бер!» — деган овозлар эшитилар, тўғридан-тўғри Аршга юксаларди.

Ниҳоят олинган нафаслар, жигарларни ёндирган ва ўқтин-ўқтин айтилган «Аллоҳим!» деган овоз билан тўхтаб қолди. Ҳазрат Зубайр ҳушларидан кетгандилар. Ўтинлар ёниб кул бўлди. Хонадаги туман ташқарига чиқиб, ичкарига тоза ҳаво кира бошлади.

Ҳазрат Зубайр ташқарига олиб чиқилди. Юзларига сепилган сувдан ўзларига келдилар. Кўзларини очибоқ рўпараларида амакисини кўрдилар. Аммо ҳали ҳам бошлари гир-гир айланаётганди. Такрор-такрор сув сепилди. Амакиси ёнидаги бутга ишора қилди. Ҳазрат Зубайр фақатгина кўз ишоралари билан жавоб бердилар. «Будунёда энди ҳеч қачон бутга кул бўлмайман!» — демоқчи эдилар.

— Демак, ҳали ҳам олдинги фикрингдасан, шундайми, Зубайр?!

Ҳазрат Зубайр пичирлаганча жавоб қайтардилар:

— Ўлим бу тошга сажда қилишдан минг бора аълодир!

— Охирги гапинг шуми?

— Йўқ, бу эмас.

— Унда сендан сўнги гапингни айтишингни истайман.

— Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Унинг Расули ва қули эканига гувоҳлик бераман!..

Ҳазрат Зубайр бир-икки бор чуқур-чуқур нафас олдилар ва шундай илова қилдилар:

— Мана шу менинг охирги сўзим, ҳар доим айнан шундай бўлиб қолади.

Ҳазрат Зубайрнинг юзларига қаттиқ бир мушт келиб тушди. Кейин такроран олов ёқилди. Хонага яна бўғиб қўйгувчи туманлар тўплана бошланди. Яна тез-тез ва давомли аксиришлар бошланди. Кўп ўтмай Ҳазрат Зубайр яна ҳушларини йўқотдилар.

Бу маъносиз қийноқлар бир неча бор такрорланди. Натижаси эса бир хил, олдингидек бўлиб қолаверди. Ҳар гал бутларга сиғиниш, аввалги динга қайтиш таклиф қилинди, ҳар гал бу таклиф кескин равишда рад этилди. Охири амакиси «Бу одам бўлмайди» — деган қарорга келди ва Ҳазрат Зубайр қўйиб юборилди.

Юқорида Ҳазрат Зубайрнинг онаси Сафийя Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари бўлганини айтган эдик. У ўғлига нисбатан қилинган бу ишларга қандай қаради? Рози бўлиб, ўғлини амакисига топширганмиди ёки рози бўлмаса ҳам, бир оғиз гапирмаган эдими? Ёки қаршилиқ қилган бўлса-да ҳеч ким эътибор бермадими? Ёки у ҳам бу манфур ишни қилганлар билан ҳамфикр бўлиб, «Мен учун ҳам икки мушт тушинг!» — деганмиди?

Бу саволларнинг жавоби ўтмиш қоронғуликларига кўмилгандир. Бироқ Сафийянинг бир етим бўлишига қарамай, ўғли Ҳазрат Зубайрнинг қийналаётганларини кўргач, қўшнилариининг ҳам юракларини ўртаб юборар даражада бақиргани айни ҳақиқатдир. Аҳвол шу даражага

келаркан, бир она сифатида шунчаки бефарқ қараб туриши ҳам мумкин эмас эди-да!..

\* \* \*

Ҳазрат Усмон ибн Аффон мусулмон бўлган кунларида ўттиз ёшларни қаршилаган инсон эдилар. Ўрта бўйли, бугдойранг, гўзал юзли, қалин соқолли эдилар. Тозаликни яхши кўрар, доимо тоза кийинардилар.

Мусулмон бўлгунгача яшаган умрларида бирор марта томоқларидан ичкилик ўтмаганди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаси бўлган Умму Ҳаким Байзонинг набираси эдилар. Анча вақтгача уларнинг мусулмон бўлганларини ҳеч ким билмади. Ҳаким ибн Абул Ос бир куни жияни Ҳазрат Усмон ибн Аффонни намоз ўқиётган пайтларида учратиб қолди.

— Эй Усмон, сен нима қиляпсан?

Паст овозда жавоб қайтарилди:

— Намоз ўқияпман.

— Яъни ибодат қиляпсан, шундайми?

— Шундай.

— Яхши, унда санаминг қани? У қаерда турибди?

— Мен санам ва бутларга ибодат қилмайман. Чунки улар оддий тош парчаларидир.

Кейин Ҳазрат Усмон амакисига бутун оламларни фақат Аллоҳ таоло яратганини, Ундан бошқа ҳеч қандай илоҳ мавжуд эмаслигини айтиб бердилар.

Бу гапларни эшитган Ҳаким шошиб қолди.

— Сен буларни кимдан ва қаерда ўргандинг?

— Муҳаммад Ал-Аминдан ўргандим. Бу нарсаларнинг ҳақиқат эканига бутун қалбим ила ишондим.

— Менга қара, Усмон, у сенинг уятчан ва ҳаёли йигит эканингдан фойдаланиб лақиллатган.

— Йўқ, амаки! Мен алданмадим, балки ўзим ишондим. Агар шу бутлардан бирортаси ҳақиқатан ҳам илоҳ бўлсалар, ўшанда алданган бўлар эдим.

— Сен охирини ўйламай иш тутяпсан, Усмон!

Бир таҳдидларга, бир насиҳатларга алмашилиб турган суҳбатнинг охири Ҳазрат Усмоннинг боғланишлари билан якунланди.

Ҳибс муддати бир неча кун давом этди, лекин Ҳаким жиянининг бу борада қатъий қарорга келганини тушунди. Келиб арқонни бўшатди: «Хоҳлаган ишини қилаверсин», — деган ўй билан бўшатиб юборди.

\* \* \*

Абу Уҳайҳа Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан ҳеч бир қусур-камчилик тополмаса-да, охириги пайтларда у ўртага чиқарган дин масаласини мамнун ҳолда қаршиламаган эди.

Ҳар тарафда бир қанча ёшларнинг унга эргаша бошлаганларини эшитгач, бирор чора кўриш лозимлиги ҳақида ўйлади. Чунки у ўғилларини ҳам аллаб, йўлдан уриш эҳтимоли бор эди.

Биринчи галда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва унга иймон келтирганлар билан кўришмоқликни уйдагиларга тақиқлаб қўйди. Осойишта турмушининг бузулиб, таъби хира бўлишини сира истамасди.

Бир куни эшитган хабаридан юзига шапалоқ урилгандек бўлди. Ўғли Ҳазрат Ҳолиднинг Макка ташқарисида намоз ўқиётганини кўрганлар бор эди.

Дарҳол бошқа ўғилларини юборди. Уни судраб бўлса ҳам олиб келишларини буюрди. Улар боришди ва ҳақиқатан ҳам Ҳазрат Ҳолидни намоз ўқиётган ҳолда топдилар. Ҳазрати Ҳолид отасининг, яъни Абу Уҳайҳа Саид ибн Оснинг олдига келтирилди.

— Сен қавминг бутларини ҳақорат қилаётганингни била туриб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кирдинг, шундайми?

Абу Уҳайҳа ўглини бу телбаликдан воз кечтиришга ҳаракат қилди. Бироқ ўгли Ҳазрат Ҳолиддан:

– Мен ҳеч қандай телбаликка учраганим йўқ. Билиб, ишониб Муҳаммад Ал-Амин соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динига кирдим. Улар менга энг тўғри йўлни кўрсатдилар. Ўлимга розиман, бироқ бу диндан ҳеч қачон қайтмайман, – деган жавобни олди.

Абу Уҳайҳа турган жойида сакраб тушди. Кўлидаги ҳивчинини бор кучи билан Ҳазрат Ҳолиднинг бошига тушурди. Бу калтакка иккинчи, учинчилари эш бўлди. Тўхтамай, нафас олмай ураверди. Ниҳоят ҳивчин синиб кетди. Лекин Абу Уҳайҳанинг ҳали хумори босилмаганди.

– Йўқол кўзимдан, аҳмоқ бола! – дея бақирди. – Бугундан бошлаб сенинг ризқингни қияман.

Ҳазрат Ҳолид жуда ёмон оғриётган бошларини аста кўтариб:

– Ҳар кимнинг ризқини Аллоҳ беради. Сиз ризқимни қийсангиз, мен очимдан ўлиб қолмайман, – деб жавоб қайтардилар.

Ҳазрат Ҳолид уйнинг бир бурчагига қамаб қўйилди. Оч ва сувсиз ҳолда, қўл-оёқлари боғланганча ташлаб қўйилди. Ота бошқа ўғилларига қарата:

– Бирортангизнинг Ҳолид билан гаплашаётганингизни эшитсам, унга берган азобларимдан кўпроғини кўрсатаман! – деди.

Ҳазрат Ҳолиднинг қамаб қўйилганига уч кун бўлганди. Абу Уҳайҳа эшикдан бош суқиб:

– Ҳушинг бошингга келдими? – деб сўради.

– Албатта!

– У ҳолда Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг дини ҳақида нима дея оласан?

Ҳазрат Ҳолид чуқур нафас олдилар:

– Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг Расулидир. Олиб келган дини ҳақ диндир. Энг тўғри йўл улар кўрсатган йўлдир.

Абу Уҳайҳанинг жони чиқиб кетди:

— Аҳмоқ, телба! Эндигина ҳушим бошимга келди, деган сен эмасмидинг?

Ҳазрат Ҳолид босиқлик билан жавоб бердилар:

— Ҳушим бошимда эканлигидан тошларга сифинмаяпман-да, ахир!..

Абу Уҳайҳа бошқа ўғилларига буюрди. Ҳазрат Ҳолидни кўтариб, бошларини сувга тикдилар. Бир неча кундан буён очликдан, сувсизликдан дармонсиз аҳволга келган Ҳазрат Ҳолид бирданига ҳушдан кетдилар. Буни сезишгач, сувдан чиқариб олишди. Озроқ вақт шу ҳолда ётдилар. Ўзларига келгач, яна сувга туширилди. Қимирлашга ҳам ҳоли қолмаган Ҳазрат Ҳолид яна ҳушларидан айрилдилар. Бу қийноқлар учинчи марта ҳушдан кетгач тўхтадилди. Олиб келиниб, яна аввалги жойга қамаб қўйишди.

Кечки пайт эшик очилди. Келган Ҳазрат Ҳолиднинг аёли Умайна эди. У овқат олиб келганди.

— Сизга хушхабар келтирдим, эй Ҳолид! Мен ҳам сизнинг динингизга кирдим. Мен ҳам бут-санамларни тарк этиб, ёлғиз Аллоҳнинг борлигига ишондим. Муҳаммад Ал-Амин соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Аллоҳнинг Расулидирлар.

Ҳазрат Ҳолид жуда севиндилар, бироқ севинганларини айта оладиган даражада дармонлари йўқ эди. Кўзларининг ичида билинар-билинемас порлаган чўғни кўришга эса қоронғулик ҳалал берарди.

Улар келтирилган овқатни едилар. Бироз бўлса-да қувватга кирдилар. Боғланган арқонларни бўшатдилар. Ҳеч қачон қайтиб келмас бўлиб, ота уйини тарк этдилар.

Эрта тонгда ўғлини қамаб қўйилган хонада топа олмаган Абу Уҳайҳанинг ҳолати қандай бўлди? Ҳазрат Ҳолиднинг аёлига азият етдими, ёки Ҳазрат Умайна ўша кеча эри билан бирга чиқиб кетганмидилар — бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Ҳазрат Ҳолидга берилган азиятлар уларнинг яқинларига қаттиқ таъсир қилганди. Жумладан, аёли Ҳазрат

Умайнанинг мусулмон бўлишлари шу сабабдан эди. Кейинроқ Ҳазрат Ҳолиднинг укалари Амр ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида гувоҳлик бериб, мусулмон бўлди.

Шундан кейин Ҳазрат Ҳолид ҳеч қачон ота уйларига қайтиб келмадилар. Макка атрофидаги горларда яшадилар. Ўша ерда ибодатларини қилиб юрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдилар. Тиз чўкиб, ёқимли исларини ҳидладилар, уларнинг қалбга ҳузур ва сокинлик бағишловчи сўзларини тингладилар.

Иймон келтиргач, аввалги ҳолга қайтишдан оловдан кўрққанчалик кўрққан Ҳазрат Ҳолид ҳақиқий имтиҳондан ўтгандилар. Комил иймон эгаси эканликларини хаёлларини ўртага қўйган ҳолда исбот қилгандилар. Асл мукофот эртага — охиратда олинар эди. Аммо улар бу ҳаётларидаёқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида мукофот олишни бошлаб юборгандилар.

\* \* \*

Амр ибн Абаса Сулайм қабиласидан бўлиб, қавмининг турмуш тарзини унчалик хушламайдиган одам эди. Уларнинг бут-санамларга топинадиган абгор аҳволга тушиб қолганларини, ақл қабул қилмайдиган бир бемаънилик сифатида кўрарди.

Қилган сафарларида учраган роҳиблар Ҳижоз тарафдан бир пайғамбар чиқиши ҳақида гапиришганди. Шу сабабли ҳам унинг қулоғи Макка томонларда эди. У ердан келган йўловчилар билан кўришар ва сўраб-суриштирар эди. Ниҳоят бир сафар:

— Янгиликлар жуда кўп, эй Амр, — дейишди. — Макка қозон каби қайнамоқда. Абдулмутталиб ўғилларидан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли бир киши пайғамбар эканини эълон қилишди. Энди ҳамма ерда шу гап.

Амр вақтни бой бермай, туясига минди ва Маккага йўл олди. Ўзини нур юзли бир инсоннинг қаршисида кўрди. Кўзлари бу одамнинг ёлғончи эмаслигидан хабар берарди. Йиллар давомида жуда кўп одамларни кўра-вериб пишиб кетганидан унинг қалби «Агар шу одамга ишонмасанг, ер юзида бошқа ишончли одамни қидириб ўтиришнинг ҳеч ҳам фойдаси йўқ!» — дерди. Амр унинг ёнига ўтирди, саволлар берди. Энг охирида:

— Яхши, мен бу динни қабул қиламан ва сизга эрга-шаман, — деди.

Ҳазрат Амр шаҳодат калимасини айтиб, мусулмон бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан қолишни, уларга ёрдам беришни жуда иста-дилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам улар-нинг бу истагини тўғри деб топмадилар.

— Сен бу азобларга чидай олмайсан. Менинг ва ин-сонларнинг аҳволини кўрмайпсанми? Сен ҳозир оиланг ёнига қайт, мени голиб бўлганимни эшитганингда қайтиб келиб сафимизга қўшилсан.

Ҳазрат Амр ибн Абаса Расули Акрамнинг ушбу буйруқлари билан ўз юртига қайтиб кута бошладилар.

Йиллар йилларга уланар, Ҳазрат Амр келиб-кетган-лардан севинчга сабаб бўладиган хушхабарни кутардилар.

\* \* \*

Гифор қабиласида ўз кунларини ўзлари кўриб юра-диган ака-ука бор эди. Булар Абу Зарр ва Унайс эдилар.

Бир куни уларнинг қулоғига Макка томонларда бир пайғамбарнинг чиққани ҳақидаги хабар чалиниб қолди.

— Эй Унайс, туянгга миниб, Маккага бор. У ердан менга хабар олиб кел.

Унайс акасининг истагини бажариш учун Маккага бориб келди.

— Нима хабар олиб келдинг, Унайс?

— Бир одамни кўрдим. Яхшиликка чақириб, ёмонлик-дан қайтармоқда. Бироқ халқ у тарафда эмас.

Бу жавоб Абу Заррни қониқтирмади.

— Дардга даво бўладиган, чанқоқни босгувчи жавоб бўлмади бу жавобинг, Унайс!..

Абу Зарр халтасини елкасига осиб, қўлига асо олди ва йўлга тушди. Маккага келди. Ҳеч кимдан бирор савол сўрамади. Замзам сувидан ичиб, бир чеккага ўтирди. Тун чўкиб, яхшигина қоронғу бўлиб қолганди. Ҳамма бирма-бир тарқалди. Кечани ўша жойда ўтказишдан бошқа чораси йўқ эди. Бу орада ҳали вояга етмаган бир бола уни кўриб қолди:

— Қасам ичиб айтаманки, мусофирсиз! — деди.

— Ҳа, мусофирман.

— Марҳамат, бизникига юринг!

Абу Зарр ўрnidан туриб, бола билан бирга юрди. Таомланишди, араб одати бўйича ундан ким экани, нима мақсадда келгани сўралмади. Меҳмон ҳам бу ҳақда ҳеч нима демади.

Эрта тонгда Абу Зарр ён-атрофдан бирор хабар эшитарман деган умидда кўчага чиқди. Оқшомга қадар ҳеч қандай тасодиф уни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан боғлиқ бирор янгиликка йўлиқтирмади. Қоронғулик тушар экан, у ўткан кундаги жойига келиб ўтирди. Шу пайт:

— Ҳой мусофир, кеча меҳмон бўлган уйни эсдан чиқардингизми?! — деган овоз эшитилди.

Бошини кўтариб қараган Абу Зарр кечаги болани кўрди. Ўрnidан туриб, яна у билан биргаликда жўнади.

Учинчи кун оқшомда ҳам ундан ҳеч нима сўралмади. Яна ўша уйда меҳмон бўлди. Тонг отгач, мезбон ундан сўради:

— Эй мусофир, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? Нима мақсадда келган эдингиз? Балки ёрдамим тегиб қолар!

— Агар гапларимни сир тутишга сўз берсанг, сенга айтаман.

— Менга ишонишингиз мумкин.

— Ундай бўлса мени эшит. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли бир кишини ахтариб юрибман. Пайғамбар эканини

айтиб юрган эмиш. Топа олсам, у билан кўришмоқчиман. Бу борада ёрдам бера оласанми?

– Сиз айтаётган пайғамбар амакимнинг ўғли бўлади. Ҳозир унинг ёнига бораман. Сиз ҳам ортимдан борасиз. Таҳликани сезсам, бир иш қилмоқчи бўлгандек деворга ўгириламан. Унда сиз менга эътибор бермай кетаверасиз. Ундай бўлмаса, мен кирган уйга сиз ҳам кириб борасиз.

– Жуда хурсанд бўлар эдим.

Абу Зарр турфа ҳаяжонлар оғушида маст бўлганча юриб борарди. Унинг юриши Ҳазрат Ақрамнинг уйлари-га етгач ниҳоясига етди. Абу Зарр Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни кўрибоқ титроққа тушди. Уларни кўрган ҳеч бир виждон «Бу юз менга шубҳали кўринмоқда!» – дея олмасди. Гапни чўзиб ўтирмади:

– Келтирган динингиз ҳақида менга айтиб беринг, – деди.

Ислом динининг моҳияти энг етук ақл эгасининг тилидан тингланди. Ҳар нафасда ўзгача бир ҳузурни ҳис қилганча, ҳар бир дақиқа ўтган сари саодат тўла ҳаётга кириб бораётганига қатъий ишонч ҳосил қилиб бораверди. Умрининг сўнгги онларига қадар ҳеч қачон қалби ва тилидан тушурмайдиган сўзларни бир нафасда айтди:

– Мен шоҳидлик бераманки, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқдир. У ягонадир. Хеш ва ақраболари, ўхшаши йўқ Зотдир. Яна шоҳидлик берманки, сиз Унинг бизга юборган Расулисиз.

Набиййи Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳазрат Абу Зарр Ал-Фифорийнинг гапларидан жуда мамнун бўлдилар.

– Эй Абу Зарр, сен бу ишни пинҳон тут. Юртингга қайт. Бу ишда ғолиб бўлганимизда, бизга келиб қўшиласан.

– Эй Аллоҳнинг Расули! Сизни ҳақ Пайғамбар қилиб вазифалантирган Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, бор овозим билан бу ҳақиқатни қурайшликларга айтмагунимча бирор ерга кетмайман.

Шундан кейин Ҳазрат Абу Зарр Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хайрлашдилар.

\* \* \*

— Мени эшитинг, эй Ҳарам халқи!..

— Эй маккаликлар, эшитмадим, деманглар, эшитганлар билиб олинглар!..

Овозлар тиниб, юзлар бир катта тошнинг устига чиқиб олган мусофирга ўгирилди. Ҳамманинг диққат қилиб турганини сезган мусофир бор овози билан бақирди:

— Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман, яна Муҳаммад Унинг Расули ва қули эканига ҳам гувоҳлик бераман!

Бу Масжид ул-Ҳарамда биринчи бор айтилган шаҳодат калимаси эди. Мусофир томоғи йиртилгудек, бор кучқуввати ила бақирарди. Бу овоз Каъбанинг деворларидан масжиднинг бурчакларигача, ҳар тарафга етиб борганди. У қурилган вақтдан буён соғиниб кутилган сўзлар эди бу сўзлар. Коинотнинг бутун мувозанатини ушлаб турувчи муборак сўзлар! Ҳеч бир одам бу жойда ҳалигача бу қадар хайрли сўзни сўзламаганди. Бу жумла азалдан абадга қадар саодатнинг ягона ва мутлақ калити эди.

Шу кунгача ҳеч ким қилмаган ишни амалга оширган мусофирга тикилиб турган бир нечта қора кўз муборак Байтнинг Соҳиби томон йўналди. «Аллоҳим, уни Ўзинг ҳимоя қилгин!» — деб дуо қилишди.

Жуда кўп одамнинг юзлари буришди. Дастлабки ҳаяжон беш-ўн сония давом этди. Мусофир шаҳодат калимасини учинчи бор айтганда унга қараб бақирганлар топилди:

— Бу юлдузларга топинувчининг гапиришига йўл қўйманглар!

— Нега қараб турибсиз, урмайсизларми? — деган ҳар тарафдан келган овозлар бир-бирига қоришиб кетди.

Ҳазрат Абу Заррнинг устига бостириб бордилар. Ёмғирдек ёққан қарғиш ва калтаклар уларни турган ерларидан ерга йиқитди.

Устиларига ётиб олдилар. Бир-бирига аралашиб кетган тушуниксиз овозлар ва ёмон сўкинишлар ҳеч тинмасди.

Бу орада Аббос ибн Абдулмутталиб оломон орасига кириб, Ҳазрат Абу Заррнинг устига ётиб олди.

— Ҳайф сизларга! Ғифор қабиласидан бўлган бир одамни ўлдирмоқчи бўляпсизлар. Савдо карвонларингиз шу қабила орқали ўтишини билмайсизларми? Туширинг қўлларингизни!..

Ҳазрат Абу Зарр роса калтакланиб абгор аҳволга келтирилганди. Баданларининг ҳамма жойи зирқираб оғрир, айрим жойлари маматалоқ бўлиб кетганди. Бу оғриқлар тонггача тинчлик бермади, бироқ қалбларида бундай оғриқ йўқ эди. Ҳаётларида биринчи марта шундай ҳузурбахш туйғуни ҳис қилаётгандилар. Шу сабабдан ҳам эртаси куни яна ўша тошнинг устига чиқиб олдилар. Яна кечаги сўзларини ҳеч бир ўзгаришсиз бақариб-бақариб айта бошладилар.

Оломон яна устиларига бостириб боришди. Яна калтаклашди. Бу сафар ҳам можаро Аббос ибн Абдулмутталибнинг аралашуви билан ҳал этилди.

Ислом ва иймоннинг шарти ва рамзи ҳисобланувчи калимаи шаҳодат маккаликларга Ҳазрат Абу Зарр томонидан шу тариқа эълон қилинганди.

Аббос ибн Абдулмутталибнинг бу воқеага аралашishi унинг мусулмон бўлгани сабаб эмасди. Чунки бу пайтда у ҳали мусулмон бўлмаганди. У Қурайш билан Ғифор қабилалари ўртасида можаро келиб чиқишидан хавотирланиб шундай қилганди.

\* \* \*

Абу Лаҳабнинг ахлоқсизлиги айни шиддати билан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бошқа

қўшниси Уқба ибн Абу Муайтга кўчиб ўтганди. У ҳам уйида тўпланиб қолган инсон ва ҳайвон ахлатларини девордан оширганича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовлиларига тўка бошлади. Баъзан бу ахлатларни уларнинг эшиги олдига сочиб кетарди.

Бир куни яна қўлидаги ахлат тўла идишни эшик олдига бўшатмоқчи эди ҳамки, ортидан бир овозни эшитди:

— Мени кутиб тур, Уқба! — дерди бу овоз.

Уқба ортига қаради. Овоз эгаси Тулайб эди. У бир неча сонияда Уқбанинг олдига етиб келди. Кулимсираган юз билан:

— Қўлингдагини менга бер, — деди.

— Нима қилмоқчисан, Тулайб?

Тулайб кўп куттирмай, ахлат тўла идишни Уқбанинг қўлидан тортиб олди. Унинг «Нима қилияпсан?» — деганига ҳам қараб ўтирмай, ахлатларни Уқбанинг бошидан ағдарди. Тўкилган ахлат Уқбанинг соч-соқолларини расво қилди. Икки қадам ортга тисарилган Тулайб мамнун ҳолда қаҳ-қаҳ уриб юборди.

— Уқба, мана энди сал-пал одамга ўхшадинг! — деди.

— Арво! Эй Арво!..

Абдулмутталибнинг қизи эшикни очиб қараган пайти жуда ачинарли аҳволга дуч келганди. Уст-боши ахлат билан бежалган Уқба ибн Абу Муайт ўғли Тулайбни маҳкам ушлаб олганди. Уқба кексайиб қолган, Тулайб эса айни йигит бўлиб етилган ёшда эди. Иккисининг ахлатлар ичида кўча болаларига ўхшаб ёқалашаётганини кўрган Арво ўзини кулгудан тўхтата олмади.

— Нима гап, эй Уқба?

— Аҳволимни кўряпсанми? Ўғлинг нима қилиб кўйганини билдингми?

Арво ўғлига қаради, жаҳли чиққан ҳолда сўради:

— Ўғлим, нега бундай қилдинг?!.

Тулайб бўлиб ўтган ишларни бирма-бир айтиб берди. Бу сафар Абдулмутталибнинг қизи Уқбага қаради:

— Ўғлимнинг қилган ишидан жуда хурсандман, эй Уқба! Унинг бу иши билан фахрланаман. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ менинг жонажон жияним, Тулайбнинг эса тоғаваччаси бўлади. Сенинг бу разил ишингни кўриб индамай кетганида, ундан хафа бўлган бўлардим. Ўзинг қилган жирканч ишнинг жавобини олибсан. Энди ўғлимни қўйиб юборгин-да, бу ердан қорангни ўчир.

## БИЛОЛ ҲАБАШИЙ

Ҳазрат Билол ибн Рабоҳ бир ҳабаш қул эдилар. Қоратанли, узун бўйли, озроқ эгилиб юрувчи, сочларига қиров оралаган, сийрак соқолли. Макка аслзодаларидан ҳисобланмиш Умайя ибн Ҳалафнинг қули эдилар.

Умайя бир куни Ҳазрат Билолнинг мусулмон бўлганларини эшитиб қолиб, қутуриб кетди. Қўл остидаги бир қулнинг рухсат сўрамай, ҳаттоки айтишни ҳам эп билмай, бошқа динни қабул қилганига чидай олмади.

— У ахлоқсизни менинг олдимга олиб келинг!..

Бироздан кейин Ҳазрат Билол келдилар.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кирган эмишсан?

— Худди шундай, Унинг динига кирдим ва бор ҳузур-ҳаловатни шу дин ортидан топдим.

— Энди ўша диндан воз кечасан.

— Бунинг иложи йўқ.

— Тушунмадим?..

— Дунё остин-устун бўлиб кетса ҳам, бу динимдан воз кечмайман.

Умайя бошқа қулларига қаради:

— Олиб кетинглар буни! — деди.

Бироздан сўнг Ҳазрат Билол яланғоч баданларида узун из қолдираётган қамчи билан саваланар, Умайя бу калтакланишни шахсан ўзи назорат қилиб турарди.

Ҳазрат Билол ҳар тушган зарбада:

— Аҳад, Аҳад, Аҳад... — дер эдилар.

Умайя ишораси билан савалаш тўхтатилди:

— Зарбаларни санаяпсанми сен?

— Йўқ!

— Нега унда ҳар зарба тушганда «Бир, Бир...» — деяпсан?

— «Аллоҳ Ягонадир», — демоқчиман.

— Тушунарли. Бу сўзидан қайтиб бутларимизга сажда қилгунича тинмай савалансин!

Умайя яна ишора қилди. Қамчи ҳавода визиллаган товуш чиқариб пастга тушаркан, Ҳазрат Билолнинг:

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон мени бутларга сажда қилаётганимни кўрмайсизлар, — деганлари эшитиларди.

Қамчи қайта-қайта урилаверди, «Аҳад, Аҳад, Аҳад!..» деган сўз ҳам такрор-такрор айтилаверди.

— Бирор марта секинроқ ураётганини сезиб қолсам, навбатдаги калтак сенинг устингга тушади, тушундингми?

Умайя ҳазил қилмаётганди. Урилаётган қамчилар сонини Ҳазрат Билол ҳам, ураётган хизматкор ҳам билишмасди. Шунга қарамай, Умайя:

— Ур, янада қаттиқроқ ур! Ё қайтади, ёки ўлиб кетади! — дер эди.

Унинг юзида ҳеч қандай раҳм-шафқатнинг изи йўқ эди.

— Билол ҳушидан кетиб қолди!

— Уравер, қутулиб қолиш учун атай қиляпти!

Ҳазрат Билол ҳақиқатан ҳам ҳушларидан кетгандилар. «Аҳад, Аҳад, Аҳад!..» — деган овозлари ҳам тўхтаганди.

Ҳушсиз баданларига урилган, қон оқизган зарбалар хоинона боқувчи бир жуфт кўзларнинг «Етар» деган ишораси билан тўхтади. Умайя хуморидан чиққан одамдай:

— Шаробимни олиб келинглар! — дея бақирди.

\* \* \*

Икки кун ўтгач, оғир аҳволда олдига олиб келинган Ҳазрат Билол оёқда тура олмайдиган ҳолда мадорсиз эдилар.

Умайя хонанинг бир бурчида турган бутни кўрсатиб, Ҳазрат Билолга ишора қилди:

— Қани, унга сажда қилгин-чи!

Ҳазрат Билол бутнинг олдига бордилар. Умайя чуқур бир нафас олди. «Ниҳоят одам бўладиган бўлди», — дея ўйлади. Демак, калтак яхшигина фойда берган.

«Кошки, шу ишинг калтак емасингдан олдин бўлганида!..»

Бу фикр Умайянинг ҳам, қулларининг ҳам зеҳнларидан чақмоқ тезлигида ўтиб кетди. Юз-кўзларга табассум югурди. Билол энди қутуладиган бўлди. Қуллардан бири шеригини бу даражада калтаклаганидан виждон азобида қийналаётган эди.

Ҳазрат Билол бутга яқинроқ бориб эгилдилар. Сўнг оғзидаги қон аралаш тупукларини, нафратланганча бутнинг юзига тупуриб юбордилар.

– Сиз бут деб атайдиганингиз ўзининг борлигидан ҳам беҳабар бўлган бир тош парчасидир. Сиз....

Улар сўзларини давом эттира олмадилар. Умайя ўрнидан туриб, бор кучи билан Ҳазрат Билолни тепиб юборди. Улар ерга қуладилар.

Яна калтаклаш бошланди. Ҳазрат Билол неча марта калтакланганларини ҳам билолмадилар. Бироқ ҳушларидан кетгунларига қадар ҳар бир зарба тушганда «Аҳад, Аҳад, Аҳад!..» — дейишни тўхтатмадилар.

Умайя маҳалладаги болаларни чақиртириб келди. Уларга пул берди, барчаси ёпишиб кетишди. Кейин болаларга бўйнида арқон, қўллари орқасига қилиб боғланган бир одамни кўрсатди:

– Мана бу динсизни кўряпсизларми? Бу ота-боболарининг динидан қайтган бир хоиндир. Сизлар кўча-кўйда бу одамни айлантириб юриб, тошбўрон қилинглар. Кейин қайтиб келасизлар, ўшанда сизларга яна пул бераман.

Ҳам пул ишлаб олишади, ҳам бир динсизга жазо беришади, ҳам мазза қилиб кўнгилхушлик қилишади!..

– Қани, юр, динсиз!

– Юр юлдузларга сиғинувчи!

Болалар қўлларидаги калтаклар билан Ҳазрат Билолни урар, олдинда эса бўйинга боғланган арқондан тутиб олган бола тинмай уларни судрарди.

Умайя орқадан:

— Қани, болалар! Бир сизларни кўрайлик-чи! Уни диндан қайтганига пушаймон қилинглар! — дея бақирарди.

— Юр, бутларни ҳақорат қилган бадбахт!

— Тезроқ қимирла, юзи қора!

Қанчадан-қанча ҳақорат, қанчадан қанча калтаклар ва Ҳазрат Билолнинг тилларидан тушмаган «Аҳад, Аҳад, Аҳад!..» — деган сўзлари...

Тортилаётган бу азобларнинг Аллоҳ йўлида эканлиги, ҳар урилган қамчи маънолар оламига яқинлаштирувчи бир қадам, бир поғона эканлигига бўлган ишонч Ҳазрат Билолнинг бутун вужудларини қамраб олганди. Охири ўлим бўлса-да, абадий саодатга етакловчи бир йўлга кирганларига иймонлари комил эди.

Кўчаларда судралганча давом этаётган бу қийноқлар оқшом тушгач ниҳоя топди. Болаларга ваъда қилинган пуллар тарқатилди. Эртаси куни бу кўчалар яна бўйинларидан арқон билан судралган Ҳазрат Билолни, уларни тинмай мазах қилаётган, калтаклаётган болаларга тўлди. Ҳазрат Билол буларнинг ҳеч бирига аҳамият қилмас, болаларнинг «Юр, диндан қайтган!» — деган гаплари гўёки:

— Аллоҳ ризоси учун юр! — деб эшитиларди.

Кўчаларни кезиб чиқишгач, Маккадан ташқари чиқдилар. Макка водийлари бўйнидан арқон билан судралган, қора танли инсонни ва уни калтаклай-калтаклай, судрай-судрай олиб юрган болаларни томоша қилди.

Болалар ўзлари судраб юрган одамнинг вақти-вақти билан «Яккадир-ягонадир... Яккадир-ягонадир... Яккадир-ягонадир!» — деганини эшитар, баъзан эса қуйидаги гаплари қулоққа чалинарди:

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ {1} خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ {2} اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ  
{3} الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ {4} عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ {5}

Мазмуни: «Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган Зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсон-

ни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса карам-лидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди» **(Алақ сураси, 1–5-оятлар).**

Бир куни Умайя ибн Ҳалаф бўлиб ўтганларни ўз кўзлари билан кўриш мақсадида келди. Болалар бақир-чақир қилганча Ҳазрат Билолни судраб юришарди.

– Тўхтанг, болалар! – деди.

Болалар тўхташди. Умайянинг буйруғи билан улкан қоя парчаси олиб келинди. Икки киши аранг кўтара оладиган даражада оғир эди бу тош. Бир неча кундан буён оч-наҳор, судралиб юрган Ҳазрат Билолни осмонга қаратиб ётқиздилар. Кўл-оёқлари икки тарафга қоқилган қозиқларга боғланди. Кейин бояги оғир тош уларнинг кўкраги устига қўйилди.

Жуда оғир тош остида қолган Ҳазрат Билолнинг тиллари оғизларидан чиқиб осилиб қолди. Кўзлари қинларидан чиққудек аҳволга келди. Бўйинларидаги томирлар ёрилгудек бўртиб кетганди.

Остиларидаги оловдек қизиган қум қамчи зарбаларидан пайдо бўлган яраларни товада қовургандек қовулар, устиларидаги қоя парчаси эса нафас олишларига имкон бермасди. Шунча азоб-уқубатлардан кейин ҳам улар фақатгина «Аҳад, Аҳад, Аҳад!..» – дейишга ҳаракат қилардилар.

– Хўш, қалай? Ҳали ҳам Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динидан воз кечмоқчи эмасмисан?

Бу гапни айтган Умайя эди. Аранг бўғиздан чиққан бир овоз шундай деди:

– Аллоҳ Бирдир, Аллоҳ Бирдир!..

Умайянинг қаттиқ тепкиси Ҳазрат Билолнинг буйрақларини ўрнидан силжитиб юборгудек бўлди.

– Қасам ичиб айтаманки, шу аҳволда қоласан! Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динини тарк этиб, Лот ва Уззога тавба қилгунингга қадар! – дея бақирди.

Ҳазрат Билолнинг қулоқларига бу сўзлар деярли эшитилмади, чунки улар ҳушларидан кетгандилар.

Олов каби қизиган қумнинг устига ётқизиб, устиларидан қоя парчасини бостириб қўйиш бир неча кун давом этди. Бир куни Ҳазрат Билол айнаи ўша қийноқлар билан азобланиб ётарканлар, шундай ёнгиналарида бўлиб ўтган суҳбатни эшитадиган ҳолатда ҳам эмасдилар.

— Эй Умайя, Аллоҳдан қўрқмайсанми? Бу бечорага яна қачонгача азоб бермоқчисан?

— Уни сен йўлдан урган эдинг, хоҳласанг энди ўзинг қутқариб ол! Йўқса, бу қийноқлар унинг ўлгунича давом этишига гувоҳ бўласан.

— Яхши, менинг куч-қувватга тўлган бир қулим бор. Унинг исми Қистос. Хоҳласанг уни Билолга алмашаман.

— Маъқул, фақат бир шарт билан...

— Қандай шарт экан?

— Қистоснинг хотини билан қизини ҳам менга берасан.

— Розиман.

— Устига яна икки юз дирҳам пул ҳам берасан.

— Ўта пасткаш одамсан-да, Умайя! Ҳеч қачон бир сўзда туролмайсан. Уялмайсанми, ахир келишдик-ку!

— Бошқа ҳеч нима сўрамайман.

Ҳазрат Билолга азоб бераётган тошлар бир четга итқитилди. Арқонлар ечилди. Ҳазрат Абу Бакр қўлларини узатиб, Ҳазрат Билолни ердан турғиздилар. Биргаликда у ердан кетдилар, Ҳазрат Абу Бакр илк гапларида:

— Билол, Аллоҳ ризоси учун сени озод қилмоқдаман, шу ондан эътиборан эркинг ўзингда, — дедилар.

— Аллоҳ сендан рози бўлсин, эй Абу Бакр!

Ҳазрат Абу Бакр севинчга тўлган ҳолда узоқлашган Ҳазрат Билолнинг ортларидан кўзлари ёшланган ҳолда кузатиб тураркан, қалбларининг туб-тубидан тошиб келаётган ҳамд ва шукрларини Аллоҳ таолога билдирардилар.

– Аллоҳим, Сенга мингдан-минг шукрлар қиламан. Агар Билолнинг ўрнида мен бўлганимда, бунчалик сабрли бўла олмасдим.

Ўша онларда Ҳазрат Билол кўпроқ севинган эдиларми, ёки Ҳазрат Абу Бакрми? Бунинг аниқ жавобини уларни яратиб, қалб сирларидан доимо воқиф бўлган Зотгина билар эди. Қулларининг ўлчов тарозилари бу севинчининг ҳисобини ўлчашга ожизлик қиларди.

«Аллоҳ ризоси учун бир қулни озод этганининг озод қилинган қулнинг ҳар бир узви баробарида ўз узвлари жаҳаннам оловидан қутқарилади».

Бу илоҳий ҳукмнинг энг гўзал ва мукаммал намунаси бу дунёда ҳам у дунёда ҳам Ҳазрат Абу Бакр бўлдилар. Аллоҳ улардан рози бўлсин!

Ҳазрат Абу Бакрнинг инсонларга ўрناк бўлишга арзийдиган жиҳатлари фақатгина юқоридагилар билан чекланмас эди. Тақдири Илоҳий «Лавҳ ул-маҳвуз»да пайғамбарлардан кейин уларнинг исми қайд этилган, қуёшнинг нурлари ер юзига тушган кундан буён улардан кўра хайрли, яна-да фазилатли бирор инсоннинг елкасига тушган эмас.

Жаброили Амин фаришталар олаmidан Ер юзига тушди. Набийлар Султони, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Оламлар Парвардигоридан фармон олиб келди.

Бир зумда Расулulloҳни ваҳий келгандаги титроқ тутди. Юзларидан нур доналари қуйилар, нафаслари ёнидагиларга ҳам эшитиладиган даражада эди. Илоҳий қудрат Саййид ул-Анбиё бўлиш вазифасини юклаган Ҳабибини ваҳий келадиган оламга олиб кирганиди.

Озроқ фурсатдан кейин Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий ҳолатидан чиқаётганлари сезилди. Жаноб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яна ўзлари яшаб турган оламга қайтаётган эдилар. Муборак лаблар илоҳий каломни пок ва қайноқ ҳолда мўминларга англата бошладилар:

واللَّيْلَ إِذَا يَغْشَى {1} وَالنَّهَارَ إِذَا تَجَلَّى {2} وَمَا خَلَقَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَى {3} إِنَّ  
 سَعِيدَكُمْ لَشَتَى {4} فَأَمَّا مَنْ أُعْطِيَ وَاتَّقَى {5} وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى {6} فَسَنِيسِرَهُ  
 لِلْيُسْرَى {7} وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى {8} وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى {9} فَسَنِيسِرَهُ لِلْعُسْرَى  
 {10} وَمَا يُغْنِي عَنْهُ مَالُهُ إِذَا تَرَدَّى {11} إِنَّ عَلَيْنَا لَلْهُدَى {12} وَإِنَّ لَنَا لَلْآخِرَةَ  
 وَالْأُولَى {13} فَأَنْذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّى {14} لَا يَصْلَاهَا إِلَّا الْأَشْقَى {15} الَّذِي كَذَّبَ  
 وَتَوَلَّى {16} وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَى {17} الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى {18} وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ  
 مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى {19} إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى {20} وَلَسَوْفَ يَرْضَى {21}

Мазмуни: «Қасамёд этаман, қоплаб келаётган тун билан, ёришиб келаётган кун билан, (Аллоҳ) яратган эркак ва аёл биланки, албатта, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз турличадир! Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллоҳдан) кўрқса, ҳамда гўзал (нарса)ни тасдиқ этса, бас, унга осонликни муяссар қилурмиз. Аммо кимки бахиллик қилса ва (ўзини) беҳожат (бой) санаса, ҳамда гўзал (нарса)ни ёлғонга чиқарса, бас, унга оғирликни муяссар қилурмиз. (У) ҳалок бўлган вақтида бойлиги унга фойда бермагай. Албатта, ҳидоят (тўғри йўлга йўллаш) фақат Бизнинг зиммамиздадир. Ҳақиқатан, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизнинг тасарруфимиздадир.

Сизларни (Қуръон ва пайғамбар орқали) ловуллаб ёнувчи дўзах ҳақида огоҳлантирдим. Унда фақат бахтсиз (одам) куйгай. Қайсики, (динни) инкор этиб, (итоатдан) бош тортган бўлса.

Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) узоқлаштирилур. Қайсики, у мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган бўлса. Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг «юзи»ни истаб (эҳсон қилур). (У) яқинда (қиёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур» (Лайл сура-си, 1–21-оятлар).

Аллоҳ таолонинг мукофоти ва мақтовларига лойиқ бўлиш бахтига муяссар бўлган Ҳазрат Абу Бакрнинг се-винч кўз ёшлари тўхтамасди.

Умар кўлидаги қамчисини бир тарафга улоқтириб, терларини артаркан, анчадан буён ўзи калтаклаётган Лубайнага қараб:

— Яна озроқ давом эттирмаганим учун узр сўрайман. Сенга раҳмим келганидан эмас, чарчаганимдан, зерикиб кетганимдан қамчинни улоқтирдим, билдингми? — деди.

Умар бекорга бу гапларни айтмаётган эди. Хаттобнинг ҳар бир жиҳатига меросхўр бўлган, бироқ бу жиҳатлар отасидагига қараганда яна-да ортган эди. Жасорат, кучқувват, шафқатсизлик, жаҳлдорлик ва шунга ўхшаш яна баъзи феъл-атворлар...

Лубайнанинг онаси Наҳдийя ҳам худди шундай калтакланардики, қамчилар остида эзилган қизи Лубайнани ўйлайдиган, унга ачинадиган аҳволда эмасди.

Умарнинг Лубайнани охирги бор калтаклаши эди. Лубайна охирги марта айтилган таклифни ҳам қабул қилмади, Ислом динидан юз ўгирмаслигини айтди.

— Майли, у ҳолда яна калтак ейишингдан хабаринг борми?

— Албатта! Шунинг билан бирга бу калтак сен чарчаб қолгунингча тўхтамаслигини ҳам биламан! Лекин булар мендаги иймон нурининг зиёда бўлишига сабаб бўлади, холос.

Калтаклаш яна бошланди. Қамчи яна ҳавода визиллаб, зарб билан пастга тушарди.

Лубайна ва унинг онаси Умарнинг ўз жориялари эмасдилар. Улар бева бир хотинга тегишли чўрилар эди. Умар бу ишларни кўшничилик ҳурмати учун бажарар, эри йўқ бева аёлга «ёрдам» бераётганди.

У бу икки жорияни ҳеч аямасдан, бор кучи билан саваларди. Шу даражага бориб етдики, жаҳлини жиловлай олмаган Умар кўлидаги қамчинни ташлаб қизни бўға бошлади. Омбурдек бўйинни сиқиб олган бармоқларга қизнинг заифгина кўллари ёпишди, уларни бўшатишга

интилди. Аммо бироздан кейин бу қаршиликлар суса-  
йиб, қизнинг заиф вужуди ерга қулади.

Умар уни ўлди, деб ўйлаб қўйиб юборди. Бироқ  
жаҳлидан ҳали ҳам тушмаганди. Қўркув ва ачиниш билан  
қизининг аҳволини кузатиб турган онага ташланди. Уни  
ҳам бўғиб ҳушсиз ҳолда ерга қулатди...

Бир қанча вақт ўтгач, она ва бола қўл тегирмонида  
бугдой янчар, соҳибаси бўлган бева аёл эса, тинмай улар-  
ни ҳақорат қиларди.

— Сизлар учун ягона қутилиш йўли ўзингизга ўхша-  
ган бир динсиз келиб сотиб олиши, ёки ўлишингиздир.  
Бошқа ҳеч қандай йўл билан қутила олмайсизлар...

— Уларни мен сотиб олмоқчиман!

Бу сўзларни айтган киши Ҳазрат Абу Бакр эдилар.

Савдо бир зумда пишитилди. Лубайна ва Наҳдийя  
ҳайрат билан, севинганча вазиятни кузатиб туришарди.

— Ишларингизни ташланглар, ҳар иккингизни ҳам  
Аллоҳ ризоси учун озод қилдим. Энди эркин қушсизлар.

Жориялар бир онда янгитдан туғилгандек бўлдилар.

— Ижозат беринг, шу бугдойни ун қилсак-да, кейин  
кетсак!

— Буёғи энди ўзларнингизга ҳавола.

Ҳазрат Абу Бакр у ердан атрофларини ўраб олган  
фаришталарнинг дуолари ва Аллоҳнинг розилиги билан  
узоқлашдилар. Ортларидан чин қалбдан қилинган дуолар  
улар ҳали узоқлашмасларидан Буюк Аллоҳнинг даргоҳига  
кўтарилган ва энг мақбул дуолар қаторидан жой олганди.

Лубайна ва онаси сўнгги ишларини тамомлар экан,  
ҳам бева аёлнинг ёмон тилидан, ҳам Умарнинг қўлидан  
қутилганларидан ниҳоятда севиндилар. Ҳазрат Абу Бакр-  
га миннатдорчилик кўзи билан қараб қолдилар.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни  
Масжид ул-Ҳарамда намоз ўқиётгандилар. Амр ибн

Ҳишом (Абу Жаҳл) бу вазиятда нимадандир жанжал чиқаргиси келди. Қони қайнаб кетганди.

— Мен сенга бу ерда ибодат қилишни тақиқлаб қўймаганмидим? Сени бу ерда намоз ўқиганингни ҳеч қачон кўрмай, демаганмидим? — дея бақирди. Яна шу ҳолда давом этса, қавмини ёрдамга чақириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни у ердан мажбуран чиқаришини айтиб дағдаға қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Ҳишомнинг таҳдили билан вазифаларини ташлаб кета олмас, намозларини буза олмасдилар. Чунки бу вазифага уларни буюрган ва Пайғамбар қилиб юборган Амр ибн Ҳишом эмасди. Уларга Жаброил алайҳиссалом қисқа сўзлар билан ибодатларида давом этишларини, агар Амр ибн Ҳишом хоҳлаган тақдирда ҳам ҳеч нима қила олмаслигини айтди.

Ростдан ҳам Расулуллоҳ уйларига қайтганларида Жаброил алайҳиссалом Буюк Раббимизнинг саломини ва ваҳийсини келтирганди. Келган ваҳий илк марта тушган беш оятнинг давоми эди:

كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظٍ {6} أَنْ رَأَاهُ اسْتَعْصَمَ {7} إِنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ الرَّجْعَىٰ {8}  
أَرَأَيْتَ الَّذِي يَنْهَىٰ {9} عَبْدًا إِذَا صَلَّىٰ {10} أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَى الْهُدَىٰ {11} أَوْ أَمَرَ  
بِالتَّقْوَىٰ {12} أَرَأَيْتَ إِنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ {13} أَلَمْ يَعْلَم بِأَنَّ اللَّهَ يَرَىٰ {14} كَلَّا لَئِنْ لَمْ  
يَنْتَه لِنَسْفَعَا بِالنَّاصِيَةِ {15} نَاصِيَةٍ كَاذِبَةٍ خَاطِئَةٍ {16} فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ {17} سَنَدْعُ  
الزَّبَانِيَةَ {18} كَلَّا لَا تَطَّعُهُ وَاسْجُدْ وَاقْتَرِبْ {19} {س}

Мазмуни: «Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой — беҳожат санашидир. (Эй инсон!) Албатта, қайтиш Раббинг ҳузуригадир. (Эй инсон!)

Кўрдингми, қайтараётан кимсани бандани намоз ўқиганда?! Кўрдингми — агар у (қайтарувчи) ўзи тўғри йўлда бўлса экан, ёки (ўзгаларни) тақвога (Аллоҳдан кўрқиншга) буюрса экан!

Кўрдингми, агар у (намоздан) тўсувчи кимса (аксинча ҳақни) инкор этса ва (у иймон келтиришдан) юз ўгирса, албатта, Аллоҳ (унинг бу қилмишларини) кўриб туришини билмаганмиди?!

Йўқ! Қасамки, агар у (бу йўлидан) қайтмаса, албатта, Биз унинг пешона сочидан тутамиз ўша ёлғончи, адашган (кимсанинг) пешона сочидан (тутиб жаҳаннамга отурмиз)!

Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин! Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз!

Йўқ! (Эй Муҳаммад!) Сиз унга итоат этманг ва (ёлғиз Аллоҳга) сажда (ибодат) қилиб, (Унга) яқин бўлинг!» **(Алақ сураси, 6—19-оятлар).**

\* \* \*

Бир куни кам сонли саҳобаларнинг баъзилари суҳбатлашиб ўтиришганди. Гап орасида:

— Қасамки, шу кунгача қурайшликлар Қуръони каримни ўз қулоқлари билан очик-ойдин эшитмадилар. Қани энди, бир жасоратли йигит бўлсаю, уларга Қуронни бор овози ила ўқиб берса!.. — дедилар.

Паст бўйли, озгин бир одам сўз олди:

— Мен борман, уларга Қуръонни ўзим эшиттириб ўқийман.

Бу кичик гавдали одам Уқба ибн Абу Муайтнинг қули Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд эдилар.

— Йўқ, биз шундай одам ҳақида гапиряпмизки, орқасида суянчи бўлсин! Унга бирор зарар етадиган бўлса, ҳимоя қила олсин!

— Мени Аллоҳ ҳимоя қилади.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд шундай деб ўртага чиқдилар.

Масжид ул-Ҳарамга кириб, баланд овозда «Басмала»ни айтдилар кейин қуйидаги оятларни ўқидилар:

الرَّحْمَنُ {1} عِلْمَ الْقُرْآنِ {2} خَلَقَ الْإِنْسَانَ {3} عَلَّمَهُ الْبَيَانَ {4} الشَّمْسُ  
وَالْقَمَرُ بِحُسْبَانٍ {5} وَالنَّجْمُ وَالشَّجَرُ يَسْجُدَانِ {6} وَالسَّمَاءَ رَفَعَهَا وَوَضَعَ الْمِيزَانَ  
{7} أَلَّا تَطْغَوْا فِي الْمِيزَانِ {8} وَأَقِيمُوا الْوَزْنَ بِالْقِسْطِ وَلَا تُخْسِرُوا الْمِيزَانَ {9}  
وَالْأَرْضَ وَضَعَهَا لِلْأَنَامِ {10} فِيهَا فَاكِهَةٌ وَالنَّخْلُ ذَاتُ الْأَكْمَامِ {11} وَالْحَبُّ ذُو  
الْعَصْفِ وَالرَّيْحَانُ {12} فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ {13}

Мазмуни: «Ар-Раҳмон (меҳрибон Зот) Қуръонни таълим берди. (У) инсонни яратди. Унга баённи (нутқни) таълим берди. Қуёш ҳам, Ой ҳам (аниқ) ҳисоб билан (сайр қилур). Полиз экинлари (ёки юлдузлар) ва дарахтлар ҳам (Аллоҳга) сажда қилур (бўйинсунур). Осмонни баланд қилиб қўйди ва мезонни (меъёр ва адолатни) жорий қилди, токи меъёрдан тажовуз қилмагайсиз.

(Эй инсонлар! Муомалада) вазнда адолат ўрнатингиз ва тарозида зиёнкорлик қилмангиз! (У) Ерни одамлар учун (текислаб) қўйди. Унда (турли) мева ва гунчаларга эга хурмо дарахтлари бор. Яна (унда) сомонли донлар ва райҳон (ва бошқа гуллар) бор. Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсиз?!» **(Ар-Роҳман сураси, 1–13-оятлар).**

Ўтирганлар бошларини кўтардилар.

— Ибн Умму Абд нималар деяпти?

— Қани давомини эшитайлик-чи!.. — дедилар.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд бор кучлари билан ҳайқирганларича давом этдилар:

خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ صَلْصَالٍ كَالْفَخَّارِ {14} وَخَلَقَ الْجَانَّ مِنْ مَّارِجٍ مِّنْ نَّارٍ  
{15} فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ {16} رَبُّ الْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ الْمَغْرِبَيْنِ {17} فَبِأَيِّ آلَاءِ  
رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ {18}

Мазмуни: «У инсонни (Одамни) сопол янглиф обдон қуритилган лойдан яратди. Жинларни (ва Иблисни ҳам) оловнинг тутунсиз алангасидан яратди. Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсиз?!»

(Аллоҳ) икки машриқнинг (яъни кун ва ой чиқадиган томонларнинг) ҳам, икки мағрибнинг (кун ва ой ботадиган томонларнинг) ҳам Парвардигоридир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!» **(Ар-Роҳман сураси, 14–18-оятлар).**

Ҳазрат Ибн Масъуд бошқа ўқий олмадилар.

— Бу одам Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ўргатганларини айтаётган бўлмасин!

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд уларга қарата:

— Албатта, ўшани ўқимоқдаман, мана ўзингиз эшитдингиз, — дедилар.

Беш-олти киши бирданига Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуднинг устиларига бостириб кела бошлашди. Бирпасда ерга йиқитишди. Ҳақорат ва калтаклар ёмғир каби ёғилди.

Бир қанча вақт калтаклашгач, қўйиб юборишди.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд у ердан юз-кўзлари маматалоқ бўлган ҳолда қайтдилар. Дўстларининг ёнига борганларида калтак еганларини айтишга ҳожат қолмаганди.

— Мана шу аҳволга тушишингдан қўрққан эдик, эй Абдуллоҳ!

— Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Қайтангга улар жуда ночор туюлди. Хоҳласангиз, эртага уларга яна Қуръондан ўқиб бераман.

— Йўқ, сен ўзингга юклатилган вазифани ортиғи билан бажардинг.

\* \* \*

Қурайшнинг аслзодаларига Маккада юзага келган вазият ёқмас, яқиндагина пайдо бўлган ва кундан-кунга қувватланиб бораётган, эътиқод қилувчилари ортиб бораётган бу диннинг эртага бошларига бало бўлишидан қаттиқ хавотирда эдилар. Хаёлларида бу дин уларнинг қўлидаги қудратни тортиб олиб, оддий одамлар-

нинг ҳолига тушуриб қўядигандек эди. Шу кунгача бир чақалик қадри бўлмаган қуллар, жориялар бош кўтари, эътиборли шахсларга айланар, ўзлари билан баробар, ёки ундан-да юксак мақомга кўтариладигандек туюларди.

Ҳеч ким назарига илмайдиган Билол каби, Ибн Умму Абд каби қул ва чўпонларнинг охиратда юксак шарафларга эришиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар шаҳар бўйлаб тарқаб кетганди.

«Энг яхшиси, сувни бошидан бўғиш, бу ишни узоққа чўзиб ўтирмай, ҳал қилиш», — деб ўйлади қурайшлик аслзодалар.

Валид ибн Муғийра бошчилигида бир неча кишиларнинг келганини эшитган Абу Толиб уларни эшикда кутиб олди. Ҳурмат ва иззат кўрсатиб ичкарига бошлади.

У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Кейин сўз Абу Толибнинг жияни даъват қилаётган динга бориб тақалди.

— Жиянинг бизнинг бут-санамларга тил текказди. Уларни ҳақорат қилди. Бизнинг эс-ҳуши бошида бўлган одамларимизни аҳмоқликда айблади. Акани укадан, укани акадан айирди. Болани отасига, қулни соҳибига қарши душман қилиб қўйди. Биз орамиздаги қавм-қариндошликка бирор зарар етмасин, деган мақсадда бу ишни бир томонга ҳал қилишинг учун сенинг ёнинга келдик. Кечаги кунга қадар давом этган чиройли дўстлигимизнинг бузулишини сира истамаймиз! — дедилар.

Абу Толиб охир-оқибат худди шу йўқловнинг бўлишини, қурайшликларнинг бугунги таклиф билан келишларини билганди. Суюкли жиянининг олиб бораётган ишларидан тўхтатиш учун амакилари орасида биринчи галда Абу Толибнинг олдига келишлари ҳам очиқ-равшан эди.

— Сизнинг динингиз менинг динимдир, сизларнинг маъбудларингиз менинг ҳам маъбудларимдир. Бу масала сизларни қанчалик ўйлантираётган бўлса, мени ҳам шунчалар безовта қилмоқда. Шу боис ҳам бу ишни мен-

га қўйиб беринглар. Жияним ҳақида қайғуриш биринчи галда менинг зиммамга тушади, — деб айта олмасди, айтмади ҳам.

— Ҳақсизлар, гапларингиз тўғри!.. — дегандек кўнгилга хуш ёқувчи сўзларни айтди.

Келганлар:

— Бу ишни тез орада ҳал қиласан, деган умиддамиз, эй Абу Толиб! — дедилар ва қайтиб кетдилар.

\* \* \*

— Нима бўлди, эй Амр? Кайфиятинг йўқ кўринади?

Амр ибн Ҳишом қуруққина қилиб жавоб берди:

— Нимага хурсанд бўлишим керак? Абу Толиб бизни жуда чиройли ҳолда алдаб юборди, — деди ва қуйидагиларни илова қилди:

— Абу Толибнинг бу ишдан айна дамгача хабари бўлмаган, деб ўйлайсизларми? Агар у жиянини тўхтатмоқчи бўлганида бу ишни ҳозирга қадар амалга оширмасмиди? Мана кўрасизлар, Абу Толиб унинг даъват қилган динига кирмаса-да, уни қўллаб-қувватлашда давом этади. Бу айтган сўзларимнинг исботини жуда тез орада ўзларингиз кўрасизлар.

Амр ибн Ҳишомнинг сўзларини эшитганлар ажабланишди. Умайя ибн Ҳалаф:

— Сўзларинг хато бўлишини жуда-жуда истайман, — деди.

— Мен ҳам янглишган бўлишимни жуда-жуда хоҳлардим, эй Умайя!..

Абу Толиб меҳмонларни кузатиб қайтгач, пешонасини қашиди. Энди олдинда уни катта имтиҳон кутаётган эди.

Жияни бу ишни шунчаки ҳавасга, ёки жанжал чиқариш учун қилмаётганини яхши биларди. Юксак бир мақомдан амр олганига ҳеч шубҳа қилмасди. Шу боис ҳам жияни ўз даъвосидан ҳеч қачон воз кечмайди. Унинг

олдига келган қурайшлик аслзодаларни ҳам бу динга киришга тарғиб қилиб бўлмас эди. Абу Толибнинг бу ҳолати икки оловнинг ўртасига тушиб қолган ҳолатга ўхшарди. Орадан чиқиб, «Мени бу ишларга аралаштирманг, нима муаммо бўлса, ўзаро ҳал қилиб олаверинглар!» – деб ҳам айта олмасди.

\* \* \*

Амр ибн Ҳишомнинг Набийлар Сарвари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарата, «Мен сенга бу ерда ибодат қилишни тақиқлаб қўймаганмидим? Сени бу ерда намоз ўқиганингни ҳеч қачон кўрмай, демаганмидим?» – деб қилган таҳдидидан сўнг тушган оятлар оғиздан-оғизга ўтиб, унинг ҳам қулоғига етиб борди.

Жуда жаҳлдор бир одам бўлган Амр ибн Ҳишом бу гапларни эшитганда асабийлашганидан кўкариб кетди. Унинг атрофида бу жаҳлни қуйишқонидан чиқаришга ҳаракат қилганлар бор эди.

– Хоҳлаган вақтимда намоз ўқийман, деганмиш!..

– Сен унга ҳеч нима қила олмас экансан, чунки азоб фаришталари келиб, пешонанг устидаги сочларингдан чангаллаб жаҳаннамга улоқтираркан!..

Маккада «Кун чиқса ҳам, ой чиқса ҳам мен учун чиқади!» – деб ўйлайдиган Амр ибн Ҳишомнинг жаҳлини чиқаришдан осон иш йўқ эди. Чунки жоҳиллик унинг қон-томирларида жўш уриб оқарди.

– Бас, етар! Бошқа гапга ҳожат йўқ! Қасам ичаманки, уни Каъба яқинида намоз ўқиётганини кўрсам, оёғимни бўйнига қўйиб, юзини ерга ишқалайман! – дея ҳайқирди.

## ЁСИР ОИЛАСИ ВА АММОР

Ёсир оиласининг мусулмон бўлишганини эшитган Бани Муғйра қабиласидагилар уларни қаттиқ исканжага олишди. Амр Ибн Ҳишом ўз қабиласининг қуллари бўлган Ёсир оиласига уйиштирилган бу қийноқларда шахсан иштирок этар, ҳаттоки бу ишларни назорат қиларди.

Қилинган ҳамма таклифлар ва таҳдидлар бекор кетди. Уларнинг ҳеч қачон аввалги динига қайтмаслиги аниқ бўлди.

Олдин Ҳазрат Аммор ибн Ёсирнинг оналари Ҳазрат Сумайяни икки туянинг орасига олиб келишди. Бир қўллари билан бир оёқлари туяларнинг бу томондасига, иккинчи қўл-оёқлари бошқа томондаги туяга маҳкамлаб боғланди. Туялар икки томонга юргизилгач, қўлу оёқлар қаттиқ керилди. Ҳазрат Сумайянинг узвлари ажралиб кетгудек бўлди. Ҳис қилган оғриқлари ниҳоясиз эди. Атроф уларнинг чидаб бўлмас чинқиригига тўлди.

Туялар бўшатилади. Қўл-оёқлар ўз жойига қайтди. Амр ибн Ҳишом Сумайяга яқинлашди.

— Хўш, қани айт-чи? Мазза қиляпсанми?

—!..

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг пайғамбар эканини инкор қилсанг, бу қийноқлар тўхтатилади.

Кескин бир жавоб эшитилди:

— Ҳеч қачон инкор қилмайман!..

Амр ибн Ҳишом туяларнинг тизгинидан тутиб турганларга ишора қилди. Худди шу пайт еру осмонни тўлдирган фарёд эшитилди.

Бу пайтда Ҳазрат Амморнинг оталари Ҳазрат Ёсир ҳам аёлидан нарироқда калтакланмоқда эди. Ҳазрат Аммор ва укалари Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Ёсир ҳам қийноққа солинаётганди.

Рамзо деб аталган бу тошлоқда бутун оила қийноққа дучор қилинганди. Шафқатсиз қийноқлар давом этаёт-

ган мана шу кунларнинг бирида Ҳазрат Ёсир Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолдилар.

– Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Ҳаётимиз шу ҳолда ўтиб кетадими? Биз учун қутулиш йўли йўқми? – дея сўрадилар.

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

– Эй Ёсир оиласи, сабр қилинглар! Эй Ёсир оиласи, сабр қилинглар, зеро сизнинг мукофотингиз жаннатдир! Сабр қилинглар, эй Ёсир оиласи! – дедилар. Кейин:

– Аллоҳим, Ёсир оиласига раҳматинг ила, мағфиратинг ила муомалада бўл! – дея дуо қилдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу тошлоқдан қалблари ғамга тўлган ҳолда айрилдилар. Бу савол-жавоб Ёсир оиласи исканжага олинган куннинг сўнггида бўлиб ўтган эди.

Ҳазрат Сумайя яна икки туянинг орасига боғландилар. Туялар ора-сира икки томонга юргизилар, бунинг оқибатида аччиқ фарёдлар эшитилар, икки томонга тара-ранг тортилган Ҳазрат Сумайянинг вужудлари қоқ ўрта-сидан бўлиниб кетай дегандагина туялар бўш қўйилар, бу ҳолат қайта ва қайта давом эттирилди. Энг ачинарлиси аёлининг, оналарининг бундай аҳволга солинаётганини кўриб турган, лекин унинг имдодига жавоб беролмаган, ҳаттоки ўйлашга ҳам имкони бўлмаётган ота-болаларнинг ҳолатлари эди. Улар ҳам қаттиқ қийноқда эдилар.

– Сен аслида Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ўзига ошиқ бўлиб қолгансан. Шу боис унинг динига ҳавас қилиб киргансан, шундайми?

Бу гапларни Амр ибн Ҳишом шароб тўла қадаҳини сипқораётиб айтганди. Тилга олинганда, ҳаттоки ўйлаб кўрилганда ҳам юзларни уятдан лов-лов қизартириб юборадиган бу гапларни айтиб:

– Шу боис унинг динини қабул қилдингми? – деб алжиради.

Ҳазрат Сумайя ахлоқсизликда учига чиққан Амр ибн Ҳишомнинг башарасига бир бор бўлса ҳам тупуришни

хоҳлардилар. Бироқ бу ҳолатларида истакларини амалга оширишга имкон йўқ эди.

– Тарбиясиз, беҳаё!..

Амр ибн Ҳишом кўлидаги қадахни ерга отиб юборди ва туяларни ушлаб турганларга яна ишора қилди. Вужуд иккига айрилар экан, кўлига тушган бир найзани бор кучи билан Ҳазрат Сумайяга суқиб олди. Охирги бўғиқ фарёд эшитилди. Қаттиқ азоблардан сўнг иккига ажралиб кетган вужуд ҳаракатсиз қолганди.

Ҳозир турган фаришталар Аллоҳ йўлида илк бора шаҳидлик шарбатини ичиш бахтига эришган Ҳазрат Сумайя розияллоҳу анҳонинг руҳини олдилар. Самоватга юксалган ва юқорилаган сари маънавий, абадий ҳаётга эришишига ишонган азиз руҳ пастдаги – минг бир азобда қийнала-қийнала иккига ажралиб кетган вужудни осонлик билан тарк этганди.

Ислом динида илк иймон келтирган аёл Ҳазрат Ҳадичаи Кубро розияллоҳу анҳо эканлиги шубҳасиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларини биринчи галда «Лаббай!» – дея қабул қилган аёл ҳам улардир.

Ҳазрат Сумайя розияллоҳу анҳо ҳам бу йўлда шаҳидлик мартабасига кўтарилганларнинг биринчи сафидан жой олдилар.

Уларнинг ортидан қанчадан-қанча шаҳидлар боришади. Азиз жонларини Аллоҳ йўлида севина-севина фидо қилган юзларча, мингларча, ўн мингларча инсонлар шаҳидларнинг сафига кўшилишади. Бироқ шунда ҳам уларнинг энг олдинги сафида, илк бор Аллоҳнинг ҳузурига йўл олган шаҳид сифатида, вужуди икки туянинг орасида бир латта каби йиртилаётиб, Аллоҳнинг ва Ислом динининг душмани тарафидан аврат жойига санчилган найзадан вафот этган нозик вужуд соҳибаси Ҳазрат Сумайя розияллоҳу анҳо турадилар.

Ҳазрат Сумайя розияллоҳу анҳонинг ортларидан Ҳазрат Ёсир ҳам берилган азобларга тоқат қила олмади-

лар. Улар-да ўз азиз жонларини жаннати олияга олиб кетиш учун келган фаришталарга таслим бўлдилар. Шундай қилиб, шаҳидлар дафтارينинг икки саҳифасини эру хотин бўлган Ёсир оиласининг икки аъзоси банд қилдилар.

Ҳазрат Аммор аввал оналарининг, кейин оталарининг шафқатсизларча ўлдиришганларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ўзлари эса ҳамон қийноққа солинмоқда эди. Ота-онасининг кўз олдиларида шаҳид қилингани уларнинг жигарларини тилка-пора қилганди. Бир азобларига юз азоб қўшилганди.

Охирида Ҳазрат Амморнинг бошларини сувга пишдилар. Нафаслари сиқилган Ҳазрат Аммор хушларини йўқотдилар. Хушсиз ҳолда сувдан чиқарилди.

– Хўш, нима дейсан? Ҳали ҳам Муҳаммад ибн Абдуллоҳни пайғамбар деб ҳисоблайсанми?

– Албатта, улар ҳақиқатан ҳам Пайғамбардирлар.

Яна сувга солинди. Озроқ кутиб турилгач, яна чиқарилди. Бироз сув ютганларидан оғир аҳволга келгандилар. Энди Ҳазрат Амморнинг кўз ўнгиларида ўлим шарпаси кўрина бошлади. Ортиқ чидай олмасликларини англадилар. Бу одамлар икки дунё бир бўлган тақдирда ҳам раҳм қилиб, уларни қўйиб юборишмас эди.

– Қандай фикрдасан, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ пайғамбарми?

– Йўқ, у пайғамбар эмас!

– «У ёлғончидир» деб айт!

– Ҳа ёлғончи...

– «Лот ва Уззо бутлари бизнинг ҳақиқий илоҳларимиз» – деб айт!

– Ҳа... илоҳларимиз!

Амр ибн Ҳишомнинг кўзларида зафар учқуни ялт этди.

– Мана ақлли йигит эканингни исботладинг. Отанг ва онанг каби бекордан-бекорга ўлиб кетмадинг, – дея бақирди.

Қийноқ тугатилиб, Ҳазрат Аммор қўйиб юборилди.

Бу воқеа мусулмонлар орасида даҳшатли тўфон каби тарқалди. Аллоҳ йўлида Ҳазрат Сумайя ва Ҳазрат Ёсирларнинг шаҳид бўлишганини эшитган, улар учун кўз ёш тўкканлар бу сафар Ҳазрат Аммор учун йиғладилар. Улар учун қайғурдилар. Бироқ Ҳазрат Аммор учун тўкилган кўз ёшларда бошқа бир маъно мужассам эди.

— Ҳайф бўлсин сенга, Аммор! Бор-йўғи бир қадам қолганди шаҳид бўлишингга. Шунини ҳам эплай олмадинг! — деб уларни койиганлар бўлди.

Дардларини шу ҳолда арз қилишарди. Ҳар бир йиғилишнинг бош мавзуси ҳам шу эди. Куфур мажлисларида ҳам шу ҳақда гапирилар, «Муҳаммад ибн Абдуллоҳга эргашганлар орасида ягона эс-хушли одам Аммор ибн Ёсирдир!» — дейиларди.

\* \* \*

— Қандай чидамли одамлар экан-а!..

— Қасам ичиб айтаманки, агар мени шундай қийноққа солиб, бут-санамларни ҳақорат қилишимни сўрашганида ҳали қийноқлар бошланмасданоқ Лотнинг, Уззонинг ва Ҳубалнинг етти авлодини жала-бўрон қилиб сўккан бўлардим.

Бу гапга қаҳ-қаҳ урилган кулгу жўр бўлди.

Булар ақли паст ёки бечора кишилар эмасдилар. Балки завқ учун қулларни калтаклайдиган, калтаклашдан ҳузур қиладиган, таёқ еган қулнинг фарёдини эмас, унинг елкасига урилаётган қамчининг овозини эшитадиган, қулларни калтаклаётиб, қўлидаги шаробини ютоқиб ичгувчи ва ора-сира:

— Отам учун ҳам бир ур! — дея бақирадиган, кейин қамчини олиб, калтакловчининг ҳам елкасига тушуриб қолиб:

— Мана бундай уришинг лозим! — дея танқид қиладиган кимсалар эди!

Булар калтак нималигини билмай ўсган кишилар эди. Ҳали ақлини танимасданоқ қўлларига тутқазилган хурмо новдалари билан қулларнинг болаларини оналарининг кўз ўнгида уриб, калтаклаб катта бўлгандилар. Баъзан:

– Илтимоc, боламга раҳм қилинг, кичик хўжайин! — деб ёлворган ота-оналар бу сафар болаларининг кўз олдиларида калтакланар, уят сўзлар билан оёғости қилинарди.

Қулларни инсон шаклида яратилган ҳайвон деб билувчи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борлиги борасида ўйлаб кўришни ҳам истамайдиган, уларнинг бор вазифаси фақат ўзларига хизмат қилиш деб тушунувчи одамлар эди булар!

\* \* \*

«Лот илоҳдир, Уззо ҳам илоҳдир!..»

Ёлғонларнинг энг ёлғони бўлган бу сўзларни айтар экан Ҳазрат Аммор уларни қатъий ишонч билан, чин юракдан айтмагандилар. Бироқ ичларига бир қурт тушиб, тинмай безовта қиларди. Дунёларни кўзларига тор қилиб кўйганди.

Кўп ҳолларда кофирларнинг устига бостириб бориб:

– Лотни ҳам Уззони ҳам бошингизга уринглар! — дея ҳайқиргилари келарди.

«Ажабо, ростдан ҳам шу гаплар менинг тилимдан чиқдимиди? Энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига қай кўз билан қарайман? Бу ҳолатни қандай тушунтираман?..»

Ҳазрат Аммор тонгга қадар ухлай олмай йиғлаб чиқдилар. Оқшомни ҳам маҳзун юз билан қаршиладилар. Кўнгилларида минг бир ўй-хаёл айланиб юрар, андиша ва виждон азобида қийналардилар.

Тун ярмида «Аллоҳим, мени кечиргин!» — дея дуолар қилдилар. Охир-оқибат, фурсат топилди дегунча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига боришга, агар улар «Иймонингни қўлдан чиқарибсан!» — десалар, ўша ондаёқ ўзларини бу ҳолга солган кофирлар-

нинг олдига бориб, қувватлари еткунича мушрикларни ўлдиришга ва кейин ўзлари ҳам жон таслим қилишга қарор қилдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришишни, уларнинг нур юзли чеҳраларига бир бор бўлса ҳам қарашни, муборак сўзларидан эшитишни хоҳлаб кун санадилар.

Бир куни шундай фурсат бўлганда минг бир ҳаяжон қаршисида, Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. Кўзлари тўла ёш эди.

— Эй Аммор, нима бўлди сенга?

— Ё Расулulloҳ, менга куфр сўзларни мажбуран айттирдилар!..

— Қалбинг нима деяпти?

— Қалбим иймон билан лиммо-лим!

Шундан кейин Ҳазрат Аммор оналари, оталаларига берилган азоблар ҳақида, оналарининг қандай ўлдирганлари тўғрисида йиғлай-йиғлай сўзлаб бердилар. Пайғамбаримиз уларни тингладилар:

— Агар яна мажбурлашса, истаганларини айтавер, — дедилар.

Кейин атрофдаги саҳобаларга қарадилар:

— Аммор сочидан тирноғигача иймон билан тўладир. Иймон унинг иликларигача кириб борган.

Ҳар дақиқаси узоқ соатларга чўзилган, ҳар они турфа хил азоб-уқубатларга тўла руҳий қийноқлар Ҳазрат Амморни тинч қўйишганди. Йиғидан қизариб кетган кўзларидан яна ёшлар қуйила бошлади. Бироқ бу кўз ёшлар олдингилари каби эмас, балки ниятига эришган, истаганидан ҳам кўпроғига эга бўлган инсоннинг севинч кўз ёшлари эди.

Ҳазрат Аммор қувончларига яна бир қувонч қўшилишидан беҳабар эдилар. Чунки мажлисда ўтирган бошқа саҳобалар каби уларга ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари кифоя қиларди. Ахир улар

Аршдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юборилаётган илоҳий фармондан қаердан ҳам бохабар бўлсинлар?..

Худди шундай! Келган фармон Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига, ҳаттоки кўзларига ҳам табассум улашганди:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مِنْ أَكْرَهٍ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ  
شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ {106} ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ  
اسْتَحْبَبُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ {107} أُولَئِكَ  
الَّذِينَ طَبَعَ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ وَسَمِعِهِمْ وَأَبْصَارِهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ {108} لَا جَرَمَ  
أَنَّهُمْ فِي الْآخِرَةِ هُمُ الْخَاسِرُونَ {109}

Мазмуни: «Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (ҳолига вой!) Лекин кимнинг қалби иймон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у мустаснодир. Аммо кимки кўнгилни куфрга очса, бас, у (каби)ларга Аллоҳ (томони) дан газаб ва улкан азоб бордир. Бу (азоб-уқубатлар)га сабаб уларнинг дунё ҳаётини охиратдан афзал билишлари ва Аллоҳнинг кофирлар қавмини ҳидоят қилмаслигидир. Ана ўшалар қалблари, қулоқлари ва кўзларини Аллоҳ муҳрлаб қўйган кишилардир ва ана ўшалар ғофиллардир. Шак йўқки, охиратда зиён кўрувчилар ҳам ўшалардир **(Наҳл сураси, 106–109-оятлар)**.

Бу муборак оятлар Пайғамбаримизнинг шахсан назоратлари остида Наҳл сурасининг оятлари сифатида муҳрланди.

Энди ҳеч ким «Аммор ибн Ёсир динидан қайтибди!» – деб айта олмас эди. Уларнинг иймонли эканликларига, бутун вужудлари, илик-иликларигача иймон билан тўлганлигини Буюк Аллоҳ ва унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шоҳидлик бергандилар.

## АМР ИБН ҲИШОМ

(Абу Жаҳл)

Бир куни Масжид ул-Ҳарамда ўтирганларнинг юзида шайтоний табассум зоҳир бўлди. Уларнинг орасида ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз айтмасдан қўли билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрсатишарди. Бу ҳолат ўзи шундоқ ҳам ёниб ётган оловга мой сепганга ўхшарди. Амр ибн Ҳишом ҳеч кимнинг оғиз очишига йўл қўймай ўрнидан турди. Тўғри Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам томонга қараб кела бошлади. Юракларни ўзгача бир ҳаяжон қоплаб олди. Амр ибн Ҳишомнинг бу ҳаракати қандай натижа билан якунланади?..

– Қасам ичиб айтаманки, Амр ибн Ҳишом Абу Толибнинг жиянини бизга айтгандек ҳолга туширади.

– Менга қолса, бу иш бугун ниҳоясига етмайди.

Ортада қолганлар шундай гапларни гапириб ўтиришар, Амр ибн Ҳишом эса ёлғиз намоз ўқиётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб яқинлашиб келаверарди. Бир неча одим қолганди. Орқадагилар Амр ибн Ҳишомнинг бирданига ортга тирсалганини, қўллари билан юзини беркитиб олганча, кўрқув ичида ортга қайтаётганини кўрдилар. Ҳеч ким унинг бу ишидан маъно топа олмади. Бир неча қадам ортига секин-аста жилган Амр ибн Ҳишом одамлар томон ўгирилди. Кўрқиб кетган ҳолда уларнинг ёнига келди.

– Эй Абу Ҳакам, нима бўлди сенга?

У ҳақиқатни яшира олмасди. Титраган ва ҳаяжонли бир овозда гапира бошлади:

– Ёнига яқинлашганимда у билан менинг ўртамизда оловли чуқур очилганини кўрдим, умримда бунақа оловни кўрмаганман. Ўйлаб олиш учун ортга қайтишга мажбур бўлдим.

– Офтоб бошингни қиздириб юборган, шекилли, Абу Ҳакам! Кўзингга ҳар хил сароблар кўрина бошлабди.

– Мен бирор марта сароб кўриб юрганмидим?!

– Тушундик, лекин биз ҳам кўр эмасмиз-ку!

Амр ибн Ҳишом ўзини мазах қилишларини хоҳламасди.

– Ўша оловли чуқурни ўз кўзларим билан кўрдим, сал олдинроқ юрганымда олов юзимни ёқиб юборарди.

– Яхши, ундай бўлса, ҳозир айтаётган оловинг қаерга кетди?

Амр шошиб қолганди. Ортига ўгрилиб, бир фурсат қараб турди. Лекин ҳозиргина ўзи кўрган жойда на оловлар бор эди, на чуқур.

– Ҳа, албатта! Мени сеҳрлаган бўлса керак!

– Кўрқиб кетган бўлмагин яна!..

– Мен ҳеч кимдан қўрқмайман.

– Аммо биз сени олдиндан огоҳлатирган эдик, бормагин дея қайтаргандик, бироқ ўзинг сўзларимизга қулоқ осмадинг.

Амр ибн Ҳишом ўтирган еридан турди. Уйга бориб бироз дам олмагунча бу сир-синоатнинг моҳиятига етмаслигига унинг ишончи комил эди.

\* \* \*

Қурайшнинг аслзодалари Абу Толибнинг уйига келиб-кетганларига ҳам икки ойча вақт бўлганди. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларини тўхтатиш борасида ҳеч бир иш қилинмади.

Валид ибн Муғййра Амр ибн Ҳишомни кечки овқат устида қарши олди. Ўтириб суҳбатлашдилар, Маккада рўй бераётган воқеалар ҳақида обдон фикр алмашишди.

Бани Ҳошимнинг улуғи Абу Толиб билан яна бир бор учрашишга келишиб олдилар. Индамай юришдан фойда йўқ эди.

Эртаси Куни Абу Толибнинг эшиги қоқилди. Келганларнинг гап-сўзларидан олов уфурарди.

— Ё жиянинг Муҳаммад ибн Абдуллоҳни бу даъвосидан тўхтатасан, ёки уни бизлардан ҳимоя қилишни бас қиласан! — деб дағдаға қилишди.

Абу Толиб жиянининг устунликлари, фазилатлари ҳақида гапиришга уринса-да, улар Абу Толибни эшитишмади.

— Уни яхши биламиз. Ёлғончи деб атамаяпмиз. Ёмон ҳам демаймиз. Фақат бизнинг бут-санамларга тил теккизишни бас қилишини истаймиз. Бу таклифимизни қабул қилса, унга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

Абу Толиб азобда қолганди.

— Гапларингизни унга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Бу ишни бир ёқлик қилишга киришаман, — деди.

Улар чиқиб кетишгач, чуқур ўйга толди. Узоқ ўйлади. Пастга тупурай деса соқоли, юқорига тупурай деса мўйлови!..

Жиянининг «Ҳеч бир фойда беролмайдиган, ҳеч бир зарари ҳам тегмайдиган» — деб таърифлаган бутларга бутун Макка халқи билан баробар ўзи ҳам бош эгиб ибодат қиларди.

Шу эътиқод билан қанчадан-қанча ақлли, ҳуш жойида бўлган инсонлар, қанчадан-қанча ҳурмат-эътиборга сазовор аслзодалар яшаб ўтишди.

Ҳар тарафлама инсонларга ўрناق ва намуна бўла оладиган жиянига ҳам ҳеч нима дея олмас эди. У одамларни даъват қилаётган дини ҳар хил қусур ва камчиликлардан пок, ибодатли, шарм-ҳаёли бўлишга чорловчи эътиқод эди. Бу диндан камчилик топиши учун одам ўта виждонсиз бўлиши лозим эди. Абу Толиб эса виждонли, ҳурмат-эътиборли кишилардан ҳисобланарди.

Боши кўллари орасида бўлгани ҳолда бир қанча вақт ўтирган ва зеҳнида бўлаётган тўфондан ўзига кела олмаётган Абу Толиб ниҳоят болаларидан бирига деди:

— Менга Муҳаммадни чақириб кел-чи!..

– Мени чақиртирганмидингиз, амакижон?

Хаёл уммонига фарқ бўлган Абу Толиб овоз берди:

– Қани, кел, ўғлим. Мана бундай ёнимга ўтиргинчи...

Абу Толиб бу сафар қурайшликлар жиддий талаб билан келишганини тушунтирди. Сўзларини қуйидагича тамомлади:

– Ўғлим, кўриб турганингдек, мен кундан-кунга қарияпман. Менинг кучим етмайдиган ишга ўзингни уринтирма!..

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу сўзлардан қаттиқ таъсирландилар. Бу сўзларни айтишдан мақсад «Бундан кейин сени ҳимоя қила олмайман!» – дейишмиди?..

Улар ёшли кўзларини амакиларига тикдилар:

– Амакижон, мен бу ишни ўз-ўзимча қилаётганим йўқ. Буюк Аллоҳнинг берган амри ила қиляпман. Қасам ичиб айтаманки, бу ишни ташлагин, деб ўнг тарафимга куёшни, чап тарафимга ойни қўйсалар ҳам ундан воз кеча олмайман. Ёки бу йўлда жонимни фидо қиламан.

Икки Олам Сарвари соллalloҳу алайҳи васаллам бу гапларни айтгач, ўринларидан турдилар. Қаттиқ таъсирланганча уйдан чиқдилар.

Абу Толиб жиянининг ёшли кўзлари қаршисида жиянининг пора-пора бўлганини, юрагининг сиқилганини ҳис қилди. Бутун умри давомида жиянининг бир мартаба ҳам чеккани учун қанчадан-қанча фидокорликлар қилган, балою офатларга кўксини қалқон қилганди. Шу боис Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ортларидан:

– Суюкли, жияним!.. – дея чақирди.

Фахри Коинот соллalloҳу алайҳи васаллам ортларига қарадилар:

– Сен вазифангни ўз билганингча давом эттиравер! Қасам ичаманки, то тирик эканман сенга зарар етказишларига йўл қўймайман! – деди.

## ЭС-ҲУШЛИ ҚАРИЯ (Утба ибн Робия)

Масжид ул-Ҳарамда суҳбатлашиб ўтирган кишилардан бири биродарларига янги таклиф билан чиқди:

— Менга қаранг, дўстлар! Хабарингиз бор, шаҳримизда ёқимсиз ҳаво бор. Кечаги кунгача ҳурмат қилган, Ал-Амин дея ном берган одамимиз ўртага чиқиб, бутларимизни рад қилди, кўпни кўрган оталаримизнинг ботил йўлда эканини айтди.

— Албатта! Худди шундай бўлди, эй Абу Валид!

— Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнига бориб, у билан гаплашишни, мақсади нима эканлигини билишни маъқул кўряпман. Зора шу ишдан бир фойда бўлса!..

— Тўғри айтяпсан, бориб у билан гаплашиб кўр.

Расули Мукаррам соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиднинг бир бурчагида эдилар. Ҳалиги одам ёнларига келиб салом берди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин мақсадга кўчди:

— Эй акамнинг ўғли, сен орамиздаги аслзода бир оиланинг фарзандисан. Ҳаммамиз сени шарафли инсон сифатида биламиз. Ҳозирда сен қавмимиз орасида ғавғо чиқардинг. Келтирган дининг билан аҳиллигимизни буздинг. Тўғри йўлда деб билганларимизни ақлсизликда айбладинг. Бут ва санамларни рад қилдинг, шу кунгача яшаб ўтган боболаримизни куфурда бўлганларини айтдинг. Энди менга қулоқ сол, сенга бир қанча таклифлар айтаман, улардан бирортасини қабул қил!

— Гапиравер, эй Абу Валид! Қулоғим сенда.

Утба таклифларини бирма-бир айта бошлади:

— Эй акамнинг ўғли! Агар сен бу даъво билан бойлик орттиришни мақсад қилган бўлсанг, мол-мулкимиздан бир қисмини сенга берайлик. Орамизда энг бойи ўзинг бўл! Агар шараф эгаси бўлишни мақсад қилган бўлсанг, сени ўзимизга раис этиб тайинлайлик. Шунда сенинг

рухсатингсиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди. Агар ҳукмдор бўлиш ниятида бўлсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилиб сайлайлик! Уйланиш истагинг бўлса, сенга энг гўзал ва латофатли қизларни никоҳлаб берайлик. Ёки кўзингга алламбалолар кўринаётган, жинлар сиқувга олган бўлса, уларни даф қилиш учун бор-йўғимизни сарфлаб бўлса ҳам сени даволатайлик. Ростдан ҳам инсоннинг ичига шундай жину шайтонлар ўрнашиб олишади, то давосини қилмагунча тузалмайди.

Бир қарашда Утба ҳақдай эди. Шу кунгача ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир ишни бошлаб, уни халқ орасида ёйишга интилган инсонининг асл истаклари юқорида санаб ўтилган таклифлар ичида бўлиши мумкин эди. Аммо Утба ўйлаб кўрмаган жиҳат бу ишнинг илоҳий вазифа эканлиги билан боғлиқ. Даъват этилган дин, унга хос яшаш тарзи ҳам ўзгача эди.

Утба ва у каби ўйлайдиганлар янги динга кирсалар нималарини йўқотишади? Ёки эски ҳаётларида қолсалар нимага эришадилар?

Шундай экан, юзаки қараганда тўғри гапираётгандек бўлган Утбанинг елкасида улкан масъулият — ҳозиргача яшаб келаётган ҳаёт тарзларини таклиф қилинаётгани билан солиштириш, орадаги фарқларни кўриб чиқишдан иборат эди, ўшандан кейингина: «Бизни зарарга олиб бораётган, ахлоқсизликни тарғиб қилган, инсондек яшашимизга тўсқинлик қилувчи бундай бетайин динни олиб келишингдан асл мақсадинг нима?» — деса, у мутлақ ҳақ бўларди.

«Сен бизнинг бут-санамларни қадрсиз қилдинг, ақлли инсонларимизни аҳмоққа чиқардинг», — каби умумий гаплар қайси дардга даво, қайси ярага малҳам бўлар эди?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўртага чиққанча бут-санамларга мадҳия тўқиб, арабларнинг жоҳилликка тўла ҳаётини яхши яшашнинг энг гўзал намунаси, дея айта олмасдилар.

Ёки «Зино ва фаҳшнинг ҳар турдагисини мукаммал адо этасизлар, бу билан сизларни олқишлайман!..» — дея олмасдилар. «Қулларингизга ит каби муомала қиласизлар, уларнинг чақачалик қадри йўқ, бу борада жуда тўғри йўл тутасизлар. Уларни озод қилсангиз, лаънатга учрайсизлар, ҳечам бундай қилманглар!..» — деган жоҳилона гапларни айта олмасдилар, ахир!..

Сарвари Анбиё соллаллоҳу алайҳи васаллам Утбани жим ўтирганча тингладилар. Гапи тугаганини сезгач:

— Эй Абу Валид, сўзларинг қолмадими? — дедилар.

— Йўқ, барчасини айтиб бўлдим.

— Ундай бўлса, сен ҳам мени эшит.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Басмала»ни айтдилар. Кейин Сажда сурасини ўқий бошладилар:

الم {1} تنزيل الكتاب لا ريب فيه من رب العالمين {2} أم يقولون افتراه بل هو الحق من ربك لتذرك قوما ما اتاهم من نذير من قبلك لعلهم يهتدون {3} الله الذي خلق السماوات والأرض وما بينهما في ستة أيام ثم استوى على العرش ما لكم من دونه من ولي ولا شفيع أفلا تتذكرون {4} يدبر الأمر من السماء إلى الأرض ثم يعرج إليه في يوم كان مقداره ألف سنة مما تعدون {5} ذلك عالم الغيب والشهادة العزيز الرحيم {6} الذي أحسن كل شيء خلقه وبدأ خلق الإنسان من طين {7} ثم جعل نسله من سلاله من ماء مهين {8} ثم سواه ونفخ فيه من روحه وجعل لكم السمع والأبصار والأفئدة قليلا ما تشكرون {9} وقالوا انذا ضللنا في الأرض أننا لفي خلق جديد بل هم بلقاء ربهم كافرون {10} قل يتوفاكم ملك الموت الذي وكل بكم ثم إلى ربكم ترجعون {11} ولو ترى إذ المجرمون ناكسو رؤوسهم عند ربهم ربنا أبصرنا وسمعنا فارجعنا نعمل صالحا إنا موقنون {12} ولو شئنا لآتينا كل نفس هداها ولكن حق القول مني لاملأن جهنم من الجنة والناس أجمعين {13} فذوقوا بما نسيتم لقاء يومكم هذا إنا نسيناكم وذوقوا عذاب الخلد بما كنتم تعملون {14}

Мазмуни: «Алиф, Лом, Мим. Бу Китобнинг (Куръоннинг) нозил қилиниши, шубҳасиз, (барча) оламларнинг Парвардигори (томони)дандир. Балки: «Уни (Муҳаммаднинг ўзи) тўқиб олган», — дерлар?! Йўқ, У

(яъни Қуръон) Сиздан илгари (олти аср давомида) бирор огоҳлантирувчи келмаган қавмни огоҳлантиришингиз учун Раббингиз (томони)дан (нозил қилинган) Ҳақиқатдир, шояд, улар ҳидоят топсалар. Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўргасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра «муставий» бўлган зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирор дўст ва оқловчи йўқдир. Ахир (бундан) эслатма олмайсизми?!

(У) осмондан ергача бўлган барча ишни тадбирини кўрар (бошқарар), сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизча минг йилга тенг келадиган (бир) кунда (яъни қиёматда) Унинг ўзига кўтарилиур. Ана ўша ғойиб ва ҳозирни билувчи, Азиз (қудратли) ва Раҳим (раҳмли), барча нарсани чиройли қилиб яратган Зотдир. Инсонни яратишни эса (илк бор) лойдан бошлади. Сўнгра унинг наслини ҳақир бир сувдан иборат нутфа (маний)дан пайдо қилди. Сўнгра уни битказиб, ичига Ўз (мулкидаги) руҳидан киритди. Сизлар учун қулоқ, кўз ва юракларни пайдо қилди. (Бу неъматлар учун) шукрни эса, кам қилурсиз.

Улар (кофирлар): «Бизлар ер (ости)да гумдон бўлиб кетгач, ҳақиқатан ҳам яна янгитдан яралурмизми?» — дедилар. Йўқ, улар Парвардигорларининг (улар билан бўладиган) мулоқотини инкор қилувчидирлар. Айтинг: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз». Агар Сиз (қиёмат кунда) Парвардигорлари ҳузурда бошларини қуйи тутиб турувчи жинойтчиларнинг: «Парвардигоро, кўрдик (кўзимиз очилди) ва эшитдик (қулоғимиз очилди), бас, бизларни (ҳаётга) қайтаргин, бизлар яхши амал қилайлик! Энди биз, албатта, ишонувчидирмиз», — (дейишларини) кўрсангиз эди!

Агар Биз хоҳласак, албатта, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз муқаррар бўлгандир: «Мен жаҳаннамни барча (куфрдаги) жин ва

одамлар билан тўлдиргайман». Бас, (эй кофирлар!) Ушбу кунингиздаги мулоқотни унутиб қўйганингиз сабабли (азобни) тотингиз! Дарвоқе, Биз ҳам (бугун) сизларни «унутдик». Қилмишларингиз сабабли мангу азобни тотингиз!» **(Сажда сураси, 1–14-оятлар).**

Ушбу сурани «Сажда» оятига қадар ўқиган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтадилар. Ўринлариндан туриб, «Аллоҳу Акбар», — деганча саждага кетдилар. Муборак пешоналарини Раббининг ҳузурда ерга қўйдилар. «Субҳана Раббиял Аъло», — дедилар, буни уч бора такрорладилар. Сўнгра яна «Аллоҳу Акбар», — деб ўринларидан турдилар.

Утба ибн Робия қўлларини бошига қўйганча, бироз ётиб олган Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нималарни сўзлаётганлари эшитар, ҳаракатларини кузатиб турарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суранинг давомини ўқимоқчи бўлганларида, қўли билан «Етарли» ишорасини қилди:

— Жим, орамиздаги дўстлик ҳурмати ҳаққи, тўхта, эй Ал-Амин, — деди.

Шунда Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

— Сен ҳам мен айтмоқчи бўлган гапларни эшитдинг, Абул-Валид! Мана эшитганларинг, мана сен! — дедилар.

Утба ўрnidан турди, судралган ҳолда, бошини эгиб олиб, қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмаган одамдек у ердан узоқлашди.

\* \* \*

— Ия, ахир бу Утба ибн Робиянинг юриши эмас-ку!..

— Калтак еганга ўхшайди!

— Кураги ерга теккан полвонга ўхшаб қолибди!.. — деган одамлар ҳам бўлди.

— У ерда нимангни қолдириб келдинг? Нималар қилдинг, эй Утба?!

– Бир сўз тингладим. Қасам ичиб айтаманки, илгари бундай сўзни ҳеч қачон эшитган эмасман. Яна айтаманки, бу сўзлар шеър эмасди, роҳибу коҳинларнинг ҳам сўзи эмас.

Утба ўтирганларга бир қур кўз югуртириб чиқди, сўнг-ра сўзларида давом этди:

– Эй қурайшликлар, гапларимни диққат билан эшитинг! Бу одамни келтирган дини билан бирга ўз ҳолига кўйинглар. Қасамки, у ўқиган бу калом бутун уфқларни забт этажак. Агар араблар уни мағлуб қилса, сизлар ўз мақсадингизга эришасиз. Унинг ўзи арабларни тиз чўктирса, билингки, унинг ғалабаси сизларнинг ҳам ғалабангиз бўлади. Ўшанда сизлар инсониятнинг энг бахтлиси бўласизлар.

– Эй Утба, у сени аниқ сеҳрлабди!..

Утба ортиқча гапириб ўтиришнинг фойдасизлигини сизди. Ўзи келган хулосага уларнинг ҳам келиши учун, бу каломни ўша жойда ўзи билан биргаликда тинглашлари лозим эди. Утба у ердан кетаркан:

– Менинг хулосам шу, сизлар ўз билганингизча иш тутаверинглар, – деди.

Утба ибн Робия бир неча кун уйидан ташқари чиқмади.

– Эй Утба, қаердасан?

Бу гапни айтган одам Амр ибн Ҳишом эди.

– Келавер, эй Абу Ҳакам!

Биргаликда ўтиришди, ҳол-аҳвол сўрашишгач, Амр ибн Ҳишом:

– Келишимнинг сабаби биз сени ҳам юлдузларга топинувчи бўлибди, дея эшитдик. Айтишларига қараганда, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг динини яхши кўриб қолган эмишсан. Энди одамлар сенга қандай ёрдам бериш ҳақида бош қотиришмоқда.

– Эй Амр, кўп валдирама!

– Валдираётганим йўқ! Агар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ берадиган икки луқма овқат учун динингдан кечаётган

бўлсанг, биз мол-мулк йиғиб берайлик. Сени бой-бадавлат қилайлик!

Утбанинг жаҳли чиқиб кетганди:

— Қасам ичаман, бундан кейин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан асло гаплашмайман. Сиз қурайшликлар ичида мени ўзимга тўқ, бадавлат эканимни жуда яхши биласиз. Бироқ шу нарса ҳам ёлғон эмаски, ундан шу кунгача ҳеч ким айтмаган гапларни эшитдим. Шу даражага етдимки, уни зўрға тўхтатиб қолишдан бошқа чора топа олмадим. У ўқиган каломдаги азобларни ўйлаб кўрқиб кетдим.

— Биз ҳам шу кўрқувинг сабаб динингни ташлагансан, деяпмиз-да!..

\* \* \*

Бир куни ойдин кечада юришдан завқлангандек кўринган бир шарпа Муҳаммад Ал-Амин соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйига қараб борарди. Кўчада ундан бошқа ҳеч ким кўринмас эди. Аслини олганда, у ҳеч ким кўриб қолмаслиги учун ҳам шундай пайтда йўлга чиққанди.

Шарпа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига келди. Атрофга назар солди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Ичкарида бўлаётган суҳбатни эшита оладиган жойга бориб яширинди. Унга кетма-кет келган, бир-биридан хабарсиз яна икки шарпа эргашганди.

Учинчи келган шарпа ўзидан олдин келган икки кишидан мутлақо хабарсиз эди. Иккинчи шарпа ҳам биринчисидан хабардор эмасди.

Бошқа бир вақт бўлганида Амр ибн Ҳишом «Ҳой, сизлар кимсизлар, қани бу ёққа чиқинг-чи?!» деганча ўрталарига отилган бўларди. Уларни ҳам худди ўзидек Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини эшитишга келганини пайқади.

Утба ибн Робияни хаёл уммониغا фарқ қилиб, уйига қамалиб олишга мажбур қилган бу сўзлар нима эди ўзи?..

Амр ибн Ҳишом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб:

– Қани, Утба ибн Робияга ўқиганларингни менга ҳам ўқиб бер-чи!.. – дея олмасди.

У ерга бориб, худди Утба ибн Робиядек мулзам бўлиб қайтишдан кўрқди. Шу боис ҳеч кимга билдирмай, Муҳаммад Ал-Амин соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига яширинча бориб, уларнинг сўзларини эшитишни энг маъқул йўл деб топди. Тун яримидан ўтганда боришга қарор қилди. Бироқ ўзига эргашиб келиб, бир бурчакка яширинган ва ичкаридаги овозларга диққат билан қулоқ осган бу одамлар ким эди?

Амр ибн Ҳишом ичкаридан келаётган овозни ва ўқиладиган Қуръонни эшитишга тиришди. Утба ибн Робия каби куппа-кундузи келмай тўғри қилганини тушунди. Чунки бу ерда ўқиладиган сўзларни у ҳам умри давомида эшитмаган эди.

Тонг яқинлашганидан хабар берувчи илк насим Амр ибн Ҳишом ва у танимаган икки шеригига у ердан кетиши лозимлигини эслатди. Амр ибн Ҳишом ўрнидан туриб юра бошлади. Бир неча қадам ташлагач, дудоқларидан ҳайрат ила бир исм учиб чиқди:

– Абу Суфён!.. Демак, бу сен экансан-да?..

– Ўзинг бу ерда нима қилиб юрибсан, Амр?

Энг биринчида шарпа ҳам яқинлашди, у Ахнас ибн Шарик эди.

– Тезда бу ердан жўнаб қолайлик, ҳеч ким бизни кўрмасин, – деди Абу Суфён.

Учови ҳам айни шу фикрда эдилар. Шу боисдан ҳам тунда келишганди.

Роппа-роса бир кундан кейин тонг яқинлашиб келаётган вақтда уч ҳамсоя яна шу ерда учрашиб қолишди.

– Сен бошқа келмоқчи эмасдинг-ку, Абу Суфён!..

Ахнас бу савол-жавобга нуқта қўйди:

– Учаламизнинг ҳам бир-биримизнинг олдимизда юзимиз қора бўлди. Дарҳол бу ердан кетайлик.

Учинчи куни тонгда ҳам худди шу одамлар айни шу ерда учрашдилар. Ҳар бири ўзаро бошқа келмасликка келишиб олишганди.

– Бу ишга нуқта қўяйлик. Биз бошқаларни қийнаб, аввалги динига қайтишга мажбурласагу, ўзимиз бу ерда юрсак, тўғри иш бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам бундан кейин уларни ўша ерда учратганлар бўлмади.

Эртаси куни тонгда Ахнас Абу Суфённинг эшигини қоқди:

– Марҳамат, Ахнас!

Ахнас уйнинг бир бурчагига чўкди.

– Эй Абу Ҳанзала! Муҳаммаднинг оғзидан тинглаганларинг ҳақида нималарни ўйлаяпсан?

Абу Суфён бошини эгди:

– Эй Абу Салаба! Нима ҳам дер эдим сенга?.. Унинг сўзларидан баъзиларига тушундим, нима демоқчи бўлганини ҳам англадим. Бир қисмининг маъносини ҳеч тушуна олмадим. Нима демоқчи бўлганини ҳам англолмадим.

– Мана менда ҳам шундай ҳолат, Абу Суфён!

Кейин Ахнас Абу Суфён билан хайрлашди. Амр ибн Ҳишомнинг уйига қараб йўл олди.

– Эй Абул Ҳакам! Муҳаммаднинг сўзларини эшитдинг, энди нималар дея оласан?

Амр ибн Ҳишом бирдан тутақиб кетди:

– Нима ҳам дердим? Биз Абдуманноф ўғиллари билан шон-шарафда мусобақа қилиб келамиз. Улар таом улашдилар, биз ҳам улашдик. Фақирларнинг оғирини енгил қилдилар, биз ҳам шундай қилдик. Улар эҳсон қилишди, биз ҳам эҳсон улашдик. Энди эса «Бизнинг пайғамбаримиз бор, унга осмондан ваҳий келяпти!» – дейишмоқда. Лекин биз буни қабул қилмаймиз. Қасам ичиб айтаманки, уни ҳеч қачон тасдиқ этмаймиз, эшитмаймиз ҳам. Ҳеч қачон!..

Ахнас ўрнидан туриб Амр ибн Ҳишомнинг уйидан чиқиб кетди.

\* \* \*

Ҳазрат Абу Бакр тарафларидан сотиб олиниб озод қилинган қул ва чўрилар қийноқ ва исканжалардан қутилган бўлсалар-да, ўзлари билганча ҳаракат қила олмас, ёки бир қанча мушриклар томонидан қилинган тазовулардан эркин бўлишмаганди.

Уларнинг орасида мусулмон бўлганлари тутилиб, қийноққа солинарди. Умар ибн Хаттоб ва Амр ибн Ҳишом Зиннурани исмли бир чўрини қийнашар, чарчаб қолгунларигача тинмай калтаклашарди. Бундан ташқари, Умму Убайс исмли аёл ва унинг чўри қизи ҳам шу каби қийноқлар остида қолгандилар.

Умму Убайсни оч ва сувсиз ҳолда қолдиришар, оёқда тура олмайдиган аҳволга келганда эса, калтаклашни бошлашарди. Охир-оқибат Умму Убайс чидай олмади:

— Лот ва Уззо илоҳларми? — деб сўрашди.

— Ҳа, улар илоҳлардир, — дея жавоб берди.

Унга ўша атрофдаги бир ифлос тошни кўрсатиб:

— Бу ҳам илоҳми? — дедилар.

— Албатта!

— Офарин, энди ақлли хотин эканингни исбот қилдинг.

Улар мақсадларига эришгандилар гўё. Аллоҳга иймон келтиришдан бошқа бирор «гуноҳ»и бўлмаган бир аёлни истаганларича калтаклашганди. Унинг тилидан куфр сўзларини эшитиш бахтига муяссар бўлгандилар.

Умму Убайс, эҳтимол, Ҳазрат Аммор билан боғлиқ вазиятдан хабардор бўлса, ҳаёт ва ўлим орасида бу куфр сўзни тилга олгандир. Ёки бир одамнинг тоқати етадиган энг охирги нуқтага бориб етгач, «Аллоҳим, мени кечиргин!» — дея қалби иймонга тўлиқ ҳолда бу сўзларни айтгандир!..

Унинг қалби иймонга тўлалиги, шубҳасиздир. Акс ҳолда, оч ва сувсиз қолдирилиб, ҳар куни калтак ейиши-

га эҳтиёж йўқ эди. Улар талаб қилган сўзни ўша заҳотиёқ айтиб, калтакдан қутулган бўларди.

Умму Убайс ва унинг қизи ҳам Ҳазрат Абу Бакрнинг кўрсатган улуғ олийжаноблиги туфайли сотиб олиниб, озодликка эришдилар.

\* \* \*

Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Масжид ул-Ҳарамда намоз ўқиётган эдилар. Қўшниси ва душмани Уқба ибн Абу Муайт кириб келди, устидаги матони олди. Набийи Акрам соллalloҳу алайҳи васалламнинг бўйинларидан ўтказиб бўға бошлади.

Ҳазрат Абу Бакр бу ҳолатни кўришлари билан учиб келдилар. Уқбага ташланиб, бир тарафга улоқтириб юбордилар.

– Раббим Аллоҳдир, дегани учунгина бир одамни ўлдираверасанми? – дея ҳайқирдилар.

Иш шу билан якунланмади. Жанжал катталашиб кетди. Ҳазрат Абу Бакр бу жанжалдан бир қанча енгил жароҳатларни орттириб олдилар.

Бошқа бир куни эса, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам яна Масжид ул-Ҳарамда Раббининг ҳузурда тургандилар. Аввал ҳам уларнинг чекинмай, бу ерда намоз ўқиётганларини кўрган бир неча мушрик ўзаро маъноли кўз уришгирдилар.

– Мана бу риёкорни қаранг! Ораларингизда ким ўтган куни сўйилган туянинг ичак-чавоғини олиб келиб, унинг бошига кийгизиб қўя олади?

Бу гапларни, эҳтимол, Амр ибн Ҳишом айтгандир?..

Уларнинг орасидан бир бадбахти «дик» этиб ўрнидан турди. Бу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қўшниси Уқба ибн Абу Муайт эди. Бориб туянинг ичак-чавоқларини олиб келди. Бу пайтда Сарвари Коинот соллalloҳу алайҳи васаллам сажда ҳолида эдилар. Бадбахт Уқба ибн Абу Муайт ичак-чавоқларни Пайгамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг устиларига қўйди.

Қаҳ-қаҳ урган кулгу эшитилди. Уларнинг чириб кетган фикрича, жуда зўр иш бўлганди гўё. Азалий ва абадий душманга, хотираси ва хаёлидан ҳеч қачон чиқмайдиган, ҳаёти давомида умуман унута олмайдиган бир ўйин ўйнагандилар. Бу ўйинни ҳеч бир камчиликсиз ижро ҳам қилишди. Ғалаба қозонганларига ҳеч ҳам шубҳа қилмаётгандилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамон сажда ҳолатида турар, кимдир келиб бу жирканч нарсани устиларидан олиб ташлашини кутардилар. Аммо бу ишга ҳеч кимнинг жасорати етмади.

Мусулмонлардан бири ўрнидан туриб, Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига ошиқдилар, вазиятни тушунтирдилар. Кичик қизлари Ҳазрат Фотима елдек учиб келдилар.

Оталари ҳали ҳам саждада, устиларида ҳамон туянинг ичак-чавоғи турарди. Кийимлари расво бўлганди.

Мушриклар ҳали ҳам мазах қилишар, бор овозлари билан қаҳ-қаҳ уриб кулардилар. Ҳазрат Фотима уларни қарғаб, оталарининг устиларидаги ичак-чавоқни олиб ташлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёққа турдилар. Завқ билан кузатиб турган бадбахтларга қарадилар. Кейин Каъбага юз буриб, қўлларини кўтардилар:

— Аллоҳим! Қурайшни Сенга ҳавола қиламан!

— Аллоҳим! Қурайшни Сенга ҳавола қиламан!

— Аллоҳим! Қурайшни Сенга ҳавола қиламан!

— Аллоҳим! Амр ибн Ҳишомни, Утба ибн Робияни, Шайба ибн Робияни, Валид ибн Утбани, Умайя ибн Ҳалафни, Умора ибн Валидни Сенга ҳавола қиламан! — дедилар.

Кулгулар тўхтади. Улар ёниқ қалбдан отилиб чиққан бу дуонинг нималарга қодир эканлигини ҳис қилгандек эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг диллари огриган, зулм ва ҳақорат кўрган эдилар. Шундай бир

вазиятда уларнинг тилларидан осмонга кўтарилган дуолар «Даргоҳи Иззат»га тўғри етиб борарди. Буюк Раббимизнинг ҳузурида уларнинг тилаги қабул бўлмаса, бошқа кимнинг ҳам истаги қабул бўлади?.. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло зулм кўрган кишининг дуоларини, гарчи у кофир бўлса ҳам қайтармайди.

Мушриклар роҳатини бузишга интилган бу қалб Оламлар Парвардигори учун бутун коинотдан-да қадрли эди. Ўн саккиз минг оламини биргина мана шу қалб соҳибининг ҳурмати учунгина яратган, бу қалб эгасини бутун оламларга раҳмат қилиб юборганди. Узоқ йиллар олдин Жаброил алайҳиссалом ва Микоил алайҳиссалом номли икки улуғ фаришталарини юбориб, бу қалбни илоҳий амалиётга ҳозирлаганди. Буюк Аллоҳ томонидан Сарвари Коинот бўлиши учун махсус тарбия қилинганди. Бу қалбга Аллоҳ таоло Ўзи рози бўлмайдиган ҳеч бир тушунча ва туйғуни жойламаганди. Бу қалб чин маънода Аллоҳ таолонинг назаргоҳи эди. Унинг оламларга келаётган раҳмати ҳам шу қалб орқали таралиб турарди.

Шу боис, бу дуонинг қайтарилиши, қабул қилинмаслиги асло тасаввур қилиб бўлмас тушунча эди. Чунки:

إِنَّ الَّذِينَ يُؤْذُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا  
مُهِينًا {57}

Мазмуни: «Албатта, Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлар ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир» (**Аҳзоб сураси, 57-оят**).

Бу ҳукм разолатга ботган кимсаларнинг бўйинларидан ҳеч қачон олинмайдиган қилиб илиб қўйиладиган бўлди. Бу ҳукм Расулини ҳар нарсадан устун қўйган Раббимизнинг ҳукми эди.

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол у ердан кетдилар. Ваҳийнинг илк кунларида нозил бўлган бошқа бир ҳукмга кўра кийимларини покладилар.

Оёғига ботган бир тикан сабабли мўмин кишининг гуноҳи тўкилиб, даражаси ортадиган бўлса, бу ҳодиса сабабли Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мартабалари ақлга сиғмас даражада юксалганини фарқлаш қийин бўлмайди.

Ҳар куни янги бир ахлоқсизликни ўйлаб топиб, шахсан амалга оширган, ёки бошқаларни бундай одобсизликни бажаришга ундаган, Маҳзун қабиласидан бўлмиш Амр ибн Ҳишом абадий лаънатланишга лойиқ бўлган куйидагича лақабга эга бўлганди:

«Абу Жаҳл!..»

Бу калиманинг маъноси сиркаси сув кўтармайдиган, одобсиз, ахлоқсиз дегани эди. Одобсизлик ва ахлоқсизликнинг асл манбаси бўлган бадбахтлик маъносида ҳам келарди.

Бу даврнинг номи «Жоҳилият даври» эди. Абу Жаҳл эса мана шу даврнинг том маънодаги асл, ҳақиқий вакили ҳисобланарди. У ўта жоҳил, ярамас, уятсиз бир одам эди. Агар ер юзидан барча уятсизликлар тугаб-битса, уни бутун ўзига хосликлари билан қайтадан вужудга келтирадиган, бошқаларга ҳам ўргата оладиган қобилият соҳиби эди.

У бундан кейин ҳам мана шу лақабга лойиқ эканини кўрсатади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга «Абу Жаҳл» дея ном бераётганларида нақадар ҳақ эканликларини шахсан исбот қилди.

Сал илгари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқир эканлар, Абу Жаҳл келиб, уларга озор бермоқчи бўлганида, иккисининг орасида оловли жарни ҳосил қилиб қўйган Буюк Раббимиз нима учун бу манфур ҳаракатни амалга оширганларга нисбатан ҳам бирор чора кўрмади?..

Бунинг сабаби борасида гапирар эканмиз, «Аллоҳ Алиим ва Ҳакийм Зотдир», — дейишдан бошқа сўзимиз йўқ.

## БИР ҲАҚСИЗЛИК ВА ХИЛФ УЛ-ФУЗУЛ АЪЗОСИ

Масжид ул-Ҳарамда суҳбат қилиб ўтирганлар баланд эшитилган бир дод-фарёддан бошларини кўтардилар. Фарёд ураётган бир мусофир киши эди. Ора-орада:

— Эй Ҳарам халқи, менинг ҳақимни олиб бергувчи бирор мард йўқми? — дея бақирар, кўз ёш тўкарди.

— Нима ҳақсизлик бўлди сенга?

— Ҳақимни олиб беринглар, деяпман. Ҳарам халқи менга ёрдамчи бўлишларини истайман.

— Оладиган ҳақинг кимда?

— Амр ибн Ҳишомда. У Маҳзум қабиласидан экан. Абу Ҳакам деб чақиришаркан.

— Тушунарли! Сен мана бу одамга эргашиб бор. У Амр ибн Ҳишомнинг дўсти. Дарҳол бориб, иккиланмай ҳаққингни олавер.

Мусофир одам Ирош қабиласидан эди. Сотадиган туяларини олдига солиб ҳайдаб келган, уларни Абу Жаҳл сотиб олганди. Бироқ ҳақини тўлашни хаёлига ҳам келтирмас, мусофирни ёнига ҳам йўлатмасди. Охирги умиди сифатида Каъбага келган, ўша ерда ўтирганлардан ёрдам сўраганди. Улар эса атайдан олдинроқда ўтирган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрсатиб, уларни Абу Жаҳлнинг энг яқин дўсти сифатида таништиришди. Мақсадлари Абу Жаҳлнинг жаҳлини чиқариш ва Саййид ул-Анбиё соллаллоҳу алайҳи васалламни гаввога аралаштириб, ўзлари четдан кузатиш эди.

Мусофир суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига яқинлашди:

— Мени сизнинг олдингизга юборишди, — деди.

— Мақсадинг нима?

Мусофир бўлиб ўтган ишларни бир бошдан айтиб берди. Уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига юборган кимсалар мазза қилиб кузатиб ўтири-

— Агар бир бора «Бермайман», — деганимда борми, мени ямламай ютиб юборган бўларди.

Абу Жаҳл ёлгон гапирмаётганди. Буларни айтиб бераркан, баданидаги, ҳаттоки бошидаги туклари ҳам тикка бўлиб кетганди.

— Яхши, ўша туядан Муҳаммад билан мусофир киши кўрқишмадими?

— Қасам ичаманки, билмайман. Буни ўйлаб ўтирадиган аҳволда эмасдим. Аммо бирор чора қилишнинг ҳеч бир имкони йўқ эди.

Утба ибн Робия бу воқеадан олдин яширинча Абу Жаҳлнинг уйи яқинига борганлардан сўради:

— Бизга бу туя ҳақида нега ҳеч нима айтмадинглар?!

Улар ҳайрон бўлганча лаб бурдилар:

— Биз ҳеч қандай туяни кўрмадик. Ниманинг шоҳиди бўлган бўлсак, барини сизларга айтиб бердик.

— Билишимизча, эй Амр ибн Ҳишом, сени сеҳрлашган. Агар ростдан ҳам туя бўлганида булар ҳам кўрган бўларди.

Абу Жаҳл тишларини гижирлатганча, мулзам ҳолда ўтирарди.

## ЯНА БИР ҚИЙНОҚ ҚУРБОНИ (Ҳаббоб)

Ҳазрат Ҳаббоб ибн Арот мусулмонлардан эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳазрат Арқам уйларига жойлашмасларидан илгари Исламни қабул қилгандилар. Тақдирни кўрингки, Ҳазрат Ҳаббобнинг хўжайинлари халқ орасида Умму Анмор куняси билан танилган аёл бўлиб, у қулининг мусулмон бўлганини анча кеч билди. Эшитган вақтида эса фиғони фалакка чиқди.

Ҳазрат Ҳаббоб темирчилик билан шуғулланардилар. Бир куни ўз ишлари билан машғул эканлар, Умму Анмор келиб қолди:

— Эй Ҳаббоб, сени Муҳаммад ибн Абдуллоҳга кўшилибсан, деб эшитдим?

— Худди шундай, эй Умму Анмор! Уларнинг даъватларини қабул қилдим.

— Дарҳол бу диндан қайтиб, аввалги динингни қабул қиласан!

— Аммо Муҳаммад Ал-Амин бизни ёмон ишларга буюраётганлари йўқ, аксинча, ёмон ишларни бас қилиб, яхшиликлар қилишга чорлаяптилар.

— Мен сенга нимани буюрган бўлсам, шуни бажарасан, Ҳаббоб!

— Ҳамма айтганингни қилишим мумкин, бироқ динимдан қайтмайман.

— Ўзингга қара, қаттиқ пушаймон бўласан!..

— Бу динга кирганим учун пушаймон бўлмаслигим аниқ.

Умму Анмор ёнидаги қулларга айтиб, ўчоқдаги чўғдек қизариб турган темирни чиқартирди. У бир ишора билан Ҳазрат Ҳаббобнинг елкаларига босилди. Аччиқ бир фарёд ва оғриқ ҳис қилинди. Атрофга куйган гўштнинг

ҳиди тарқалди. Ҳазрат Ҳаббобнинг елкаларида бир умр кетмайдиган қалин ва узун чизиқ пайдо бўлди. Улар қаттиқ оғриқ туфайли ҳушдан кетдилар.

Ҳазрат Ҳаббоб куйган елканинг оғриғига кўз ёшларини эш қилганча тонг оттирдилар. Бутун баданлари оловдек ловулларди.

Иккинчи ва учинчи кунлар ҳам Ҳазрат Ҳаббобни куйдириб азоблаш ва фарёдини эшитиш билан ўтди. Баданларида яна узун чизиқлар ҳосил бўлганди. Эртаси куни Ҳазрат Ҳаббоб Рамзо деб аталган тошлоққа олиб келинди. У ерда бир гулхан ёқилди. Ёнган оловнинг лахча чўғлари бир одам баданига мос ҳолда ёйиб чиқилди. Кейин Ҳазрат Ҳаббобни ана шу чўғнинг устига ётқиздилар. Туриб кетмасликлари учун устиларига оғир нарса бостирилди.

Ҳазрат Ҳаббоб даҳшатли овозлар билан бақирар, баданларининг куйган жойларидан чўғда ёнгани сабабли чидаб бўлмайдиган ноҳуш ҳидлар чиқарди.

Умму Анмор оловнинг ёнганидан бошлаб, совуб кул бўлгунига қадар шахсан назорат қилиб турди. Ора-орада «Кўйиб юборманглар, маҳкам ушланглар!» — дейишдан бошқа бир оғиз гап айтмади.

Умму Анмор Ҳазрат Ҳаббобни қанча исканжага олмасин, улар Исломдан воз кечмадилар. Ноилож қолган Аёл уларни кўйиб юборди.

Кўйиб юборди, аммо Ҳазрат Ҳаббоб фалакнинг гардиши билан айтмоқчи бўлган гапларини ҳам айтолмайдиган даражага келгандилар. Орадан узоқ йиллар ўтиб, Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу халифа бўлганларида Ҳазрат Ҳаббобдан елкаларини кўрсатишни сўрайдилар.

Ҳазрат Ҳаббоб халифанинг бу истагини бир буйруқ каби адо қилиш учун елкаларини очганларида Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу кўрқиб кетадилар ва «Бу даражада деб сира ҳам ўйламагандим!» — демоқдан ўзларини тўхтата олмайдилар.

Қийноқлардан абгор аҳволга тушган Ҳазрат Ҳаббоб фурсат топишлари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келдилар. Улар бир неча киши билан Каъбанинг соясида ўтиргандилар.

— Ё Расулуллоҳ, биз учун ёрдам сўрамайсизми? — деб айтдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қарадилар:

— Сизлардан аввалгиларга бир чуқур қазилиб, кейин ичига қийноқдаги одамни туширишар, ўткир тишли арра келтирилиб, ҳалиги одамни арралашарди. Шундай бўлса-да, улар ҳақ динидан қайтмасдилар. Яна бир бошқасини темир қозиқлар билан суяк-суякларигача азоблашар, бу ҳам уларнинг динидан қайтара олмасди. Қасам ичиб айтаманки, Аллоҳ таоло бу ишга нуқта қўяди. Шундай бўладики, бир йўловчи Санодан чиқиб, Ҳадрамавтга қадар давом этадиган йўлида фақат Аллоҳ ва мол-мулкига ҳужум қилувчи қароқчилардангина қўрқади. Сизлар эса бироз шошқалоқлик қилмоқдасизлар.

— Ё Расулуллоҳ, чорасизмиз, сабримиз ҳам тугаб бормоқда. Агар шундай қийноқларда тоқатимиз тугаса, Аллоҳдан ўлимимизни тилайликми?

— Сизлардан ҳеч бирингиз бошингизга тушган мусибат туфайли ўзингизга ўлим тиламанглар. Агар мажбур бўлса, «Аллоҳим ҳаётда қолишим хайрли бўлгунга қадар менга умр бер, агар яшашдан кўра, ўлим хайрлироқ бўлса, мени ўлдир!» — десин.

Ҳазрат Ҳаббоб ва уларнинг дўстлари бу гапни ўз ҳаётларига қонун каби жорий қилишди. Сабрнинг энг сўнгги нуқтасига қадар боришни, тоқатлари энг охирига етганда эса, яна бошидан сабр қилишни, лекин ҳеч қачон ўзларига ўлим сўрамасликни билиб олдилар.

Тоғ чўққисига тирмашган одам қаршисидаги чўққини энг охиргиси, дея ўйлайди. Уни забт қилгач, иккинчи

бир чўққини кўради. Унинг ҳам устига чиққан вақтида, янада баландроқ учинчи бир чўққига дуч келади.

Ҳақиқатнинг шундай эканини билганлар, илк чўққига чиқиш билан иш тугамаслигини жуда яхши билишади. Шу боис ҳам тайёргарлигини шунга мос тарзда кўрадилар.

Ҳазрат Ҳаббоб ва биродарларига айнан мана шу йўл кўрсатилди. Бошларига тушган кўргуликлардан ҳам баттарроқ қийинчиликлар бўлиши ва бунинг ҳеч қачон ниҳояси бўлмаслиги, фақат сабр қилиш кераклиги таълим берилди. Бироқ бу қийноқлар, албатта, бир куни тугайди, тўкилган терлар ва чекилган машаққатлар эвазига ҳузур ва роҳатга тўла кунлар келади.

Тишлар тишга қўйилди, томирларда қайтадан ғайрат жўш уриб оқа бошлади. Қилинган барча қийноқларга «Бундан ҳам ёмонроғи бўлиши мумкин эди», — деган тушунча билан «Аллоҳ мени янада кўпроқ мукофотлайди», — деган ишончни омихта қилган ҳолда қарадилар.

Орадан йиллар ўтиб, Ҳазрат Ҳаббоб хаёлларига ҳам келтирмаган кунларни кўрган вақтларида, қийноққа солиниш учун эмас, балки даволаниш учун қоринларини етти бор куйдирганларида сабр-тоқатлари ва Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатларини шундай ифода қиладилар:

«Расуллулоҳ бизга ўлим тилашни тақиқламаганларида, қийноқларга бардош беролмай, аниқ ўлимимни сўраган бўлардим!»

Ҳазрат Ҳаббоб Қуръон оятларини катта иштиёқ ила ёдлар, бошқаларга ўргатишни ҳам ўз вазифалари деб билардилар. Шу боис ҳам улар илк Қуръон ўргатувчилар сафидан жой олгандилар.

\* \* \*

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида бахтли оила қурилди. Бир куни Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ким жаннатий аёлга уйланишни истаса, Умму Айман билан турмуш қурсин, – деб марҳамат қилдилар.

Чунки улар Ҳазрат Умму Айманни ўз оналаридек яхши кўрардилар. Болаликларидан бошлаб, улардан фақат яхшилик кўргандилар, онасиз қолганларида қайғуларини Ҳазрат Умму Айманинг қучоғида аритгандилар.

– Мен уйланишни истайман, ё Расулуллоҳ!..

Бу жавобни айтган одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тутинган ўғиллари Ҳазрат Зайд ибн Ҳориса эдилар.

Бу вақтда улар йигирма етти ёш атрофида эдилар. Ўша пайтда эллик ёшдан ошган Ҳазрат Умму Айман билан бирга Фахр ул-Мурсалин соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига келиб, ўтирдилар. Уларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзлари никоҳладилар. Иккиси ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин инсонларидан эдилар.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки қизлари – Ҳазрат Руқайя ва ва Ҳазрат Умму Кулсумларнинг Абу Лаҳаб ўғиллари билан қилинган унаштирувлари бекор қилинганди. Яна ҳам тўғрироғи, Буюк Раббимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки суюкли қизларини жаҳаннамий бир оилага келин бўлишдан, хароб ва тайинсиз оила ичига тушишдан қутқариб қолганди.

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Ҳазрат Руқайяни илк мусулмонлардан Ҳазрат Усмон ибн Аффонга узатдилар. Шундан кейин Ҳазрат Усмон мусулмон бўлишлари билан бир қаторда, Расулуллоҳнинг куёви бўлишдек шарафга эга бўлдилар. Шу сабабли уларга «Зин Нур» (Нур эгаси) деган куня берилди. Ҳамма уларни шундай атай бошладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сал кейинроқ қизлари Ҳазрат Зайнабни Абул Осга бергандилар. У Ҳазрат Ҳадича онамизнинг жиянлари эди. Исломни қабул қилмаганди. Бироқ холасининг қизига доимо яхши муносабатда бўлар, унга ёмонликни раво кўрмас эди.

Ҳазрат Ҳадича онамиз тўй совғаси сифатида қизларига кўпгина ҳадялар бергандилар. Уларнинг орасида қимматбаҳо зебигардон ҳам бор эди.

## ЭСКИЛАРДАН ҚОЛГАН ЭРТАК

Мўминларга қарши қилинаётган қийноқлар билан бирга истехзою мазахлар ҳам кўпайди. Уларнинг ҳар бир ҳолати мазах қилиш учун мавзу бўлар, иймон келтирганларнинг кўпчилиги заиф, фақир ва қул-чўрилар табақасидан бўлгалари сабабли, қарши тараф уларни хоҳлаганларича устиларидан кулишарди.

Иймон келтирганларнинг жаннатга, келтирмаганларнинг дўзахга кириши ҳақидаги илоҳий ҳукм мушрикларни қуйишқонидан чиқариб юборганди. Ҳар куни энг оғир ишларга сабр-тоқат билан киришган, ғайритабиий қийноқларга солинган, уй-жойи бўлмаган, мол-мулки йўқ, хўжайини тарафидан уриб-калтакланган, бозорга олиб чиқилиб ҳайвондек сотилган, ҳаттоки қийнаб ўлдирилганлар кўпайиб борарди.

Мушриклар бу ҳукмни ҳеч ҳам тушуна олмас эдилар. Қандай қилиб қул чўрилар жаннатга кирар эканлару, уларни қийноққа солганлар дўзахга тушишаркан?..

Дор ун-надвада ўтириб суҳбат қурганлардан бири шу мавзунини ўртага ташлади:

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ишонганлар неъматлар ичида қолармиш. Билол, Аммор ва Ёсирга ўхшаганларнинг жойи жаннатнинг тўрида бўлар эмиш.

Уқба ибн Абу Муайт гапга аралашди:

— Муҳтарам амакисига ҳам икки хил даъво билан чиқди. Хабарларингиз йўқми?

— Қандай даъво экан?

— Жаҳаннамда оловлар ичида кабоб бўлиш даъвоси. Айтишича, Абдулуззодан дўзахда кабоб қилинар эмиш!

Уқба Абу Суфёнга қаради:

— Менга қара, Абу Суфён! Қанчалар вафодор поччанг бор-а! Абдулуззо дўзахда ҳам хотини билан бирга бўларкан!..

Абу Суфён лабини буриб деди:

– Кулоқ сол, жаннат, дўзах деганлари шунчаки эртак.

– Қанақа эртак?.. Ахир, Умму Жамилнинг бўйнида хурмо новдасидан тўқилган арқон ҳам бўлармиш!..

Гапни Абу Жаҳл илиб кетди:

– Абдулуззо гирт тўнғиз экан, биз билмай юрган эканмиз. Ўша дўзахда ҳам бир-икки танга ишлаб олай, деб хотинига бир иш топиб берибди. Ўтин ташиб рўзғор тебратармиш.

У кўз қири билан Абу Лаҳабга қаради:

– Бизнинг жиянимиз ҳам пайғамбар бўлганида, дўзахда гўлаҳлик қилармидик! Афсус, нима ҳам қилардик, пешонамиз шўр экан-да!

Абу Лаҳаб чидаб туролмади:

– Хўш, биз пешонамиз ярқираб, нимага эришдик? Кўриб турганингиздек у бизларни олов ичига ташлади.

Кейин кулганча давом этди:

– Дўзахда бизга шерик бўладиган мард йўқми?! Қаранг, лекин, у ерда бизларни интизор қилиб қўйсангиз, инсофдан бўлмайди. Дўсту ёрсиз дўзахда нима ҳам қила олардик?!

– Сен менга ҳам бир бурчакдан жой ажратиб қўй! Яна уй-жойсиз қолиб кетмайлик, — деди Абу Жаҳл.

Яна гапга Уқба ибн Абу Муайт бурун суқди:

– Менга қара, Амр! Сен янги исмингни биласанми?

– Янги исм?.. Бундан хабарим йўқ!

– Сенинг исминг Абу Жаҳл экан, яна унутиб қўйма!

Назр ибн Ҳарис қаҳ-қаҳ урганча кулиб юборди:

– Қирқ йил ота-онангга ялиниб-ёлворганингда ҳам сенга бунақа гўзал исм топиб беролмасди.

Унинг гапини Абу Суфён бўлди:

– Тўхтатинглар ҳазил-хузулни. Яхши гаплардан гаплашайлик!

— Қандай яхши гаплар ҳақида айтяпсан? — деди Абу Жаҳл. — Тўғри ва хайрли бир дин бўлганида биздан илгари қулу чўрилар ҳаракатга тушишармиди? Демак, энди Ҳаббоб жаннатга киради. Суяклари чириб ётган Ёсир ва Сумайя жаннатга киради. Булардан қайси бир қул жаннатнинг энг тўридан жой олишидан менинг ҳам хабарим йўқ. Қирқта қул сотиб олишга қодир бўлган Утба жаҳаннамга кирар экан, пайғамбарнинг муҳтарам амикиси эса дўзахда ўтин ташиб юраркан. Йўқ!.. Бунақаси кетмайди!

Абу Жаҳл атрофдагиларга бир қараб олди:

— Янги динни қабул қиладиганлар бўлса, марҳамат!

Ҳеч ким чурқ этмади.

— Яхши, унда Муҳаммаднинг ўқиб юрганлари ҳақида нима дейсизлар?

— Нима ҳам дердик, бераётган саволингни қара!.. Ҳаммаси эскилардан қолган эртақлар.

Назр ибн Ҳарис қўшимча қилди:

— Мен сизларга улардан минг бора яхши эртақларни айтиб бера оламан.

Бошқа бир тарафда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қалбларига сингдирилаётган ваҳий Жаброили Амин томонидан шундай ўқиладиганди:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلَّذِينَ آمَنُوا لَوْ كَانَ خَيْرًا مَّا سَبَقُونَا إِلَيْهِ وَإِذْ لَمْ يَهْتَدُوا بِهِ  
فَسَيَقُولُونَ هَذَا إِفْكٌ قَدِيمٌ {11} وَمِنْ قَبْلِهِ كِتَابُ مُوسَى إِمَامًا وَرَحْمَةً وَهَذَا كِتَابٌ  
مُصَدِّقٌ لِّسَانًا عَرَبِيًّا لِّنَذِرِ الَّذِينَ ظَلَمُوا وَبُشْرَى لِلْمُحْسِنِينَ {12} إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا  
اللَّهُ ثُمَّ اسْتَفَامُوا فَلَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ {13} أُولَئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ خَالِدِينَ  
فِيهَا جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ {14}

Мазмуни: «Кофир бўлганлар иймон келтирганлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эдилар», — дедилар. Улар ўзлари у (Қуръон) билан ҳидоят то-

пишмагач: «Бу эски уйдирмадир», — дерлар. У (Қуръон) дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмат бўлмиш Китоби (Таврот) бор эди. Бу (Қуръон) араб тилидаги (олдинги илоҳий китобларни) тасдиқловчи бир Китобдир. У золим (кофир) бўлганларни (охират азобидан) огоҳлантириш ва эзгулик қилувчиларга (жаннат ҳақида) хушхабар сифатида (нозил қилингандир).

«Албатта, Раббимиз — Аллоҳ», — деб, сўнгра (тўғри йўлда) устувор бўлган зотлар учун хавф йўқдир ва улар қайғу ҳам чекмаслар. Айнан ўшалар жаннат аҳли бўлиб, у жойда мангу қолурлар. (Бу) улар қилиб ўтган амалларининг мукофотидир» **(Аҳкоф сураси, 11–14-оятлар).**

## ҲОЖИЛАРГА НИМА ДЕЙИЛАДИ?

Ҳаж мавсуми яқинлашганди. Ҳар тарафдан ҳаж ибодатини адо этиш учун келадиган ҳожилар кутилаётганди. Агар қўйиб берса, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳожилар орасида юриб, уларга янги диндан хабар бериши ва даъват қилиши аниқ бўлиб қолганди.

Мушрикларнинг катталари эса «Янги диннинг бундай кенг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди», — деб ҳисоблашарди. Индамай қараб туриш, кейин пушаймонлик олиб келадиган бир қанча ҳодисаларга сабаб бўлиши турган гап. Агар Абдулмутталибнинг набираси мақсадига эришиб, ташқаридан келганларни ўзи томонга оғдира олса, шу вақтгача Қурайш орасида ҳурмат-эътиборли, сўзининг қадри борлардан кўпчилиги ер билан битта бўлади.

Масалани Дор ун-надвада атрофлича кўриб чиқиш ва маълум бир қарорга келиш учун фақат мушрикларнинг катталари тўпланган мажлис қилинди.

Тўрда Валид ибн Муғийра ўтирарди. Унинг икки ёнида Абу Жаҳл ва Назр ибн Ҳарис жойлашгандилар. Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Уқба, Мунаббих, Набих, Умар, машҳур паҳлавон Руқона, Ос, Умайя, Шайба, Абу Убайҳа каби қавмларининг катталари ҳам шу мажлисда эдилар.

Бу мажлисга Абу Лаҳабдан ташқари бошқа бирорта Бани Ҳошим уруғига мансуб кишилар қатнашишмади.

Мажлисни Валид ибн Муғийра очди.

Ҳаж мавсуми яқинлашаётганини ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳга қарши қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларни гаплашиб олиш учун йиғилганини айтиб ўтгач, гапларини қуйидагича давом эттирди:

— Мукаммал тарғибот ишларини амалга оширишимиз лозим. Бу борада бир ёқадан бош чиқармасак, кейин ҳолимиз «вой» бўлади. Ҳар ким ақлига келганини

айтиб, бирининг айтганлари бошқасиникига тўғри кел-  
маса, келган ҳожилар биздан шубҳаланишади. Энди ўй-  
лаб кўрайлик, уни ҳожиларга нима деб танитамиз? Шун-  
дай танитишимиз керакки, ҳожилар гапини ҳам эшитиб  
ўтирмай юз буриб кетсинлар.

– Қулоғимиз сенда, эй Абдушшамс!

– Нимани маъқул кўрсанг, шуни бажарамиз!..

– Мен олдин сизларни эшитмоқчиман. Ўз таклифим-  
ни охирида айтаман. Ўйлайманки, мен айтмоқчи бўлган  
таклифдан кўра яхшироғини ўртага ташлайсиз.

– Ҳақсан, эй Валид!

Илк таклиф айтилди:

– Уни «ёлғончи» дея танитайлик.

Валид ибн Муғийра бошини икки томонга сарак-  
сарак қилди. «Асло» деган маъноси бор эди бу бош  
қимирлатишнинг.

– Орамизда қирқ йилдан буён бирор марта бу одам-  
нинг ёлғон гапирганини эшитганлар борми? Албатта,  
йўқ! Бу гапимизга ҳеч ким ишонмайди, ҳаттоки ўзимиз  
ҳам.

– «Ақлдан озган» десак, маъқул деган фикрдаман.

– Унинг нимаси ақлдан озган? Сиз бирор марта  
ақлдан озган телба одамни кўрганмисиз? Муҳаммаднинг  
гап-сўзларида, қилган ишларида телбаликнинг ҳеч бир  
кўриниши йўқ-ку!.. Телбаларда васвасага тушиш, ўзини  
бўғилиб қолгандек тутиш, шайтонлаш, тушунарсиз сўз-  
лар айтиш ва сўқинишга ўхшаш ҳолатлар кузатилади.  
Булардан ҳеч бири Муҳаммадда мавжуд эмас. Биз ҳозир  
ташқаридан келган ҳожилар тугул, ўзимиз ҳам ишонади-  
ган бир гап ўйлаб топишимиз лозим.

– «Коҳин» деб атайлик, бу унга ярашади.

– Биз шу кунгача қанчадан-қанча коҳинларни кўр-  
дик. Уларнинг маъносиз сўзларини тингладик. Сўзлаган  
сўзлари ҳеч қачон бир-бирига мос келган эмас. Устига  
устак, сизлар Муҳаммадни кўпдан буён танийсизлар,  
коҳинларга ўхшаб иш тутганини кўрганлар борми?

— Энг яхшиси, уни «шоир» деб танитишимиз керак, — деди бири.

— Азизим, биз шеърни тушунмайдиган, шеър айтмайдиган халқ эмасмиз-ку! Баҳс бойлашим мумкин, орамизда ҳеч ким шеърни менчалик тушунмайди. Аммо унинг сўзлари шеър эмас. Бундай десак, ҳеч кимни ишонтира олмаймиз.

— Унда «сеҳргар» дейлик!

— Ҳеч қачон, унинг ишларида сеҳрнинг аломати йўқ.

Валид ибн Муғийра ҳамма таклифларни бирма-бир йўққа чиқарди. Шунда бир киши:

— У ҳолда сенинг таклифингни эшитамиз, эй Абдушшамс! Биз айтганларнинг бирортасини ҳам қабул қилмадинг. Сен ўзинг нималар ҳақида ўйлаяпсан? Уни нима деб танитишимизни истайсан?

Валид бошини эгиб ўйга ботганча ўтирарди. Қай тарафга юрса ҳам охири берк кўчага киргандек бўларди. Ё туҳмат уюштириш, ёки мағлубиятни тан олмоқ лозим эди. Учинчи бир йўл ҳам бор эди: Аллоҳ Расулининг байроғи остида тўпланиш ва абадий саодат тожини кийиш...

Бошлар эгилган, зеҳнлар ўтмаслашиб қолганди. Валид ибн Муғийранинг юзлари борган сари бурушиб кетарди. Ишонса бўладиган бир нима ўйлаб топишга ҳаракат қиларди. Валид буларни нима учун қилаётганди? Бирор ишонарли гап топса, ишлари осон кўчади, деб ўйлармиди?..

Нима деса ҳам тўғри келмас, ҳақиқатга ўхшамас эди. Ниҳоят бошини кўтарди:

— Қасам ичиб айтаманки, унинг гап-сўзларида ўзгача бир чучуклик, софлик бор. Таги соя-салқин, шохлари мевага тўла дарахтга ўхшайди. У ҳақда ёлғон гап гапиришнинг ўзи қандайдир хато иш, назаримда!..

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Абу Жаҳл ўйга толганди:

«Эй қария, сен бизни ҳар томон судраб, охир-оқибат мағлубият томон бошламоқчимисан?» — дейишдан ўзини аранг тутиб қолди.

Сукунат анчагача давом этди. Абу Жаҳл энди огиз жуфтлаганди, Валид сўзини олиб қўйди:

– Энг яхшиси, уни «сеҳргар» деб танитишимиз экан, – деди. – Ўзларингиз кўриб турганингиз каби одамларни динидан чиқармоқда. Одамларни бир-бирига қарши қилиб қўймоқда. Отани ўғилдан, онани қизидан, акани укадан айириб юбормоқда. Унинг ўқиганлари ҳам сеҳрдан бошқа нарса эмас.

Мурод ҳосил бўлгандек эди. Исталган нарса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га бир лақаб топиш, бу лақабни ҳаммага ёйиш эди. Энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келадиган ҳожиларга «сеҳргар» дея танитилар, «Асло ёнига яқин бора кўрманг, йўқса умуман ақлу ҳушингиздан айириб қўяди!» – деб айтилар эди.

## ЖАҲАННАМНИ ҚЎРУВЧИ ЎН ТЎҚҚИЗ МАЛАК

Бошқа тарафда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга ҳозиргина бўлиб ўтган мажлис ҳақида хабар берилганди. Ҳар нени кўриб, билиб тургувчи Алийм Зот Жабройил алайҳиссаломни юбориб, Дор ун-надвада бўлиб ўтганларга жавобан қуйидаги оятларни туширганди:

فَإِذَا نُقِرَ فِي النَّاقُورِ {8} فَذَلِكَ يَوْمَئِذٍ يَوْمٌ عَسِيرٌ {9} عَلَى الْكَافِرِينَ غَيْرُ يَسِيرٍ  
{10} ذُرْنِي وَمَنْ خَلَقْتَ وحيداً {11} وَجَعَلْتَ لَهُ مَآلَا مَمْدُوداً {12} وَبَنِينَ شُهُوداً  
{13} وَمَهْدَتْ لَهُ تَمْهيداً {14} ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ {15} كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عَنِيداً  
{16} سَأَرْهَقُهُ صَغُوداً {17} إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ {18} فَفَعَلْ كَيْفَ قَدَّرَ {19} ثُمَّ قَاتَلَ كَيْفَ  
قَدَّرَ {20} ثُمَّ نَظَرَ {21} ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ {22} ثُمَّ أَدْبَرَ وَاسْتَكْبَرَ {23} فَقَالَ إِنْ هَذَا  
إِلَّا سِحْرٌ يُؤْتَرُ {24} إِنْ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ {25} سَأَصْلِيه سَعْرَ {26} وَمَا أَدْرَاكَ مَا  
سَعْرُ {27} لَا تَبْقَى وَلَا تَذَرُ {28} لَوْ آحَاةٌ لِلْبَشَرِ {29} عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ {30}

Мазмуни: «Қачонки, (қиёмат эълони учун) сур ча-линганида, ана ўша кун қийин кундир. Кофирларга осон бўлмаган (кундир).

(Эй Муҳаммад!) Мен сўққабoш қилиб яратган кимсани (Валидни) Ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мўл бойлик бердим. (Хизматига) ҳозир у нозир ўғилларни ҳам. Яна унга (ҳаёт неъматларини) муҳайё қилиб қўйдим. Сўнгра у (борига қаноат қилмай) яна зиёда қилишимни таъма қилур. Йўқ! Чунки у оятларимизга (иймон келтириш ўрнига) қаршилиқ қилувчи эди. Яқинда Мен уни (дўзахдаги) баланд довонга дучор қилажакман. Чунки у (Қуръон тўғрисида ёмон) фикр юритди ва (нима дейишни) ўйлаб қўйди. Ҳалок қилингур, қандай ҳисобга олди?! Яна ҳалок қилингур, қандай ҳисобга олди?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Қуръондан айб топа олмагач) юзини тириштирди ва буриштирди. Сўнгра (Ҳақдан) юз ўгирди ва кибр қилди. Бас, деди: «Бу

(Қуръон) сеҳрнинг ўзидир. Бу айна башарнинг сўзидир». Яқинда Мен уни Сақарда (жаҳаннамда) куйдиражакман.

(Эй Муҳаммад!) Сақарнинг нима эканлигини қаердан ҳам билар эдингиз?! У (бирор кофирни) қолдирмас ҳам, (ўз ҳолига) қўймас ҳам (балки куйдириб, азоб берур). (У) териларни қорайтириб куйдирувчидир. Унинг устида ўн тўққиз (фаришта қўриқчилик қилур)» (**Муддассир сура-си, 8–30-оятлар**).

Қавми орасида «Ягона» дея ном чиқарган, тенги йўқ деб билинган Валид учун улуғ бир таҳдид, буюк азоб хабари келганди. Бу оятларни мўминлар бир-бирига ўқиб бердилар. Аёли мусулмон бўлганлар бу оятларни уйларида ҳам такрорладилар. Ниҳоят бу оятлар бир куни мушрикларнинг ҳам қулоғига етиб келди.

– Мана янги диннинг сафсата эканлиги ҳам аён бўлиб қолди, – деди Уқба ибн Абу Муайт. Шомдам Ямангача донги кетган Валиддек одам жаҳаннамга кирармишда, қулу чўрилар жаннатга тушармиш. Мен бу ишга қойил қолмадим!..

– Ўн тўққизта фаришта ҳақида нима дейсизлар? Муҳаммадга хабар берилишича, дўзахда ўн тўққизта қўриқчи фаришталар бор эмиш!..

– Билишимча, дўзах жуда кичкинагина бир ер бўлса керак!

Абу Жаҳлнинг гап эшитишга тоқати йўқ эди:

– Қасам ичаманки, шундай кўчага чиқиб жар солсам, ўн тўққизта одамдан бир қанчасини тўплайман. Қаранг, Абу Кабша, сизни ўн тўққиз киши билан қўрқитмоқда. Сизлар эса бир қўшин каби кўпсиз. Биттасига ўнтадан қарши чиқсангиз ҳам, ҳаммасини ер тишлата олмайсизми?

Абу Асвад Жумаҳий қаҳ-қаҳ отиб кулди:

– Хавотир олманглар! – деди, – мен омон бўлсам, ўнтасини ўнг елкамга, қолган тўққизтасини чап елкамга

олиб авраб тураман. Сиз қўлингизни белингизга қўйганча бемалол жаннатга кириб олаверасиз.

Суҳбат ҳазил-мутойиба билан давом этаркан, Валид ибн Муғийранинг ҳеч кўнгли ёришмасди. Ичидан келадиган бир овоз унинг башарасини буруштиришга мажбур қилар, «Сен бирор марта Муҳаммаднинг шунчаки гапирганини, ёки ёлғон сўзлаганини эшитганмидинг? Энди ҳозирлигингни кўравер!» — дея тинчлик бермасди.

— Нимани ўйлаб қолдингиз, амаки?

Валид дудуқланганча:

— Ҳеч... Ҳеч нима ҳақида ўйлаганим йўқ! — деди.

— Жуда кўп хаёл суряпсиз, бизгаям айтинг!

— Шу... Муҳаммаднинг охирги ўқиганлари бор-ку!

Абу Жаҳл кулиб юборди:

— Қўйинг, амаки! Биз дунёга сафсата эшитгани келганимиз йўқ.

Мушриклар бу сафар мазах қилишга янги мавзу топгандилар. Мусулмонларга дуч келганларида:

— Ўн тўққиз фаришта бор-ку, биз уларнинг ҳар бирини дўзахнинг бир бурчагига боғлаб қўямиз. У ерда ҳам ҳокимият бизнинг қўлимизда бўлади! — дейишарди.

Куч ишлатишга тўғри келиб қолса, Паҳлавон Руқонанинг қўл оёқлари ишга тушиб кетарди. У дуч келган мўминларни елкаси билан туртиб ўтар, итариб юборар ва:

— Ўн тўққиз кўриқчи фаришталарингиз ҳақида нима хабарлар бор? Уларнинг ҳаммасини бир ўзим янчиб ташлайман! — дер, сўнг қаршисидаги мусулмонга кучини кўрсатарди. Қаерга қараманг, дўзахдаги ўн тўққиз фаришта, уларнинг вазифаси ҳақида гап борарди.

Бу орада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари бу мавзунини аниқлаштирадиган оятлар билан тўлди:

وَمَا جَعَلْنَا أَصْحَابَ النَّارِ إِلَّا مَلَائِكَةً وَمَا جَعَلْنَا عَدَّتَهُمْ إِلَّا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا  
 لِيَسْتَنبِغُوا الدِّينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ وَيَزِدَّادَ الَّذِينَ آمَنُوا إِيمَانًا وَلَا يَرْتَابَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ  
 وَالْمُؤْمِنُونَ وَلِيَقُولَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ وَالْكَافِرُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا كَذَلِكَ  
 يُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ وَمَا هِيَ إِلَّا ذِكْرَى  
 لِلْبَشَرِ {31}

Мазмуни: «Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари (қўриқчилари) қилдик ва Биз фақат куфрга кетган кимсаларни синаш учун уларнинг саноғини (ўн тўққизта) қилдик. Токи китоб берилган кимсалар аниқ билгайлар ва иймон келтирган зотларнинг имонлари янада зиёда бўлгай ҳамда китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам (бу хусусда) шак-шубҳа қилмагайлар.

Яна дилларида мараз (мунофиқлик) бўлган кимсалар ва кофирлар: «Бу мисол билан Аллоҳ нима демоқчи?» — дегайлар. Аллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг ўзигина билур. У (жаҳаннам ҳақидаги хабар) инсонлар учунгина бир эслатмадир» (Муддассир сураси, 31-оят).

## ЎЛИМДАН СЎНГ...

Жаннат ва жаҳаннам дунё ҳаёти тугагач бошлангувчи абадий ҳаёт билан боғлиқ тушунча эди. Ҳолбуки араблардан бир қисми ўлгандан сўнг тирилишларига ишонгани ҳолда, қолган қисми «Бу ҳаёт фақат шу дунё билангина ниҳоясига етади», — деб билишарди.

Абу Жаҳл тушган оятлардан қаттиқ таъсирланган Валид ибн Муғйрага тасалли бераркан, бўлишига ўзлари ҳам ишонмайдиган олам учун қайғурмаслигини айтарди.

— Қанчалар тубан ва асосиз гап... Инсон ўлади, тупроқ остида чириydi... Юзлаб, минглаб одамларнинг эту суяклари тупроқ остида бир-бирига қўшилиб кетади. Эсган шамоллар уни у ёқдан-бу ёққа учириб юради. Оқар сувлар тупроқларни ювиб кетади, денгиз долғалари сувда бўғилиб ўлганларни у ердан бу ерга олиб кетади. Балиқлару йиртқич ҳайвонларга ем бўлганлар, оловда ёқилганлар жасадининг куллари ҳавога сочилиб кетади. Изсиз чўлларда йўқолиб кетганларнинг ҳаммаси бутунлай унутилади...

Демак, булар вақти келиб яна тирилар экан-да!..

Эртакларда ҳам бунчалик олиб қочилмайди. Бундан бир неча минг йиллар олдин яшаганлар ва минг йилча кейин яшаганлар... Албатта, буларнинг бари янгидан оёққа турадилар, шундайми?

Бу тупроқлар яна эт ва суякка айланиб, қайтадан жон берилади. Кейин сон-саноксиз одамлар ҳисоб-китоб қилиниб, ё жаҳаннамга, ёки жаннатга абадий кирадилар... Ахир, бу қандай бўлиши мумкин?

Аллоҳнинг чексиз қудратига ишонмаган инсон, қиёматда бўлиб ўтадиган ҳодисаларга қаердан ҳам ишонсин?!

Икки туя сўйилиб, суякларидан ажратилса, кейин бу суяклар бир-бирига яхшилаб аралаштирилса, ақлли одамлардан бири келиб, бу суякларни бир-биридан ажрат-

ганча, «Бу биринчи туянинг суяклари, бу бошқасининг суяклари» — дея аниқ айта оладими — йўқ!

Ҳолбуки, ер юзида каттаю кичик минглаб жонзотлар бор. Уларнинг ҳар бир тур, оиласида қанча-қанча сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар, ўтхўрлару йиртқичлар яшаб ўтган. Шу онда одамлар босиб юрган тупроқ неча ҳайвонларнинг, қанча инсонларнинг этию суягидан ташкил топгани фақат Аллоҳгагина аён. Қисқаси бу иш бўладиган иш эмасдек эди.

Албатта, бу ишни одам боласи қила олмасди. Инсоннинг онгу шуури шу ерга келганда тўхтайтиди, уёғига бир қадам ҳам ташлолмайтиди. Икки туянинг суякларини бир-биридан ажрата олмаган одам ақли икки юз туянинг, ёки икки мингта отнинг, йигирма минг одамнинг суякларини бир-бирида қандай фарқлай олади, ахир?..

Дор ун-надвада тажрибали ва ақл-хушли деб тан олинганлар шундай қарорга келишти: ўлимдан сўнгра тирилиш йўқ, чунки бу имконсиз ишдир!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўшнилари-дан Одий ибн Робия уларнинг ёнларига келиб:

— Қани айтчи, қиёмат деганинг қачон бўлади? Ўша вақтда нималар содир бўлади? — деб сўради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга сўраганлари ҳақида гапириб бердилар. Одий ибн Робия жим ўтириб эшитди, кейин шундай деди:

— Эй Муҳаммад, бу гапларнинг бари эртак. Айтганларингни ўз кўзим билан кўрганимда ҳам, асло ишонмас эдим. Демак, Раббинг барча чириб кетган ҳайвону одам суякларини тўплаб бир майдонга жам қилади, шундайми? Бу қадар калта ўйлама!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ёнидан кетдилар.

— Аллоҳим, бу нодон қўшним Одий ибн Робия ва Ахнас ибн Шарикнинг фитналарига қарши мени кучли қилгин! — дея дуо қилдилар.

Набиййи Акмал соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига келганларида ваҳий тушадиган ҳолат юз берди. Қиёмат сурасининг илк оятлари уларнинг соф қалбларига нақшлана бошлади.

لَا أُقْسِمُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ {1} وَلَا أُقْسِمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَّامَةِ {2} أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَنْ  
 نَجْمَعَ عِظَامَهُ {3} بَلَىٰ قَادِرِينَ عَلَىٰ أَنْ نَسُوِّيَ بَنَانَهُ {4} بَلْ يَرِيدُ الْإِنْسَانُ لِيَفْجُرَ  
 أَمَامَهُ {5} يَسْأَلُ أَيَّانَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ {6} فَإِذَا بَرَقَ الْبَصْرُ {7} وَخَسَفَ الْقَمَرُ {8}  
 وَجُمِعَ الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ {9} يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَفْرُ {10} كَلَّا لَا وَزَرَ {11}  
 إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ الْمُسْتَقَرُّ {12} يُنَبِّأُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ بِمَا قَدَّمَ وَأَخَّرَ {13} بَلِ الْإِنْسَانُ  
 عَلَىٰ نَفْسِهِ بَصِيرَةٌ {14} وَلَوْ أَلْقَىٰ مَعَاذِيرَهُ {15}

Мазмуни: «Қиёмат куни билан қасамёд этурман, яна маломатчи нафс билан қасамёд этурманки, (қиёмат куни қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсиз)! Инсон унинг (чириб кетган) суякларини сира тўплай (тиклай) олмайди, деб Биздан гумон қилурми?! Йўқ, Биз (ўша куни) унинг бармоқларини (ҳам тиклаб) текислаб қўйишга қодирмиз! Балки, инсон келгусида фужур (гуноҳ ишларни) қилишни истайди. «Қиёмат куни қачон ўзи?» – деб сўрайди. Бас, (қиёмат даҳшатларидан) кўз қамашганда, Ой ҳам тутилганда, Куёш ва Ой бирлаштирилганда, ана ўша кунда инсон: «(Жазодан) қочадиган жой қаерда?» – деб қолур. Йўқ! Бошпана йўқдир! У кунда (эй инсон!) Ёлғиз Раббинг (ҳузурда) қарор топишгина бордир. У кунда инсонга (дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларнинг хабари берилур. Балки, (у кунда) инсон (аъзолари) ўзининг зарарига гувоҳлик берувчидир. Гарчи (у) узрларини (ўртага) ташласа ҳам» **(Қиёмат сураси, 1–15-оятлар).**

Бу оятлар мушрикларга ўқиб берилганида, улар оятлардаги теран маъноларни, балоғату фасоҳатини тушунишни истамадилар. Чунки ўйлаганлари сари уларнинг таъсири ортиб борар, зеҳнлари бу мўъжизавий оятларнинг қаърига чўкиб кетишидан жуда-жуда кўрқишарди.

Энг осон йўли эътибор бермаслик, эшитмаслик, «Бор ишингни қил!» – дегандай юз буриб кетиш эди.

Оятларда минг-минглаб суякларни жой-жойига қўйиб тиклаш у ёқда турсин, ҳаттоки бармоқ изларини ҳаётда қандай бўлган бўлса, шундайлигича тирилтириш ҳақида гап кетганига нима дейсиз?! Бир неча юз йиллардан кейин инсон бармоғидаги излар бир-бирига сира ўхшамаслиги кашф этилганда ҳайратдан бармоғини тишлаб қоладиган даврлар келади. Бутун инсоният тарихида яшаб ўтган миллионлаб, миллиардлар одамлар учун алоҳида-алоҳида бармоқ изларини жорий этган Қудрат соҳиби учун Ўзи яратган дунёни яна бир бора бошқатдан пайдо қилиш муаммо эмас. Аммо буни тушунишни истамаганларга тушунтиришга уриниш, ишонишни истамаганларини ишонтиришга ҳаракат қилишдан нима фойда?

Шу ҳақиқатларни тан олгани ва ишонганлари учунгина мўминлар кўча-кўчаларда ҳақорат қилинар, азобланар, зулм кўрардилар. Ёнларида ҳамдард бўладиган, дардини айтиб кўнглини бўшатадиган, жиддийлик билан ҳаёт ҳақиқатларидан баҳс этадиган мард одамларни топа олмасдилар.

Иймон келтирганлар орасида ўзига тўқ, бадавлатлардан фақат Ҳазрат Абу Бакр ва Ҳазрат Ҳадичалар бор эди, холос. Қолганларнинг кўпчилиги камбағал-бечоралар, заиф ва қул-чўрилардан иборат эди. Атроф кофир ва мушриклар, инсофсизларга тўла.

Маккада қуёшнинг жазирамасидан ҳам ёмон куйдирувчи, бўғиб қўювчи ҳаво бўлиб, бу ҳаво юракларни сиқадиган, азоб берадиган ҳаво эди.

«Мен мўминман!» – деб айтиш тақиқланган, Буюк Аллоҳга ибодат қилиш тақиқланган, устига қўнган чивинни ҳам қувиб юборишга ожиз бут-санамларни «Булар оддий тошлар-ку!» – деб айтиш ҳам тақиқланган пайт эди.

Бундай куфурга тўлган муҳитда бўғилиб кетган мўминлар ягона ҳузур-ҳаловатни Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак мажлисларида топишар, уларнинг руҳга таскин ва малҳам бўлгучи суҳбатлари билан роҳатбахш нафас олардилар.

Ойнинг ўн тўртинчи куни эди. Мўминлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қиёмат сурасининг қуйидаги оятларини изоҳлаб беришини сўрадилар:

وَجُودٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ {22} إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ {23}

Мазмуни: «У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи, Парвардигорларига боқувчидир» (**Қиёмат сураси, 22–23-оятлар**).

— Ё Расулуллоҳ, биз қиёматда Раббимизни кўраемизми? — дедилар.

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам осмондаги ойга қарадилар. Ҳеч қандай булут кўринмасди. Қараган кўзларни қамаштириб қўядиган даражада ойдин кеча эди.

— Сизлар мана шу ойни қанчалар аниқ ва ёруғ ҳолда кўраётган бўлсангиз, Раббингизни ҳам шундай кўрасизлар! — дедилар ва қуйидагиларни қўшимча қилдилар:

— Агар қуёш чиқмасидан олдин ва ботмасидан олдин намоз ўқишга куч-қувват топа олсангиз, ҳеч қачон бу ишга бепарво бўлманглар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз борасида айтган гаплари уларнинг атрофларини ўраб олган оз сонли мўминларга ўзгача ҳаяжон ва ғайрат бағишлади. Бугун Раббини кўрмай туриб, Унга чин дилдан ишонган ва самимият билан намозларини адо қилганлар эртага Аллоҳ таолонинг жамолини кўриш бахтига мушарраф бўладилар, бугуннинг мукофотини эртага, албатта, оладилар.

Мўминлар қалблари ҳузур-ҳаловатга тўлган ҳолда мажлисдан чиқдилар.

## ВАҲИЙ БИР МУДДАТ ТҶҲТАБ ҚОЛДИ

Келган оятлар мўминларга куч-қувват бағишлар, мушрикларни эса қутуртиргандан-қутуртирар эди. Пайғамбарликнинг бошланганидан буён беш йил вақт ўтган, буларнинг уч йили яширин, кейинги икки йили очиқ даъват билан кечди. Бироқ бу йилларда мусулмонларга сира осон бўлгани йўқ.

Мушриклар мўминларнинг овозларини ўчириш, Исломни вужудга келган жойининг ўзида яксон қилиш учун бор ғайратларини, бутун имкониятларини ишга солар, ахлоқсиз хатти-ҳаракатларнинг янги-янги турларини ўйлаб топишарди. Ўша кунларда ер юзига тез тез тушиб турган фаришта Жаброили Амин бир неч кун келмай қўйди. Яна бир қанча кун ўтди, ҳали ҳам ундан дарак йўқ эди. Мўминлар сиқилиб қолишди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ташвишлана бошладилар.

Жаброил алайҳиссаломнинг келиши Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қувват бўларди. У келаётганда қалбларини фарах қоплаб олар, кўзлари кулар, ҳузурланар ва мушрикларнинг бераётган азобларига янада сабрлироқ бўлардилар.

Бу тўхташ уч кунга чўзилганини билдирган ривоятлар бўлса ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташвишланишлари, ваҳий тўхтаб қолганидан мушрикларнинг хабар топишлари учун етарли бўлган вақт ўтгани аниқ.

Шу боис бу уч кун ўн уч, ёки йигирма уч кун, балки ундан ҳам кўпроқ муддат давом этган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жамил бу фурсатдан фойдаланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

— Мана энди шайтонни ҳам ўзингдан бездирибсан! Қара, сени ташлаб кетибди! — дея бақирганди.

Бундай бўлиши мумкин эмасди. Аллоҳ таоло Ҳабибани ҳеч қачон тарк этмас, мушрикларнинг мазах қилишига

ташлаб қўймасди. Агар тарк қиладиган бўлса, севимли кулини оламларга раҳмат қилиб юборармиди?..

Шу сабаб ҳам ўша куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари кулди. Чунки Жаброили Амин бу гал тўлиқ бир сура билан тушган эдилар.

Мўминлар бир неча кунлардан буён биринчи бор енгил нафас олдилар. Сурани ёзиб олиш учун воситалар келтирилди. Бироз вақт ўтиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келган ваҳийни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

وَالضُّحَىٰ {1} وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ {2} مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ {3} وَلِلْآخِرَةِ خَيْرٌ  
لَّكَ مِنَ الْأُولَىٰ {4} وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰ {5} أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ {6}  
وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ {7} وَوَجَدَكَ عَانِلًا فَأَغْنَىٰ {8} فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ {9} وَأَمَّا  
السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ {10} وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ {11}

Мазмуни: «Қасамёд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки, (эй Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ! Албатта, Сиз учун охират (саодати) дунё (фароғати)дан яхшироқдир. Яқинда Раббингиз Сизга (шундай неъматларни) ато этурки, Сиз, албатта, (ундан) рози бўлурсиз. (Эй Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадими?! Яна Сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадими?! Сизни камбағал ҳолда топиб, (Ҳадичага уйланишингиз туфайли) бой қилиб қўймадими?!

Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг! Соил (гадо)-ни эса (малол олиб) жеркиманг! Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг!»  
**(Зуҳо сураси, 1–11-оятлар).**

Бу сура Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни олис ўтмишга олиб кетди. Етим бола бўлганлари, боболари Абдулмутталиб, амакилари Абу Толибнинг қучоғида ота-онасиз яшаганларини эсладилар. Нубувватдан ол-

динги ҳаётлари ҳам пок эди, энди эса бу жиҳатлари билан бутун инсониятга ўрнак бўлгандилар. Ўзлари етим ҳолда катта бўлмаганларида ҳам бир етимни хўрлашлари, озор бериш ва ранжитишлари асло мумкин эмасди.

Бу ерда яна бир нозик жиҳат бор эди. Буюк Аллоҳ етимни айнан Ўз ҳимоясига олганди. Ҳаттоки Оламлар Сарвари бўлган Ҳабиби соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам етимларга озор беришдан сақланишлари ҳақида огоҳ этаётганди. Бу билан эса бошқа ҳар қандай кимса етимларга зулм қилишни хаёлига ҳам келтириши мумкин эмаслигига ишора қилмоқда эди.

Отаси ёки онаси оламдан ўтган бир боланинг ўзи шусиз ҳам илоҳий тақдир туфайли эзилган юрагига яна азоб берган кишига, албатта, азоб етиши, хорланган аҳволга тушиши шундай усулда билдирилганди.

Унда етимларнинг бошини силаган, уларнинг кўз ёшини артган одамга қандай мукофот берилади?..

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига чурқ этмай қараб турган саҳобаларига ўрта бармоқлари билан кўрсаткич бармоқларини бир-бирдан бироз айирган ҳолда кўрсатдилар ва дедилар:

— Етимни бошини силаган одам билан мен жаннатда шундай яқинликда бўламиз!

Бундан-да аниқроқ, бундан-да гўзал ифода бўлиши мумкин эмасди. Бундай мукофотга сазовор бўлган инсоннинг «Мен бошқа бир нарса ҳам истайман!» — дейишига ҳожат ҳам йўқ эди.

Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурда бўлганлар бир неча кундан буён кутишаётган ваҳийларининг қайта туша бошлаганидан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган хушхабарларидан мамнун ҳолда тарқалишди.

\* \* \*

Мўминлар ҳар куни имкон топган фурсатларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига

тўпланишар, келган оятларни уларнинг шахсан ўзларидан эшитиб ёдлар, кейин уларни бошқаларга ҳам айтиб беришар, улардаги теран маънолар ҳақида ўзаро баҳс қилишар, ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб билиб олардилар.

Ўша куни Фажр сураси тушганди. Суранинг бир қисмида инсон феъл-атвори ҳақида сўз борарди:

فَأَمَّا الْإِنْسَانُ إِذَا مَا ابْتَلَاهُ رَبُّهُ فَأَكْرَمَهُ وَنَعَّمَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَكْرَمَنِ {15} وَأَمَّا إِذَا  
 مَا ابْتَلَاهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَهَانَنِ {16} كَلَّا بَلْ لَا تَكْرُمُونَ الْيَتِيمَ {17}  
 وَلَا تَحَاضُونَ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ {18} وَتَأْكُلُونَ التَّرَاثِ أَكْلًا لَّمًّا {19} وَتَحِبُّونَ  
 الْأَمْالَ حُبًّا جَمًّا {20}

Мазмуни: «Бас, энди инсонни қачонки, Парвардигори синов учун икром этиб, унга неъмат ато этса, дарҳол: «Парвардигорим (лойиқ бўлганим учун) мени икром этди», — дер. Аммо, қачонки, (Парвардигори) уни синов учун, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», — дер. Йўқ! Аксинча, сизлар етимни (ҳолидан хабар олиб) икром қилмайсиз. Мискин (бечорага) таом беришга ҳам бир-бирингизни тарғиб этмайсиз. Меросни эса (ўз улушингизга ўзгаларникини) қўшиб еяверасиз. Яна (фоний эканини била туриб) молдунёни қаттиқ муҳаббат билан севасиз» (**Фажр сураси, 15–20-оятлар**).

Инсонга Парвардигори хиёнат қилиши мумкинми?

Бу сўзни Парвардигорига нисбатан фақат ўз инсонлигини унутганларгина айтиши мумкин.

Шу боис Рисолат тахтининг Султони соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги муборак сўзларни айтдилар:

— Мусулмонлар уйининг энг хайрлиси, ичида бир етимни сийлаган уйдир. Мусулмонлар уйининг энг ёмони эса, ичида бир етимга нисбатан ёмон муносабатда бўлинадиган уйдир!

Кейин муборак бармоқларидан иккисини бир-бирларига яқинлаштириб, ёнида ўтирганларга кўрсатдилар ва давом этдилар:

— Етимни ҳимоя қилган инсон жаннатда менга шу даражада яқин бўлади.

Ўша куни осмондан тушган Фажр сураси мўминларга ҳар галгидан кўра бошқачароқ таъсир қилди. Борлиқларини эритиб юборганди. Қалблари ўша-ўша, лекин янада юксалган эди гўё!.. Янги руҳга эга бўлишиб, янги ҳаёт топгандилар.

كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا {21} وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا {22} وَجِيءَ  
يَوْمَئِذٍ بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ يَتَذَكَّرُ الْإِنْسَانَ وَأَنَّى لَهُ الذُّكْرَى {23} يَقُولُ يَا لَئِنِّي قَدَّمْتُ  
لِحَيَاتِي {24} فَيَوْمَئِذٍ لَا يُعَذِّبُ عَذَابُهُ أَحَدًا {25} وَلَا يُوثِقُ وِثْقَاهُ أَحَدًا {26} يَا أَيُّهَا  
النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ {27} ارْجِعِي إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً {28} فَادْخُلِي فِي عِبَادِي  
{29} وَادْخُلِي جَنَّتِي {30}

Мазмуни: «Йўқ! Қачонки, Ер қаттиқ силкинганда ва Раббингиз (ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда, ҳамда ўша куни жаҳаннам ҳам (яқин) келтириб қўйилганда — ана ўша кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма олур. (Аммо вақт ўтгач, энди) унга эслатма қаёқда экан?! У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (яхши амалларни) тақдим этган бўлсам!» — дер. У кундаги (Аллоҳнинг) азобидек ҳеч ким азобламас. Унинг (кишан ва занжирларни) боғлашидек ҳам ҳеч ким боғламас.

«Эй хотиржам (сокин) нафс! (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда, Раббинг (ҳузури)га қайтгин! Бас, (солиҳ) бандаларим (сафи)га қўшилгин ва жаннатимга киргин!» (Фажр сураси, 21–30-оятлар).

Бу оятлар Ҳазрат Абу Бакрни маст қилиб қўйганди. Мажлисда кўзлари худди шундай саодатга эришиш умиди ила ёнмаган бирор киши йўқ эди. Бу чексиз бахт-

саодатга эришиш, бу охири кўринмас маънавий завққа эришиш кимга насиб қилади?..

– Ё Расулуллоҳ! – дедилар Ҳазрат Абу Бакр, – бу қандай гўзал, қандай чиройли мукофот!..

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак кўзлари билан Ҳазрат Абу Бакрга қарадилар:

– Эй Абу Бакр, оламдан ўтаётганингда Аллоҳ таоло фаришталари орқали сенга ҳам айнан шу сўзларни айтади, – дедилар.

Ҳазрат Абу Бакр бу хушxabарни ҳозир олгандек бўлдилар ва бу дунёдами ёки охиратда эканликларини билмайдиган ҳолга келдилар.

## ЖОРИЯНИ ҚИЙНАГАН ВИЖДОН ВА ОВЧИ ЙИГИТ

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Сафо тепалигида ўтиргандилар. Тенги йўқ мушрик Абу Жаҳл ёнида бир-икки ҳамтовоқлари билан ўша жойдан ўтиб қолишди. Расули Зишон соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган заҳоти тепа сочи тикка бўлди. Оғзидан боди кириб, шоди чиққанча сўкина кетди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жавоб қайтармадилар.

Сўкинишларига бирор жавоб ололмаган Абу Жаҳлнинг қони янада қайнади. Баланд овозда оғзига келганини қайтармай ҳақорат қилишда давом этди. Шу билан бирга ҳамтовоқлари билан бирга қўлига тушган тошу тезакларни уларга қараб улоқтирар, тўхтамай ёмон сўзларни айтишарди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафар ҳам жавоб бермасдан ўринларидан турдилар ва у ердан кетдилар. Абу Жаҳлдан кўрққанлари учун эмас, уни Аллоҳга ҳавола қилганлари боис индамадилар.

Абу Жаҳл ҳали ҳам ортларидан ҳақоратли сўзларни ёғдирарди.

Бундай чиркин ҳаракатларга ёлғиз Аллоҳ билан шу атрофдан ўтиб кетаётган Абдуллоҳ ибн Жудоннинг жориясигина гувоҳ бўлди. Нима бўлаётганини билиш учун тўхтаб кузатган жориянинг юраклари қон бўлиб кетди.

Куч-қувватга тўлган бир эркак бўлганиданми, югуриб бориб, Амр ибн Ҳишом ва унинг ҳамтовоқларининг яхшилаб таъзирини бериб қўйган бўларди.

Муҳаммад Ал-Амин соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бирор қариндоши эмасдилар. Ўзи эса ҳали Исломга кирганлардан эмасди. Лекин ўртада инсонийлик, меҳр-муруват туйғуси деган тушунчалар бор. Бегуноҳ инсоннинг ҳақорат қилинаётганини кўриб индамаслик, «Менга нима?» — дегандек бепарво бўлиб ўтиб кетиш инсонга эмас, ҳайвонга хос ҳолат бўлар эди.

У озод аёл бўлмаса-да туйғулари, ўй-хаёллари озод аёл эди. Унда ҳам ҳақ, адолат, виждон деган тушунчалар мавжуд эди. Бу виждон шу онда ўз динидан бўлган Абу Жаҳлни ҳақ деб ҳисобламаганди.

Иймон, инсон мезонларига боғлиқ ҳолда иш юри-тадиган ҳар қандай кишининг «Бу юз соҳибидан бирор ёмонлик чиқиши мумкин эмас», – деб айтадиган ҳақли таърифига сазовор одамни ҳақорат қилиши тўғри бўлади-ми?

Агар бу ҳақоратларни Абу Жаҳл каби димоғидан қурт ёғиладиган, мушрик амалга оширса, чидаб бўлади-ми?..

Шу каби хаёллар жорияни сира тинч қўймас эди.

\* \* \*

– Эй Ҳамза, эй Ҳамза!..

Ҳамза тўхтади, бақираётган бир жория эди.

– Нима дардинг бор, эй жория?!

– Дардим бор, бироқ у менинг дардим эмас.

– Нима демоқчисан бу билан?

– Бир соатлар аввал шу ерда бўлганингда эди, нима демоқчилигимни ўз кўзларинг билан кўрган бўлардинг.

– Гапларингга мутлақо тушунмаяпман!..

Жория бўлиб ўтган ишларни бор тафсилоти билан айтиб берди. Кейин гапларини шундай давом эттирди:

– Эй Абдулмутталибнинг мард ўғли, сен тоғма-тоғ ов қилиб юр, бу ёқда Амр ибн Ҳишом аканг ўғлини тош-бўрон қилсин, кўнглига келганича ҳақорат қилиб, сўксин. Ҳозир сен яна ов қилишга чиқиб кетавер, лекин шуни билиб қўйки, мендек қадрсиз, ҳеч кимга кераги бўлмаган жориянинг виждони бу ҳодисадан қанчалар азобланди! Бундай йигитликка ҳайф бўлсин!

Жория кўнглини бўшатгач, уйига жўнади.

Ҳамзанинг тепа сочи тикка бўлганди. У ҳали ий-мон келтирмаганди, бироқ суюкли жиянини Амр ибн Ҳишомга хафа қилдириб қўйишни хоҳламасди. Бунинг

устига жориянинг айтган аччиқ гаплари унга жуда қаттиқ таъсир қилганди.

Ҳар кунгидек тўғри Каъбага қараб шахдам юриб келди.

Ҳамза ибн Абдулмутталиб ҳар куни овга чиқар, кўнгли тусагунча ов қилар, қайтишда Каъбани тавоф этиш учун у ерга кириб ўтарди. Баъзан дўстлари билан суҳбатлашиб узоқ вақт қолиб кетар, тун қоронғусида уйига келар эди.

У Масжид ул-Ҳарамга борганда Абу Жаҳлни кўрди. У ҳамтовоқлари билан суҳбат қуриб ўтирарди. Ҳамза тўғри улар ўтирган тарафга қараб кела бошади. Бир оғиз ҳам гапирмай, кўлидаги ёйдан Абу Жаҳлнинг бошига қарата ўқ узди. Ўқ теккан ердан шариллаб қон оқди. Бу орада нималар бўлаётганини тушунмай қолган Абу Жаҳлнинг ёнидагилар ўринларидан сакраб турдилар. Ҳамзага ҳужум қилишга ҳозирланишди.

— Эй Ҳамза, нималар бўляпти? Ёки сен ҳам юлдузларга топинадиганлардан бўлдингми?

Ҳамза нигоҳини Абу Жаҳлдан узмас эди.

— Жиянимни бекордан-бекор ҳақорат қилиш мардлик эмас! — дея ҳайқирди. — Мана мен ҳам унинг динига кирдим, унинг айтадиган гапларини айтдим. Қани эркак бўлсанг, мени ҳақорат қил!

Масжиднинг ҳар бир бурчагига эшитиладиган даражада баланд ва юксак пардаларда айтилган бу сўзларга қарши чиқадиган бирор мард топилармиди?

Ҳар тарафдан гапирганлар бўлди. Абу Жаҳл бир кўли билан бошини ушлаб олганди. Оққан қонлар жирканч башарасини яна-да қўрқинчли ва хунук аҳволга солиб кўйганди. Ёнидаги ҳамтовоқлари Абу Жаҳлга қараб туришар, унинг биргина ишорасини кутишарди.

Абу Жаҳл уларга қаради:

— Абу Умора (Ҳамза) ҳақдир. Мен бугун унинг жиянига нисбатан ёмон муносабатда бўлдим. У эса бунинг ҳаққини мenden олди, — деди.

Бу на адолат туйғуси, на инсонийлик тушунчаси эди!..

Ҳаттоки тушда ҳам Абу Жаҳлнинг бу даражада ҳақпараст бўлишини ҳеч ким тасаввур қила олмасди. Қолаверса, ёнида шериклар бор эди, улар билан бирга Ҳамзани яхшилаб калтаклаши мумкин эди. Бошидан қон оққанча, Ҳамзага жавоб қайтариш қўлидан келгани ҳолда, бундай «мурувват» кўрсатиши, аслида мардлик эмасди.

Бўлиши кутилаётган жанжалнинг олди олинди. Ҳамза қаршисида бир огиз гапирмай, айбини тан олган Абу Жаҳлга керакли дарсни бериб қўйганига ишонч ҳосил қилгач, у ердан кетди.

Оломон тарқалгандан сўнггина Абу Жаҳлнинг ҳақиқий башараси очилди:

– Ҳамза жаҳл устида бориб Муҳаммадга қўшилмасин, дея кўрқдим, – деди. Эътибор қилманглар, бир бора ургани билан осмон узилиб ерга тушмайди.

Масаланинг туб моҳияти ана шундан кейингина ойдин бўлди.

\* \* \*

Ҳамза уйига келди. Қалбини қандайдир ҳузур қоплаб олганди.

Ҳаттоки бегона бир чўрининг юрагини ўртаган бу чиркин ҳодисани эркак кишига ярашадиган ҳолда ҳал қилди, Абу Жаҳлнинг жазосини ўз қавми орасида берди.

Яна бир масала бор эди, қизгинликда айтиб юборган гаплари нима бўлади энди? Ахир, «Мен ҳам унинг динидаман!» – деб юборди-ку! Ҳолбуки, шу кунга қадар янги дин ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Жиянига ҳеч бир шубҳасиз ишонарди. Тўғри сўзли, фазилатли бир шахс. Унинг бу динни бирор можаро чиқариш учунгина ўйлаб топмагани аниқ эди. Одобсиз акаси Абу Лаҳаб каби унга душман бўлишни ўйламасди. Шундай бўлса-да, ота-боболаридан қолган динини ўзгартириш учун ҳали эҳтиёж сезгани йўқ.

Шайтон Ҳамзани васвасага солар, бут-санамларга эътиқод қилишни тарк этишига ҳеч ҳам йўл қўймасди. Унинг онгида ҳозир катта бир жанг бошланганди:

«Ҳаттоки ўлим ҳам динингни тарк этишдан кўра яхшироқ чорадир. Шунча йиллардан буён олдида бош эгиб келаётганинг — бутларнинг юзига қандай қарайсан? Ҳубал, Лот, Уззо, Манот, Исоф, Ноила ва Каъба атрофини ўраб олган ҳисобсиз бут-санамлар нима бўлади?.. Буларнинг ҳар биридан юз ўгирасанми?..»

«Бироқ акангнинг ўғли инсонларни ёмонликка даъват этаётгани йўқ-ку! Тошларга, ёғочларга қул бўлиш балосидан қутқаришга, яккаю ягона бўлган Ҳаққа қуллик қилишга чақирмоқда. Ҳаққа нисбатан тоат-ибодатли бўлишга чорлаяпти!..»

Ҳамзанинг зеҳни баъзан шайтон васвасалари билан, баъзан руҳидан, ақлидан юксалган дод-фарёдлар билан тўлиб-тошганди.

Бу ҳол эрталабгача давом этди. Қуёш уфқдан бош кўтарар экан, Ҳамза ҳали ухламаганди. Ҳозир ҳам бири-бирига қарши бўлган икки зид тушунчалар орасида оввораю сарсон эди.

«Ўрнингдан тургин-да бориб жиянингнинг гапларини эшитиб кўр. Дардингни унга тушунтир!..»

Бу гап унинг хаёлида чақмоқдек бир ёниб ўчди.

Энг тўғри иш шу эди. Дарҳол туриб йўлга тушди, бориб жиянининг эшигини қоқди. Жиянига жорияни учратган онидан бошлаб, шу вақтгача бўлган барча воқеаларни бир четдан айтиб берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Ислом дини ҳақида маълумот бердилар. Жаннат ва дўзах, азоб ва роҳат ҳақида эслатдилар. Охир-оқибат Аллоҳ таолонинг ёрдами келди. Васваса булутлари бирма-бир тарқаб кетди. Лот, Уззо, Манот деганлари ҳақиқатан ҳам оддий тош экани аён бўла бошлаганди. Ҳазрат Ҳамза шаҳодат калимасини айтиб, Исломни қабул қилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларининг мусулмон бўлганларидан жуда қувондилар. Абу Жаҳл содир этган манфур ҳаракатлар боис юракларида тўпланиб қолган ғам-қайғу ўрнини мислсиз хурсандчилик эгаллади.

\* \* \*

Абу Жаҳлнинг тунни жуда тотсиз кечди. «Ҳамза жоҳиллик қилиб Муҳаммаднинг олдига борса нима бўлади?!» — деган савол эрталабгача миясининг аталасини чиқариб юборди.

«У иймон келтирмоқчи бўлса, шунча пайтдан бери индамай юрармиди? Сен сира хавотирланма!»

Абу Жаҳл шу каби қарама-қарши фикрлар оғушида тўлғониб чиқди. Олдида турган қадаҳ тўла шаробни сипқорар экан, «Зора бироз енгиллик берса!» — деб ўйларди. Аммо бу енгиллик узоқ давом этмай, яна бояги каби саволлар уни ўз исканжасига олаверарди:

«Одамларга ишониб бўлмайди. Эртага Валиднинг, Назрнинг, Уқбанинг ёки Абдулуззонинг мусулмон бўлганларини эшитадиган бўлсанг, ҳеч ҳайрон бўлиб ўтирма!» — деган ғалати ўй бутун вужудини қоплаб олганди.

У неча бора «Эй Абу Жаҳл, шу битта Ҳамза мусулмон бўлса, осмон узилиб ерга тушармиди? Бўлганича бўлар», — деб ўзини юпатмоқчи бўлди, бироқ ўхшамади. Қорайиб кетган кўнгли бу нарсани ҳеч ҳам ҳазм қилолмасди.

Ўрнидан туриб айланиб келди — бўлмади. Ўтириб шароб ичди — бўлмади. Жорияларидан бирини кучоғига кирди — барибир, бўлмади. У ҳам Ҳазрат Ҳамза каби тунни уйқусиз ўтказди. Нимани ўйласа ҳам охири берк кўчага кириб қолгандек бўлаверарди. Бирор чора топа олмади. Ҳамзанинг кўнглини олиб, нима қилиб бўлса-да ўз ота-боболарининг динида қолдирса!..

Эрта тонгданоқ Абу Лаҳабни топиб, унга дардини айтишга ва укасига бирор танбеҳ беришга Абу Лаҳабни кўндириш мақсадида уйдан чиқди.

Ҳаяжон ичида Абу Лаҳабнинг уйига қараб борар экан, иликларигача музлатиб юборган, бошини айлантирган «совуқ» бир хабарни эшитди: «Ҳамза мусулмон бўлган эмиш!»

Фақат пешонасининг қоқ ўртасига келиб санчилган камон ўқиғина шундай шиддатли азоб бериши мумкин эди. У тиззаларининг қалтираганча бир-бирларига тегиб кетаётганини ҳам ҳис қиладиган аҳволда эмасди.

Абу Жаҳл бу хабарни биринчи бўлиб айтган одамнинг ёқасига ёпишди. Уни йиқитгудек бўлиб:

— Мен билан ҳазил қилма, жиддий айтяпсанми ўзи?! — деди.

— Албатта, жиддий. Бироз олдин шахсан ўзидан эшитдим.

Абу Жаҳл қўлини пешонасига қўйди. Бу хабар унга жуда-жуда ёмон таъсир қилганди. Бир неча сония кўзларини юмган Абу Жаҳлнинг лабларидан илон заҳрини сочган каби вишиллаган овоз чиқди:

— Ҳали шошмай тур! Сени ҳам йўқ қилиш менинг бўйнимда!..

## МАХСУС ДУО

— Аллоҳим, бу динни ё Умар ибн Хаттоб билан, ёки Амр ибн Ҳишом билан азиз қил!

Мўминлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тез-тез шу дуони такрорлаганларини эшитардилар ва уларнинг ортидан «Омийн» (Эй Раббим, дуойимни қабул айла!) дейишарди. Улар бу дуонинг қабул бўлишига мутлақо ишонишар, фақат Аллоҳнинг раҳмат ва ҳидоятига уларнинг қай бири эришади — Умар ибн Хаттобми ёки Амр ибн Ҳишом — шуни билмасдилар.

Тошдан ҳам қаттиқ бўлган бу кўнгиллар юмшарми-кан?!

Мусулмонларга нисбатан доимо қаҳр билан қараган бу кўзлар бир сафар бўлса-да, уларга қардошлик кўзи билан, марҳамат кўзи билан қарай олармикан?

Тоғларнинг турган еридан кўзғалганига, ер тескари айланишига ишонса бўлади, бироқ бу икки кишини «Ҳидоят йўлига кирибди», — деган гапга ишониш...

Аллоҳнинг раҳмат ва ҳидояти ниҳоясиз ва чексиздир! Уларнинг бирортасига раҳмат назари билан қараса, дарҳол тўғри йўлга киради. Ана шунда музлар эриб, тош каби қаттиқ қалблар мумдек юмшаб кетади.

Умар ибн Хаттоб, Амр ибн Ҳишом (Абу Жаҳл) ҳеч шубҳасиз, Макканинг энг обрў-эътиборли икки киши-си. Бири жасорат ва мардлиги билан, довюраклиги билан довруғ қозонган, яна бири қавми орасида уддабуронлиги, чаёнга ҳам дарс бера олиши ила шуҳрат топган. Ҳар иккиси ҳам ақл пиллапоясининг энг сўнгги пиллапояларини босиб ўтган, лаб ҳаракатидан одамнинг нима демоқчи эканини тушунадиган кишилар эди.

\* \* \*

Ҳаж мавсуми.

Келган ҳожилар орасида бирорта ҳам иймонга кирганлари йўқ. Чунки ҳар тарафдан йўллар тўсиб қўйилган,

ҳар бир келган карвондагиларга янги уйдурмадан иборат бир дин пайдо бўлгани ҳақида хабар берилган, бу динни олиб келган киши эса сеҳргарликда айбланган эди.

Бу сеҳргар юз йиллардан буён ота-боболардан мерос бўлиб келаётган динни ҳақорат қилмоқда, Курайш таркибига кирувчи барча қабилаларни жоҳил, аҳмоққа чиқариб қўйган. Халқ ўртасида обрў-эътиборга эга одамларни бир тийин қилган, бут-санамларга тил теккизган, одамларни ўз отасидан, онасидан қавм-қариндошалридан совутган, халқ орасида турли фитналар чиқарган эмиш гўё!..

Энг ёмони – унинг ёнига бир бора келган одам ҳеч қачон таъсиридан қутулолмас эмиш.

Хуллас, келганларга, агар ақлу ҳуши жойида бўлса, Валид, Утба каби тажрибали кишиларнинг сўзларига қулоқ солиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг кўзига кўринишдан сақланиш маслаҳат берилди.

Бу тарғиб-ташвиқотлар ўз самарасини бермай қолмади.

Бутун Араб Ярим оролида машҳур бўлган қабиланинг каттаю кичиги бу сеҳргарнинг ёмонликлари ҳақида гапириб юришса, ишонмай бўладими?! «Бир бор бориб ўзи билан гаплашиб кўрай-чи!» – дейиш ўз бошига бало сотиб олишдек гап бўлиб қолганди.

Бу орада Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам келган ҳожилар билан учрашишга ҳаракат қилар, уларга янги диндан хабар беришни истардилар, аммо қани эшитадиган бирор одам топилса!..

Уларнинг ортидан соядек эргашиб юрган қизил юзли, қизил соқолли бир киши тинмай тош отаркан:

– Курайшликлар ўртасига нифоқ солган сеҳргар мана шудир. Асло унга алданиб қолманглар. Мен уни жуда яхши биладман, у укамнинг ўғли! – дея бақариб юрарди.

Одамлар ҳали шаҳарга кирмасданоқ огоҳлантирилгани учун бу нур юзли кишининг яхши одам эканликлари-

ни сезгандай бўлишса ҳам, «Яна бирор зарари етмасин, эҳтиёт бўла қолай!» дегандек нарироқдан ўтардилар.

— Қавминг сени биздан кўра яхшироқ биледи! Илтимос, бизни тинч қўй! — деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларни эшитиб ҳам кўрмай, ўз ишларига киришардилар.

Шундай қилиб, бутун мавсумда амалга оширилган манфур тарғибот ўз натижасини берганди.

## ҲАБАШЛАР ЮРТИГА КЎЧИШ

Азиятларнинг энг кўп қисми ҳимоясиз, суянчиғи бўлмаганларга қилинаётганди. Мисол учун, ҳеч бир мушрикнинг Ҳазрат Ҳамза билан иши йўқ эди. Аммо кучсиз, заифлар, кул-чўрилар озод қилинган, эркинлиги ўз қўлида бўлса-да, мушриклардан ўзларини ҳимоя қила олмасдилар.

Кундан-кунга ортиб бораётган бу бемаънигарчиликлардан пичоқ суякка бориб қадалганди. Заиф ва ночор мўминларга қилинаётган зулмни тўхтатиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни анчагина қийнаб қўйган, лекин улар ҳам ҳеч бир чора топа олмаётгандилар. Охиरोқибат бир куни бу каби мўминларга:

— Ҳабашлар юртига кўчиб боринглар, — дедилар. — У ерда бир подшоҳ бор, унинг ҳимоясида эмин-эркин ҳаёт кечирасизлар. Умид қиламанки, Аллоҳ таоло сизларга у ерда бир кенглик беради.

Мўминлар бир-бирига хабар бердилар. Ҳозирлик бошланди. Кетиш учун йўлга чиқадиганларнинг рўйхати тузилиб, қайси кун йўлга чиқиш муҳокама қилинди.

Йўлга чиққанлар орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзларининг оқу қораси бўлган қизлари Ҳазрат Руқайя ва куёвлари Ҳазрат Усмон ибн Аффон ҳам бор эдилар.

Машҳур Утба ибн Робианинг ўғли Абу Ҳузайфа хотини Саҳла, Абу Салама ибн Абдул Асад ва аёли Умму Салама, Амр ибн Робиа ва аёли Лайло.

Булар эр-хотин бўлиб кетишаётганлар эдилар. Ёлғиз йўлга чиққанлар Зубайр ибн Аввом, Мусаб ибн Умайр, Абдурахмон ибн Авф, Усмон ибн Маъзун, Суҳайл ибн Байда, Абу Сабра ибн Абу Руҳм, Ҳотиб ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Масъуд эдилар.

Тайёргарликлар яширин равишда, қисқа муддат давом этди. Бир куни эрта тонгда Набийлар Сарвари соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг эрка қизлари Ҳазрат Руқайя эшак устида, эри Ҳазрат Усмон уларнинг ёнларида Маккани тарк этдилар.

Бу айрилиқ Ҳазрат Руқайя учун жуда оғир эди. Балки суюкли ота-она, опа-сингилларини узоқ йиллар давомида кўролмас. Аммо бу сафар ниҳоясига етгунча улар Ҳазрат Руқайянинг қалбларида бўлишлари аниқ, чунки йўллар бир, манзиллар туташ эди.

Оталари бораётган жойларида адолатли бир подшоҳ ҳукмронлик қилаётганини айтгандилар. Бироқ бу ерда қолганларнинг ҳоли нима кечади? Бу зулмнинг охири бормиди, бу мазах қилишлар, бу азобу қийноқларнинг сўнгги нуқтаси бормиди?

\* \* \*

Амр ибн Робианинг аёли Лайло майда-чуйда нарсаларини эшик олдида турган эшагига юклар экан, бирдан чўчиб тушди.

– Эй Абдуллоҳнинг онаси, йўл бўлсин! Бирор сафарга отландингми?

Лайло бу гапни ким айтганини билиш мақсадида бошини кўтариб қарашга эҳтиёж сезмади. Шундоқ ҳам унинг кимлиги аниқ эди. Бор жасоратини тўплаб:

– Шундай, Умар! Худонинг даргоҳи кенг, эркин нафас олса бўладиган, динимиз ибодатларини бемалол амалга ошира оладиган бир мамлакат топгунимизча кетаверамиз-да! Қасамки, бизга кўп азоб бердинглар. Жуда қийнаб юбординглар. Ўз ватанимизда яшаш учун имкон топа олмадик. Умид қиламизки, Худойи таоло бизга бошқа бир эшикни очади.

– Майли, Худо ёр бўлсин!

Лайло Умарнинг овозида маъюслик, ачиниш ҳислари борлигини сизди. Аслида Лайло жуда қайғуда эди, кўнгли оғрир, уввос солиб йиғлашни хоҳлаётганди. Уйини, тандир-ўчоғини, туғилиб ўсган ўз ватанини тарк этиш осонми?

Балки Умарнинг овозига маъюслик ва ачиниш ҳиссини берган сабаб айнан шулардир. Ёки Умар чин дилдан улар учун қайгураётганмиди?

Бироздан кейин келган эри Амрга бу ҳақида гапириб берди. Амр хотинининг гапларига унчалик эътибор бермади:

— Нима, сен «Умар мусулмонликни қабул қилди», — деб ўйлаяпсанми?

— Худди шундай, менга шундай туюлиб кетди. Қилган ишларига пушаймон бўлгандек эди, назаримда.

— Бунга ҳечам ишонгим келмайди. Хаттобнинг эшаги мусулмон бўлиши мумкин, бироқ Умар ҳеч қачон мусулмон бўлмайди.

Буларни ўзаро гапиришаётиб, йўл ҳозирлигини ҳам тамомлашди. Туғилганларидан буён ҳеч қачон айрилмаган юртларини тарк этиш мақсадида эшагига қамчи уришди.

Карвоннинг бошида Ҳазрат Усмон ибн Маъзун борарди. Жидда йўли бошқа-бошқа вақтларда гўё бир-бирдан хабарсиз йўлга чиққан эркагу аёллардан иборат ўн беш кишилик жамоани бирлаштирди. Булардан ўн биттаси эркак, тўрттаси хотин киши эди. Улар бирлашгач, «Маккада бу сафардан хабар топганлар таъқиб қилиши мумкин», — деган хаёлда қадамларини тезлатишди.

Жиддага етиб келишганида йўлга чиқиш арафасида турган бир кемани топдилар. Йўл харажатлари ҳисобкитоб қилинди. Ҳар киши бошига ярим динордан ҳақ беришга келишилиб, кемага чиқилди. Кема кўп куттирмай, очиқ денгизга чиқди.

Мушриклар бу кўчишдан хабар топишлари биланоқ уларнинг ортидан таъқиб қилдилар. Жидда соҳилига етиб келишганда бир кишидан улар ҳақида сўрашди. Қирғоқдаги киши ҳозиргина жўнаб кетган кемани кўрсатиб:

— Ана кетишмоқда! — деди.

Мусулмонлар бақирса эшитилмайдиган даражада узоқда эдилар, мушриклар ортга қайтишдан бошқа чора топмадилар.

\* \* \*

Ҳабаш ўлкаси кема олиб келган кўпгина йўловчилар орасидаги бу ўн беш кишини сиғдира олмайдиган даражада тор эмасди. Бориға қаноат қиладиган, аҳволларидан ҳеч қачон шикоят қилмайдиган бир нечта инсон шу ерга жойлашдилар.

Улар ибодатларини ҳузур ила адо этишар, ҳеч кимнинг тазйиқини ҳис қилишмасди. Бу ерда Абу Жаҳл йўқ эди, Абу Лаҳаб йўқ эди, Умар ибн Хаттоб йўқ эди. Аммо Макканинг соғинчи бор эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Каъбанинг бошқа мўминларнинг соғинчи бор эди.

Улар бу ердаги туб аҳолини яхши билмасдилар. Ораларида бирорта ҳам мусулмон йўқ эди. Бироқ, бу одамлар юртларига келиб жойлашган мусофирларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатдилар, иззат-икром қилдилар. Фақат ибодатларига қўшилмадилар.

\* \* \*

Макка...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг девона бўлиб қолганлиги ҳақида миш-мишлар тарқатилди. У ербу ерда гап очилса, «Шайтон йўлдан урибди» — деб гапирилди. Ҳатто шу даражага бориб етишдики, юзларига келиб:

— Сен телбасан! — дейишгача бордилар.

— Агар гапларинг рост бўлса, бизга фаришталарни кўрсат! — дедилар. Мушриклар сўз эшитадиган, гапга қулоқ соладиган аҳволда эмасдилар. Чунки улар бу мақсадда келмагандилар.

— Ёнингда фаришталар бўлмаса, биз билан гаплашишдан эҳтиёт бўл!.. — дейишарди.

Ҳар калладан бир фикр чиқар, бу фикрларнинг бари куфр ва истехзога тўлиб тошганди.

Расули Муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васалламни телбага чиқарганлар аҳмоқ эмасдилар. Паст-баландни билладиган одамлар эди. Тижорат соҳасида илоннинг ёғини ялаган, удабурон ва айёр кишилар бор эди ораларида. Қўлларидан бирор нимани лақиллатиб олиб қўйишнинг ҳам сира иложи йўқ эди. Ҳаж мавсуми яқинлашар экан, амалга оширмоқчи бўлган ташвиқотларида бир ёқадан бош чиқаришга келишиб олган, акс ҳолда одамларнинг шубҳасига сабаб бўлишларига ақли етган бу кимсаларни телба деб бўлармиди?..

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг телба ёки эс-ҳушли эканликларини жуда яхши билишарди. Чунки неча йиллар давомида уларни синаб, маслаҳатлашиб, сон-саноқсиз тажрибалардан ўтказиб, кейин Ал-Амин (Ишончли инсон) дея ном берганлар ҳам айнан шулар эди. Бу инсон зотига берилиши мумкин бўлган энг улуг ном. Буюк Аллоҳ ҳам уларни «Амийн» деб васф қилганди.

Улар ўзлари ҳам ишонмайдиган бу уйдурмалари билан ҳар тарафда санғиб юришаркан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ваҳий ҳолати қамраб олди. Муборак қалбларига илоҳий калом, қуйидаги оятлар ёзила бошланди:

ن وَالْقَلَمِ وَمَا يَسْطُرُونَ {1} مَا أَنْتَ بِمَجْنُونٍ {2} وَإِنَّ لَكَ لَأَجْرًا  
غَيْرَ مَمْنُونٍ {3} وَإِنَّكَ لَعَلَى خُلُقٍ عَظِيمٍ {4} فَسَتُبْصِرُ وَيُبْصِرُونَ {5} بِأَيِّكُمْ  
الْمُفْتَنُونَ {6} إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ {7} فَلَا  
تُطْعِ الْمُكَذِبِينَ {8} وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ {9} وَلَا تُطْعِ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ {10}  
هَمَّا زَ مَشَاءَ بَنِي مِمْ {11} مَنَاعَ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ {12} عَتَلَّ بَعْدَ ذَلِكَ زَنِيمٍ {13} أَنْ  
كَانَ ذَا مَالٍ وَبَنِينَ {14} إِذَا تَتَلَّى عَلَيْهِ آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ {15} سَنَسِفُهُ عَلَى  
الْخَرَطُومِ {16}

Мазмуни: «Нун. Қалам ва (у билан) ёзадиган нарсалар (битиклар) билан қасамёд этаманки, (эй Муҳаммад!)

Сиз Раббингизнинг неъматини боис мажнун эмасдирсиз! Албатта, Сизга (сабр қилганингиз учун) туганмас мукофот бордир. Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз! Ҳали яқинда кўражаксиз ва улар ҳам кўражаклар қайси бирингиз (Сизми ёки уларми) мафтун (мажнун) эканингизни.

Албатта, Раббингизнинг ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни яхши билувчидир ва У ҳидоят топувчиларни ҳам яхши билувчидир.

Бас, (эй Муҳаммад!) (Ислом динини) инкор этувчиларга (мушрикларга) итоат этманг! Улар (билан) муросасоз бўлишингизни, шунда улар ҳам (Сиз билан) муросасоз бўлишни истарлар. (Эй Муҳаммад!) Ҳар қандай тубан қасамхўрга (Валид ибн Муғирага) итоат этманг! (У) гийбатчи, гап ташувчи, яхшилиқни ман этувчи (бахил), тажовузкор, гуноҳкор, кўпол ва булардан ташқари бенасаб (ҳароми)дир. (У) мол-мулк ва ўғилларга эга бўлгани учун (шундай қилади).

Қачонки, унга оятларимиз тиловат қилинса: «Булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!» дейди. Яқинда унинг тумшуғига «тамға» босиб кўяжакмиз» (**Қалам сураси, 1–16-оятлар**).

Бу оятлар мушриклар қаршисида ўқилганида улар аламдан ёрилгудек ҳолга келдилар.

Телба дея атаган инсонларнинг нимаси телба эди? Қай бир иши, қай бир ҳаракати телбаларникига ўхшарди?..

Оятларда хабар берилган «Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!» тушунчасини қайси қалб инкор эта олади?..

Барча қайсарликларига қарамай, ичларида тан олаётган ягона ҳақиқат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғри ва ишончли инсон эканликлари эди. Шу билан бирга, юқоридаги оятларда хосиятсиз, жирканч киши ҳақида ҳам хабар қилинган эди. Булар тўғрисида айтган кишига «Лақиллатма, сўзларингга ишонмаймиз!» — дейишди. Оятларни эшитганда эса, «Сен айтган гап-

ларнинг бари ёлгон, орамизда бундай сифатга эга одам йўқ!» — дейишга имкон топа олишмади. Чунки ораларида шундай одам борлигини аниқ билишарди.

Ҳаммасининг пайтавасига қурт тушиб қолганди. Таниган-билган ва обрў-эътиборли кишиларни бирма-бир элакдан ўтказдилар.

Ахнас ибн Шарик, Валид ибн Муғийра, Абу Жаҳл кабилар бу оятларда назарда тутилган одам ўзлари эканини ҳис этиб туришарди.

Фақат битта масала қолганди, у ҳам бўлса, насл-насабсиз, валади зино бўлган одам...

Инсон ўзининг қандай йўл билан она қорнига тушганини қаердан билсин?..

\* \* \*

— Онажон, Муҳаммад мени бир қанча жирканч сифатлар билан одамларга танитди. Яхшилаб ўйлаб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам уларнинг баъзилари менда бор экан. Лекин у менга алоқаси бўлмаган бир қусур ҳақида ҳам айтиб ўтди. Бунинг охирига ҳеч етолмаяпман. Шу боис сиздан сўрамоқчи эдим.

— Қандай сифат экан у?

— Насл-насабсиз, валади зино эканман. Бунинг анигини сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Энди очиқ-ойдин айтинг-чи, мени зино йўли билан дунёга келтирганмидингиз?

Аёл оғир вазиятда қолганди. Ўғли оёқ тираб туриб олгач, иложсиз ёрилди:

— Ўғлим, мен сенга ҳақиқатни рўй-рост айтиб берман. Тўғри ёки нотўғри иш қилганимни яхшилаб ўйлаб кўр. Кейин мени ўлдирсанг ҳам майли.

Бир-икки бор чуқур нафас олгач, аёл сўзида давом этди:

— Отанг бой, аммо бепушт одам эди. Анча вақтгача фарзандимиз бўлмади. «Мол-мулки бегоналарга қолиб

кетмасин», — дея бир чўпоннинг қўйнига кирдим. Мана шу сенинг туғилмасингдан олдин бўлиб ўтган бор ҳақиқат.

Бу суҳбат Валид ибн Муғийра билан онаси ўртасида бўлиб ўтгани айтилади. Эҳтимол, бу суҳбат бошқа бир она ва бола ўртасида бўлиб ўтгандир. Чунки бу даврда зино оддий ҳол бўлиб қолганди. Шунга мос равишда зино орқали дунёга келган болаларнинг сони ҳам кам эмасди.

\* \* \*

Қалам сурасининг кейинги оятларида маккаликларнинг Ҳаққа бўйин эгмайдиган, ўз кучидан бошқасини тан олмайдиган тоифаси ҳақида мисол келтирилди:

إِنَّا بَلَوْنَاهُمْ كَمَا بَلَوْنَا أَصْحَابَ الْجَنَّةِ إِذْ أَقْسَمُوا لَيَصْرِمُنَّهَا مُصْبِحِينَ {17} وَلَا  
يَسْتَتِنُونَ {18} فَطَافَ عَلَيْهَا طَائِفٌ مِّن رَّبِّكَ وَهُمْ نَائِمُونَ {19} فَأَصْبَحَتْ كَالصَّرِيمِ  
{20} فَتَنَادُوا مُصْبِحِينَ {21} أَنِ اغْدُوا عَلَى حَرْثِكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَارِمِينَ {22}  
فَانطَلَفُوا وَهُمْ يَتَخَفَتُونَ {23} أَن لَّا يَدْخُلَنَّهَا الْيَوْمَ عَلَيْكُمْ مَسْكِينٌ {24} وَغَدُوا عَلَى  
حَرْدٍ قَادِرِينَ {25} فَلَمَّا رَأَوْهَا قَالُوا إِنَّا لَضَالُّونَ {26} بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ {27} قَالَ  
أَوْسَطُهُمْ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ لَوْلَا تُسَبِّحُونَ {28} قَالُوا سُبْحَانَ رَبِّنَا إِنَّا كُنَّا ظَالِمِينَ {29}  
فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ يَتَلَوْمُونَ {30} قَالُوا يَا وَيْلَنَا إِنَّا كُنَّا طَاغِينَ {31} عَسَى  
رَبِّنَا أَن يَبْدِلَنَا خَيْرًا مِّنْهَا إِنَّا إِلَى رَبِّنَا رَاغِبُونَ {32} كَذَلِكَ الْعَذَابُ وَالْعَذَابُ الْآخِرَةُ  
أَكْبَرُ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ {33} إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ عِندَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٍ النَّعِيمِ {34} أَفَنَجْعَلُ  
الْمُسْلِمِينَ كَالْمُجْرِمِينَ {35}

Мазмуни: «Дарҳақиқат, Биз уларни (Макка аҳлини) боғ эгаларини синаганимиздек имтиҳон қилдик. Ўшанда улар, албатта, уни (боғ ҳосилини) эрта тонгда узиб оламиз деб қасам ичган эдилар. Лекин истисно қилмаган эдилар («Худо хоҳласа», демаган эдилар). Бас, (тунда) улар уйқуда бўлган чоғларида, у (боғ) узра Парвардигорингиз томонидан бўлмиш айланувчи (офат — олов) айланди. Бас, (ҳосил) йиғилгандек бўлиб қолди (боғ куйиб кул бўлди). Эрта тонгда туришиб, бир-бирини чақиришди:

«Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангиз, зироатгоҳингизга бора қолингиз!» — (деб). Сўнгра шивирлашиб жўнадилар. «Бугун (боғда ҳосил тераётган вақтда) устиларингизга бирор мискин кириб қолмасин-да», — дер эдилар. Улар (ўзларича мазкур) ғаразга қодир бўлган ҳолларида тонг-саҳарлаб бордилар. Бас, қачонки, уни (кулга айланган боғни) кўришгач, (аввал): «Шубҳасиз, бизлар (йўлдан) адашиб қолдик (яъни бошқа боққа келиб қолдик)», — дедилар. (Сўнгра:) «Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз» — (дедилар). (Шунда) уларнинг ўртаҳолроғи: «Мен сизларга (Аллоҳга) тасбеҳ айтмайсизми (ҳосил шукронасига камбағаллар улушини бермайсизми) демаганмидим?» — деди. Улар (кеч бўлса-да): «Раббимизга тасбеҳ айтамыз. Ҳақиқатан, бизлар (ўзимизга) зулм қилувчи бўлдик», — дедилар. Сўнгра улар бир-бирларига қараб, маломат қила бошладилар. (Улар) дедилар: «Ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошувчи эканмиз. Шоядки, Раббимиз бизларга у (боғ)дан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар, албатта, Раббимиз сари интилувчидирмиз.»

Азоб — мана шундай! Агар билсалар, албатта, охират азоби янада каттароқдир. Албатта, тақводорлар учун Парвардигорлари ҳузурида неъмат боғлари бордир. Ахир, Биз мусулмонларни жинойтчиларга (кофирларга) баробар қилармидик?!» **(Қалам сураси, 17–35-оятлар).**

Чин адолат шу эмасми? Золимга ҳам, мазлумга ҳам мукофот берилса, ақл ва адолат мезонларига тўғри келармиди?..

Меҳнат қилган билан ишёқмас, дангаса бирдек улуш олса, яхшилиқ қилган ҳам, ёмонлик қилган ҳам бирдек тенг кўрилса, уларга бирдек муомала қилинса...

Соғлом ақл эгаси бу саволларга «Йўқ!» дея жавоб беради. Шу боис Аллоҳ таоло «Ахир, биз мусулмонларни кофирларга баробар қилармидик?» — дея айтмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломдан олган саломларини эгасига етказдилар:

– Эй Хадича, Жаброил сенга Аллоҳ таолонинг саломини олиб келди.

Одоб ва фазилатлар булоғи, Ҳазрат Хадича онамиз бу саломга кўзларидан қуйилаётган ёшлар билан жавоб қайтардилар:

– Салом Аллоҳникидир, Ҳар қандай салом Унгадир. Жаброилга ҳам саломлар бўлсин!

(соллаллоху алайҳи васаллам) ҳам ўлдириш учун келган душман қўлига ўзини топшириб, «Марҳамат, нима хоҳласанг, шуни қил, аммо бу ишни эплай олмасанг, сендан хафа бўламан!» — демас эди, албатта.

У секин-аста яқинлашиб келар экан, хаёлида турли режаларни ўйларди. Овозсиз яқинлашиб бориб, шартта отилиш ва биринчи зарбани бериш энг тўғри йўл бўлади.

Яна бир-икки қадам ташлаган Назр турган жойида қотиб қолди. Кўзларини ишқалаб кўрди. Яна қаради, бироқ ҳеч нима ўзгармади, чунки кўзлари уни алдамаётганди. Индамай, жимгина ўтирган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг атрофида бир нечта арслон айланиб юрганди.

Назр ўзини чимчилаб кўрди. Ажабо, қўрққани учун шундай кўриняптими? Йўқ, у қўрққани йўқ. Чунки агар қўрқадиган бўлса, уни ўлдириш учун билдирмай ёнига келган, ҳаттоки ёлғиз ҳолда учратганидан қувонган бўлармиди?

Унинг кўзлари чиндан ҳам алдаяптимики? Яна бир-икки қадам олдинга юрмоқчи бўлди. Бу сафар арслонлар унга қараб келишга шай бўлишди. Даҳшатли оғизларини катта-катта очган бу арслонларга ем бўлиш истаги йўқ эди.

У ё ортига қайтиши, ёки ҳайвонларга ем бўлишни танлаши лозим. Назр:

«Мен жонимни бозордан сотиб олган эмасман, унинг устига ёлғизгина жоним бўлса!» — деб ўйлаганча у ердан тезда узоқлашди.

\* \* \*

Бу пайтда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга Марям сураси тушаётганди.

Бу муборак сура Закариё, Яҳё, Марям, Исо, Мусо ва Идрис алайҳиссаломлардан баҳс этар, бир неча ҳақиқатларни ойдинлаштирар эди:

وَأَذْكَرُ فِي الْكِتَابِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّهُ كَانَ صِدِّيقًا نَبِيًّا {41} إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ لِمَ تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِي عَنْكَ شَيْئًا {42} يَا أَبَتِ إِنَّي قَدْ جَاءَنِي مِنَ الْعِلْمِ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَاتَّبِعْنِي أَهْدِكَ صِرَاطًا سَوِيًّا {43} يَا أَبَتِ لَا تَعْبُدِ الشَّيْطَانَ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلرَّحْمَنِ عَصِيًّا {44} يَا أَبَتِ إِنَّي أَخَافُ أَنْ يَمَسَّكَ عَذَابٌ مِنَ الرَّحْمَنِ فَتَكُونَ لِلشَّيْطَانِ وَلِيًّا {45} قَالَ أَرَأَيْتَ أَنْتَ عَنْ الْهَيْتِي يَا إِبْرَاهِيمَ لَنْ لَمْ تَنْتَه لَأَرْجُمَنَّكَ وَاهْجُرْنِي مَلِيًّا {46} قَالَ سَلَامٌ عَلَيْكَ سَأَسْتَغْفِرُ لَكَ رَبِّي إِنَّهُ كَانَ بِي حَفِيًّا {47} وَأَعْتَزَلْتُكُمْ وَمَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَأَدْعُو رَبِّي عَسَىٰ أَلَا أَكُونَ بِدُعَاءِ رَبِّي شَقِيًّا {48} فَلَمَّا اعْتَزَلْتَهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَكُلًّا جَعَلْنَا نَبِيًّا {49} وَوَهَبْنَا لَهُمْ مِنْ رَحْمَتِنَا وَجَعَلْنَا لَهُمْ لِسَانَ صِدْقٍ عَلِيًّا {50}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Китобда Иброҳим (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у жуда садоқатли пайғамбар эди. Қайсики, у отасига: «Эй ота! Нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирор фойда етказа олмайдиган нарсага ибодат қилурсан? Эй ота! Дарҳақиқат, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргашгин! Сени тўғри йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота! Шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шайтон Раҳмонга итоатсиз бўлган. Эй ота! Ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон (томони)дан азоб етиб, (дўзахда) шайтоннинг ёнида бўлиб қолишингдан қўрқаман», — деди.

(Отаси) айтди: «Сен менинг илоҳларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен (бу ишингдан) қайтмасанг, албатта, сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бир замон тарк эт!» (Иброҳим) деди: «Саломат бўл! Энди Раббимдан сенга кечирим сўрайман. Зеро, У менга меҳрибон зотдир. Мен сизлардан ҳам, Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган (бут)ларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Раббимга илтижо қилурман. Раббимга илтижо қилиш билан бахтсиз бўлиб қолмасман, деган умиддаман».

Бас, (Иброҳим) улардан ва Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлангач, (Биз) унга (фарзанд ва набира) Исҳоқ ва Яъқубни бердик ва барчаларини пайғамбар

қилдик. Шунингдек, уларга Ўз раҳматимиздан инъом этдик ва уларга олий даражадаги «садоқат тили»ни пайдо қилдик» (**Марям сураси, 41–50-оятлар**).

Бир пайтлар улуғ пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом отаси Озарга худди шу гапларни айтганди, отаси томонидан унга нисбатан қаршилик бўлган.

Энди Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари ҳам қавмини, қабиласини бутлардан узоқ тутиш, уларга қулликдан қутқариш учун айни ўша даъватни амалга оширар ва худди ўша натижани кўрар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятларга боғлиқ бўлган қуйидаги маълумотни бердилар:

– Қиёмат кунини пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом биринчи навбатда отаси Озар билан учраштирилади. Озар юз-кўзлари тупроқ бўлган, хароб аҳволда. Иброҳим алайҳиссалом унга айтадиларки:

– Мен сизга дунёдалигимда «Менга исён қилманг, гапларимга қулоқ солинг!» — деб айтмаганмидим? Мана нима ҳолат юз берганини бугун ўз кўзларингиз билан кўрмоқдасиз.

Отаси шундай жавоб қайтаради:

– Энди сенга бошқа ҳеч қандай қаршилик қилмайман. Нима десанг бажараман.

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом Жаноби Ҳаққа юзланиб:

– Ё Раббим! Сен менга «Инсонлар ва бутун мавжудод қайта тириладиган кунда сени маҳзун қилмайман» — деб ваъда қилгандинг. Мен учун Сенинг раҳматингдан узоқ-узоқда қолиб кетган отамнинг паришонлигидан ортиқ қандай маҳзунлик бўлиши мумкин?! Сендан ёлвориб сўрайман, унинг гуноҳларидан мен учун ўт!

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга шундай дейди:

– Мен жаннатни кофирлар учун ҳаром қилдим.

Кейин яна шундай дейди:

– Эй Иброҳим, оёқларинг остидаги нима эканлигига бир қара.

Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида қонга беланган бир сиртлонни кўради. Шундай аҳволга солинган отаси Озар улуг пайғамбарнинг кўз ўнгида оёқларидан ушланиб, жаҳаннамга улоқтирилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларини тинглаган мусулмонларнинг бошлари эгилди. Бир пайғамбар, бунинг устига «Пайғамбарларнинг отаси» дея ном қозонган Иброҳим алайҳиссалом отасини қутқара олмаса, кўз ўнгида жаҳаннамга ташланганини кўрсаю ҳеч нима қўлларидан келмаса!..

Қалбларни кўрқув эгаллади, нафаслар тиқилиб қолгандек бўлди гўё. Юзлардаги табассум ўрнини маҳзунлик қоплади. Қиёматнинг даҳшатли аҳволи худди кўз олдиларида намоён бўлгандек эди.

Кўнгиллар меҳрибон Аллоҳ томон юзланди. Қиёмат кунининг даҳшатлари олдида Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан узоқлаштирмаслигини, уларнинг шарафли байроғи остидан жой олишларини сўраб дуо қилдилар.

\* \* \*

Ос ибн Воил бошини кўтарди. Рўпарасида турган одамга менсимаган кўйи назар ташлади:

— Нима истайсан? — деди.

— Ҳақимни! — деди ҳалиги одам.

— Ахир, биргина ҳақни қирқ марта сўрайвермайдиларку! Бунинг устига мен каби иззатли одамни арзимаган бир-икки тангани деб безовта қилишга уялмайсанми?

— Қарзни биринчи марта келганимда берганингда, сенинг олдинга иккинчи бор келишни хаёлимга ҳам келтирмасдим.

Ос ибн Воил қарзини тўламоқчи эмасди.

— Менга қара, Ҳаббоб! — деди. — Қарзимни шу ондаёқ беришим мумкин, фақат битта шартим бор.

— Нима экан у шарт?

— Муҳаммадни инкор қиласан.

Ҳазрат Ҳаббоб бошларини тебратдилар:

— Сен ўлиб, қайта тирилгунингга қадар кутишим мумкин, бироқ Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни инкор этмайман.

Ос мазах қилганча сўради:

— Яъни мен ўлгач, яна тириламан, шундайми? Сен бунга чин дилдан ишоняпсанми?

— Бўлмасам-чи, бутун қалбим билан буни тасдиқлайман.

— У ҳолда ҳозир мени тинч қўй, Ҳаббоб. Модомики, ўлганимдан кейин тирилар эканман, ўшанда мол-мулким кўп бўлади. Шунда сенга қарзларимни ҳам қайтараман.

У Ҳазрати Ҳаббобнинг юзларига тикилганча:

— Сўз бериб айтаман, Ҳаббоб! Ўша ерда қарзимни ортиғи билан қайтараман, — деди.

Ҳазрат Ҳаббоб у ердан ғамгин ҳолда кетдилар. Қарзни бу дунёда ололмаслигига астойдил ишонгандилар.

— Аллоҳим, Ос ибн Воилни сенга ҳавола қиламан!..

Бу ёлвориш юракдан отилиб чиқди. Тил ва лаблар орасида қолиб кетмай, Арш томон ҳеч бир тўсиқсиз кўтарилди. Тўғридан-тўғри Оламлар Парвардигорига етиб борди.

Шу боис ҳам Аллоҳ таоло Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборақ қалбларига Ҳазрат Ҳаббобдан келган бу ёлворишга жавобан қуйидаги оятларни муҳрлади:

أَفْرَأَيْتَ الَّذِي كَفَرَ بِآيَاتِنَا وَقَالَ لَأُوتِيَنَّ مَالًا وَوَلَدًا {77} أَأَطَّلَعَ الْغَيْبَ أَمِ اتَّخَذَ  
عِنْدَ الرَّحْمَنِ عَهْدًا {78} كَلَّا سَنَكْتُبُ مَا يَقُولُ وَنَمُدُّ لَهُ مِنَ الْعَذَابِ مَدًّا {79} وَنَرْتُهُ  
مَا يَقُولُ وَيَأْتِينَا فَرْدًا {80}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Оятларимизга кофир бўлган ва: «Қасамки, албатта, (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва фарзанд ато этилур», — деган кимсани кўр-

дингизми? У ғайб (илми)дан хабардор бўлибдими ёки Раҳмон даргоҳидан аҳд олибдими?! Йўқ! Албатта, (Биз) унинг айтаётган сўзини ёзиб қўюрмиз ҳамда унга азобни зиёда қилурмиз. У айтаётган (мол-мулк)ни (Биз) мерос олурмиз, у эса, ҳузуримизга ёлғиз келур» (**Марям сураси, 77–80-оятлар**).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятларни ўқиган пайтлари Ҳазрат Ҳаббобнинг ёниб турган юрагига совуқ сув сепилгандек бўлди.

Бу борада саҳобаи икромлар Пайғамбаримизнинг муборак тилларидан шундай ҳодисани тингладилар:

– Бани Исроилдан бир одам бошқа биридан минг динор қарз сўради. Ҳалиги одам қарзни гувоҳларнинг кўз олдида беришини айтганида қарз сўраётган:

– Аллоҳ таолонинг вакил ва гувоҳ бўлгани етади, — деди.

– У ҳолда менга бирор кафил келтир.

– Аллоҳ таолонинг кафил бўлгани етарлидир.

– Тўғри айтасан, Аллоҳ таоло ҳам Вакил ҳам Кафил бўлган Зотдир.

Минг динорни қарз сўраганга берди ва маълум вақтни тайин қилишди. Бояги киши пулни олиши билан керакли ишларини битирди. Қарзни бериш вақти яқинлашгач, уни узиш мақсадида соҳилга келди. Аммо миниш учун кема йўқ эди. Шу боис у бир ёғоч бўлагини олиб, ичини ўйиб қути ясади. Минг динорни шу қути ичига жойлади ва унинг ичига «Фалон кишига тегишли» — деб ёзиб қўйилган хатни ҳам солди. Кейин ёғочни яхшилаб беркитиб, денгиз қирғоғига келди.

– Аллоҳим, биласанки фалон одамдан минг динор қарз олгандим. Мендан кафиллик сўради. Аллоҳнинг кафиллиги етади, деб айтгандим. Бироқ миниб борадиган бирорта кема топа олмадим. Шу боис мана шу минг динорни сенга омонат қолдираман.

У шундай деб қутини денгизга ташлаб, ортига қайтди.

Денгизнинг бу тарафида қарзини олиши керак бўлган одам қирғоққа келди. «Эҳтимол, бирор кемада келиб, қарзини бериб кетар» — деган ўйда кутиб ўтирди. Лекин ҳеч қандай кема қирғоқ томон сузиб келмади. Бир қанча вақт кутиб тургач, денгиз сувларида чайқала-чайқала оқиб келаётган қутини кўриб қолди. Уни ушлаб олди. Ўтин сифатида ёқиш учун уйига олиб келди. Энди майдалаб ўтин қилмоқчи эди ҳамки, ичдаги хат билан минг динорни топиб олди.

Бир неча кундан сўнг қарз олган одам келди.

— Аллоҳга қасамки, сенга қарзингни қайтариш учун бир неча кун кема пойладим, аммо бирорта ҳам тополмадим. Сал олдинроқ келишга ҳам имконим бўлмади, — деди ва ҳамёнидан минг динор чиқариб унга берди.

— Яхши, бироқ сен менга бошқа бирор нарса жўнатмаганмидинг?

— Ахир, кема топа олмадим, деяпман-ку!

— Аммо Аллоҳ таоло сен қути ичига жойлаган пулни менга етказди ва сен қарзингдан қутулдинг.

Кейин қутини олиб унинг олдига қўйди.

— Мана минг динорингни ол-да, саломат бўл! — деди.

## ҲАБАШЛАР ЮРТИГА ИККИНЧИ БОР КЎЧИШ

Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар Маккада қолган му-  
сулмонлар учун қулай бир эшик очган эдилар. Маккада-  
ги мўминлар ё уларнинг ортидан эргашиб Ҳабашистонга  
кўчиб бориш, ёки ҳеч қаерга кетмай қийноқ ва камси-  
тишларга кўниш мажбуриятида қолгандилар.

Кундан-кунга ортиб бораётган ҳақоратлар сабр ко-  
сасини тўлдирар, жон бўғизга келганди. Мўминларнинг  
асл мақсади ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб тарк этган  
олдинги куфур ҳаётларидан бир умр узоқ туриш ва ий-  
монларини асраш эди.

Ниҳоят Абу Толибнинг ўғли Ҳазрат Жафар қатъий  
қарорга келдилар. Аёллари Ҳазрат Асмо бинти Умайс  
билан йўлга отландилар. Улардан кейин Ҳабашистон са-  
фарига йўл олганларнинг сони ошиб борди. Саксон икки  
эркак ва ўнта аёл Маккани тарк этишди. Илк бор кетган-  
лар бу ҳисобга кирмайдилар.

Бу гал Ҳазрат Жафардан ташқари Амр ибн Саид,  
Ҳолид ибн Саид ва иккисининг аёллари, Убайдуллоҳ  
ибн Жаҳш ва аёли Умму Ҳабиба, Миқдод ибн Амр, Абу  
Убайда ибн Жарроҳ каби таниқли саҳобалар бор эди.

Ўша кунлари Абу Уҳайҳа бетоб бўлиб қолганди.  
Ҳолсизлигидан ўрнидан туришга ҳам мажоли етмасди.  
Бироқ ҳали ҳам ўгиллари Ҳазрат Ҳолид, Ҳазрат Амр, ке-  
лини Ҳазрат Умайнадан жаҳли чиққан, уларни ҳалигача  
кечирмаганди.

— Агар бутлар бу касалликни мендан олиб, оёққа ту-  
риб кетсам, Ибн Абу Кабшанинг (Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи васаллам назарда тутилмоқда) таъзирини бе-  
риб қўяман. Маккада унинг Тангрисига ҳеч ким ибодат  
қилмайди, — деб ётарди.

Ичида сўнмас бир оташ бор эди. Бу олов яхшигина  
авж олган, осонлик билан сўнадиган оловлардан эмасди.

Ҳазрат Ҳолид ибн Саид Маккани тарк этаётганларида отасининг бетоблиги ва агар оёққа туриб кетса, нималар қилиши мумкинлигини ўйлаб, қўлларини самога кўтардилар ва:

— Аллоҳим, уни бу бетобликдан оёққа тургазма! — дея дуо қилдилар.

Кейин аёллари билан йўлга чиқдилар.

Маккада мўминларнинг сони борган сари камайиб борарди. Биттадан-иккитадан бўлиб шаҳардан чиқиб кетаётганлар ҳеч ким билан хайр-хўш ҳам қилмадилар. Бу гап қулоққа чалиниб қолгудек бўлса, ҳар томонлама тўсқинликка учрашлари мумкин эди.

Кўчиб борганлар биринчи бўлиб келганларни излаб топдилар. Уларнинг ёнига жойлашишди. Энди мўминлар Ҳабашлар юртида бир маҳалла бўлгудек ҳолга келишганди. Эркагу аёллардан ташкил топган, юздан ортиқ аҳолиси бор кичик бир маҳалла...

Мўминлар бу ерда ҳузур-ҳаловатда эдилар. Ҳеч ким улардан «Нима учун ёлғиз Аллоҳга ибодат қиляпсан?» — деб сўрамасдилар. Улар ҳам туб аҳолининг динига аралашмасдилар.

Ҳабашистонликлардан ҳеч бирининг қилинган даъват ёки тушунтириш ортидан мусулмон бўлгани аниқ эмас. Эҳтимол, мўминлар уларнинг «Четдан келиб, бизнинг динга тумшуғини тикяпти» — деган иддаолар билан чиқишидан, бунинг оқибатида Маккадагидек ҳолат юзга келишидан чўчишгандир.

Ахир, Ҳабашистон халқини ўзларига душман қилган тақдирда қаерга, кимнинг олдига боришарди? Бунинг устига мўминларнинг орасида Макка соғинчи билан ўртанаётганлар ҳам йўқ эмасди.

Ҳазрат Жафар ибн Абу Толиб ва дўстлари Ҳабашистонга келишганларидан сўнг Маккадан илк бор хабар келиши эди.

«Ажабо, бизлар жўнаб кетгандан сўнг Маккада нима ўзгаришлар рўй берди экан?» — деган савол ҳамманинг

хаёлини банд қилганди. Бу саволларга жавоб аниқ: Абу Жаҳл ҳали ҳам ўша Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб ҳам ўша Абу Лаҳаб экан. Демак, у ердаги ҳаёт ҳали ҳам эски тосу эски ҳаммомдан иборат эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган салом кўнгилларга ҳузур бағишлади. Кўзлар ёшланди, киприklar нам бўлди. Маккадаги ҳаёт эсга олинди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саломларини олиб йиғлаганлар орасида уларнинг қизлари Ҳазрат Руқайя ҳам бор эдилар. Улар ҳам соғинчга тўлган нур доналарини кўзларидан оқиздилар.

Оталарини ҳам ота, ҳам Саййид ул-Анбиё ўлароқ қаттиқ соғингандилар. Оналари Ҳазрат Хадича, сингиллари Ҳазрат Умму Кулсум, Ҳазрат Зайнаб ва Ҳазрат Фотималар кўз олдиларидан бир-бир ўтар, бир кун эмас, бир кун улар билан кўришишни, бўйинларига осилиб тўйиб-тўйиб ҳидлашни, йиғлашни истардилар.

\* \* \*

Мусулмонлар истаганларидек ҳеч кимга хабар бермай, ҳеч кимга кўринмай, ўзга юртга йўл олдилар. Бироқ Маккада ҳувиллаб қолган уйларнинг аҳволи нима кечади? Бир эмас, ўн эмас, юздан ортиқ одам Маккани ташлаб кетсин-да, ҳеч ким билмай қолсинми?

Бир неча кун очилмаган эшиклар, қийноққа солиш учун қидирилиб топилмаганлар янги кўчиш бўлганидан дарак берди.

Бу сафар қурайшликлар саросимага тушиб қолдилар. Мусулмонларнинг нима мақсадда ҳижрат қилганларининг сабабини билолмай, роса бош қотирдилар. Ҳар хил тахминлар ўртага ташланди. Ниҳоят, Ҳабашистон ҳукмдори Нажжошийга икки кишилик гуруҳ жўнатишга қарор қилишди. Ос ибн Воилнинг ўғли Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Абу Робиа бу иш учун танланди.

Амр ибн Ос араблар ўртасида тан олинган, илоннинг ёғини ялаган кишилардан бири эди. Унинг бу айёрлиги

хоҳ яхшилик йўлида, хоҳ ёмонлик йўлида бўлсин, доимо ўз манфаати учун хизмат қиларди.

Ҳабашистон ҳукмдори Нажжоший бошчилигида ҳамма сарой аъёнлари ва амалдорларига, черков бош руҳонийсига совға-саломлар тайёрланди. Катта умидлар билан йўлга чиқишди.

Ҳабашистонга етиб боришгач, аввал сарой аъёнларини йўқладилар. Уларга ўзларига тегишли ҳадялар тарқатилди. Нажжошийга арз қилмоқчи бўлган ишларида қўллаб-қувватлашларини сўрашди.

Кейин ҳукмдор Нажжошийнинг ҳузурига йўл олдилар. Ҳабашларнинг одати бўйича ерга ётиб сажда қилдилар ва салом бердилар. Олиб келган ҳадяларини тақдим этишди.

– Келишдан мақсадингиз нима?

Амр ибн Ос сўз олди:

– Эй ҳукмдор! Биз Маккадан келяпмиз. Ичимиздан ўзини билмаган, жулдурвақилар гуруҳи ота-боболарининг динини тарк этиб, ер билан битта қилдилар. Ота-она, ака-укаларига қарши чиқишиб, исён қилишди. Кечагина топинган бут-санамларининг юзларига тупуришди.

Биз уларни йўлга солмоқчи бўлдик, ислоҳ қилишга ҳаракат қилдик, аммо эплай олмадик. Улар даъво қилаётган динни сиз ҳам биз ҳам яхши билмаймиз. Энди улар сизнинг юртингизга келиб ўрнашибдилар.

Бизнинг динимизга қайтмадиларми, демак, сизнинг динингизни ҳам қабул қилмаслар. Биз кўрқаётган нарса шуки, улар Маккада кўзлаган фисқ-фасодини бу ерда ҳам қиладилар ва бу сизнинг ҳамда халқингизнинг бошига бало бўлади.

Шу боис ҳам қавмимизнинг оқсоқоллари бизни юртингизга жўнатди. Бу ердагилар бир ишни бошламасларидан олдин бизга уларни қайтариб берсангиз, биз эса олиб кетсак. Сиз ҳукмдоримизнинг юрти ҳам уларнинг ёмонликларидан қутилса.

Нажжошийга бу гап унча ёқмади. Бу сафар сарой аъёнлари сўзга чиқдилар:

— Эй ҳукмдор! Биз бу одамларнинг кимлигини билмаймиз. Уларни ўз қавмидан кўра яхши биладиган одамлар йўқ. Энг яхшиси, Маккадан юборилган бу одамларга ишониш керак. Агар кўчиб келиб жойлашганлар яхши бўлишганида юртини, қавм-қариндошларини ташлаб бу ерларга келмаган бўларди.

Нажжоший уларнинг сўзини бўлди:

— Юртимга келиб, менинг ҳимоямга кирган кишиларни бирор сабабсиз буларнинг қўлига топширмайман. Қани, уларни чақириб, бир бора тинглаб кўрайлик. Ундан кейин бир хулосага келамиз. Уларни менинг ҳузуримга олиб келинглар!

Дарҳол одам жўнатилди.

— Сизларни ҳукмдор Нажжоший чорлаяпти, — дейилди.

Ҳазрат Жафар ва уларнинг дўстлари бу йқловдан бирор маъно тополмадилар:

— Бизни чақиришдан мақсад нима экан?

Хабар олиб келган одам бўлиб ўтган ишларни тушунтирди. Бу хабар мўминларнинг таъбини тирриқ қилди. Бир-бирига маъноли қараб олган кўзлардан «Шу ерда ҳам топишибди-да бизни!» — деган ифодани ўқиш мумкин эди.

Озроқ вақт ўтиб улар Нажжошийнинг саройига йўл олдилар.

Кирган-чиққанни назорат қиладиган амалдор мўминларга ичкарида қандай ҳаракат қилишларини ўргатишга киришди:

— Кираётганда ер ўпиб сажда қиласизлар, — деди.

— Биз Аллоҳдан бошқага сажда қилмаймиз.

— Нима учун?

— Динимиз, Пайғамбаримиз шундай буюрган.

Улар ичкарига кириб салом бердилар.

Амр ибн Ос бир четда турганди, уларни кўргач, гапирди бошлади:

– Эй ҳукмдор! Сал олдин сизга уларнинг аҳволи ҳақида хабар бергандим. Кўриб турганингиздек, айтганларим тўғри чиқмоқда. Булар осий ва саркаш кишилардир, – деди.

Нажжоший Амрнинг гапига эътибор қилмади. Келганларнинг юзларига қаради:

– Қани, айтинг-чи! Нима учун менинг юртимга келдингиз? Бу одамлар сизни нима учун қидириб келишди?

Ҳазрат Жафар ибн Абу Толиб сўз олдилар:

– Рухсат берсангиз дўстларим номидан ҳам мен гапирсам.

– Сени эшитамиз, гапиравер.

– Эй ҳукмдор, аввал булардан сўранг-чи, биз эрку озодлиги йўқ қуллармидик-ки, қўлимиздан ушлаб олиб кетмоқчи?

Нажжоший Амр ибн Осага қаради:

– Нима дейсизлар? – деб сўради.

– Йўқ, улар қул эмаслар.

– Эй ҳукмдор! Яна сўранг-чи, биз бекордан-бекор қон тўккан, ёхуд одам ўлдирган кимсалармидик-ки, бизларни таслим бўлишимизни сўрашмоқда?

– Хўш, нима дейсизлар? Булар қотилларми? Ёки беҳуда қон тўкканлари учун қидирилмоқдами?

– Йўқ, улар қотил эмаслар. Беҳуда қон ҳам тўкмаганлар.

– Яна сўранг-чи, ҳукмдорим! Биз уларнинг мол-мулкани олиб қайтармаган, қарзини бермаган, омонат сифатида олган молига хиёнат қилган кишилармизми? Бирор ҳақлари борми бизда?

– Нима дейсан, эй Амр?

Амр учинчи бор сўралган саволга ҳам айни олдинги жавобни қайтарди:

– Йўқ, бу одамларнинг биздан ҳеч қандай қарзлари йўқ.

Нажжоший бу савол-жавоблардан кейин Амр ибн Осага юзланди:

– Эй Амр, ундай бўлса, бу одамларни нима мақсадда талаб қилмоқдасан? Менга аниқроқ тушунтир.

Амр ҳеч ҳам кутмаган саволлари қаршисида довдираб қолганди:

– Булар бизнинг динимизни тарк этдилар. Муҳаммадга ва унинг динига эргашиб кетдилар.

Нажжоший бу гал Ҳазрат Жафарга юзланди:

– Сиз эски динингизни нима учун тарк қилдингиз? Уларнинг динидан бўлмасангиз, менинг динимдан бўлмасангиз, унда сизнинг динингизнинг асоси қандай, бизга айтиб беринг! – деди.

Ҳазрат Жафар дедилар:

– Эй ҳукмдор! Бизлар жоҳил бир қавм эдик. Бутларга топинар, ўлимтик ва ҳаром ўлган ҳайвонларнинг гўштини ердик. Ахлоқсиз ва қўшниларига ёмонлик қилувчи одамлардан эдик. Орамиздаги куч-қувватлилар заифларимизни эзишарди. Аллоҳ таоло ичимизда насл-насаби тоза, тўғри ва ор-номусли ҳамда омонатга хиёнат қилмайдиган деб билганимиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳни Пайғамбар сифатида танлангунга қадар биз жоҳилликда яшадик.

Ул зот бизга Аллоҳни ягона деб билишни, фақат Унга ибодат қилишни, топинган тош ва ёғочларимизни кўнгилларимиздан суғуриб ташлашни буюрдилар.

Тўғрисўз бўлишга, омонатни ўз эгасига беришга, қавм-қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашга, кўни-қўшниларга гўзал муомалада бўлишга, ҳаром ишлар қилмасликка ва бесабаб қон тўкмасликка даъват қилдилар.

Ахлоқсизликдан, ёлғон сўзлашдан, етим-есирларнинг молини ейишдан, номусли аёлларни айблашдан қайтардилар.

Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, Унга шерик қўшмасликка, намоз ўқиш, садақа бериб молимизни поклашга ва рўза тутишга буюрдилар.

Биз ҳам уларни тасдиқладик. Фақат Аллоҳга ибодат қилдик, Унга ҳеч қандай шерик қўшмадик, Бизга ҳаром

деб айтилган нарсани ҳаром ҳисобладик. Бироқ қавмимиз бунга қарши бизга ёмонлик истадилар, бизни исканжага олдилар. Динимиздан қайтаришга уриндилар, Аллоҳни кўйиб, бутларга сиғинишимизни талаб қилдилар. Аввал оддий ишдек қабул қилган ёмонлик, ахлоқсизликларни яна қилишимизни буюрдилар. Бизга нисбатан бўлаётган қийноғу азоблар, зулмлар кучайиб, чидаб бўлмайдиган ҳолга етгач, динимизни муҳофаза қилиш мақсадида сизнинг юртингизга кўчишга қарор қилдик. Сизни бошқалардан яхши деб билдик ва дўстлигингизга ишондик. Эй ҳукмдор, сизнинг ҳузурингизга зулм кўрмаймиз деган умидда келдик.

— Маъқул, энди нима учун менга сажда қилмаганинг ҳақида тушунтир.

— Бизнинг динда Аллоҳдан бошқага сажда қилинмайди. Пайғамбаримиз бизга ўргатган саломлашиш шундайдир. Биз бир-биримизга ва Пайғамбаримизга ҳам шундай салом берамиз.

Нажжоший Амр ибн Осага қараб:

— Мендан ёрдам сўраб келган ва мен ҳақимда хайрли гумонда бўлган одамларни юртимдан ҳайдаб чиқариш, ёки сизга таслим қилиб топшириш учун арзирли сабаб кўрмаяпман, — деди.

Кейин Ҳазрат Жафар ва уларнинг дўстларига изн берди, улар ташқарига чиқдилар. Юзларидан севинч балқиб турарди.

Айёрликда тулкига ҳам дарс берадиган Амр бундай осонгина енгилишига чидаб туролмади:

— Эртага уларнинг бошига шундай ғавғо солайки, буни кўриб сен ҳам ҳайрон қоласан! — деди ёнидаги шеригига.

Абдуллоҳнинг кўнглига ғулғула тушди:

— Амр, кел бу ишни шундайлигича қолдирайлик. Нима бўлганда ҳам улар бизнинг қавм-қариндошларимиз, ахир. Ватанидан, мол-мулкларидан ажралдилар. Энди тинч кўяйлик, улар ҳам одамдек яшайверсинлар.

Амр ибн Осга бу гап унчалик ёқмади, шу сабаб:

— Эртага тонг отсин, ҳаммасини кўрамиз, — деди.

У ўйлаган режасини амалга оширишга қасам ичди.

Эртаси куни мўминларнинг ҳузурига яна хабарчи келди:

— Ҳукмдор Нажжоший сизларни чақирмоқда.

Яна қалбларни кўрқув ва ҳаяжон эгаллади. Хавотирли кўзлар бир-бирига қаради. Бу кўзларнинг баъзиларида қайғу ҳам бор эди. Сарғайган юзлар, қуршаган лаблар кўнгилларни тўлдирган ҳаяжон нимадир содир бўлганидан дарак берарди.

Ҳазрат Жафар дўстларига юзландилар:

— Борамиз, Аллоҳнинг истагани бўлади.

— Яна ўзинг гапира қол, Жафар!

Бу галги мажлисга аввалгидан ҳам кўп оломон тўпланган эди. Кўринишларидан дин одамлари эканлиги маълум бўлган кишилар ҳам бор эди. Барчаси қўлларига қалин-қалин китоблар ушлаб олишганди.

Нажжоший келганларни бир муддат кузатиб турди. Сўнгра деди:

— Амр ибн Оснинг сўзларига қараганда сизлар Исо алайҳиссалом ҳақида жуда оғир гапларни айтган эмишсиз. Қани айтинглари-чи, сизлар Исо алайҳиссаломни қаердан биласизлар?

Масала аниқ бўлди. Амр Ҳазрат Исо алайҳиссаломни илоҳ сифатида қабул қилган насронийларнинг қитиқ патига тегиш учун шундай йўл тутганди.

Ҳазрат Жафар сўз олдилар:

— Эй Ҳукмдор! Исо Аллоҳнинг қули ва расулидир. Пок ва маъсума қиз бўлган Ҳазрат Марямга Аллоҳнинг юборган калимаси ва руҳидир. Биз у ҳақда шундай фикрдамиз.

— Яхши, сизлар бу борада пайғамбарингиздан бирор нима эшитганмисизлар?

— Албатта, Аллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қилиб юборган Куръонда оятлар бор.

— Қани ўшани менга ўқиб беринг-чи!

Ҳазрат Жафар Марям сурасини ёддан ўқий бошладилар:

وَأذْكَرُ فِي الْكِتَابِ مَرْيَمَ إِذِ انْتَبَذَتْ مِنْ أَهْلِهَا مَكَانًا شَرْقِيًّا {16} فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا {17} قَالَتْ إِنِّي أَعُوذُ بِالرَّحْمَنِ مِنْكَ إِنْ كُنْتَ تَقِيًّا {18} قَالَ إِنَّمَا أَنَا رَسُولُ رَبِّكِ لِأَهَبَ لَكِ غُلَامًا زَكِيًّا {19} قَالَتْ أَنَّى يَكُونُ لِي غُلَامٌ وَلَمْ يَمْسَسْنِي بَشَرٌ وَلَمْ أَكْ بَغِيًّا {20} قَالَ كَذَلِكَ قَالَ رَبُّكَ هُوَ عَلَيَّ هَيِّنٌ وَلِنَجْعِلَ آيَةً لِلنَّاسِ وَرَحْمَةً مِنَّا وَكَانَ أَمْرًا مَقْضِيًّا {21} فَحَمَلَتْهُ فَانْتَبَذَتْ بِهِ مَكَانًا قَصِيًّا {22} فَأَجَاءَهَا الْمَخَاضُ إِلَى جِذْعِ النَّخْلَةِ قَالَتْ يَا لَيْتَنِي مِتُّ قَبْلَ هَذَا وَكُنْتُ نَسِيًّا مَنْسِيًّا {23} فَوَدَّعَاهَا مِنْ تَحْتِهَا أَلَّا تَحْزَنِي قَدْ جَعَلَ رَبُّكِ تَحْتَكِ سَرِيًّا {24} وَهَزَى إِلَيْكَ الْجِدْعَ النَّخْلَةَ تُسَاقِطُ عَلَيْكَ رَطْبًا جَنِيًّا {25} فَكَلَىٰ وَاشْرَبِي وَقْرِي عَيْنًا فَمَا تَرِينَ مِنَ الْبَشَرِ أَحَدًا فَقَوْلِي إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَنِ صَوْمًا فَلَنْ أَكَلِمَ الْيَوْمَ أَنسِيًّا {26} فَآتَتْ بِهِ قَوْمَهَا تَحْمِلَةً قَالُوا يَا مَرْيَمُ لَقَدْ جِئْتِ سَيِّئًا فَرِيًّا {27} يَا أُخْتَ هَارُونَ مَا كَانَ أَبُوكَ امْرَأَ سَوْءٍ وَمَا كَانَتْ أُمُّكَ بَغِيًّا {28} فَأشارت إِلَيْهِ قَالُوا كَيْفَ نَكَلِمُ مَنْ كَانَ فِي الْمَهْدِ صَبِيًّا {29} قَالَ إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ آتَانِي الْكِتَابَ وَجَعَلَنِي نَبِيًّا {30} وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنْتُ وَأَوْصَانِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ مَا ذُمْتُ حَيًّا {31} وَبَرًّا بِوَالِدَتِي وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَّارًا شَقِيًّا {32} وَالسَّلَامُ عَلَيَّ يَوْمَ وُلِدْتُ وَيَوْمَ أَمُوتُ وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا {33} ذَلِكَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ قَوْلَ الْحَقِّ الَّذِي فِيهِ يَمْتَرُونَ {34} مَا كَانَ لِلَّهِ أَنْ يَتَّخِذَ مِنْ وَلَدٍ سُبْحَانَهُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ {35} وَإِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ {36}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Ушбу Китобда (Куръонда) Марямни ёд этинг! У ўз оиласидан четга — шарқ томонга кетди. Улардан пардага беркиниб олган пайтида, Биз унга руҳимиз (яъни Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди. (Марям унга): «Мен Раҳмонга илтижо қилиб, сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин)», — деди. (Жаброил) айтди: «(Кўрқмагин!) Мен фақат сен-

га бир покиза ўғил ҳады қилиш учун (келган) Парвардигоринг элчисидирман, холос». (Марям) деди: «Менга одамзод «тегмаган» бўлса, бузуқ аёл ҳам бўлмасам, менга қаёқдан фарзанд бўлсин?!» (Жаброил) айтди: «Шундай. Раббинг айтурки, бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат (манбаи) қилурмиз. Бу ҳал қилинган ишдир». Бас, (Марям) унга (ўғилга) ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. Бас, тўлғоқ дарди уни бир хурмо дарахти тубига олиб борди ва у деди: «Қани эди, мана шундан (туғишдан) олдин ўлиб, бутунлай унутилиб кетсам». Шунда (хурмо дарахтининг) остидан (Жаброил) нидо қилди: «Ғамгин бўлма, Раббинг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, токи у (Менинг қудратим билан) сенга янги хурмо меваларини тўксин! Бас, еб-ичгин ва шод бўлгин! Бас, агар одамзоддан бирортасини кўриб қолсанг (ва у савол сўраса) у ҳолда: «Мен Раҳмон (розилиги) учун рўза тутишни назр (аҳд) қилганман, бас, бугун бирор инсонга сўзламайман», дегин! Сўнгра (Марям боласини) кўтарган ҳолда қавми ҳузурига келганида улар: «Эй Марям! Сен қизиқ иш қилибсан-ку! Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!» — дедилар. Шунда (Марям ўзи гапирмай, боласига) ишора қилди. Улар айтдилар: «Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!» (Шу пайт чақалоқ тилга кириб) деди: «Мен Аллоҳнинг бандасидирман. (У) менга Китоб (Инжил) ато этди ва мени пайгамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам баракотли қилди ва модомики, ҳаёт эканман, менга намозни ва закотни (адо этишни) буюрди. Шунингдек, (мени) онамга меҳрибон (қилди) ва мени такаббурли, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам салом (омонлик) бўлур». Улар (яъни яҳудий ва насронийлар) шубҳа қилаётган Исо ибн Марям —

«Ҳақнинг сўзи» мана шудир. Аллоҳга ҳеч қандай фарзанд тутиш мумкин эмас — У (бундай) нуқсондан покдир. У бирор ишни қилишни истаса, фақат унга «Бўл!» дер. Бас, (ўша иш) бўлур. (Исо айтди): «Албатта, Аллоҳ Раббим ва Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир» (**Марям сураси, 16-36-оятлар**).

Бу муборак оятларни тинглаб ўтирган Нажжошийнинг кўзларидан ёшлар қуйиларди. Насронийларга мансуб руҳонийлар орасида ҳам йиғлаётганлар бор эди. Нажжоший кўз ёшларини артаркан:

— Бу калом Исо ва Мусо алайҳиссаломларга тушурилган манбадан келмоқда. Улар нур олган асосдан бу калом ҳам нур олмоқда, — деди. Кейин ерга эгилиб бир чўп олди:

— Шу нарса аниқки, сизлар айтган каломда хабар берилган Исо алайҳиссалом ҳақиқий Исо алайҳиссаломдан мана шу чўпчалик ҳам фарқ қилмайди, — деди.

Бу гап насроний олимларнинг баъзиларида норозилик кайфиятини уйғотди.

Нажжоший:

— Қасамки, сизлар норози бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам ҳақиқат худди шундайдир, — деди ва мўминларга қараб:

— Боринглар, — деди. — Кўнгилларингиз тусаганича роҳат ва ҳузур ичида яшайверинглар. Мен сизларни ўз ҳимоямга оламан. Бирортаси ёмонлик қилса, менинг ғазабимга учрайди. Бошимдан олтину зар сочсалар ҳам, сизларнинг роҳатингизни бузишга йўл қўйилмайди.

Амр ибн Оснинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ўз юртига қўли бўш ҳолда қайтишга мажбур бўлди.

Нажжоший улар олиб келган ҳадяларни ўзлари билан қўшиб қайтариб юборишлари ҳақида амр қилди:

— Менинг бу ҳадяларга ҳеч қандай эҳтиёжим йўқ. Қўлимдан зўрлик билан олинган мол-мулкимни Аллоҳ менга қайтариб бераётганида ҳеч қандай пора сўрамаган.

Мен ҳам пора олиб, сизнинг талабингизни қондирмоқчи, бунинг оқибатида Аллоҳ олдида юзимни қора қилмоқчи эмасман. Ҳадяларингизни олиб, юртимдан жўнаб кетинглар, — деди.

Амр ибн Ос ва унинг шериги Ҳабашистондан расман қувилганди. Саройдан бир аҳволда чиқишди. Чек-чега-расиз адоват ва кин билан келишганди бу ерга, бироқ Нажжошийнинг соғлом ақли олдида бир иш қила олмай, қувилишга маҳқум ва мажбур бўлдилар.

Мўминлар у ердан севинч ичида, Аллоҳга шукрлар қилганча чиқдилар. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Ҳабашистонда адолатли бир ҳукмдор бор, у ерда ҳузур-ҳаловатда яшайсизлар», — деб айтган гаплари ёдларига тушди. Бу нарса уларнинг ёноқларига севинч ва соғинчга йўғрилган қайноқ кўз ёшларини оқизди.

Маккалик мушриклар анчагина пул сарфлаб, катта умидлар билан юборган кишиларининг бир ишни ҳал қилолмай қайтишганидан қайғуга ботишди.

Демак, Амр ибн Осдек муғомбир одам ҳам Нажжошийга бас кела олмабди.

Амр ва унинг шериги Маккага қайтиб кетишгач, Ҳабашистонда кўзғалон кўтарилди. Бу кўзғалон ҳукмдор Нажжошийдан норози бўлганлар тарафидан уюштирилганди. Катта ғавғо бошланиб кетди.

Бу ҳолат мўминларнинг ҳам ҳаловатларини ўғирлади. Маккалик мушрикларнинг юборган элчилари камлик қилгандай, яна бу ташвиш...

— Аллоҳим, Нажжошийга ёрдам қил! — деган мазмундаги дуолар энг холис ниятлар, энг тоза туйғулар ила Раббул-Оламинга арз қилинди.

Мусулмонлар хавотирда эдилар. Улар хаёлларига ҳам келмайдиган даражада яхши муомала қилган бу ҳукмдор мағлуб бўлса, бошларига нималар тушишини ҳеч ким билмасди. Эҳтимол, Нажжоший берган эркинлик ва ҳимоя

бекор қилиниб, Ҳабаш ўлкасини тарк этишга тўғри келар.

Нил дарёси қирғоқларида жанг давом этаётган бир вақтда мўминларнинг қўллари бир ишга бормас, фақат дуою фотиҳа билан кун ўтказишарди.

– Орамиздан бирор одам бориб хабар олиб келса, – дейилди.

Уларнинг ичида энг кичиклари Ҳазрат Зубайр ибн Аввом эдилар. Бориб хабар олиб келмоқчилигини айтдилар. Лекин улар сузишни билмасдилар. Нил дарёси бу пайтда худди ажалнинг оғзи эди. Сув ўтказмас бир матони яхшилаб шиширдилар ва оғзини маҳкамладилар. Ҳазрат Зубайрга қўшиб уни ҳам боғладилар. Энди сувга чўкиб кетмай дарёда сузиш мумкин эди.

Улар Нилга тушиб сузиб кетдилар. Бир тепалик ёнида жанг ҳали ҳам давом этаётганди. Бир муддат кузатиб, дуолар қилиб турдилар. Натижа кўзни қувонтирадиган тарафга юз бургач, дўстларининг олдига қайтдилар.

Улар келтирган хабар мўминларни хурсанд қилди. Янгидан ҳаётга келгандек бўлдилар.

\* \* \*

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ташқарида амакилари Абу Толибнинг ҳимоясида вазифаларини адо этар, уйларида эса теран тафаккур ва фидокорлик намунаси бўлган аёллари Ҳазрат Хадича онамизнинг ёнларида дам олар, ҳаловат топардилар. Абу Толиб ва Ҳазрат Хадича онамиз иккиси худди Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламга ўз вазифаларини адо этишда ёрдам бериш учун беллашувга киришгандек эдилар.

Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қурайшликлардан кўпчилик бўлган жамоа олдида Нажм сурасини ўқидилар. Сурани тугатгач, ўринларидан туриб саждага кетдилар. Ўша ерда ҳозир бўлган барча – мўмин бўлганлари ҳам, бўлмаганлари ҳам сажда қилдилар.

Ҳаттоки бели букилмайдигани ҳам эгилиб, ердан бир ҳовуч тупроқ олди, уни пешонасига суриб:

— Мана шу менга сажда бўлади, — деди.

Мўминлар оятда Аллоҳга сажда ва ибодат қилиш ҳақидаги амр борлиги учун сажда қилишганди. Бироқ у ерда мушриклар ҳам бор эди. Шундай экан, уларни сажда қилишга мажбур этган нарса нима?..

Эҳтимол, Куръони каримнинг мислсиз балоғату фасоҳати уларни шундай иш тутишга ундагандир! Ўзларини илоҳий каломнинг жозибасига топшириб қўйиб, сел бўлиб ўтирган мушриклар сажда ояти ўқилгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилганилари ва мўминларнинг ҳам уларга эргашганларини кўргач, ўйлашга-да фурсат тополмай саждага бош қўйишгандир!

Бу ҳодиса оғиздан-оғизга ўтиб, Ҳабашистонга қадар етиб борди. Бутун Макка халқининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларидан саф тизиб, Ҳузурни Илоҳийга бош қўйганларини эшитдилар.

Келган бу хабарни жиддий қабул қилган бир қанча мўминлар севинганидан қанот ёзиб учиб кетишга чоғланишди. Дарҳол қайтишга тайёргарлик кўрдилар. Юракларини ёқиб кул қилган ватан соғинчи хабарнинг нақадар тўғри ёки ёлғон эканлигини аниқлашга имкон бермади.

Қолган мўминлар эса «Бу ишда бир яширин нарса бор!» — деган фикрда эдилар.

— Курайшлик мушриклар бизни Ҳабашистонгача излаб келган экан, бу ишда ҳам бирор ҳийла бўлиши мумкин. Тагин қайтганларингизга пушаймон бўлиб юрманглар. Еру осмон бир бўлганда ҳам Уқба ибн Абу Муайт, Назр ибн Ҳарис, Умайя ибн Ҳалаф, Валид ибн Муғийра, Абу Суфён ибн Ҳарб мусулмон бўлишмайди. Нима бўлганини аниқ билмай туриб, йўлга тушманглар! — дедилар.

Дейишга дедилару, бироқ буни ҳеч ким эшитмади.

Орадан ўтган бир неча кун, келинган қарорни қатъий тус олди. Ниҳоят, ўзлари учун қулай кунда мўмин-

ларнинг анчагина қисми Ҳабашистонни тарк этдилар.  
«Қайдасан, Макка?» — деганча йўлга тушдилар.

Қайтаётганлар орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куёвлари Ҳазрат Усмон ибн Аффон ва нур юзли қизлари Ҳазрат Руқайя ҳам бор эдилар. Жамоа ўттиз уч эркак, олтига аёл — жами ўттиз тўққиз киши эдилар.

Ҳабашистонда қолганлар кетганларни кўз ёшлар билан кузатишди, уларни қурайшликлар томонидан уюштирилган тузоққа тушишларига шубҳа қилмаётгандилар.

Денгиз соҳилига қадар ҳурсанчилик ва севинч ичида етиб келишди. «Бундан буёғига фақат саодатга тўла ҳолда умр кечирамиз!» — деган хаёл уларга йўл заҳматларини ҳам унуттириб юборганди. Ташланган ҳар бир қадам уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон яқинлаштирарди. Кечаги кунгача душман дея эътироф қилинган қавмининг одамлари билан дўсту қариндошдек кўришмоқчи, бир-бирларини багирларига босмоқчи эдилар.

Узоқ давом этган қуруқлик ва денгиз сафаридан сўнг Жиддага етиб келдилар. Кейин яна йўлга чиқишди. Энди уч кечаю уч кундуз юришса, Маккага кириб борадилар, Каъбани тавоф қиладилар.

Макка тарафдан келаётган бир киши билан учрашиб, суҳбатлашилгач, юзлардаги табассум ўрнини ғам-қайғу эгаллади.

— Нималар деяпсан сен?

— Бизга ҳазил қилма, жиддий гапир!..

— Ҳазилни кўтарадиган аҳволда эмасмиз, биродар!  
Узоқ йўлдан келяпмиз, ахир!

— Менга ишонмасангиз, ўзингиз биласиз. Икки кундан сўнг айтганларимнинг тўғри эканига ишонч ҳосил қиласизлар.

Кўнгилларни ғам-қайғу эгаллаб олди. Пешоналардан совуқ терлар чиқди. Дуч келган иккинчи, учинчи одамла-

ри билан ҳам гаплашишгач, биринчи учраган кишининг сўзлари тўғрилигига ишондилар. Макка томон севинчга тўлиб қадам ташлаган мўминлар энди кўрқув ва хавотирда одимлардилар.

Яна қайтадан, бироқ бу сафар жиддий бир музокара қилдилар. Нима қилишлари ҳақида баҳслашдилар.

Қўлларини белига қўйганча, бемалол Маккага кира олмасдилар. Ё ўлимни бўйнига олиш, ёки Қурайш қабиласи орасида обрўлироқ бирор одамнинг ҳимоясига ўтиб, шаҳарга кириш, ёхуд яна Ҳабашистонга қайтиб кетишлари керак эди.

Ҳеч ким ўлишни истамасди. Қайтиб кетишни ҳам хаёлга келтириш мушкул. Битта йўл қолганди: ўзлари учун душман деб билган мушриклардан бирининг ҳимоясига ўтиш...

Ҳамма шу йўлни маъқул кўрдилар. Маккага яқин бир ерга бордилар. Шаҳарга келаётган йўловчилар орқали хабар беришиб, ўзлари учун ҳимоя сўрадилар.

Арабларнинг гўзал одати эди бу. Чин маънодаги мардона ҳаракат. Ким бўлса бўлсин, ўзларидан ёрдам сўраб келган кишига озор беришмас, омонлик тилаганга қилич кўтармасди. Ўлдириш учун қидирилаётган одам бўлса-да, ҳимоя истаган тақдирда ҳимояга олинарди. Ҳимоя остига олинган одамнинг хавфсизлиги учун ўз ҳаётини хатарга қўйганлар борасида бирор ножўя гап айтиш инсофсизлик бўларди.

Қабила аёлларидан бирининг этагига бош уриш ёки қабила чодирларидан бирининг арқонини ушлаб туриш шу қабилага бош уриб келиш деб тушиниларди. Ўша одамга омонлик берилиб, ҳимояга олингани барчага эълон қилинар, у эса қабила орасида эркин юриш ҳуқуқига эга бўларди. Унга уюштирилган тажовуз айни дамда ҳимояга олган шахсга нисбатан қилинган тажовуз сифатида баҳоланарди. Шундай қилиб, ҳимоядаги одамни кўриқлаш, ўзи хоҳлаган муддатича омонликда яшаши

учун шароит яратиш қабила одамларидан ҳар бирининг бурчига айланарди.

Мусулмонлар ҳам «Сувга чўкаётган ҳасга ёпишади», — деганларидек арабларнинг мана шу одатларидан фойдаланиб, Маккага кирмоқчи эдилар.

\* \* \*

Ўғли Ҳазрат Ҳолид ибн Саид тарафидан «Аллоҳим, уни бу хасталикдан оёққа турғизма!» — дея дуоибад қилинган Абу Уҳайҳа Саид ибн Ос бир неча ойлардан буён тўшакка миҳланганча ётарди. Турадиган аҳволда ҳам эмасди. Унга:

— Сени йўқлаб келишибди, — деб айтишди.

— Ичкарига олиб кирилинг! — дедилар.

Хонага бир киши кирди.

— Эй Абу Уҳайҳа, кўрган кечирганинг шу бўлсин! — деди. Ўзини танитгач, мақсадга ўтди:

— Макка ташқарисида Усмон ибн Аффонни кўрдим. Ҳабашистондан қайтибди, сендан ҳимоя истаяпти, — деди.

Абу Уҳайҳа таклифни қабул қилди.

Орадан бир соатлар ўтгач, Макка кўчаларини кезиб юрган бир киши бор овози билан шундай жар солиб юрарди:

— Одамлару одамлар! Эшитмадим деманглар! Усмон ибн Аффон билан унинг аёли Руқайя Абу Уҳайҳанинг ҳимоясига ўтди. Ҳеч ким уларга озор бермасин, ҳаловатларини бузмасин!

Шундан кейин Абу Уҳайҳа юборган одам Жиддага кетиш йўлида Ҳазрат Усмон ибн Аффонни топди. Вазиятни англатиб, улар билан Маккага қайтди.

Ҳазрат Руқайя Набийлар Сарвари соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлган оталари билан йиғлай-йиғлай кўришдилар. Неча ойлардан буён кўрмай, соғиниб кетган оналари Ҳазрат Хадичаю сингилларининг бағирларига ўзларини

отдилар. Ҳазрат Усмон ибн Аффон ҳам энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан эмин-эркин учрашиб имконини қўлга киритдилар.

Қолган мўминлардан ҳам кўпчилиги ўзлари учун ҳимоячи топишди:

Ҳазрат Абу Салама — тоғаси Абу Толибнинг;

Ҳазрат Абу Ҳузайфа — Умайя ибн Ҳалафнинг;

Ҳазрат Мусаб — Назир ибн Ҳориснинг;

Ҳазрат Зубайр — Заъма ибн Асваднинг;

Ҳазрат Абдурахмон — Асвад ибн Абди Яғуснинг;

Ҳазрат Усмон ибн Маъзун — Валид ибн Муғийранинг;

Ҳазрат Амир ибн Робия — Ос ибн Воилнинг;

Ҳазрат Абу Сабра — Ахнас ибн Шарикнинг;

Ҳазрат Ҳотиб ибн Амр — Ҳувайтиб ибн Абдулуззонинг ҳимоясига ўтишди.

Маълумки, бу одамларнинг деярли ҳаммаси мусулмонларни қўлга туширган тақдирда хумордан чиққунча азоб беришни истаган, мўминларнинг кўзларига дунёни тор қилган кишилар эди.

\* \* \*

Абу Толибнинг жиянлари Ҳазрат Абу Саламани ўз ҳимоясига олгани мушрикларга ҳеч ҳам ёқмаганди. Маҳзум қабиласидан баъзилар Абу Толибга учраб:

— Эй Абу Толиб! — дедилар. — Жиянинг Муҳаммадни ҳимоянгга олдинг, «ғиринг» демадик. Аммо бу сафар ҳеч бўлмаса, Абу Саламани бизга беришинг керак.

— Жуда кўп нарса талаб қияпсизлар, — дея жавоб қилди Абу Толиб, — Муҳаммад — укамнинг ўғли, Абу Салама — синглимнинг фарзанди. Ука-сингилларимдан бирининг ўғлини ҳимоя қила олмасам, қандай қилиб бошқасини ҳимоямга оламан? Бунинг устига, уларни ҳимоямга олиш-олмаслигимни нега сизлар билан маслаҳатлашим керак?!

Келганлар ўз талабларида қатъий туриб олган, нима қилиб бўлса-да Абу Саламани олиб кетишни мўлжал қилишганди. Охири Абу Лаҳаб ҳам чидаб туролмади:

— Энди ҳадингиздан ошиб кетдинглар. Кексайган акамни бу қадар қаттиқ сиқувга олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бошимни кўпам оғритманглар. Ё бу ердан тезроқ даф бўлинглар, ёки мен ҳам Абу Толиб билан бирлашиб, Муҳаммаднинг ҳар бир ишида ёрдамчи бўламан. Токи мақсадига етмагунча ёнидан айрилмайман.

Абу Лаҳабнинг кўзларидан олов пурқаб қилган бу таҳдиди келганларнинг овозини ўчирди.

— Кетамиз-кетамиз! Мана ҳозир, айтганингни қиламиз, эй Абу Утба! — дедилар.

Абу Толиб укаси унинг ёнини олганидан жуда мамнун бўлганди. Шу сабаб ҳурсандлигини ифодаловчи бир қасида ўқиди. Унга биргаликда жиянларига ёрдам беришни таклиф қилди. Аммо Абу Лаҳаб бу таклифни қабул қилишини ҳам, қилмаслигини ҳам айтмади.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ҳазрат Абу Убайда ибн Жарроҳ каби бир-иккита мўминлар ҳеч кимнинг ҳимоясига ўтмай, кечаси яширин равишда шаҳарга кирдилар.

Бирор одамнинг ҳимоясига ўтишга имкон топа олмаган Ҳазрат Салама ибн Ҳишом, Ҳазрат Айёш ибн Абу Робия, Ҳазрат Ҳишом ибн Ос, Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Суҳайл ва яна бир қанча кишилар тутиб олиниб, қамалди.

Ҳазрат Усмон ибн Аффон ва аёллари Ҳазрат Руқайяни ҳимоясига олган Абу Уҳайҳанинг ўғли Ҳолидга азоб бергани, «Бу касалликдан оёққа турсам, Муҳаммаднинг илоҳига ҳеч ким ибодат қилмайди!» — деб айтган гапи айна ҳақиқатдир. Бу ҳам жоҳилият даврининг тушуниб бўлмас ишларидан бири эди.

\* \* \*

Ўша кунлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аср сураси тушурилди:

وَالْعَصْرُ {1} إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خَسْرٍ {2} إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ  
وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ {3}

Мазмуни: «Аср билан қасамёд этурманки, (ҳар бир) инсон зиёнда (бахтсизликда)дир! Фақат иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина бундан мустаснодирлар» (**Аср сураси, 1—3-оятлар**).

Севиқли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сабр билан боғлиқ ушбу оятларни саҳобаларига қуйидагича тушунтирдилар:

— Аллоҳ таоло жаннат билан жаҳаннамни яратгач, Жаброил алайҳиссаломни жаннатга юборди.

— Жаннатни бир кўздан кечир, — деди.

Жаброил алайҳиссалом жаннатга бориб уни кўздан кечиргач қайтиб келди:

— Сенинг иззат ва шарафингга қасамки, жаннат ҳақида эшитган ҳар ким у ерга киришни истаб қолади.

Кейин Аллоҳ таоло амр қилди, жаннатнинг атрофи нафс орзу қилмайдиган амаллар билан ўралди. Такрор Жаброил алайҳиссаломга:

— Яна бориб кўргин-чи, — деб буюрди.

Жаброил алайҳиссалом бу сафар ҳам бориб кўриб қайтди:

— Шон-шарафингга қасамки, жаннатга ҳеч ким кира олмаса керак, дея кўрқа бошладим, — деди.

— Жаҳаннамни ҳам кўриб кел!

Жаброили Амин жаҳаннамни ҳам бориб кўриб қайтди:

— Иззатингга қасамки, жаҳаннам ҳақида эшитган бирор одам у ерга киришни хаёлига ҳам келтирмаса керак.

Кейин Аллоҳ таоло амр қилди, жаҳаннамнинг атрофи нафс орзу қилган нарсалар билан ўралди. Такрор Жаброили Аминга:

– Яна бориб кўр-чи, – деб буюрди.

Жаброил алайҳиссалом жаҳаннамни қайта бориб кўрди, сўнг ортига қайтди:

– Шарафинга қасамки, ҳеч кимса у ердан қутула олмас керак, дея кўрқяпман, – деди.

Бу гаплар жаннатга эришиш учун талаб қилинадиган сабр-тоқат ҳақида саҳобаларга тушунча берганди.

Шу вақтда Ҳазрат Суҳайб ибн Синон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларини бир умрга соф ҳолда сақланадиган қилиб қалбларига нақшладилар.

«Мўминнинг қалби ниҳоят даражада гўзалдир. Унинг ҳар ҳолати ўзи учун хайрлидир. Бу фақатгина мўминлар учун бериладиган неъматдир. Чунки мўмин қувончли натижага эришса, шукр қилади, бу унинг учун хайр. Бошига бирор бало келса, сабр қилади, бу ҳам унинг учун хайрлидир».

Ўша кеча мўминларнинг кўпчилиги ётоқларига ухлаш учун кираркан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу сўзларини худди ўзларидан эшитаётгандек бўлдилар:

«Бир мусулмоннинг бошига касаллик, чарчоқ ва тақдир сабабли келгувчи азоб-уқубатлар тушса, ёки оёғига оддийгина тикан ботса ҳам, уни ҳузурсиз қилган бу нарсаларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло мўминнинг хатоси учун каффорат қилади.»

Бу натижаларга қачон эришилади? Сабр-тоқат даври қачон ўз ниҳоясига етади? Ҳузур-ҳаловат даври қачон бошланади? Бу йўлнинг ўнқир-чўнқирлари тугаб текис-равон йўллар ҳеч қачон бошланмайдими?

Мўминлар бироз олдин тушурилган Иншироҳ сура-сини ёдга олдилар:

الْمُ نَشْرَحُ لَكَ صَدْرَكَ {1} وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ {2} الَّذِي أَنْقَضَ ظَهْرَكَ {3}  
وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ {4} فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا {5} إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا {6} فَإِذَا فَرَغْتَ  
فَانصَبْ {7} وَإِلَىٰ رَبِّكَ فَارْغَبْ {8}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илму-ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?! Сиздан юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик), қайсики, белингизни эзиб турган эди. Зикрингизни (исмингизни) ҳам баланд кўтариб қўйдик. Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Бас, (эй Муҳаммад!) Қачонки, (намоздан) фориғ бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг ва Раббингиз сари рағбат (билан дуо) қилинг!» **(Шарҳ сура-си, 1–8-оятлар).**

Эҳтимол, бу енгилликларнинг бири дунё ҳаётида енгиллик, иккинчиси охиратда мўминлар истаган енгилликдир.

Нима бўлганда ҳам танланган йўл тўғри, Аллоҳнинг розилигига сабаб бўлгувчи йўл эди. Ақл шу йўлга юришни буюрар, қалб ҳам ундан бошқасига оғиб кетишни сира хоҳламасди.

Бугун куч-қудрат мушриклар томонда, бироқ уларнинг ақл ва мантиққа асосланмаган бу ишларини кўрган мўминларнинг, барибир, виждони қийналади. «Аллоҳим, уларга ҳидоят йўлларини кўрсат, улар ҳам бу жоҳиллик ботқоғидан чиқишсин!» — деган мазмундаги дуою илтижолари Улуғ Даргоҳга ҳеч қандай тўсиқсиз кўтарилади.

Аср сураси тушгандан сўнг бир ерга жам бўлган мўминлар суҳбатлашишгач, уни тилларида такрорлай-такрорлай тарқалишди.

Бу кунгача чекилган машаққатларининг ҳад-ҳисобини Буюк Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмасди. Эртага бу азоб-укубатларнинг устига яна бошқалари келиб қўшилади. Аммо бир куни бу бўронлар тўхтади, дилга хуш ёқувчи насимлар эсади. Бўғувчи ифлос ҳаволар ўрнини мусаффо ҳаволар эгаллайди. Абу Жаҳлнинг салтанати қулаб, Аллоҳнинг шарафли қуллари хурсанд бўладиган кунлар келади.

Ҳабашистондан қайтишгач ўзларига бирор ҳимоячи топганлар эмин-эркин ҳаракат қилишар, ҳимоячи топа олмаганлар эса тинимсиз мазах қилинар, калтагу ҳақоратларга гирифтор бўларди. Анча вақт шундай ўтди.

Валид ибн Муғийра ўзини йўқлаб келган Ҳазрат Усмон ибн Маъзунни табассум билан қарши олди. Ўтиришга жой кўрсатди. Ҳазрат Усмон ўтиргач муддаога ўтдилар:

— Эй Абу Абдушшамс сендан менга берган ҳимоянгни қайтариб олишингни сўраб келдим, — дедилар.

Валид ибн Муғийра ҳайратланганча:

— Нима учун? Бирортаси сенга озор бердимиз? Ёки ҳимоямдан мамнун эмасмисан?

— Ҳеч кимса менга зарар бергани йўқ, лекин менга бу ҳимоя ёқмай турибди.

— Сени ҳеч ким хафа қилмаган бўлса, унда нима учун рози бўлмайдисан? Менга яхшироқ тушунтир!

— Мамнун эмаслигимнинг сабаби шуки, — дедилар Ҳазрат Усмон ибн Маъзун, — биродарларимнинг кўплари ҳақорат эшитиб, калтак еб юрибди. Мен бунга шунчаки қараб тура олмайман. Ё улар ҳам мен каби эмин-эркинликда яшасинлар, ёки мен уларга ўхшаб яшайин. Шу сабабли ҳам мени ҳимоянгдан чиқар, Аллоҳнинг ҳимояси менга кифоя қилади.

Валид ибн Муғийра Ҳазрат Усмон ибн Маъзуннинг бу хулосаларини бошқачароқ тушунди:

— Агар ростдан ҳам шуни хоҳласанг, унда Масжид ул-Ҳарамга бор. У ерда ўз хоҳишинг билан менинг ҳимоямдан воз кечганингни эълон қил. Чунки мен «Валид ҳимоясини қайтариб олибди!» — деган маломатга қолишни асло истамайман, — деди.

Шундан сўнг биргаликда Каъбага қараб йўл олдилар. Ҳазрат Усмон ибн Маъзун ўзларига нисбатан Валид ибн Муғийранинг аҳдида тургани, бундан сўнг ҳам

ҳимоясида юришига тайёрлигини, бироқ бу ҳимояни ўзлари рад қилганини эълон қилдилар. Валид ҳам унинг ҳимоясини истамаган одамни мажбуран кўриқлай олмаслигини қисқача тушунтирди. Ўша ердаги одамлар бу гапга шоҳид бўлдилар.

Ҳазрат Усмон ибн Маъзун у ердан кетдилар. Ўша замоннинг машҳур шоири Лабид Каъба ёнида шеърлар ўқир, атрофидагилар диққат билан уни тинглашарди. Лабиднинг шеърларини эшитган Ҳазрат Усмон ибн Маъзун тўхтаб, тинглай бошладилар. Лабид шундай дерди:

— Кулоқ солинг, Аллоҳдан бошқа ҳар қандай нарса фонийдир ва йўқликка юз тутгувчидир!

Бу байтни эшитган Ҳазрат Усмон:

— Тўғри айтдинг! — дедилар.

Ҳамма уларга қаради. Лабид сўзи тасдиқ қилинган бўлса-да, орага гап қўшилгани учун бундан унча хурсанд бўлмади. Шеърини ўқишда давом этди:

— Ҳар қандай неъмат охир-оқибат заволга юз тутади.

— Ёлғон сўзладинг, жаннат неъматлари абадийдир.

Лабид бошқа чидай олмади:

— Эй Қурайш! Қасамки, мени жуда ранжитдинглар. Сизлардан хафа бўлдим. Нималар бўляпти, ким бу одам? Қаердан келиб қолди?

— Эй Лабид! Унга эътибор берма. Ақл-ҳуши жойида бўлмаган бир ёш бола. Қавмидан ҳам, динидан ҳам воз кечган.

Бу гапни айтаётиб, Абдуллоҳ ибн Абу Умайянинг мушти Ҳазрат Усмоннинг юзларига келиб тушди. Кўзлари кўкариб кетди.

Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос бу ҳолатни шундай қолдиришни истамай, улар ҳам Абдуллоҳнинг тумшугига мушт тушурдилар. Абдуллоҳнинг бурнидан қон оқа бошлади. Жанжал каттариб кетмасидан одамлар уларни ажратиб қўйишди.

Ҳазрат Усмон ибн Маъзун Валид ибн Муғийранинг ҳимоясидан кечганларига ҳали бир соат бўлмаганди. Валид уларни бу ҳолда кўриб:

— Эй Усмон, агар ҳимоямни рад қилмаганингда бу ишлар бўлмас эди. Бу ҳолатга ҳам тушмасдинг! — деди.

Ҳазрат Усмон қуйидагича жавоб бердилар:

— Мен бундан пушаймон эмасман. Аллоҳ йўлида бошқа кўзим кўкарса ҳам, бундан асло хафа бўлмайман. Мен Раббимнинг охиратда берадиган неъматларини кутаман. Бу мукофотни қўлдан чиқаришни истамайман.

— Хоҳласанг, сени яна ҳимоямга олишим мумкин.

— Йўқ, Мен фақат Аллоҳ таолонинг ҳимоясини истайман.

Валид ибн Муғийра Ҳазрат Усмон ибн Маъзуннинг жасоратига қойил қолди.

## ҲАҚ БЎЛИШ ЕТАРЛИМИ?

Ҳазрат Абу Бакр ора-сира Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга барчанинг олдига чиқиб динга даъват этишларини илтимос қилар, Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам эса:

– Эй Абу Бакр, биз жуда камчиликмиз, – деб жавоб қилар эдилар.

Ҳазрат Абу Бакрнинг ёлворишлари ортгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортиқ чидай олмадилар. Ҳазрат Абу Бакрнинг илтимосларини қабул қилиб, Каъбага йўл олдилар.

Мусулмонларнинг ҳар бири ўз қавму қариндошларининг орасидан жой олдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир четга ўтирдилар. Бу орада Ҳазрат Абу Бакр оёққа турдилар ва у ердагиларни баланд овозда Исломга даъват этдилар.

Эндигина гап бошлаган эдилар. Дарҳол ҳар тарафдан эътироз билдирганлар чиқди, баланд овоздаги бақир-чақирлар уларнинг овозини ютиб юборди:

– Бу юлдузпарастни гапиришига йўл қўймайлик!

– Жазосини беринглар!..

Кўп ўтмай Ҳазрат Абу Бакрнинг гаплари тўхтатилди. Утба пойабзали билан уларнинг юзларига урар, қоринларига тепарди. Жанжал кўп давом этмади. Ерда ҳушсиз ётган Ҳазрат Абу Бакр таниб бўлмас ҳолга тушгандилар. Бу орада Масжид ул-Ҳарамда ўз қавм-қариндошлари ичида ўтирган мусулмонларга ҳам ҳужум қилинди, улар ҳам калтакланди. Тайм қабиласидан бир неча киши Ҳазрат Абу Бакрни бир чойшабга солиб, уйига олиб кетдилар. Яшашларига ҳеч қандай умид қолмаганди.

Сал ўтмай Масжид ул-Ҳарамда эълон берилди:

– Агар бу калтаклар туфайли Абу Бакр вафот қилса, Утба Тайм қабиласидан асло қутула олмайди. Ҳамма шунини яхшилаб эшитиб олсин!

Кейин яна Ҳазрат Абу Бакрнинг ёнларига қайтишди. Ҳали ҳам ўзларига келмагандилар. Ора-орада уларни «Ҳушга келдимикан?» — деган ўйда туртиб кўришар, бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмасди. Соатлар ўтди, қуёш ботар маҳал инграган овоз эшитилди:

— Расулуллоҳнинг аҳволлари қандай?

Ёнларидагиларнинг жаҳллари чиқди:

— Ўзинг ўлай деяпсану, Муҳаммадни ўйлайсан!

Ҳазрат Абу Бакр бу гапларни эшитмадилар, яна ҳушидан кетдилар.

Ҳазрат Абу Бакрнинг қабиладошлари Уммул Хойрга қарадилар:

— Сен унга нимадир едир, озроқ сув тут, — деб уйдан чиқишди.

Орадан бироз вақт ўтди. Уммул Хойр қошиқ билан ўгли Ҳазрат Абу Бакрнинг огизларига овқат қуймоқчи бўлар, лекин эплай олмасди.

— Расулуллоҳнинг аҳволлари қалай?

Уммул Хойр қошиқдаги овқатни ўглига яқин олиб бораркан:

— Қасамки, дўстнинг ҳақида ҳеч қандай хабарим йўқ, — деди.

— Хаттобнинг қизи Умму Жамилнинг ёнига бориб бирор маълумот олиб келинг, илтимос.

Уммул Хойр йўлга чиқди ва Ҳазрат Саид ибн Зайднинг уйларига борди. Эшигини қоққан эди, ичкаридагилардан бири чиқди.

— Қизим, — деди Уммул Хойр. — Абу Бакр сенга салом деб юборди ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг аҳволини сўради.

— Мен Абу Бакрни ҳам, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳам танимайман.

— Аммо қизим, мени сенинг олдинга Абу Бакр юборди, Хаттобнинг қизига учранг деганди!..

– Деса дегандир, бироқ мен унақа одамларни танимайман. Бирор нима билмоқчи бўлса, айтган одамнингизнинг ўзи келсин ва хабар олсин.

– Ўғлим оғир бетоб ётибди, кела оладиган аҳволда эмас, ахир!

Фотима (Уммул Жамил) бу муаммонинг ечимини топди:

– Хоҳласангиз, ўғлингизнинг ёнига ўзим бораман.

– Жуда яхши бўларди!

Бирга йўлга тушдилар. Хонага кирганларида Ҳазрат Абу Бакр ҳали ҳам беҳуш ва мажолсиз ётардилар. Уммул Жамил бор овозда дод сола бошлади:

– Кофирлар!.. Фосиқлар!.. Сизни шу ҳолга солиб кетишимизни ҳали?.. Аллоҳ уларнинг жазосини берсин!..

Ҳазрат Абу Бакрни танимайман деган ёш аёлнинг ўзини бундай тутиши Уммул Хойрга галати туюлди.

– Расулulloҳнинг аҳволлари қандай?

Уммул Жамил шивирлаб деди:

– Онангиз шу ерда, гапларимизни эшитмоқда!

– Онаминг зарарлари тегмайди, гапиравер.

– Яхши, Расулulloҳ соғ-саломатлар.

– Ҳозир қаердалар?

– Арқамнинг уйидалар.

– Бориб кўришим керак.

– Бу аҳволда бориб бўлмайди.

Бу гапни икки аёл бирваракайинга айтгандилар.

– Қасам ичаман, Расулulloҳни кўрмагунимча бир томчи сув ҳам ичмайман, бир луқма таом ҳам емайман!

Орадан бир неча соат ўтди. Кўчалардан одам ариди, Маккага сув қуйгандек жимжитлик чўкканди. Шу пайт Ҳазрат Абу Бакр икки аёлнинг ёрдамида оёқларини судраганча кўчага чиқдилар. Тўғри Ҳазрат Арқамнинг уйларига боришди.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ярим тунда келган Ҳазрат Абу Бакрни кўриб сиқилдилар.

Уларнинг пешонасидан ўпдилар. Муборак қалбларини оғир маҳзунлик қамраб олганди.

— Ота-онам сизга фидо бўлсин! Булар мен учун дард эмас. Аммо у фосиқ юзимга урди.

Бироз тин олгач, яна давом этдилар:

— Булар менинг онам, фарзандларига нисбатан жуда меҳрибон ва шафқатли. Ё Расулуллоҳ уларни ҳам дуо қилинг, Ислом ва иймон билан шарафлансинлар.

Дуо қилинди, Уммул Хойр у уйдан мусулмон бўлиб чиқдилар. Ҳазрат Абу Бакр бир онда азоб-уқубатларни унутгандек бўлдилар.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тез-тез қўлларини дуога очиб:

— Аллоҳим, бу динни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Ҳишом билан қувватлантир! — дея ёлворардилар.

Мўминлар бу дуога «Омийн» деб туришарди. Фарришталар ҳам бу дуога «Омийн» дея қўл очганлари, шубҳасиз.

Аллоҳ ҳар нега қодир Зот. Унинг қудрати қаршисида бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг қўлларида темирни мумга айлантирган Аллоҳ таоло агар хоҳласа, темирдан баттар бўлиб қотиб кетган бу қалбларни ҳам ипакдек майин қилишга қодирдир.

## БУЮК МҶЖИЗА

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Қуръонни ўзлари ўйлаб топганлари, Аллоҳнинг каломи дея одамларни лақиллатиб юрганлари ҳақида мушриклар томонидан фисқу фасодли миш-миш тарқатилди.

Бу бир бўҳтон эди. Уларнинг ҳеч қачон ёлғон сўзламасликларини ҳамма биларди. Кичик ёшларидан буён жуда яхши таниган Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг тўғриликларини, покизаликларини, ҳеч кимда мавжуд бўлмаган ҳаё соҳиби эканликларини кўп бора шахсан гувоҳи бўлишганди.

Агар Қуръон уйдирма бўлса, буни ўша пайтнинг ўзидаёқ ҳал қилиш мумкин эди. Шу сабаб билан боғлиқ қуйидаги ояти каримада Аллоҳ таоло шундай дейди:

قُلْ لَنْ أَجْتَمِعَ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ  
ولو كان بعضهم لبعض ظهيراً {88}

Мазмуни: «Айтинг: «Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириш учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар» (Исро сураси, 88-оят).

Набиййи Акрам соллalloҳу алайҳи васалламга нозил қилинган муқаддас Қуръонни «Тўқима ёки оддий одам сўзлари-ку!» — деб айтганлар учун ҳақ ва адолат юзасидан имкон берилди. Агар худди Қуръондек китоб келтира олишса, даъват ҳам шу ерда тўхтарди.

«Аллоҳнинг каломи» дея таъриф берилган бу китоб араб тилида бўлиб, қурайшликлар эса араб тилини мукамал даражада билишар, адабиётидан ҳам яхшигина хабардор эдилар. Шеър айтиш бу қавм учун кундалик бир юмушдек гап эди. Шеър айтиб тўхтаб турган одамни югуртирар, югуриб кетаётганни таққа тўхтатар, шеър орқали жанжал қўзғар, ёки унинг олдини ола билишарди. Назм ва наср йўлида ҳар қандай бадний етук асарни

танқид қилиб, ер билан битта қилиш бу қавм учун ҳеч гап эмасди. Ораларида донғи Шомдан Яманга қадар етиб борган шоирлар бор эди. Уларга бир неча огиз ширин сўз ёки ҳадыя сифатида бир-икки бош қизил туя берилса бўлди, масала ҳал бўларди.

Абу Жаҳлга хушхабар етказилди. «Агар Қуръонга ўхшаган бирор сўз келтира олишса, бу иш ҳам битиб, даъво ҳам тўхтайдиган», — дейилди. Бироқ бу хушхабар Абу Жаҳлнинг юзида кулгу-табассум пайдо қилмади, балки бошини ҳам қилиб қўйди. Абу Суфённинг овози ўчди. Ахнас ибн Шарик ер билан битта бўлди. «Мен сизга Муҳаммаднинг сўйлаганларидан юз карра гўзал афсоналар айтиб бера оламан!» деган Назр ибн Ҳарис тилини ютиб юборганди гўё.

«Инсонлар ва жинлар бир ерга тўпланса, бирлари бошқаларига ёрдамчи бўлса ҳам бундай каломни келтира олмаслар» — дейишибдимми?

— Қани кўрайлик-чи, ҳозир ўхшашини тўқиб ташлаймиз-да!.. — дея қўлларини белига қўйганча гўзал назмий ёки насрий бирор нимани тўқиб ташласа, ким нима дея оларди? Аммо бу ишга ҳеч кимнинг жасорати етмади. Тоғни турган жойидан қўзғатиш, уммонларни кечириб ўтиш балки мумкин, бироқ ўзлари эшитган Қуръонга ўхшаш каломни ўртага қўйиш мумкин эмасди.

Бу каби мусобақага берилган таклиф жавобсиз қолди. «Мана мен борман, шундай каломни айта оладиган!» — деган одам топилмади.

Бу орада Фил сураси нозил қилинди:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ {1} أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضَلِيلٍ {2}  
وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ {3} تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ {4} فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ  
مَّأْكُولٍ {5}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Раббингиз «фил эгалари»ни не қилганини кўрмадингизми? (У) уларнинг

макрларини йўққа чиқармадимми?! Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди. (Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди. (Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди» **(Фил сураси, 1–5-оятлар).**

Бу оятларни эшитганларнинг хаёлида қирқ олти-қирқ етти йил олдин содир бўлган кўрқинчли ҳодиса жонлангандек бўлди. Олтмиш минг кишилик қўшиннинг бир неча дақиқа ичида устиларидан ёмғир каби ёғдирилган кичик сопол тошлар воситасида маҳв этилиши, қўшин бошида кетаётган филнинг Каъба томонга юрмаслиги ва шунга ўхшаш ҳодисалар...

Ҳеч ким «Бу воқеа ҳеч ҳам бундай бўлмаганди. Фил ҳодисаси деб аталаётганлари оддий эртақдан бошқа нарса эмас!» — дея олмади.

Кубос ибн Ашям ўша вақтларга оид хотираларини шундай баён қилиб берди:

— Онам мени елкасига опичлаб олди, қўшин яксон қилинган жойга бордик. Филнинг сасиб, ириб кетган жасади ҳали ҳамон кўз олдимда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида аччиқ мағлубиятга учраган маккалик мушриклар бунинг аламини қандай олишни ўйлардилар.

— Ибн Абу Кабша сизларни бир умр ҳаракат қилсангиз ҳам эплай олмайдиган иш билан мот қилди. Сиз ҳам ундан қиёматга қадар уринса ҳам уддасидан чиқолмайдиган бир ишни қилишини сўранг. Шунда у ҳам мағлубиятини тан олади, — дейилди.

Дарҳол ҳар тарафдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қўйиладиган шарт ҳақида ўз таклифни айтганлар бўлди:

— Шошилиш яхши эмас. Шундай шарт талаб қилайликки, ундан қийини бўлмасин. Кейин «Буни талаб қилсак бўларкан!» — деб юрмайлик, — дейилди.

Бу ҳақ гап эди. Бошлар эгилди. Зеҳнлар шайтон эшитганда бармоқ тишлайдиган шарт ўйлаб топишга киришиб кетди.

— Дарахтни ўрnidан қўзғатсин!

— Сувни ортига оқизсин! — деган таклифлар эътиборсиз қолдирилди.

«Янада қийинроқ, бундан ҳам қийин бўлсин!» — дейишарди. Охири Абу Жаҳл бошини кўтарди:

— Ойни иккига бўлиб берсин, бири бу томондан бошқаси осмоннинг нариги тарафидан чиқсин. Кейин иккиси бирлашиб, аввалги ҳолига қайтсин! — деди.

Абу Жаҳлнинг бу таклифи юзларга табассум югуртирди. Ҳеч ким бундан қийинроқ шартни топа олмасди. Осмондаги қўл етмас Ойга буйруқ бериб бўладими, ахир?!

Валид ибн Муғийра Абу Жаҳлни қутлади:

— Офарин, эй Амр! Ҳеч ким бундан-да оғир, бундан-да гайритабиий шартни айта олмасди, — деди.

— Ҳозирдан Ибн Абу Кабшанинг мағлубиятини кўрган-дек бўляпман, — деб луқма ташлади Умайя.

— Агар бу сафар ҳам у бизларни мот қилса... — деди Утба, бироқ унинг сўзини Валид бўлди:

— Йўқ, эй Утба, бу сафар зафар уники бўлмайди. Бунга ишонавер.

Абу Жаҳл ўзи ўйлаб топган шартдан хурсанд, қалби гурур билан тўлганди. У Валидга қараб ичидан кечаётганларни қисқа жумлада билдириб ўтди:

— Раҳмат сизга, амаки!

Абу Лаҳаб Абу Жаҳлни табриклар:

— Энди бундай маъносиз ва кераксиз даъво ўз ниҳоясига етади. Сен эса Ҳошимийлар учун қора доғ бўлиб турган бу пайғамбарлик ҳикоясини тугатадиган бўлдинг. Мен бошлиқ бутун Ҳошимийлар бу ишинг учун сендан миннатдор бўламиз, эй Амр! — деди.

Бу мажлис Маккадан 5–6 чақирим узоқликдаги Мино деган жойда ўтказилди. Рисолат тахтининг энг сўнгги ва

энг буюк султони Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша куни Минода эдилар.

Энди шартни уларга етказиш қолганди. Хабар юборилди, кўришмоқчи эканликларини билдиришди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу таклифга биноан уларнинг ёнларига бордилар.

— Бизга пайғамбарлигингни исбот қиладиган аниқ бир далил-ҳужжат керак! — дедилар.

— Нима истайсизлар?

— Ойни иккига бўлиб беришингни хоҳлаймиз, — деди Абу Жаҳл. Унинг бир бўлаги Абу Кубайс тепалигига, бир бўлаги Куайқион тепалиги устига келсин. Биз Ойни шу ҳолда кўришни истаймиз. Икки парча шундай кўрингач, қайта бирлашсин. Агар чиндан ҳам пайғамбар бўлсанг, бу ишни қила оласан. Агар қила олмасанг, бу эртагингни дарҳол бас қилиб, даъвойингдан кечасан.

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Яхши, Аллоҳ таоло истакларингизни амалга оширса, кейин нима бўлади? Менинг ҳақ пайғамбар эканимга ишонасизларми?

— Албатта!

— У ҳолда истакларингизни Раббимдан сўраб дуо қиламан.

Абу Жаҳл қўшимча қилди:

— Бироқ, бу шартимиз бугуноқ амалга ошишини хоҳлаймиз, бошқа бир тунда эмас.

Йиғилиш якунига етди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узоқлашганларидан сўнг, Уқба ибн Абу Муайт ўз хавотирини айтди:

— Эй Амр, сен агар шарт бажарилса, иймон келтиришимизга сўз бериб юбординг!

Бу гап жуда хавотирли эди.

— Янада тўғрироғи, — деди Умайя, — Агар Ойни иккига бўлиб берса, ҳақиқатан унинг пайғамбар эканлигини тан оламизми?!

— Ҳеч қачон! — дея эътироз билдирди Абу Жаҳл, — ҳеч қачон. У бизнинг шартимизни ҳеч қачон бажара олмайди. Бу шарт олдида эзилиб, расво бўлади ва бу масала шу ерда, — оёғини ерга тепиб такрорлади, — худди мана шу ерда ёпилади. Мино бизнинг зафаримиз кўшиғини абдий хиргойи қилади. Биз эса унинг пайғамбар эканига асло ишонмаймиз, асло!..

Ҳаммада сабрсизлик ва ҳаяжон бор эди. Мўминлар мушрикларнинг бу шартини эшитиб, Аллоҳга дуо қилдилар. Унга илтижо қилдилар:

— Аллоҳим, севимли Пайғамбаримизга ёрдамчи бўл!..

Бу дуо олинган ҳар бир нафасда, ташланган ҳар бир қадамда такрорланди. Тиллар сўзсиз, лаблар ҳаракатсиз, қалблар ҳар турли риёдан узоқ ҳолда, ҳаяжонла айтилган бу дуолар фақат Оламлар Парвардигорига арз қилинарди. Қалбларда тажаллиси бўлган Улуғ Раббимизга!..

Мушриклар байрам қилаётгандек бошларини тик ва мағрур тутиб юришарди. Бир неча соатдан кейин келиши кутилган зафариятга ҳозир эришгандек ҳис қилишарди ўзларини.

Энг охирги ва сўнгги зарба, қақшатғич ҳужум бу кеча бўлиб ўтар, кейин Ибн Абу Кабша ва унга эргашганларнинг ҳисоб дафтарлари бир умрга ёпиларди.

— Амр ибн Ҳишом зўр иш қилди-да, ўзиям!..

— Шундай бурчакка сиқиб кўйдик, энди ҳеч қачон қутила олмайди!..

Мушриклар ўзаро шу каби суҳбатлар қилишарди.

\* \* \*

Ҳеч шошилишни истамаган куёш ҳар кунгидек ўз вақтида уфққа бош кўйди. Атрофга аста-секин қоронғулик чўқаркан, шарқ тарафдан нимтатир ёруғлик кўринди. Сал кейин ўн бир кундан эндигина ўтган ойнинг секин-секин осмонга кўтарилаётгани билинди.

Буюк ҳаяжон кучи яна ҳам ошган, нафаслар ўпкага тиқилиб, жонлар ҳалқумга келганди.

— Ана Ой чиқди!

— Чиқди, деганинг нимаси? Аллақачон одам бўйи кўтарилиб бўлди-ку!

— Қара, энди. Ҳозир пайгамбаринг қўлига бир қилич олиб, Ойни иккига бўлиб ташлайди...

— Кейин иккисини битта-биттадан уриб, бирини бир томонга, иккинчисини бошқа томонга учириб юборади. Сўнгра бир ҳуштак чалиб, «Қани келинлар, арслонларим!» — деб уларни қайта бирлаштиради.

Бу гапларга истехзоли кулгу жўр бўлди. Абу Жаҳл, Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Валид, Назр каби куфрнинг бошида турганлар бир ерда ўтира олмас, у ёқдан бу ёққа юриб, одамларнинг суҳбатига қулоқ тутишарди.

Осмонда бирорта ҳам булут кўринмасди. Куёшнинг ботиши билан у ер бу ерда милтилаган юлдузлар сон-саноксиз даражада кўрингандилар. Гўё улар ҳам иймон ва куфур орасида вужудга келган можарони осмондан томоша қилишга бел боғлашганди. Ой бўлиб ўтаётган ишлардан беҳабар, сокин ҳолда. Бироздан кейин ўзи билан боғлиқ ҳолда амалга ошадиган ҳодисага бепарво, дунёни қоронғуликдан қутқаришга чиққанидан шоддек кўринарди. Минг йиллардан буён Аллоҳнинг тақдирига бўйин экканча, яхши-ёмон — барча одамларга нур сочган, баъзан нозик бир ҳилол, баъзан тангадек юм-юмалоқ шаклда кўриниб, куёшнинг нуридан бебаҳра, тун қоронғусида иложсиз қолиб кетган инсонларга йўл кўрсатарди.

Илк инсон яратилган кундан буён давом этиб келаётган иймон ва куфур курашини худди юлдузлар каби у ҳам осмондан кузатиб турарди. Исёнчи, зулм ва ҳақсизликларни қилгувчи, одамийлик чегарасидан чиқиб кетган, Буюк Аллоҳга қарши чиқишдек густохликкача бориб етган қавмларнинг неча-нечасини кўрмаган бу Ой! Бундай гумроҳлар сувга чўктирилди, тўфонлар-

га йўлиқтирилди, шиддатли зилзилалар билан ерга юттирилди, даҳшатли қичқириқдан ҳалок бўлганлари ҳам бўлди.

Уларнинг ҳар бири ўз пайғамбарларидан мўжиза истаган, шундан кейин ҳам ишонмай, бошларига бало сотиб олгандилар. Бироқ аввалги умматлардан ҳеч бири Ойни иккига бўлиб бериш ҳақидаги талабни хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оламлар Парвардигорининг чексиз раҳмат ва марҳаматига, ниҳоясиз карам ва эҳсонига суяниб иш кўраётгандилар. Катта бир таваккул билан натижани кутардилар. Уларни Пайғамбар этиб юборган Аллоҳ таоло, албатта, ёлғиз қолдирмайди, мушрикларнинг қаршисида юзларини ерга қаратиб қўймайди.

Атрофда баъзи бир ишлар амалга оширилганди. Мушриклар зафар қозонишларига ҳеч қандай шубҳа қилмаётгандилар. Бироздан кейин, «Мен таслим бўлдим! Пайғамбарлик ҳақидаги эртагим ҳам шу ерда тугади!» — дейдиган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва бошқа мўминларга қарши ҳаракат қилишга тайёр, уларга дарс бериб қўйишга шай туришарди.

Бу вақтда Ой ҳам анча кўтарилиб қолганди. Одамларнинг кўллари кўзлари устига қўйилди. Такрор-такрор қарай бошладилар. Ой ҳақиқатан ҳам иккига бўлингандек эди. Орасида бир пичоқ бемалол кира оладиган даражада ёриқ пайдо бўлганди. Абу Жаҳл шошиб қолди:

— Назр, Назр! — дея дудуқланди.

Назр жон ҳолатда:

— Нима дейсан, жин ургур! — деди.

— Мен кўрган нарсани сен ҳам кўряпсанми?

— Кўр эмасман, кўриб турибман.

Кўзларини ишқалаганча қайта-қайта қараганлар, енгилганларини ҳис қилар, нима дейишларини билмай қолганди. Тилларга қулф урилган, қалблар қотиб қолганди.

Бироз олдин булбулдек сайраётганлар қиладиган энг яхши иш жим туриш эканини тушунгандек оғизларига талқон солгандилар. Ҳар тарафга бориб келаётганлар, ҳеч қачон бўлмайдиган бир иш дея ҳисоблаган бу ҳодисани кўриб, шошиб қолган, кутаётган зафарлари ҳавога синггандек йўқ бўлиб кетганди.

Бу орада Ойнинг ҳар икки парчаси бир-биридан борган сари ажрала бошлади. Одамлар Ойнинг икки парчаси бир-биридан борган сари узоқлашганини кўрдилар. Икки парча ҳам бир хил тезликда олисларди. Осмонда бир-биридан алоҳида икки бўлак инкор қилиб бўлмайдиган ҳолда туришарди. Мушриклар карахт бўлиб қолгандилар. Нима қилишларини билмай, шошиб қолишганди.

Ниҳоят бўлақлардан бири Абу Қубайс тепалигининг, бошқаси унинг қаршисидаги Қуайқион тепалигининг устига бориб тургач, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ёнидагиларга:

– Шоҳид бўлинглар! – дедилар.

Кейин ёнларида ҳозир бўлиб турган икки кишининг исмини айтиб ҳитоб қилдилар:

– Эй Абу Салама, эй Арқам ибн Абул Арқам, шоҳид бўлинглар!

Шундан сўнг Ойнинг иккала бўлаги бир-бирига қараб ҳаракатлана бошлади. Ниҳоят бир қадам, бир қаричлик масофа қолди. Бир пичоқ аранг сиғадиган даражада яқин келишди. Кейин улар ҳам қўшилиб, Ой аввалги ҳолига қайтди.

Бу мўжиза Ҳақнинг ғалабаси билан ниҳоя топган жанг майдони бўлди. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам уларга берган сўзларига амал қилиб, иймон келтиришларини эслатдилар, бироқ бунинг фойдаси бўлмади.

Мукаммал ғалабани кутган, бироқ кескин мағлубиятга учраган мушриклар ёмон аҳволга тушиб қолишганди. Бу оғир вазиятдан биринчи тилга кирган яна Абу Жаҳл бўлди:

– Нима қилганини кўрдингларми? Ғоят кучли сеҳр ишлатди. Таърифлаб бўлмайдиган сеҳр эди бу!..

У овози борича бақирарди. Шаллақиликдан бошқа тутадиган йўли ҳам қолмаганди. Ўз ишини жуда маромига етказиб, ишонарли қилиб бажарар эди.

– Ой иккига бўлингани йўқ, у кўзларингизни сеҳрлаб қўйди. Бўлмаган ишни бўлган каби кўрсатди.

Аслида заиф ҳолда бўлган мўминлардан бирортаси ўртага чиқиб, унинг ёқасидан тутганча, «Сен боя иймон келтиришингни айтгандинг. Тез иймон келтир, йўқса!..» – дея олмади. Шундай деб айта оладиган мўминлар бўлса-да, ўзларига келиб улгурмагандилар.

Абу Жаҳл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўпараларига келди:

– Сен кучли сеҳргарсан. Тенгсиз сеҳр кўрсатиб, бизларнинг кўзларимизни шамғалат қилдинг. Бўлмаганни бўлгандек қилдинг. Лот ва Уззо номига минг бора қасам ичиб айтаманки, дунёда сендан ўтадиган сеҳргар йўқ. Бироқ, бир неча кун ўтгач, ёлғончи эканлигинг ва бизни бошлаб лақиллатганинг ошкор бўлади. Бизни сеҳрлаган бўлсанг ҳам бошқа одамларни сеҳрлай олмагансан. Маккадан узоқда бўлган йўловчиларни топиб, суриштирамиз. Ўшанда ёлғончи эканингни ҳамма билиб олади.

Ниҳоят биринчи карвон Маккага келди. Салом-аликдан кейин дарҳол Ойнинг икки бўлакка ажралиши борасида суҳбатлашилди. Абу Жаҳл:

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бизнинг кўзларимизни бўяди. Сизлардан ўша кеча шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлганингиз ёки бўлмаганингиз ҳақида билмоқчимиз, – деди.

Дейишга дедию, бироқ айтган гапига ўзи пушаймон бўлди. Улар ҳам бу воқеани ўз кўзлари билан кўрганликларини айтиб, бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб бердилар. Уларнинг бу гаплари Абу Жаҳлни калтаклангандан ҳам ёмонроқ аҳволга солиб қўйди. У руҳан эзилиб,

қаттиқ чарчаганди. Ҳеч қачон бу даражада ҳолдан тоймаганди. «Қани энди улар ойнинг иккига бўлинганини кўрмаган бўлишса! У ҳам бориб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳақда айтиб, ҳақорат қилса, даъвосидан воз кечтирса!» Бироқ бу унинг хомхаёллари эди, ҳолос.

— Бу сеҳргарликдир, катта сеҳргарлик! — дейишдан бошқа гап топа олмади.

\* \* \*

اَفْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَّ الْقَمَرُ {1} وَإِنْ يَرَوْا آيَةً يُعْرَضُوا وَيَقُولُوا سِحْرٌ مُّسْتَمِرٌّ {2} وَكَذَّبُوا وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ وَكُلُّ أُمَّرٍ مُّسْتَقَرٌّ {3} وَلَقَدْ جَاءَهُمْ مِنَ الْأَنْبَاءِ مَا فِيهِ مُرْدَجَرٌ {4} حِكْمَةٌ بَالِغَةٌ فَمَا تُغْنِ النُّذُرُ {5}

Мазмуни: «Қиёмат яқинлашди. (Мана, илоҳий мўъжиза сифатида) Ой ҳам бўлинди. Агар улар (Қурайш кофирлари) бирор мўъжиза кўрсалар юз ўгирурлар ва «(Бу) давом этаётган сеҳр-ку!» дерлар. Улар (пайғамбарни) инкор этдилар ва хомхаёлларига эргашдилар. Ҳар бир иш қарорини топувчидир. Уларга (тарихий) хабарлар келган ва уларда (ёвузликдан) тақиқ бор эди. (Қуръон) етук ҳикмат (манбаи) бўлса-да, огоҳлантиришлар фойда бермади» (Қамар сураси, 1–5-оятлар).

## САМИМИЯТСИЗ ИСТАКЛАР

Орадан кунлар ўтди. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушриклардан таклиф олдилар. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришмоқчи эдилар. Уларни яна маълум ва машҳур, куфр ва ширкнинг энг бошида турганлар кутиб олишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ойнинг иккига бўлиниш воқеасидан кейин шубҳаланган мушриклар шаҳар ташқарисидаги одамлардан суриштириб, ҳақиқатни билишганидан хабардор эдилар. Таклиф ҳам шу сабаб айтилган деб тахмин қилгандилар. Бироқ, у ерга борганларида бутунлай бошқа манзарага дуч келдилар.

— Эй Муҳаммад, сени биздан узр сўрашинг учун бу ерга таклиф қилдик. Албатта, сени туғилганингдан бери яхши биламиз. Соф ва гўзал ҳолда яшадинг. Шу боис Ал-Амин дея атадик. Бироқ сен ҳеч кутилмаганда бир динни ўртага чиқардинг. Бизнинг динимиз ва бутларимизни қусурли деб билдинг. Эс-хушли одамларимизни ақлсизликда айбладинг. Одамларни бир-биридан айириб, отани боладан жудо қилдинг. Ўртамизда юзага келган бу қадар улкан адоватни бошқа бир одам эмас, айнан сен пайдо қилдинг!..

Шундан кейин бир замонлар Утба қилган таклифни эслатишди.

Буниси жуда ошиб тушди. Юзсизлик ва орсизлик ҳам шунчалар бўладими? Худди ғолиб бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эмас — улардек. Мағлуб бўлганларини тан олмай, дағдаға билан сўзлардилар.

— Сизлар айтаётган нарсаларнинг ҳеч бири менда йўқ. Мол-мулкларингизга эга чиқиш, шон-шараф соҳиби бўлиш, салатанат қуриш каби дунёвий истаklarим ҳам йўқ. Аллоҳ таоло мени сизларга пайғамбар қилиб юборди, китоб нозил қилди. Сизларга неъмат ва мағфират хушхабарини, азоб хабарини етказишимни буюрди.

Мен сизларга Раббимнинг Рисолатини етказдим, сизларга ҳар доим самимий ва яхши муносабатда бўлдим. Агар сизлар мен келтирган динни қабул қилсангиз, дунё ва охиратда қўлга киритиш мумкин бўлган энг улуғ неъматга эришасизлар. Қабул қилмасангиз сизлар билан менинг ўртамда Аллоҳ ҳукм чиқаргунча сабр қиламан.

Улар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сўзларини тингладилар. Кейин бири шундай деди:

— Эй Муҳаммад, сенинг айтганларингни биз қабул қила олмаймиз. Ўзингга маълумки, юртимиз жуда тор. Турмушимиз оғир. Парвардигорингдан сўрагин-ки, бизга Ироқдаги каби дарёлар берсин. Фаровон турмуш сурайлик. Ўлган ота-боболаримизни тирилтирсин, айниқса, Қусай ибн Килобни, жуда яхши чол эди у. Ундан сенинг дининг ҳақида сўрайлик, нима дер экан?! Агар бизнинг истакларимизни бажарсанг ва Қусай ҳам динингни тўғри дин дея тасдиқласа, биз ҳам бу динга кирамиз. Ботил деб айтса, унда сенинг ёлгончи эканингни билиб оламиз.

Булар гирт бемаъни ва кераксиз валдирашлар эди. Чиндан ҳам ҳақ динни истаган одамларнинг гаплари эмасди.

Агар бу истаклари амалга ошиб, ҳамма нарса улар айтгандек бўлганда, иймон келтиришармиди?

Пайғамбарлар инсонларга мўжиза кўрсатиш мақсади билан юборилмагандилар. Бироқ, инсонлар улардан пайғамбар эканини исботлаш мақсадида бирор нима талаб қилишса, буни исбот қилишлари керак эди. Бундай мўжиза мукамал шаклда, ҳамманинг кўз ўнгида, ҳеч ким эътироз қила олмайдиган ҳолда кўрсатилди. У ҳолда такрор-такрор мўжиза талаб қилиш самимий истак бўлиши мумкинми?

— Менинг асосий вазифам бу эмас, — дедилар Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам, — Менга юклатилган иш фақат ва фақат Ислом динига тарғиб қилиш, агар қабул қилсангиз дунё ва охиратда яхшилиқ-

ларга эришасиз. Қабул қилмасангиз, Аллоҳ бирор ҳукм чиқаргунча сабр қиламан ва унинг шарафли амрини ба-жариш учун бор ғайратимни ишга соламан.

— Майли, бу истақларимизни қабул қилмасанг, ўзинг биласан. Раббингдан сўра, бизнинг олдимизга келиб сенинг пайғамбар эканингни исботлайдиган бир фаришта юборсин. Биздан сени ҳимоя қилсин. Кейин у фаришта бизга олтину кумушлардан саройлар қуриб берсин, боғлар барпо қилсин. Биз ҳам сенга ёрдам берайлик.

— Мен бу ишларни қиладиган инсон эмасман. Раббим мендан бу нарсаларни сўрамайди. Чунки У мени бундай ишлар учун юбормаган. Мен сизларга Аллоҳнинг неъматлари ҳақида хабар берадиган ва азобларидан огоҳ этадиган пайғамбардирман, холос.

— Яхши, Раббим нимани истаса, шуни қилади, деяпсан. Шунга кўра қани, устимизга осмонни парча-парча қилиб тушур-чи. Агар бундай қила олмасанг, биз сенинг пайғамбар эканингга асло ишонмаймиз.

— Бу Аллоҳга хос бўлган ишдир, хоҳласа қилади.

Улар гапни кўпайтиришар, найрангдан бошқа ҳеч бир иш қилишмасди.

— Аллоҳ ва фаришталарни қаршимизга олиб кел!..

— Осмонга учиб чиқ!

— Юлдузлардан қаср қур! — деганга ўхшаш тутуриқсиз тақлифлар устма-уст ёғиларди.

Иш жиддийлик чегарасидан чиқиб кетганди. Шу боис ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларидан кетдилар. Аммалари Отиканинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ортларидан эргашди. Бир ерга етгач, у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни тўхтатди:

— Эй Муҳаммад, қавминг сенга ўз истақларини айтди, қабул қилмадинг. Кейин Аллоҳ олдидаги даражангни билиш учун ўзларига баъзи нарсаларни сўрагандилар, буни ҳам қила олмадинг. Ваъда қилаётган азобингни ҳозироқ келишини истаганларида ҳам келтирмадинг. Қасам ича-

манки, сенга ҳеч қачон ишонмаймиз. Агар осмон тоқига бир нарвон қўйиб, унга менинг кўз ўнгимда чиқсанг ва ноз-неъматлар тўла дастурхон олиб келсанг, ёнингда тўрт дона фаришта сенинг пайғамбар эканингга гувоҳлик бериш учун осмондан тушишса... Яна такрор қасам ичманки, буларнинг барчасини қилганингда ҳам сенга ишонмаймиз ва тасдиқ этмаймиз!..

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳеч нима демадилар. Дейишдан бирор натижа чиқмасди ҳам. «Шунча ишларни амалга оширсанг-да сенга ишонмаймиз!» — деган одамга нима дейиш мумкин?!

Бу манфур одам Севиқли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламнинг аммаваччаси эди. Ҳазрат Умму Салама онамизнинг ота бир акаси эди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уйларига ғамгин ҳолда қайтдилар. Қавмини жоҳилиятдан саодатга чақирган, бироқ, бунинг эвазига фақат душманларга хос шаклда муомала кўрган, ҳақоратга учраган, мазах қилинган бир инсон, албатта, ғамгин бўлади-да!..

Аммо ваҳий олиб келувчи фаришта Жаброил алайҳиссалом Нубувват Султони соллalloҳу алайҳи васалламни уйларида кутиб турарди. У ҳозиргина ўтган бу ишга Аршда қандай муносабатда бўлинганини билдириш, тасалли бергувчи оятларни уларнинг пок қалбларига ёзиш учун келганди:

وَقَالُوا لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَفْجُرَ لَنَا مِنَ الْأَرْضِ يَنْبُوعًا {90} أَوْ تَكُونَ لَكَ جَنَّةٌ مِّنْ نَّخِيلٍ وَعِنَبٍ فَتُفَجَّرَ الْأَنْهَارَ خِلَالَهَا تَفْجِيرًا {91} أَوْ تُسْقِطَ السَّمَاءَ كَمَا رَعِمْتَ عَلَيْنَا كِسْفًا أَوْ تَأْتِيَنَا بِاللَّهِ وَالْمَلَائِكَةَ قِبَالًا {92} أَوْ يَكُونَ لَكَ بَيْتٌ مِّنْ زُخْرَفٍ أَوْ تَرْفِقَ فِي السَّمَاءِ وَلَنْ نُؤْمِنَ لِرُفَيْكَ حَتَّىٰ تُنَزَّلَ عَلَيْنَا كِتَابًا نَقْرُوهُ قُلْ سُبْحَانَ رَبِّيَ هَلْ كُنْتُ إِلَّا بَشَرًا رَسُولًا {93} وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَبَعَثَ اللَّهُ بَشَرًا رَسُولًا {94} قُلْ لَوْ كَانَ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ مَلَكًا رَسُولًا {95} قُلْ كَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا {96}

Мазмуни: «Айтдилар: «Токи бизлар учун (мана шу) ерни ёриб, бир булоқ чиқариб бермасанг, биз сенга сира иймон келтирмаймиз. Ё сенинг хурмозор, узумзор богинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб анҳорлар пайдо қилмасанг, ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парча-парча қилиб туширмагунигча ёки Аллоҳ ва фаришталарини олдимизга келтирмагунигча, ёки сенинг олтиндан бир уйинг бўлмагунича (сенга иймон келтирмаймиз). Яна бизларга ўқийдиган (бирор) китоб туширмас экансан ёки (осмонга) кўтарилмас экансан (сенга сира ишонмаймиз)».

Айтинг (Эй Муҳаммад!): «Эй Пок Парвардигоро, мен фақат пайғамбар бўлмиш бир одам эдим-ку!» Одамларга ҳидоят келган пайтда, фақат: «Аллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайғамбар қилиб юборибдими?!» — дейишларигина уларни иймон келтиришларидан тўсди. Айтинг: «Агар Ерда (одамлар эмас) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, Биз уларга осмондан фариштани пайғамбар қилиб туширган бўлур эдик». Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртангизда Аллоҳнинг Ўзи етарли гувоҳдир. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир» **(Исро сураси, 90—96-оятлар)**.

Ҳар сафар ўзгача гўзаллик билан, фарқли бадииятга йўғрилган ҳолда тушган Қуръон оятлари мушрикларни ҳар гал янгича ҳаяжонга солар, ҳар гал ўхшаши йўқ ҳақиқатларини уларнинг зеҳнларига парчин михдек қоқарди. Улар ҳар гал енгилишини била туриб майдонга чиққан ва яна ҳар сафар аччиқ мағлубият аламини тотган курашчиларга ўхшашарди. Бу аччиқ аламини юз бора татиб кўрсалар ҳам, тўймайдигандек эдилар. «Кошки, Қуръон бир туришда туриб қўя қолса, бизга бунчалик қийин бўлмасди!» — деганлар ҳам бор эди уларнинг ораларида.

\* \* \*

Абу Лаҳабнинг ўғилларидан Утайба бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни Қуръон ўқиб ўтирганларини кўрди. Тупуриб ўтган каби ҳунар қилиб ўтди.

«Аллоҳим, жониворларингдан бирини унинг бошига бало қилиб юбор!» — деган мазмундаги дуо Пайғамбаримиз томонидан айтилди. Утайба ўзини жигаридан маҳкам қисилгандек ҳис қилди.

\* \* \*

Бир куни Ҳазрат Тулайб уйларига севинчга тўлганча кириб келдилар.

— Нима бўлди, ўғлим?

— Онажон, тоғаваччам даъват этган динга кирдим!

— Жуда гўзал иш қилибсан, болажоним! Унга ёрдам қилиш сенинг бурчинг ҳисобланади.

Бу сўзларни айтган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аммалари Арво бинти Абдулмутталиб эди.

Ҳазрат Тулайб эса бизга биров илгари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдига ахлат тўкмоқчи бўлган Уқба ибн Абу Муайт билан бўлиб ўтган ҳодиса орқали таниш.

— Яхши, онажон, — дедилар Ҳазрат Тулайб, — сиз ўзингиз нима учун жиянингизни қўллаб-қувватламайсиз? Унинг устига укангиз Ҳамза ҳам мусулмон бўлибди.

Бу борада Ҳазрат Тулайб оналарига кўп гапириб ўтирмадилар. Оналари Арво шаҳодат калимасини айтиб мусулмон бўлдилар. Жиянининг ҳақ пайғамбар эканликларини эътироф этдилар.

Уларнинг сингиллари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир аммалари Сафийя ҳам Исломни қабул қилдилар.

## ДУО ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ (Ҳазрат Умар)

— Абу Толибга қўйган талабларимиз жавобсиз қолиб кетди, дўстлар!..

Бу сўзни Валид ибн Муғийра айтмоқда эди.

— Жавобсиз қолгани йўқ, — деди Абу Жаҳл. — У бизни яхшигина авради. «Ўзим ҳал қиламан, уни сиз менга қўйиб беринглар» — каби алдамчи сўзлар билан лақиллатди. Охир-оқибат жиянини ҳимоясига олди.

Яна Валид ибн Муғийра сўз олди:

— Бу ишга жиддий қарашимиз лозим, — дея давом этди. Вақтида керакли тadbирни қила олмаганимиз сабаб мана бугун пушаймон еб ўтирибмиз. Бунинг устига, у кундан-кунга кучайиб бормоқда. Қўлида кучли қуроли бор.

У бир нафас тўхтаб кейин гапирди:

— Бизга «Қуръонга ўхшашини келтиринг!» — деди. Орамизда сўзни нозик тушунадиганлар бор. Ғоят латиф сўзлай оладиган нотикларимиз, шоирларимиз бор. Аммо биз шунча қудратимиз билан унинг олдида ёш боладек чорасиз қолдик. Йўқ бўлиб кетдик, мағлубиятни ўз қўлларимиз билан қабул қилиб олдик. Ростдан ҳам у жуда кучли сеҳргардир.

Гувоҳи бўлганимиздек, у осмондаги ойга ҳам ҳукмини ўтказиб, уни иккига бўлиб юборди. Қисқаси, бу ишни узоққа чўзиб ўтирмаслик керак деб ҳисоблайман.

Абу Жаҳл эса масалани узил-кесил ҳал қилишни истарди.

— Бу ишни ким қанчалик тез амалга оширса юз туя мендан.

У кўзлари билан мажлисдагиларни бирма-бир кузатиб чиқди:

— Яъни: ким ўлдирса, демоқчиман.

Ҳеч ким юзта туяга эга чиқишни хоҳламаётган эди. Чунки бу ишнинг охири яхшилик билан тугамас, Ҳошимийлар «Нима ҳам қилардик, бор-йўғи бир киши ўлдирилибди, шунга шунчами?!» –деб кета олмасдилар.

– Қани, орангизда юзта туяга эга бўлишни истаганлар йўқми?

– Нега ўзинг юзта туяга эришишни хоҳламайсан? Кўлингдан келса ўзинг шу ишни қил!

Абу Жаҳл аниқ мўлжалга урилгандек қилиб берилган бу савол олдида тилини тишлади. Фақатгина пешона-сидан оқаётган совуқ терларни кўли билан сидиргани кўринди.

Анча вақт ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Бу ишни Хаттобнинг ўғли Умардан бошқа ҳеч ким қила олмайди.

Нигоҳлар бу сўзни айтган одамга қадалди. Уларнинг рўпарасида юзларидан ёшлик куч-қуввати ёғилиб турган, кўзлари қўрқув билмас йигит турарди. Жасорат, матонат ва мардликнинг намунаси бўлган бир йигит!.. Агар тўфондек тез, бўрондек учқур руҳ соҳиби, мардликнинг тимсоли бўлган бирор кишига ёдгорлик қўйиш лозим бўлса, шубҳасиз, мана шу одамнинг ҳайкали ясалар ва остига «Умар ибн Хаттоб» деб ёзиб қўйилган бўларди.

– Албатта, бу ишни Умар ибн Хаттоб қила олади...

Бу сўз юракларнинг энг чуқур еридан чиққан, ҳақ ва ҳақиқатнинг ифодаси бўлган сўз эди. Чунки уни йиллар давомида кўп бор синаб кўришганди. Умар деганда у ердагиларнинг хаёлига тутган жойини узадиган, мард ва жасур йигит келарди. Бу сўзларда ҳеч қандай риёкорлик йўқ эди. Шу билан бирга, унинг газабини кўзга шунча учун яна бирор нималар дейиш мумкин эди.

Умар ўрнидан турди, шахдам қадамлар билан уйига қараб йўлга тушди.

\* \* \*

Ҳазрат Ҳаббоб ибн Арот Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида шахсан уларнинг му-борак тилларидан эшитган ва ўрганган Қуръонни у ерда бўлмаган бошқа мўминларга ўргатардилар.

Уша кунларда тушган Тоҳа сурасининг бир қисм оятларини тери парчасига ёзиб олганларича, самимий дўстлари Ҳазрат Саид ибн Зайднинг уйига келдилар. Уларга янги сурани ўқиб бердилар.

\* \* \*

Нуайм ибн Абдуллоҳ қўли қиличининг қинида, катта-катта қадамлар ташлаганча кетаётган Умарни кўриб юраги товонига тушиб кетди.

– Қаерга, Умар? – деб сўради.

Қатъиятли нигоҳлар олов сочганча Нуаймга қаради:

– Муҳаммадни ўлдиргани кетяпман!

Нуайм баданидан муздек тер чиққанини ҳис қилди. Тиззалари титраган қалбига шериклик қилди.

– Яъни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни назарда тутяпсанми?

– Албатта!

– Бироқ, нима учун?

– Чунки у ота-боболарининг динидан юз ўгирди, бутларимизга тил теккизди. Ақлли одамларимизни аҳмоққа чиқарди. Қурайшнинг бирдамлигига раҳна солди.

– Сен бундай қила олмайсан, Умар!

– Нима учун?

– Чунки бу ишни қилсанг, Абдуманнофнинг ўғиллари сени сира тинч қўймайди.

Умарнинг кўзларида уфурган оташ Нуаймга пуркалди, қўли қиличига узанди:

– Тўхта, яна сен ҳам унинг динига кирганлардан бўлмагин.

Нуайм яна кўрқиб кетди. Бирданига оғзидан чиқиб кетган бу сўзлар қаердан хаёлига келиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди:

— Сен олдин ўз оилангга эътибор қил, аҳволидан хабар ол!

Умар ҳайрон бўлганча деди:

— Менинг оиламга нима қилибди?

— Синглинг Фотима ва куёвинг Саид...

— Э, ҳа!.. Демак...

— Ҳа, худди шундай! Улар ҳам мусулмон бўлишган.

Умарнинг боши эгилди:

— Олдин уларнинг таъзирини бераман, — деди ва югурганча кетди.

Умар куёвининг уйига яқинлашганда ичкаридан қандайдир овозлар эшитди ва қулоқ берди.

Нотаниш овоз эди бу.

Эшикни қаттиқ тақиллатди, уй ичида саросима бошланди. Ҳазрат Фотима эшикни очганларида шундоққина рўпараларида акаси Умарни кўрдилар.

— Марҳамат, акажон!..

Умар уй ичкарисига кириб ҳамма жойни кўздан кечира бошлади.

— Ҳозир мен ташқаридалигимда уйингдан эшитилган овоз қандай овоз эди?

— Ўзаро гаплашаётгандик, яна нима бўлиши мумкин?!

— Эринг иккингишни Муҳаммаднинг динига кирганинги эшитдим. Шу сабабдан жазойингишни бераман.

Ҳазрат Саид Умарнинг сўзини бўлдилар:

— Эй Умар, ҳақ динга эргашадиган вақт келмадими? Бут-санамларга сифиниш ботил иш эканини тушуниб етмадингми?

Фалати ҳолат эди бу! Ҳазрат Саид Умардек одамга бу гапларни қандай айта олдилар? Умар уларга бир мушт тушурди ва ерга қулатди. Устиларига чиқиб олди.

Ҳазрат Фотима эрини қутқариш учун Умарни елкасидан тортмоқчи эдилар, уларга ҳам бир шапалоқ тушди.

Бу шапалоқдан Ҳазрат Фотиманинг бурунлари қонади. Шошиб қолган Ҳазрат Фотима бироз шундай турдилар, кейин Умарнинг қаршисига чиқдилар. Уларда ҳам Хаттобнинг қони оқарди. Бир эмас, бир нечта аёлга етиб ортадиган жасоратлари бор эди.

– Албатта, сиз тўғри эшитибсиз. Биз мусулмон бўлдик. Ҳақ йўлга, саодат йўлига кирдик. Бутларга қул бўлиб юришдан ўзимизни қутқардик. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг қули ва Расулидир!

Ҳазрат Фотиманинг бурунларидан оққан қон, шапалоқ кучидан таниб бўлмас ҳолатга келган юзлари ва арслондек наъра тортиб айтган гаплари Умарни қаттиқ шошириб қўйди. Аёл кишини, яна ўз синглисини ҳам шундай урадимми?!

Умар Ҳазрат Саиднинг устиларидан тушди ва бир четга бориб ўтирди.

– Қани, бироз олдин ўқиганларингизни кўрай-чи!

Унинг овози пасайган ва юмшоқ чиқарди.

– Бўлмайди, – дедилар Ҳазрат Фотима, – мумкин эмас!

– Нима учун, кўрайлик!

– Чунки уни йиртиб ташлайсиз!

– Қайтариб бераман!

– Ишонмайман!

– Умарнинг гапи гап, эй Фотима! Маккада ҳали ҳеч ким Умарнинг сўзидан қайтганини кўрган эмас. Отам Хаттобнинг боши билан қасам ичаман, сўзимдан қайтмайман. Энди ўқиётганларингизни олиб кел, мен ҳам кўрайин.

– Бироқ, у Аллоҳнинг муборак сўзлари ёзилган саҳифадир. Сиз эса мушриксиз. Ҳеч бўлмаса ювиниб олинг.

Умар синглисининг гапига кўнди. Бориб бошдан-оёқ ювиниб келди. Ҳазрат Фотима беркитиб қўйган саҳифасини олиб келиб, акасининг қўлига бердилар.

طه {1} ما أنزلنا عليك القرآن لتشقى {2} إلا تذكرة لمن يخشى {3} تنزيلاً  
 مِمَّنْ خَلَقَ الْأَرْضَ وَالسَّمَاوَاتِ الْعُلَى {4} الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى {5} لَهُ مَا  
 فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَمَا تَحْتَ الثَّرَى {6}

Мазмуни: «То, ҳо. (Эй Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас, балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида нозил қилдик. (У) Ерни ва юксак осмонларни яратган Зот (Аллоҳ томони)дан нозил қилингандир. (У) Арш узра «муставий» бўлмиш Раҳмондир. Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса Уникидир» **(Тоҳа сураси, 1–6-оятлар)**.

Умар шу ергача ўқиди, бошини қўтармай шивирлади:  
 – Жуда гаройиб!.. Демак, бизнинг шунча бут-санамлар бир пулга қиммат экан-да!..

У бир муддат ўйлаб қолди, сўнг яна ўқий бошлади:

وإن تجهر بالقول فإنه يعلم السر وأخفى {7} الله لا إله إلا هو له الأسماء  
 الحسنى {8}

Мазмуни: «Агар (Сиз) ошкора гапирсангиз ҳам (ёки хуфёна гапирсангиз ҳам), албатта, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг «Асмой Ҳусно»си (гузал исмлари) бордир» **(Тоҳа сураси, 7–8-оятлар)**.

Умар яна тўхтади, ўйлай бошлади. «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ бўлса, Лот ва Уззо нима? Ҳубал-чи?! Улар илоҳ эмасми?!..»

Бу фикр унинг ақлида чақмоқдек чақнаб ўтди. Лекин моҳир нотик ва мукамал адиб бўлган Умар қўлидаги саҳифага ёпишиб қолганди.

وهَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ مُوسَى {9} إِذْ رَأَى نَارًا فَقَالَ لِأَهْلِهِ امْكُثُوا إِنِّي آنَسْتُ نَارًا  
لَعَلِّي آتِيكُمْ مِنْهَا بِقَبَسٍ أَوْ أَجْدٍ عَلَى النَّارِ هُدًى {10} فَلَمَّا أَتَاهَا نُودِيَ يَا مُوسَى  
{11} إِنِّي أَنَا رَبُّكَ فَاخْلَعْ نَعْلَيْكَ إِنَّكَ بِالْوَادِ الْمُقَدَّسِ طَوًى {12} وَأَنَا اخْتَرْتُكَ فَاسْتَمِعْ  
لِمَا يُوحَى {13} إِنِّي أَنَا اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدْنِي وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي {14} إِنَّ  
السَّاعَةَ آتِيَةٌ أَكَادُ أَخْفِيهَا لِتَجْزَى كُلُّ نَفْسٍ بِمَا تَسْعَى {15} فَلَا يَصُدُّكَ عَنْهَا مَنْ لَا  
يُؤْمِنُ بِهَا وَاتَّبِعْ هَوَاهُ فَتَرْدَى {16}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Сизга Мусо ҳақидаги хабар келдими? Эсланг, у (узоқдан) бир оловни кўриб оиласига: «(Шу ерда) турингиз! Мен бир оловни кўриб қолдим, шоядки, сизларга бирор чўғ олиб келсам ёки шу ўт (атрофи)да бирор йўл (кўрсатувчи) топсам»,— деди. Бас, олов (яқини)га келгач: «Эй Мусо!» — деб нидо қилинди. «(Эй Мусо!) Мен сенинг Раббингдирман. Бас, оёқ кийимингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водий-сидадирсан. Мен сени (пайғамбарликка) танладим. Бас, (сенга) юбориладиган ваҳийга қулоқ тут! Дарҳақиқат, Мен — Аллоҳдирман! Мендан ўзга илоҳ йўқ! Бас, Менгагина ибодат қил ва Мени эслаганингда намозни адо эт! Қиёмат албатта келувчидир. (Лекин) ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун уни (қачон қойим бўлишини) яширишни истайман. Бас, унга (қиёматга) ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар сени ундан тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан» (Тоҳа сураси 9—16-оятлар).

Ҳазрат Фотима ва Ҳазрат Саидлар Умарни кўрқув ичида кузатиб турардилар. Ора-сира унинг бошини қимирлатганини кўрардилар. Бу орада яширинган жойларида нафас олишга-да кўрқиб турган Ҳазрат Ҳаббоб ибн Арот «Аллоҳим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини қабул қилгин!» — дея ёлворарди. Бу ҳолат бир қарашда улар учун ҳаёт-мамот масаласи эди. Агар иш чаппасига кетса, Ҳазрат Ҳаббобни ҳам, Ҳазрат Саидни ҳам ўлим кутиб турарди.

Охири Умар бошини кўтарди:

– Жуда тотли ва гўзал сўзлар экан!..

Шу биргина жумла юракларга муздак сув сепгандек бўлди. Ҳамма эркин нафас олди. Ичга ютилган оҳлар ташқарига отилиб чиқди.

Ҳазрат Ҳаббоб яширинган еридан чиқдилар:

– Эй Умар! Назаримда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари қабул қилинди. Чунки уларнинг «Аллоҳим, бу динни Умар билан ёки Амр билан қувватлантир!» – дея қилган дуоларини бир неча бора эшитгандим.

– Аллоҳнинг Расули ҳозир қаердалар?

Ҳазрат Фотима жавоб бердилар:

– Агар бирор ёмонлик қилмасликка сўз берсангиз, уларнинг қаердалигини айтаман.

– Қасам ичаманки, уларга ҳеч бир ёмонлик қилмайман!

– Яхши, Улар Арқамнинг уйидалар.

Умар Ҳазрат Ҳаббобга деди:

– Олдимга туш, мени у ерга бошлаб борасан!

Ҳазрат Ҳаббоб ўрнидан турдилар. Умарнинг кўли яна қиличининг сопига борди. Биргаликда уйдан чиқдилар.

\* \* \*

Ҳазрат Арқамнинг уйидаги эшик оғаси ҳаяжон билан ичкарига кириб келди.

– Умарни белига қиличини осганча келаётганини кўрдим! – деди.

Юзлар жиддий боқди. Юракларни қандайдир ҳис ва ҳаяжон қоплаб олди. Кўзлар бир-бирига ҳайрат билан боқишди.

– Умарнинг мақсади яхшилик бўлса, марҳамат, келаверсин. Акси бўлса, осиб олган қиличи билан ўзини ўлдирамин.

Бу жуда жиддий гап эди. Кўзлар гапираётган одамга қаради. Гапирган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

салламнинг амакилари Ҳазрат Ҳамза эдилар. Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам :

– Қўяверинглар, келаверсин! – дедилар.

Ўринларидан туриб, қута бошладилар.

Умар келди, Пайғамбаримизнинг рўпараларида тўхтади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ёқасидан тутдилар:

– Эй Хаттобнинг ўғли, сен бир умр шу ҳолда яшамоқчимсан?!

Шу сўзларни айтиб, муборак юзларини осмонга қаратдилар:

– Аллоҳим, бу Хаттобнинг ўғли Умардир! Аллоҳим, Исломни Умар ибн Хаттоб билан азиз қилгин! – дея дуо қилдилар.

У ерда ҳозир бўлганлар бир оғиз ҳам гапиришмас, фақатгина самимий қалб билан бу дуога «Омийн» деб қўшилиб турардилар.

Бу орада Умар тиз чўкди. Шундай ҳолда ҳам ўрта бўйли одамдек келадиган Умарнинг оташ сочган кўзлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарашдан уялган каби ерга тикилганди. Жарангдор овози жуда майин тортиб қолгани сезилди.

– Мен мусулмон бўлиш учун келдим. Аллоҳга ва Унинг Расулига ишонаман!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари шодликка тўлди. Буюк Раббимиз уларнинг дуоларини қабул қилган, Умардек одамни оёқлари остига олиб келганди.

Баланд овозда «Аллоҳу Акбар!» – дея ҳайқирдилар.

Фахрул Мурсалин соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу севинчига бошқа мўминлар ҳам шерик бўлдилар. Улар ҳам «Аллоҳу Акбар!» – деб ҳайқирдишарди. Макка кўчалари ҳам такбир овозидан жаранглаб кетди. Бир қарашда бу Умардек обрў-эътиборли кишининг Исломга киришини саҳобалар томонидан нишонланиши эди.

Қаттиқликда тошларни чатнатувчи, олмосни йўнувчи бўлган Умарнинг қалби Фахри Олам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари, Аллоҳнинг раҳмати ёрдамида мумдек юмшаганди. «Хаттобнинг эшаги мусулмон бўлса ҳам, Умар мусулмон бўлмайди!» – деган гаплар барҳам топди.

Уйдан Пайғамбарлар Сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш ниятида чиққан Умар, шу онда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида иймонга кириб тиз чўкиб турарди.

Бу ҳодиса мўминлар учун чин маънода байрам бўлди. Бутун борлиғи билан мўминларга душман бўлган одамнинг орадан кўтарилиб, соф қалбли мусулмон бўлгани байрам бўлмай, нима бўлсин, ахир!

Дин у билан азиз бўлар, куч-қувватга эришарди. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан кечалари билан мусулмон бўлишини сўраб дуо қилинган улуг инсонлардан эди. Инсоният тарихида бу шарафни у билан бўлишадиган иккинчи бир шахс йўқ эди. Ўша кунларда у ўттиз тўрт ёшни қаршилаганди.

\* \* \*

Ҳазрат Умар кетганларидан сўнг ҳали ҳам юракларини ҳовучлаб ўтирган Ҳазрат Фотима жуда қўрқувда эдилар.

«Ажабо! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаерда эканликларини айтиб хато қилдиммикан?» – дея ўйлар, кейин акаларининг сўз берганларини эслаб хотиржам бўлишга уринардилар.

Бирдан кўчада такбир овозлари эшитилди. Баланд овозда бир қанча кишилар «Аллоҳу Акбар!» – дея ҳайқиришар, кўчалар бу ҳайқириқдан ларзага келарди.

Нималар бўлганини билиш учун кўчага чиққанлар ҳеч нимага тушунмай яна уйларига кириб кетишарди.

Оқшом пайти Ҳазрат Фотима акаларининг мусулмон бўлганларини эшитиб, хурсандлигидан девона бўлаёздилар.

Ҳазрат Арқам ибн Абу Арқамнинг уйларида ўша куни байрам шукуҳи ҳукм сурди. Бу жуда катта хушxabар, жуда катта мўъжиза эди. Энди мусулмонлар Ҳазрат Умарнинг воситаларида Аллоҳнинг ёрдамига эришар, роҳат ичида яшардилар. Ҳеч ким мусулмон бўлган кунидан бери бу қадар хурсанд бўлганини эслай олмади. Ҳазрат Умар бу орада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан Ислом динининг ҳукмларини тингладилар. Дона-дона гапириб, Ҳақ ва ҳақиқатни ажратган, инсонларнинг ақл ва қалбларининг чуқур жойларигача етиб борадиган қилиб хитоб этган Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир сўзлари Ҳазрат Умарнинг қалбларидаги куфур ва ширкни бир четга улоқтирди. Бу қалбга Ислом ва иймон нури абадий жойлашди.

— Ё Расулulloҳ, биз ҳар жиҳатдан ҳақ ва тўғри йўлдამиз, шундайми?

— Албатта!

— У ҳолда нима учун яшириниб ўтирибмиз?! Сизни ҳақ дин билан юборган Аллоҳ таолога қасамки, мени ҳали ҳам куфурда деб билган ҳар бир одамга бориб мусулмон бўлганимни айтаман.

Ҳазрат Умар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваъда берганча йўлга чиқдилар.

\* \* \*

Тонгнинг илк соатларида Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади.

— Умар ибн Хаттоб келибди, — деб хабар берилди.

Абу Жаҳл ётган жойидан сакраб туриб кетди. Жуда қизиқ хабар эшитишига шубҳа қилмаётганди.

— Марҳамат, Умар! Хуш келибсан!

— Мени ичкарига таклиф қиласан, деб ўйламайман, Амр!

— Нима учун? Эшигим сен учун доимо очиқ!

— Мен Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуднинг йўқлигига ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу аллайҳи васаллам) Аллоҳнинг қули ва расули эканликларига иймон келтирдим. Бу хушхабарни сенга айтиш учун ёнингга келдим.

Абу Жаҳлнинг ҳолати бирдан ўзгарди:

— Эй Умар, жиддий гапираяпсанми? — дея дудуқланди.

Унинг бўйнига кимдир калтак билан ургандек бўлганди. Ҳазрат Умар жавоб тариқасида фақатгина:

— Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуҳ! — дедилар.

Абу Жаҳл турган жойида шалвираб қолди.

— Бутлар жазойингни берсин! Келтирган хушхабаринг бошингга бало бўлиб ёғилсин! — деди ва эшигини «тарс» этиб ёпди.

Шундай қилиб орадаги қардошлик ва дўстлик алоқалари абадий узилди. Йўллар айро тушди. Абу Жаҳл жаҳл ва адоват юкини елкасга ортиб олганча уйига кирди. Ҳазрат Умар ҳузур ва ҳаловатга тўлганча ўз йўлларида давом этдилар. Қўли доимо қилич тутган, ҳар фурсатда жанжал чиқаришга тайёр кўзлари қараган одамини тешиб юборадиган бу инсон мўминларга зулм қилинаётган ҳамма ерга тап тортмай, юракларида заррача қўрқувсиз кириб бордилар.

Қайси мажлисга борсалар ҳам бор овозлари билан шаҳодат калимасини бақира-бақира айтардилар. Сўнгуларнинг муносабатини кутиб турардилар.

— Кеча уни ўлдириш учун кетмаганмидинг, Умар?

— Ҳа, шундай эди. Бироқ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ келтирган дин ҳақ дин эканини билгач, мусулмон бўлдим.

— У ҳолда энди биздан узоқроқ юр!

— Узоқроқ юрмасам нима бўлади?

Саволни бошқа бир одам берганда-ку, жавоби тайёр эди. Аммо буни кимсан Умар сўраяпти. Шу боис ҳам гапирганлар ҳеч нима дея олмай бошини эгдилар.

Бу хабар Маккага яшин тезлигида тарқалар, Ҳазрат Умар бирор ерга етиб бормасларидан мусулмон бўлганлари етиб борарди.

Ниҳоят, кўп бўлиб тўпланиб турган оломоннинг ёнида шаҳодат калимаси янграгач, аввалдан ҳозирлик кўрганлар бирдан Ҳазрат Умарга ташландилар. Шиддатли ғавго бошланиб кетди. Ҳазрат Умар рўпараларига чиққан одамларни битта-битта ер тишлатар, улар қайтиб ўрнидан тура олмай қолишарди.

Жанжал узоққа чўзилса, Ҳазрат Умарнинг чидай олмасликлари аниқ эди. Секин-аста кучдан қолиб бораётганларида бирдан:

— Нима гап, нималар бўлмоқда бу ерда? — деган овоз эшитилди.

Бу Ос ибн Воилнинг овози эди.

— Умар динидан қайтибди!

— Қайтган бўлса сизларга нима дахли бор? Бир одам ўзи истаб бошқа бир динга ўтган бўлса ўтгандир. Қани, тезда тарқалингни!

Унинг гапи ўз таъсирини кўрсатиб, жанжал тугади. Тўпланганлар аста-секин тарқала бошладилар.

\* \* \*

Орадан бир неча кун ўтди.

— Ё Расулulloҳ! Ташқарига чиқайлик, мушрикларга Исломнинг қудратини кўрсатиб, Каъбанинг ёнида намоз ўқийлик!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу таклифни қабул қилдилар.

Мусулмонлар икки қисм бўлиб сафланишди. Бир сафнинг бошида Ҳазрат Умар, иккинчи сафнинг бошида Ҳазрат Ҳамза бор эдилар. Йўлга тушишди.

Шахдам қадамлар билан, кўрқмай олға боришарди. Мушриклар бу ҳолни биринчи мартда кўришганларида ҳайратда қолишди. Ҳаяжон билан кузатишди. Эшикларидан мўралаб қараганлар шу кунгача эгик ҳолда юрган бошларни тик ҳолда кўраётгандилар. Хавотирли нигоҳлар хузурли, хотиржам қарашларга дўнганди.

Улар Масжид ул-Ҳарамда тўхтадилар. Ҳазрат Умар ўзларини адоват ва нафрат билан кузатиб турган мушрикларга қарадилар ва баланд овозда ҳайқирдилар:

— Бу ерда биз ибодат қиламиз, намоз ўқиймиз. Жонининг қадрини билганлар ўша ерда турсинлар. Болаларининг етим қолишини истаганлар эса келиб бизга ҳалақит беришга уринишлари мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг имомликларида ўша ерда намоз ўқилди. Ҳеч ким яқинроқ келишга, бирор ёмон иш қилишга журъат қила олмади. Намозни адо қилишгач, ортга қайтишди.

Мўминлар астойдил байрам қилишаётгандилар. Бир неча йиллардан буён худди шу бугунги ишни амалга оширишни орзу қилардилар. Яқиндагина Ҳазрат Абу Бакрнинг қистовида кўчага чиқишганида нима бўлганди?! Бироқ бугун мўминларга ҳеч бир азият етмади. «Кимсизлар, бу ерда нимани мўлжал қилаяпсизлар?» — дейдиган одам топилмади.

Утбасию Валид ибн Муғийраси, Абу Суфёни... Барча-барчаси бу ҳолатни кузатишдан бошқасига ярамадилар. Ҳазрат Умарнинг таҳдидларига жавобан «Мана мен борман сизларга ҳалақит берадиган», — дейдиган ҳеч ким топилмади.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ё Раббим, бу динни Умар ибн Хаттоб билан, ёки Амр ибн Ҳишом билан қувватлантир!» — дея қилган дуоларининг илк қисми қабул бўлганди. Бу мўминларнинг шу кунгача қозонган энг йирик ғалабаси эди.

Ҳазрат Абу Зарр мусулмон бўлганликларини Масжид ул-Ҳарамда эълон қилган, кейин Аббос ибн Абу Толибнинг ёрдами билан аранг ўлимдан қутилиб қолгандилар.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд ушбу масжидда мушрикларга Қуръон ўқиб бермоқчи бўлганларида ҳам роса калтаклангандилар.

Ҳазрат Абу Бакр ҳам айти шу масжидда юзу кўзларини таниб бўлмас ҳолга келгунча дўппослангандилар.

Ҳазрат Умар ибн Ҳаттобга қарши ҳеч ким бир нарса дейишга ва қилишга ботина олмади. Улуғ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари амалга ошиб, мусулмонларнинг кўкрагига шамол теккандек бўлди.

Бундан сўнг Ҳазрат Умар Маккада эканлар, ҳар жойда қўлларини белларига қўйганча сайр қилар, бозору кўчаларни айланар, эмин-эркин намозларини ўқиб, Қуръон тиловат қилардилар. Бироқ Абу Жаҳл уларга «Ҳаддингдан ошма!» — дея олмасди.

## ЯККАМА-ЯККА КУРАШ

Руқона ибн Язид бир куни Макка ташқарисида айла-ниб юраркан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолди.

«Бу гўзал тасодифмикан, ёки ёмонликларнинг бошланиши?» — дея ўйлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёлғиз эдилар. Ёнида уларга ёрдам бергувчи ҳеч ким йўқ эди. Руқона яккама-якка курашиши ёки ҳеч нима демай ўз йўлида кетиши мумкин эди.

Аслида бир неча кишини ер тишлата олишига Руқонанинг ишончи комил эди. «Аммо кўкдаги ойга ҳам ҳукмини ўтказган кучли сеҳргарга нима қила олиши мумкин?.. Ёки ҳеч нима бўлмагандай ўтиб кетаверсинми?» Бироқ, Руқонанинг бу ҳақда бафуржа ўйлаб кўришига имкон қолмади. Чунки Фаҳри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам :

— Эй Руқона, Аллоҳдан қўрқмайсанми? Сени даъват этаётган динимга нима учун кирмаяпсан? — дея унинг хаёлларини тўзгитиб юбордилар.

Руқона ўзича ўжарлик билан:

— Сенинг ҳақ пайғамбар эканингга ишонганимда, гапларинг рост бўлганида бу даъватингни қабул қилган бўлардим.

— Яхши, агар сен билан курашиб, елкангни ерга теккизсам, менинг пайғамбарлигимга ишонасанми?

Бунга чидаб бўлмасди. Руқонадек полвонга бу таклифни айтиш яхшилик билан тугамас эди. Бундай таклифни айтган киши «Бошимга нима келса, ўзимдан!» — деган бўлиши лозим эди.

— Эй Абдулмутталибнинг ўғли бу таклифни кимга қилаётганингни яхшилаб ўйлаб кўрдингми? — деди.

— Албатта!

— Яхши, у ҳолда курашганим бўлсин!

Руқона фақат шу йўл билан нимагадир эришмоғи мумкин эди. Оёғи остидан «лоп» этиб чиқиб қолган бундай қулай фурсатни ҳеч қачон бой бермайди. Шундай қилсинки, Қурайш халқи бу курашни бир умр эсларидан чиқармасинлар.

Улар бир-бирларини белларидан тутдилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳамладаёқ Руқонани кўтариб ерга урдилар. Руқона юлдуз санади. У қаршилиқ қилишга фурсат топмаган, яна ҳам тўғрироғи, нима бўлганини билмай қолганди. Фақатгина ерда ётганини ҳис қилди.

У ётган еридан туриб:

– Эй Муҳаммад, яна бир бор курашайлик! – деди.

У бундай таклиф билдиришга ўзини ҳақли деб билди. Чунки қаршисидаги рақибининг осонлик билан галаба қилишини тушида кўрганида ҳам ишонмаган бўларди. Шу боис йиқилганига аҳамият бермади. Буни шунчаки тасодифга йўйди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу таклифни қабул қилгач, Руқона жуда севиниб кетди. Бу сафар аниқ галаба қозониш ва рақибининг курагини ерга ишқалаш учун бор имконини ишга солмоқчи эди. Бироқ, ҳали тузукроқ курашмай туриб яна ер билан битта бўлди. Ҳеч нимани тушунмади. Қандай қилиб йиқилганини англай олмади. Ёмон иш бўлганди.

«Энди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ кўрган одамига «Руқона билан кураш тушдим, бир эмас, икки бора курагини ерга ишқадим!» – деб айтса нима бўлади? Энди Руқона учун кураш тушиш бутунлай ҳаром бўлдими?!»

– Яна бир марта курашиб кўрсак нима дейсан?

Бу таклиф ҳам қабул қилинди. Учинчи марта бир-бирларининг белларидан тутишди. Руқона курашга бўрондек отилиб кирди. Катта бир дарахтни жойидан қўпора оладиган ғайрати бор эди унинг. Лекин бу ғайрату шижоат

ҳам унга фойда бермади. Руқона ерда юлдуз санаётганини тушунганида кеч бўлганди.

Ҳеч ким эътироз билдира олмайдиган ҳақиқат бор эди. Улкан бир паҳлавон кичкинагина болакайни қандай отиб ўйнаса, Руқона ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида шундай ўйнар, Руқона ҳеч нима қилишга улгурмай, ўзини ерда кўрарди. У «Тўртинчи марта ҳам курашиб кўрайлик!» — деб айтишга уялди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан яна енгилишига юз эмас минг карра амин бўлганди.

Ўрнидан турди:

— Мен гувоҳлик бераманки, эй Муҳаммад, сен тенги йўқ сеҳргарсан. Бу курашда ҳам сеҳр ишлатиб голиб бўлдинг! — деди.

— Истайсанми, сенга бундан ҳам ажойиб нарса кўрсатаман.

— Кўрсат!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан анча узоқда турган дарахтга ишорат қилдилар:

— Аллоҳнинг изни билан ёнимга кел!

Руқонанинг кўзлари косасидан чиқиб кетишига сал қолди. Ер ёрилиб дарахт улар томонга яқинлашиб келарди. Дарахт ортида очилиб қолган ерлар яна аввалги ҳолига қайтарди. Дарахт уларнинг олдига келиб тўхтади. Руқона бармоғини тишлаб кўрди, туши эмаслигини билди. Уйғоқ эканлигига шубҳа йўқ эди. Аммо шу онда олдиларида турган дарахтнинг бир дақиқа олдин анча нарида турганига ишончи комил эди. Оламларнинг Сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламга қаради:

— Чин қалбим билан ишонган ҳолда айтаманки, умримда бунақа сеҳр кўрмаганман. Энди бу дарахтни жойига қайтар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрган мўъжизасига ишонмаган, Аллоҳнинг қудратини тушунишни ҳам истамаган бу одамга ачиниб қарадилар. Дарахтга қараб:

— Аллоҳнинг изни билан ўз жойингга бориб тур! — дедилар.

Дарахт бу сафар келган жойига қараб силжиб кетди, аввалги жойига бориб ўрнашди.

Руқона у ердан жуда паришон ва бошини экканча кетди. Бошқа мушрикларнинг олдига борган пайти уларга шундай деди:

— Сиз Муҳаммад ёрдамида бутун дунёни ўзингизга бўйсундиришингиз мумкин. Мен ундан кўра ўткирроқ сеҳргарни кўрмаганман ва эшитмаганман. Бундан кейин ҳам ҳеч ким кўрмайди.

— Эй Руқона, сенга нима бўлди?

Руқона бошидан ўтган воқеани бирма-бир айтиб берди.

\* \* \*

Саҳобалардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

— Ё Расулуллоҳ жоҳилият даврида қилган ёмон ишларимиз учун сўроққа тортиламизми? — деди.

Ўтирганлар орасида ҳам айни шу саволга жавоб кутаётганлар бор эди. Савол сўраган киши эса худди уларнинг ичидагини топгандек эди. Ҳар бирининг аввалги ҳаётларига тегишли ёмон хотиралари бор эди. Шуларни эсласалар, виждонлари қийналарди.

Бу орада Ҳазрат Умар ибн Хаттобнинг ҳам қалблари титраб кетди. Елкаларида ҳисобсиз гуноҳлар бор эди. Фақатгина ўтган бир йилда мўминларга берган азоб-уқубатларининг сон-саногии йўқ эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича жавоб қилдилар:

— Исломга киргач, яхши ҳаёт кечирган мўмин олдинги ҳаётидан ҳисоб-китоб қилинмайди. Лекин мусулмон бўлгандан кейин ҳам ёмонликларда давом этган киши олдингилари учун ҳам кейингилари учун ҳам жавоб беради.

Иродасини тўғри йўналтира оладиганлар учун бу гап хушxabар эди. Аллоҳнинг чексиз раҳмати ва марҳамати, иймонга кирган ва унга боғланган ҳолда яхши амаллар қилганларни шундай мукофотлар эди.

Бу хушxabарни олган Ҳазрат Умар «Энди ҳаммаси бошдан бошланар экан!» — дея хотиржам бўла олмасди. Масалан, ўлгудек калтаклаган одамлари учун нима деб жавоб беради? Ахир, бу зулм эди-ку! Бу зулмнинг излари ҳали ҳам Аллоҳ учун сажда қиладиган мўминларнинг юз-кўзларида кўксиларида, елкаларида тамғадек кўриниб турарди. Улар ҳақларини ҳалол қилганда ҳам ўртада виждон деган нарса бор. Виждоннинг овозини ўчириш эса асло мумкин эмас.

Мўминлар Ҳазрат Умарнинг Исломга киришларини буюк неъмат ва хайр деб қарши олишганди. Улар бор жойда тинч, хотиржам юра олар, уларнинг борадиган жойига биргаликда борганлар бало-қазоларга йўлиқмай, омонликда ортларига қайтардилар. Бироқ, мўминларнинг бу қадар уларга орқа қилишларини биладиган Ҳазрат Умар бундан кибр-ҳавога берилмасдилар, балки Аллоҳ таолога шукр қилардилар.

Шуниси борки, баъзан саҳобалар аввалги ҳаётларини эслашиб, сафар чоғида лой, қум ёки шунга ўхшаш нарсалардан бут-санамлар ясашиб кейин унга топинганларини хотирлаб кулишар қанчалар бемаъни ишлар қилганларига ўзлари ҳам ҳайрон-у лол қоларди.

\* \* \*

Маккаликлар ҳозирги вазиятдан мутлақо рози эмасдилар. Бошлаган ҳар қандай ишлари фақат ёмонлик билан ниҳоя топарди.

«Юлдузлар уйларимизнинг олдига тушсинлар, сенинг пайғамбар эканингни бизга айтишсин!» — дейишга журъат қила олмасдилар. Агар шундай деб талаб қилишса, истган ишлари бўлишига ҳеч қандай шубҳалари йўқ эди.

Ҳалигача Руқона нима бўлганини тушуна олмас эди.

— Уч марта кетма-кет елкамни ерга текказди. Манот билан қасам ичаманки, нима бўлганини ҳеч билмай қолдим. Ўшанда дарахтни биз томон чорлаганида «Ҳозир менинг устимга юришини буюрсая!» — деб ўйлаб, роса кўрқдим. Жонимни қутқариш учун дарахтни жойига боришини илтимос қилдим. Отамнинг боши ҳаққи онт ичаманки, агар «Юлдузларни осмондан бирма-бир ерга тушир», — деса ҳам қила олади! — деб валдирарди.

Утба ибн Робиа сўз олди:

— У бизга қарши кучимиз етмайдиган бир каломни ишга соляпти. Биз бу каломнинг ўхшашини ҳеч бир адибдан, ҳеч бир шоирдан эшитмадик. Бизга ҳозир керак бўлган нарса шуки, биз ҳам унга илм билан жавоб қайтаришимиз лозим. Токи жим бўлиб қолсин. Унга минг йил жавобини ахтарса-да топа олмайдиган саволлар берайлик.

— Бу яхши таклиф, бироқ биз бундай саволларни қаердан оламиз?

Утба ўйлаб қолди:

— Бу иш жуда осон, — деди. — Ясрибга борайлик, ўша ерда яҳудий олимлари бор. Улар билан учрашиб ёрдам сўраймиз. Улар китоб аҳлидан, назаримда энг маъқул йўл шу!

Бу фикрга эътироз билдирадиган одам топилмади.

Назр ибн Ҳарис ва Уқба ибн Абу Муайт шу вазифага тайин қилиндилар. Улар қисқа фурсатда ҳозирликни яқунлаб туяларига минишди.

— Жуда эҳтиёт бўлинглар! — деди Абу Жаҳл. — Уларга савол бериб жавобини олаётганингизда атрофда ҳеч ким бўлмасин. Йўқса сиздан олдин келиб саволларнинг жавобини Муҳаммадга етказадилар. Бундан ташқари у ердан қайтаётганингизда ҳам тилга ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Валақлашиб юрманглар. Тезда ортингизга қайтишга тиришинглар.

— Майли, яхши қолинглар!

— Соғ-саломат бориб келинглар!

Бир неча қадам юргач, Назр туясини тўхтатди:

— Сизлар ҳам бу ерда ҳеч кимга сир бой берманглар.

Тағин ниятимиздан хабар топишмасин!

Назр туясини ҳайдади. Бир неча кун давом этадиган бу сафарнинг охир-оқибати кимнинг ғалабаси билан ту-  
гашини бир кўрайлик!..

\* \* \*

Давс қабиласининг машҳур шоири Туфайл ибн Амр бир иш билан Маккага келди. Маккада ўзи биладиган, дўст тутинган кўплаб танишлари бор эди.

Машҳур шоир учун барча нарса муҳайё қилинди. Ҳол-аҳвол сўралди. Иззат-икромда бўлишди. Гап орасида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деган «сеҳргар» пайдо бўлгани, дуч келган одамани жин урган каби ўзига боғлаб олаётгани айтилди. Бир қанча мисоллар келтиришди. Унга учрашганлар қайтиб тузоғидан қутила олмаслиги, шу сабабли ҳам эҳтиёт бўлиб юриши лозимлиги уқтирилди.

Туфайл бу мавзуда яна бошқа кўп гапларни эшитди. Қаерга бормасин, унга шу ҳақда гапиришарди.

Натижада Туфайл ибн Амр «Тағин дуч келиб қолсам, мени ҳам сеҳрлаб қўймасин!» — дея қулоқларини пахта билан яхшилаб беркитди. Макка кўчаларида шу ҳолда айлана бошлади.

Атрофни сайр қилди, таниган-билганлари билан суҳбат қурди.

Эртаси куни тонгда Масжид ул-Ҳарамга борди. Бу ер маккаликлар учун ҳам ибодат, ҳам суҳбат қурадиган жой эди.

— Ана келяпти! — дейишди.

Туфайл қаради. Келаётган кишининг виқор ва салобати бор эди. Одамнинг кўнглида ишонч туғдирадиган нурли юзи бор эди.

«Бу қадар келишган ва виқорли, нур юзли одамнинг сеҳр-жоду билан шуғулланиши галатироқ эмасмикан?!» — дея ўйлади.

Туфайл яхшироқ қараса, ўзидан бошқа ҳеч кимнинг қулоғида пахта йўқ.

«Дунёдаги энг аҳмоқ одам мен бўлсам керак! Нега энди улар кўрқмаганда мен кўрқим керак?! Улар ўзини олиб қочишмаса, нима учун мен олиб қочишим керак? Ихтиёрим ўз қўлимда. Эшитганларим маъқул келса, қабул қиламан. Маъқул келмаса, унга бу ерда ҳеч ким мени ушлаб туролмайди-ку!»

Туфайл қулоқларидан пахтани чиқариб ташлади. Қулоқ солганча жимгина тинглади. Ўзи ҳеч қачон эшитмаган, бошқалардан ҳам эшитмайдиган бир калом рўпарасидаги инсоннинг лабларидан дона-дона бўлиб чиқарди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг юзи қанчалар нурли ва гўзал бўлса, айтаётгани калом ҳам шу даражада балоғат ва фасоҳатли эди.

Бу сўзларда сеҳр йўқ эди. Туфайл ибн Амр машҳур шоир сифатида бутун Арабистонда тенгсизлардан эди. Кўплаб сафарларида қанчадан-қанча сеҳргарларни кўрган, уларнинг пойинтор-сойинтор, маъно-мантиқсиз гап-сўзларини кўп эшитган. Лекин ҳозир эшитаётган сўзларида етиб бўлмас мукамаллик яширинган. Бир одам шоирлигу шеъриятда қанча кучли бўлмасин, бу каломни эшитганда ҳолсизланиб, йўқ бўлиб кетгудек ҳолга келиб қолади.

Туфайл шу кунгача ўзи эшитган энг таъсирли байтларни эслашга тиришди. Кейин хаёлига Имра-ул Қайс, Тарафа, Набиға сингари одамлар келди. Булар ўз даврининг энг донғи кетган, машҳур шоирлари эди. Уларни бутун Арабистон Ярим Оролида ҳамма биларди. Барчалари шеъриятнинг подшоҳи эдилар.

Шундай бўлса-да, уларнинг энг яхши шеърлари ҳам Туфайл ҳозир тинглаб турган каломнинг олдида жуда оддий ва жўн бўлиб қолади.

Бироздан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар ва кетдилар. Туфайл ибн Амр ортларидан эргашди. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига кириб кетаётганларида у ҳам етиб олди. Олдин ўзини таништирди, кейин гапини қуйидагича давом эттирди:

— Эй Муҳаммад, қавминг менга сени бошқача таърифлаганди. «У сеҳргардир, ундан жуда эҳтиёт бўл!» — дея огоҳлантирганди. Шу даражада кўп ёмонлаганларидан сенинг сўзларингни эшитмай, дея қулоқларимга пахта тиқиб олгандим. Бироқ барибир қизиқувчанлигим устун келди. Сўзлаган каломингнинг балоғатига тан бердим. Менга асл ҳолатдан хабар бер! — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни уйга таклиф қилдилар. Ислом дини ҳақида маълумот бериб, оятлардан ўқиб бердилар.

Туфайл Ҳидоят Имоми соллаллоҳу алайҳи васалламни тинглагач, фикрларини шундай ифода этди:

— Қасам ичаманки, бундан кўра тўғри бир дин, бундан кўра устунроқ калом мавжуд эмас, бўлмайди ҳам. Мен бу динни қабул қиламан!

Туфайл ибн Амр ўзини бир умр бутпарастлик исканжасида тутиб келган занжирларни қалбидан юлиб ташлади. Покланган қалбини Аллоҳ ва унинг Расулига бўлган муҳаббат билан тўлдирди. Шаҳодат калимасини сўзлаб мусулмон бўлди.

— Ё Расулуллоҳ, мен қавмим орасида сўзим ўтадиган бир одамман. Энди бориб уларга Исломдан хабар бермоқчиман. Бироқ истардимки, Аллоҳга дуо қилинг, қавмимга мен далил ва аломат сифатида келтира оладиган оят-белги берсин! — деди.

— Аллоҳим, унга далил бўладиган бирор оят-белги бер!

Ҳазрат Туфайл ибн Амр саодат йўлининг Буюк Раҳбари соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хайрлашди-

лар ва юртига қайтдилар. Маккада ҳеч ким уларнинг му-  
сулмон бўлганларини билмай ҳам қолди.

\* \* \*

Назр ва Уқба бир неча кун давом этган огир сафардан  
кейин Ясриб хурмозорларига етиб келишди.

Бироз вақт шаҳарни айландилар, у ёқ-бу ёқни кездил-  
лар. Қайнуқа, Надр, Қурайза яҳудийлари билан учра-  
шишди. Ниҳоят яҳудийлар орасида энг билимдон, доно  
ҳисобланган бир-икки олимга дилини ёрдилар. Келишдан  
мақсад тушунтирилди. Бу олимлар ҳақиқатан ҳам кўпни  
кўрган, ақлли одамлар эди. Улардан бири:

– Сизларга учта саволни жавоблари билан биргаликда  
ўргатиб қўямиз. Бу саволларга фақатгина пайғамбарлар  
жавоб бера олади. Агар бу саволларга тўғри жавоб қайтарса,  
ҳеч бир шубҳасиз у инсон пайғамбардир. Дарҳол у даъват  
этган динга кириб, итоат қилинглр. Агар жавоб қайтара  
олмаса, ёлғончи экани маълум бўлади. Унга ўз билганин-  
гизча муносабатда бўласизлар.

Назр ва Уқба бу суҳбатнинг ораларида қолишини ил-  
тимос қилишди. «Чунки Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ши-  
вирлаган нарсани ҳам эшитади!» – дедилар. Кейин туя-  
ларига минишиб, тўғри Маккага қараб йўлга тушдилар.

Бу орада Ос ибн Воил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
васалламнинг ўғил фарзандлари турмаётганларини катта  
қусур эканлигини айтиб гап тарқатди. Бир мажлисда ўзи  
ўйлаб топган янги гапни ўртага ташлади:

– У абтардир.

«Абтар» сўзи насли давом этмайдиган, авлоди қуриб  
кетадиган, унутилиб йўқ бўладиган маъносида ишлатил-  
ларди. Қиз фарзандни фарзанд ҳисобламай, насл фақат  
ўғил бола орқали давом этади, деб ўйлайдиганлар учун бу  
ҳолат қусурдек кўринарди.

Шу нарса аниқки, Буюк Раббимиз Пайғамбарлар  
султони Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни фақат

биргина қавмга эмас бутун инсониятга, фақат ўзлари яшаган даврга эмас, то қиёматга қадар давом этадиган даврларга Раҳмат ва Ҳидоят Пайғамбари сифатида юборди. Минг йиллардан буён қуёшнинг чиқишидан ботишигача бўлган вақтда ва ботишидан чиқишигача бўлган вақтда айтиладиган азон бир сония ҳам тўхтамай давом этаётир, ўқилган беш маҳал намозларда уларнинг муборақ исмлари ҳар бир мусулмон тарафидан кунига миллионлаб, миллиардлаб марта раҳмат ила тилга олинмоқда. Бу абтарлик эмас, балки чексиз муҳаббат ва ҳурмат нишонасидир.

Қайтанга муқаддас китобимиз Куръони каримда «Абтар» дея таъриф берилган Ос ибн Воил минг йиллардан буён фақат ва фақат нафрату лаънат билан хотирланади. Буюк Аллоҳ у ва унга ўхшаганларни шундай сиқувга олганки, бутун инсонлар у учун раҳмат айтишга бел боғласалар ҳам бунинг бир заррача фойдаси тегмайди. Қиёмат куниси эса суюкли Пайғамбаримизга бу чиркин сифатни ёпиштирганларни Аллоҳ ёқаларидан тутуди. Ана ўшанда буюк ҳисоб-китоб бўлади.

Инсонлар орасида раҳмат билан эсланадиган ҳеч бир иш қолдирмай, ортидан лаънат билан тилга олиниб, бадбахт ҳолда ўлиб кетиш...

Асл абтарлик шу эмасми?!

Аллоҳнинг пайғамбар қилиб юборган шарафли бандасига ҳеч иккиланмай лой чаплаш абтарлик эмасми?!

Бу ёқимсиз сўз мушрикларга жуда маъқул келганди. Улар қаерда мусулмонларни кўриб қолишса, «Сизлар пайғамбар деб айтаётган одам аслида абтардир!» — дея мазах қила бошлашди. Мўминлар бундан жуда қайғуга ботдилар.

— Нимага экан? Ойдай қизлари бор. Уларнинг наслнасаби қизлари орқали давом этажак. Уларни ҳеч бир мўмин-мусулмон то қиёматгача асло унутмайди! — деб жавоб қилганлар бўлди.

Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга Оламлар Парвардигоридан салом олиб келди. Ғам чекмасликларини, аслида ҳақиқий ғамга ботадиганлар бошқалар эканини шундай билдирди:

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكُؤْتْرَ {1} فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ {2} إِنْ شَأْنِكَ هُوَ الْأَيْتْرُ {3}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! Албатта, ганимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир» (**Кавсар сураси, 1–3-оятлар**).

Мўминлар бу сурани ўқиганларида мушриклар ларзага келдилар. «Яхшиямки, бу гапни мен чиқармагандим!...» — деган фикр ўтди хаёлларидан. Нима бўлганда ҳам, улар Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламни қирқ йилдан буён билишарди. Бирор гапни шунчаки айтмасликларини ҳам жуда яхши ҳис қилишарди.

Кўзлар «Абтар» лақабини биринчи бор айтган манфур кимсани қидира бошлади. Бир мажлисда бу ҳақда гап очилганда мушриклар Ос ибн Воилга:

— Муҳаммад сенинг ўзингни абтар деб айтди, — дейишди.

Ос ибн Воил ҳеч нима бўлмагандай елкасини қисиб қўйди. Аммо қалби ўқдек санчилган бу сўз осонликча қутула олмаслиги аниқ эди.

Бу ҳали бошланиши. Абтарлик сари қўйилган унинг илк қадами... Минг йиллардан кейин ҳам уни нафрат ва лаънат билан эслайдиган одамлар бўлади, қиёмат кунида ҳам юзи ерга ишқалаганча ҳисоб қилинади.

\* \* \*

Давс қабиласининг одамлари яшайдиган ерларга яқинлашганда Ҳазрат Туфайл бирдан сесканиб кетдилар. Олдиларидаги йўл ёришиб кетганди. Дастлаб унинг нима эканини била олмадилар, кейин бунинг пешонасида пор-

лаб турган нур эканини тушундилар. Пайғамбаримизни ёдга олдилар.

— Аллоҳим, қавмим мени бу ҳолда кўриб хушламаслиги мумкин, бу нурни бошқа бир ердан чиқаргин! — дедилар.

Бу сафар нур ҳассаларининг учидан порлай бошлади. Бу нур йўлни яхши ёритар, қай тарафга қаратсалар, ўша ерни чарогон қиларди.

Ҳазрат Туфайл шу тарзда қабилага кириб келдилар. Узоқдан порлаётган нурни кўрганлар жуда ҳайрон бўлишди.

Ўша куни Ҳазрат Туфайл оталари ва аёлларини иймон ва Исломга даъват қилдилар. Кейин қабиладагиларни даъват қилдилар, бироқ бу уриниш бесамар кетди. Уларга:

— Бу ҳақ ва тўғри диндир, бут-санамларингиз сизни қутқара олмайди! — десалар ҳам уларни эшитадиган одам топилмади. Шу боис уларнинг устидан шикоят қилиш мақсадида Маккага қараб йўлга чиқдилар.

\* \* \*

Ясрибга кетган Уқба ва Назр ортга қайтиб келдилар.

Абу Жаҳл, Утба, Валид каби бир неча кишидан иборат мажлисда бўлиб ўтган ишлар бирма-бир айтилди. Ўзлари ўрганиб келишган саволлар ҳам билдирилди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар юборилди. Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар.

— Сенга бир нечта саволларимиз бор эди.

— Сўрайвер, Назр.

— Бизларга ғордан паноҳ топган йигитларнинг ажойиб ҳолларидан хабар бер. Кейин шарқдан ғарбга қадар дунёни кезиб чиққан ҳукмдор ҳақида ҳам маълумот бер ва руҳнинг нима эканини тушунтир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволларга:

— Эртага маълумот айтаман, — дедилар ва у ердан жўнаб кетдилар.

Улар Жаброил алайҳиссаломнинг бу саволлар билан боғлиқ бирор оят олиб тушишига умид қилгандилар. Бироқ оқшом бўлди ҳамки, Жаброил алайҳиссалом келмади. Иккинчи учинчи кунлар ҳам кутиш билан ўтди. Ҳаш-паш дегунча орадан икки ҳафта кечди. Мушрикларнинг қувончи чексиз эди. «Эртага деганди, ҳолбуки орадан нечталаб «эрта»лар ўтиб кетди, бироқ саволларга жавоб топилгани йўқ!» — деб айта бошладилар.

— Хўш, пайғамбарингизга нима бўлди?

— Ҳали ҳам жавобларни тартибга сололмай қолдимиз?

— Энди ёлғончилигининг куни битди. Бу сафар биз зафар қозонамиз! — деб мазах қилишарди.

Мўминлар бу каби пичингларга жавобан:

— У бир Пайғамбардир. Аллоҳ нимадан илм берса, ўшани биледи, — дер эдилар.

Одоб ва тарбиядан насибалари узилган, иккиюзламачиликни фазилат деб ҳисобловчи мушрикларга гап тушунтиришнинг имкони йўқ эди. Улар:

— Энди Муҳаммаднинг найранглари иш бермайди! — дея завқланишарди.

Назр ибн Ҳарис ва Уқба ибн Абу Муайт ўша кунлари қаҳрамонга айланишганди гўё. Узоқ сафардан яхши натижа билан қайтган кишилардек қаерда юрсалар бошларини баланд кўтарганча гурурланиб қалам ташлашарди.

— Қани келинглар, сизларга Муҳаммаднинг ёлғонларидан ҳам гўзалларини айтиб бераман, — деб атрофига тўпланган одамларга сафар пайтида эшитган чўпчакларини ҳикоя қилардилар.

Ўтган ўн беш кун изтироб ва қийинчиликда кечди. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг ёнларига келди. Уларга Аллоҳнинг саломини етказди.

– Нима сабабдан бизни бу қадар узоқ вақт зиёрат қилмадинг, эй Жаброил?

Жаброил алайҳиссалом бу саволга ўзи жавоб қайтармади. Чунки бу саволга Аллоҳ таоло Куръони карим орқали жавоб берганди:

وَمَا نُنْتَرُكَ إِلَّا بِأَمْرِ رَبِّكَ لَهُ مَا بَيْنَ أَيْدِينَا وَمَا خَلْفَنَا وَمَا بَيْنَ ذَلِكَ وَمَا كَانَ رَبُّكَ

نَسِيًّا {64}

Мазмуни: «(Жаброил деди): «Биз ёлғиз Раббингиз амри билангина нозил бўлурмиз. Олдимиздаги (охират) ҳам, ортимиздаги (дунё) ҳам, (иккиси) ўртасидаги барча ишлар ҳам фақат Унинг измидадир. Парвардигорингиз унутувчи эмасдир» **(Марям сураси, 64-оят).**

Шундай қилиб, мушрикларнинг саволлари бирма-бир жавобларини топа бошлади.

## АСҲОБИ КАҲФ

Каҳф (ғор) дўстлари деб аталган йигитлар бир замонлар бут-санамларга сифинишни рад қилишган ва бу йўлда жонларини фидо қилишга-да рози бўлиб, бутпараст ҳукмдорга қарши курашган, қилинган азоб уқубатларга қарамай, иймонларини асло йўқотмаган бир неча кишилик гуруҳ эдилар. Улар бир йўлини топиб ҳукмдорнинг зиндонидан қочишга муваффақ бўлдилар.

Бир ғорга келдилар. Таъқибдан қутулиб, жонларини сақлаб қолишга сабаб бўлган ғор ичида кўлларини очиб, Жаноби Ҳаққа ёлвордилар:

– Ё Парвардигоро, бизга раҳматингдан бир раҳмат ато эт, ишимизни осон ва енгил қилиб қўй!

Жуда чарчаганлари боис ғорнинг бир четида узаниб ухлаб қолдилар. Ортларидан ҳеч айрилмаган итлари ҳам ғорнинг олдига чўзилди, бошларини оёқлари устига қўйиб ётди.

Улар жуда чуқур уйқуга кетишганди. Кунлар, ойлар, йиллар ҳаттоки асрлар шамолдек ўтиб кетди. Тонг отган вақтда қуёш ғорга кираверишнинг ўнг томонини ёритар, ботаётганда эса чап томонига нур сочарди. Ухлаб ётган йигитлар баъзан ўнг тарафга, баъзан чап тарафга ўгирилиб ётардилар. Уларни кузатган одам уйғоқ деб ўйлаши аниқ эди. Юз йиллар давом этган бу уйқу йигитларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. На соч-соқоллари ўсган, на вужудлари қариб, чуриганди.

Орадан уч юз йилча вақт ўтганди. Йигитлар уйғонишди. Жуда мириқиб ухлаган, мазза қилиб дам олишганди. Улардан бири деди:

– Дўстлар бу ерда қанча вақт ухладик?

– Бир кечаю бир кундуз!

Бу фикрга қўшилмаганлар топилди:

– Менимча, бир кундан камроқ ухладик!

– Қанча ухлаганимиз фақат Аллоҳгагина аён!

Ҳеч ким бу саволга аниқ жавоб қайтара олмади. Аммо жуда роҳатланиб ухлаганлари, хориган вужудлари дам олгани аниқ эди. Улар қоринлари роса очқаганини ҳис қилдилар.

— Ичимиздан бирортамиз бориб, тоза ҳалол овқат олиб келсин! — дейишди.

Бу иш учун борадиган кишига ҳеч ким билан гаплашмаслиги, жуда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилиши, ҳеч кимга ҳеч нимани сездирмай иш қилиши лозимлиги уқтирилди.

Улардан бири йўлга чиқди. Шаҳарни айлана бошлади. Кечаги шаҳарга умуман ўхшамасди. Кўп нарсалар ўзгариб кетган. Худди бу шаҳар бир-икки кун олдин ўзлари тарк этган, бир умр яшаган шаҳар эмасди. Бунинг устига, бирорта таниш одамни учратиш ҳам имконсиз эди. Бироқ, у бу нарсалар билан ортиқча ўралашмаслиги керак. Ҳукмдорнинг одамлари кўриб қолса, оқибати яхши бўлмасди.

Нон олиш мақсадида новвойхона ёнига борди. Қўлидаги пулини бериб нон сўради. Лекин новвой унинг юзига тикилиб:

— Бу пулни қаердан олдинг? — деди.

— Қаердан олардим? Ўзимнинг пулим!..

— Бироқ, ўғлим! Бу пуллар муомаладан чиқиб кетганига юз йиллар бўлган. Уларни бир неча юз йил олдин яшаган одамлар ишлатишган. Менинг бобом ҳам бу пулни ишлатмаган.

— Мени мазах қилманг, ота!

— Мазах қилаётганим йўқ. Қўлингдаги пул бу шаҳарда ўтмайди.

— Жуда қизиқ! Ахир, кечагина бу пулни ишлатгандим!..

Сўз чувалаша бошлади. Пулни олиб бошқа дўконга борди. У ерда ҳам айна ҳолатга дуч келди. Масала шу билан битиб қўя қолмади. Одамлар йигитни ҳар тарафдан ўраб олдилар. Саволлар бера бошлашди:

— Мана биз ишлатадиган пул, — деб кўрсатган одамнинг қўлида ростдан ҳам бошқача пул турарди.

Ниҳоят улардан бири:

— Бу пул уч юз йил олдин яшаган Даққи Юнус исмли хукмдор даврида қўлланилган, — деди.

Қулоқлар эшитганларига ишонмас, савол кетидан саволлар ёғила бошлади.

— Кимсиз?

— Қаердан келдингиз, қайси юртда яшайсиз?

— Неча кишисизлар, бу шаҳарга нима мақсадда келдингиз?

Энг яхши чора бу ердан тезроқ кетиш эди. Йигит уларнинг таъқибидан қочиб горга жўнади. Бироқ, ортидан бир неча киши эргашиб келарди. Йигит гордаги дўстлари билан учрашиб, бўлган ғалати воқеадан уларни огоҳ этди.

Эргашиб келган одамлар горни топишганларида у ерда чўзилиб ётган етти-саккиз кишининг жасадини кўрдилар. Текширишгач, барчасининг ўлгани аниқ бўлди. Улар бу ғарибларнинг ким эканини аниқлай олмадилар, шу боис уларга «Асҳоби каҳф» (Фор эгалари) деб ном беришди. Уларга атаб мақбара бино қилдилар.

Бу ҳақда муқаддас китоб Қуръони каримда шундай дейилади:

أَمْ حَسِبْتَ أَنَّ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَبًا {9} إِذْ أَوَى الْفِتْيَةَ إِلَى الْكَهْفِ فَنَقَلُوا رُبَّنَا آتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهَيِّئْ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا {10} فَضَرْبَنَا عَلَى أَدَانِهِمْ فِي الْكَهْفِ سِنِينَ عَدَدًا {11} ثُمَّ بَعَثْنَاهُمْ لِنَعْلَمَ أَيُّ الْحِزْبَيْنِ أَحْصَى لِمَا لَبِئُوا أَمَدًا {12} نَحْنُ نَقُصُّ عَلَيْكَ نَبَأَهُم بِالْحَقِّ إِنَّهُمْ فِتْيَةٌ آمَنُوا بِرَبِّهِمْ وَزِدْنَاَهُمْ هُدًى {13} وَرَبَطْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ إِذْ قَامُوا فَقَالُوا رَبُّنَا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَنْ نَدْعُو مِنْ دُونِهِ إِلَهًا لَقَدْ قُلْنَا إِذَا شَطَطًا {14} هُوَ لَاءِ قَوْمُنَا اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ آلِهَةً لَوْ لَّا يَأْتُونَ عَلَيْهِم بِسُلْطَانٍ بَيِّنٍ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا {15} وَإِذْ اغْتَرَلْتُمُوهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ فَأْوُوا إِلَى الْكَهْفِ يَنْشُرْ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ رَحْمَتِهِ وَيَهَيِّئْ لَكُمْ مِنْ أَمْرِكُمْ مَرْفَقًا {16} وَتَرَى الشَّمْسَ إِذَا طَلَعَتْ تَرَاوُرُ عَنْ كَهْفِهِمْ ذَاتَ الْيَمِينِ وَإِذَا غَرَبَتْ

تَقْرَضُهُمْ ذَاتَ الشَّمَالِ وَهُمْ فِي فَجْوَةٍ مِّنْهُ ذَلِكَ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ مِنْ يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ الْمُهْتَدِ  
 وَمَنْ يَضَلَّ فَلَنْ تُجِدَ لَهُ وَلِيًّا مَّرْشِدًا {17} وَتَحْسِبُهُمْ آيِقَاطًا وَهُمْ رُقُودٌ وَنَقَلْنَاهُمْ ذَاتَ  
 الْيَمِينِ وَذَاتَ الشَّمَالِ وَكَلْبُهُمْ بَاسِطٌ ذِرَاعَيْهِ بِالْوَصِيدِ لَوِ اطَّلَعْتَ عَلَيْهِمْ لَوَلَّيْتَ مِنْهُمْ  
 فِرَارًا وَلَمَلَنْتَ مِنْهُمْ رُعْبًا {18} وَكَذَلِكَ بَعَثْنَاهُمْ لِيَتَسَاءَلُوا بَيْنَهُمْ قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ كَمْ  
 لَبِئْتُمْ قَالَوْا لَبِئْنَا يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالُوا رَبِّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا لَبِئْتُمْ فَابْعَثُوا أَحَدَكُمْ بِوَرِقِكُمْ  
 هَذِهِ إِلَى الْمَدِينَةِ فَلْيَنْظُرْ أَيُّهَا أَزْكَى طَعَامًا فَلْيَأْتِكُمْ بِرِزْقٍ مِّنْهُ وَلْيَتَلَطَّفْ وَلَا يُشْعِرَنَّ بِكُمْ  
 أَحَدًا {19} إِنَّهُمْ أَنْ يَظْهَرُوا عَلَيْكُمْ يَرْجُمُوكُمْ أَوْ يُعِيدُوكُمْ فِي مَأْتِهِمْ وَلَنْ تَفْلَحُوا إِذَا  
 أَبَدَا {20} وَكَذَلِكَ أَعْرَضْنَا عَنْهُمْ لِيَعْلَمُوا أَنْ وَعَدَ اللَّهُ حَقًّا وَأَنَّ السَّاعَةَ لَا رَيْبَ فِيهَا إِذْ  
 يَتَنَازَعُونَ بَيْنَهُمْ أَمْرَهُمْ فَقَالُوا ابْنُوا عَلَيْهِمْ بُيُوتًا رَبُّهُمْ أَعْلَمُ بِهِمْ قَالَ الَّذِينَ غَلَبُوا عَلَى  
 أَمْرِهِمْ لَنَتَّخِذَنَّ عَلَيْهِمْ مَسْجِدًا {21} سَيَقُولُونَ ثَلَاثَةٌ رَّابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُونَ خَمْسَةٌ  
 سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًا بِالْغَيْبِ وَيَقُولُونَ سَبْعَةٌ وَثَامَنُهُمْ كَلْبُهُمْ قُلْ رَبِّي أَعْلَمُ بِعَدَّتِهِمْ مَا  
 يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تَمَارَ فِيهِمْ إِلَّا مُرَاءَ ظَاهِرِهِمْ وَلَا تَسْتَفْتِ فِيهِمْ مِنْهُمْ أَحَدًا {22} وَلَا  
 تَقُولَنَّ لِشَيْءٍ إِنِّي فَاعِلٌ ذَلِكِ غَدًا {23} إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ وَادْكُرْ رَبَّكَ إِذَا نَسِيتَ وَقُلْ  
 عَسَى أَنْ يَهْدِيَنَّ رَبِّي لِأَقْرَبٍ مِنْ هَذَا رَشْدًا {24} وَلَبِئْنَا فِي كَهْفِهِمْ ثَلَاثَ مَنَةٍ سِنِينَ  
 وَازْدَادُوا تَسْمَعًا {25} قُلْ اللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا لَبِئْتُوا لَهُ غَيْبُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَبْصَرَ بِهِ  
 وَأَسْمَعُ مَا لَيْسَ لَهُ مَنٌ دُونَهُ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا يَشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا {26}

Мазмуни: «Балки, «Каҳф» (ғор) ва «Рақим» (битик) эгаларини Бизнинг мўъжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз? Қайсики, йигитлар ғорга паноҳ истаб боришиб: «Эй Раббимиз! Бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг тўғрилагин!» — дедилар. Бас, (ўша) ғорда бир неча йил уларнинг «қулоқларига уриб» (ухлатиб) қўйдик. Сўнгра (уларнинг ичидаги) икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблашларини билиш (синаш) учун уларни уйғотдик.

(Эй Муҳаммад!) Биз Сизга уларнинг хабарини ҳақиқатан айтиб берурмиз. Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига иймон келтирган ва Биз уларга ҳидоятни зиёда қилган йигитлардир. Биз уларнинг диллари (иймонларини) қувватлантирдик — ўшанда улар (золим шоҳ қаршисида) туриб дедилар: «Бизнинг Раббимиз осмонлар

ва Ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга «илоҳ»га сира илтижо қилмаймиз. Акс ҳолда, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз. Ана у қавмимиз эса, Ундан ўзгаларни «илоҳ» қилиб олдилар. Кошки ўзлари учун бирор аниқ ҳужжат келтирсалар. Бас, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золироқдир?!» (Бир-бирларига дедилар:) «Модомики, улардан (мушриклардан) ва Аллоҳдан ўзга улар сиғинаётган нарсалардан юз ўгирган экансиз, энди ғорга паноҳ излаб борингиз! Раббингиз сизларга Ўз раҳматини кенг қилур ва ишларингиздан бирор яхши натижа чиқарур». Куёш чиқишида ғорларининг ўнг тарафидан ўтиб кетганини, ботишида эса уларнинг чап томони бўйлаб йироқлашиб кетганини, улар эса ҳамон унинг кенг бағрида эканларини кўрасиз. Бу ҳам Аллоҳнинг мўъжизаларидан (бири)дир. Кимни Аллоҳ ҳидоят этса, бас, ўшагина ҳидоят топувчидир. Кимни адаштира, бас, унинг учун Тўғри йўлга солувчи дўст топа олмасиз. Ухлоқ бўлсалар-да, (кўзлари очиқ бўлгани учун) уларни уйғоқ, деб ўйлайсан. Биз уларни (чириб кетмаслиги учун) ўнг томон, сўл томонга айлантириб турармиз. Уларнинг ити эса, остонада икки олд оёқларини узатиб ётур. Агар уларни кўриб қолсангиз, даҳшатга тушиб, улардан юз ўгириб қочиб кетган бўлур эдингиз. Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун уларни шу тарзда уйғотдик. Улардан бири деди: «Қанча турдингиз?» Улар(нинг айримлари): «Бир кун ё ярим кун», дедилар. (Қолганлари эса): «Қанча (ухлаб) турганингизни Раббингиз билур. Энди бирортангизни шу пулингиз билан шаҳарга жўнатингиз, у энг покроқ таомларни қараб, сизларга ундан озуқа олиб келсин. У лутф билан эҳтиёткорона юрсин ва сизларни ҳеч кимга сездириб қўймасин. Чунки улар (шаҳар аҳли) сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қилурлар ёки сизларни ўзларининг (ботил) динларига қайтарурлар ва у ҳолда, сира нажот топа олмайсиз», дейишди.

Шундай қилиб, Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ҳақидаги) ваъдаси ҳақ эканини ва қиёматнинг (келиши) шаксиз эканини билишлари учун (одамларни ғор йигитларидан) хабардор қилдик. Ўшанда (вафот этишгач) ўзаро уларнинг ишлари ҳақида тортиша бошладилар. Бас, (баъзи кишилар): «Уларнинг устига уйлар бино қилингиз! Парвардигорлари уларни яхши билувчидир», — дедилар. Уларнинг устидан ҳукмронлик қилаётганлар (янги иймонли шоҳ ва сарой аъёнлари): «Албатта, биз улар (Асҳоби Каҳф қабри) узра (ғор оғзига яхши ниятда) бир масжид қуриб олурмиз», — дейишди.

Ҳали улар (Муҳаммадга замондош яҳудий, насоро ва мусулмонларнинг айримлари ўша Асҳоби Каҳф ададини): «Учтадир, тўртинчилари итларидир», десалар, (бошқалари) «бешта бўлиб, олтинчилари итларидир», деб «ғайбга тош отурлар» (тахминан гап сотурлар). Яна: «(Улар) еттитадирлар, саккизинчилари итларидир» ҳам дейдилар. (Эй Муҳаммад!) «Уларнинг саноғини Раббим яхши билувчидир. Уларни жуда оз киши билур», денг! Бас, улар хусусида фақат (ваҳий асосида) очиқ мунозара қилинг ва (Асҳоби Каҳф) ҳақида уларнинг бирортасидан савол сўраманг!

Бирор нарса ҳақида: «Мен, албатта, эртага шуни қилувчиман», дея кўрманг! Илло, «Иншааллоҳ, (Аллоҳ хоҳласа)» (денг. Бу сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни «иншааллоҳ», денг) ва: «Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга ҳидоят этса», денг!

(Улар) ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда қилдилар. (Эй Муҳаммад!) Айтинг: «Уларнинг қанча турганларини Аллоҳ яхши билувчидир. Осмонлар ва Ернинг сирлари фақат Унга оиддир. У нақадар кўрувчи ва эшитувчидир! Улар (одамлар) учун Ундан ўзга бирор дўст йўқдир. У (Ўз) ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас» (Каҳф сураси, 9–26-оятлар).

Шундан сўнг мушриклар берган саволларга «Эртага жавоб бераман», — дейилиб, «Аллоҳ хоҳласа» — деб айтилмагани боис оятларнинг бир неча кун келмай қолгани аён бўлди. Бу воқеа Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларида бутун мўминларга ибратли дарс бўлди.

Каҳф сурасида Зулқарнайн номли ҳукмдор ҳақида ҳам маълумот берилди:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الَّذِينَ قُلْنَا عَلَيْهِمْ مَنَّهُ ذِكْرًا {83} إِنَّا مَكَّنَّا لَهُ فِي الْأَرْضِ وَآتَيْنَاهُ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ سَبَبًا {84} فَاتَّبَعِ سَبَبًا {85} حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِي عَيْنٍ حَمِئَةٍ وَوَجَدَ عِنْدَهَا قَوْمًا قُلْنَا يَا ذَا الْقُرْنَيْنِ إِنَّمَا أَنْتَ تُعَذِّبُ وَإِنَّمَا أَنْتَ تُتَّخَذُ فِيهِمْ حَسَنًا {86} قَالَ أَمَّا مَنْ ظَلَمَ فَسَوْفَ نُعَذِّبُهُ ثُمَّ يُرَدُّ إِلَىٰ رَبِّهِ فَيُعَذِّبُهُ عَذَابًا نُّكْرًا {87} وَأَمَّا مَنْ آمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُ جَزَاءُ الْحُسْنَىٰ وَسَنَقُولُ لَهُ مِنْ أَمْرِنَا يُسْرًا {88} ثُمَّ اتَّبَعَ سَبَبًا {89} حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَطْلِعَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَطَّلِعُ عَلَىٰ قَوْمٍ لَمْ نَجْعَلْ لَهُمْ مِنْ دُونِهَا سِتْرًا {90} كَذَلِكَ وَقَدْ أَحَطْنَا بِمَا لَدَيْهِ خُبْرًا {91} ثُمَّ اتَّبَعَ سَبَبًا {92} حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ بَيْنَ السَّدَّيْنِ وَجَدَ مِنْ دُونِهِمَا قَوْمًا لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا {93} قَالُوا يَا ذَا الْقُرْنَيْنِ إِنَّ يَا جُوجَ وَمَأْجُوجَ مُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجًا عَلَىٰ أَنْ تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ سَدًّا {94} قَالَ مَا مَكَّنِّي فِيهِ رَبِّي خَيْرٌ فَأَعِينُونِي بِقُوَّةٍ أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا {95} أَتُونِي زُبَرَ الْحَدِيدِ حَتَّىٰ إِذَا سَاوَىٰ بَيْنَ الصَّدَفَيْنِ قَالَ انْفُخُوا حَتَّىٰ إِذَا جَعَلَهُ نَارًا قَالَ أَتُونِي أُفْرِغْ عَلَيْهِ قِطْرًا {96} فَمَا اسْتَطَاعُوا أَنْ يَظْهَرُوهُ وَمَا اسْتَطَاعُوا لَهُ نَقْبًا {97} قَالَ هَذَا رَحْمَةٌ مِنْ رَبِّي فَإِذَا جَاءَ وَعَذِّبْنَا جَعَلَهُ دَكَّاءَ وَكَانَ وَعَذِّبْنَا حَقًّا {98}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Мен сизларга у ҳақдаги хабарни ҳозир ўқиб берурман». Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) Ер юзида мартаба бердик ва (истаган) барча нарсасига йўл (имконият) ато этдик.

Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди. (Кетаётиб) Қуёш ботадиган жойга етгач, унинг (Қуёшнинг) бир лойқа (ёки қайноқ) булоқ (орти)га ботаётганини кўрди ва (булоқ) нинг олдида бир қавмни учратди. Биз: «Эй Зулқарнайн! Ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муо-

малада бўлурсан», — дедик. У айтди: «Зулм қилган ким-сани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни янада хунук азоб билан азоблагай. Энди иймон келтириб эзгу иш қилган кишига келсак, унинг учун гўзал мукофот (жаннат) бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осонларини буюрурмиз».

Сўнгра, у (Шарққа қараб) йўл олди. (Кетаётиб) Куёш чиқадиган жойга етиб боргач, унинг (Куёшнинг) бир қавм узра чиқаётганини кўрди. Биз улар учун ундан (Куёшдан тўсувчи) бирор парда қилмаган эдик. (Унинг иши) шунақа. Албатта, Биз унинг ҳузуридаги илмларни ихота қилиб олганмиз.

Сўнгра, у яна йўл олди. (Кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) гапни сира англамайдиган қавмни учратди. Улар: «Эй Зулқарнайн! Албатта, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) ҳақ тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?» — дедилар.

(Зулқарнайн) айтди: «Раббимнинг менга ато этган нарсалари (сизлар берадиган нарсадан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам берингиз, токи мен сизлар билан уларнинг (Яъжуж ва Маъжужнинг) ўртангизга бир тўсиқ (тўғон) бино қилай. Сизлар менга темир парчаларини келтирингиз, то (парчалар) иккала тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгач, (оловга) дам урингиз!» — деди. Бас, қачон у (темир-терсакларни) оловга айлантиргач (эритгач), деди: «Менга эритилган мис ҳам келтирингиз, токи унинг (темир парчаларининг) устидан қуяй! Ана, энди улар (Яъжуж ва Маъжужлар) унинг (тўсиқнинг) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир бўлмай қолишди. «Бу Раббим (томони)дан бўлмиш бир марҳаматдир. Энди, қачонки, Раббимнинг (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (Қиёмат олдидан), Ўзи у (тўсиқ)ни теп-текис қилиб қўяр.

Раббимнинг ваъдаси ҳақдир», — деди у» (**Каҳф сураси, 83—98-оятлар**).

Руҳ билан боғлиқ саволга биргина оят билан жавоб берилди:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَا أُوتِيتُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا

{85}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ фақат Раббимнинг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир» (**Исро сураси, 85-оят**).

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятни Исро сурасига қайд этишларини буюрдилар. Юқоридаги оятларнинг барчаси мушрикларга ўқиб берилди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳайрат ила тингладилар.

— Бизга эртага жавоб бераман дегандинг. Ваъдангда тура олмадинг, бу жавобинг ҳисобга ўтмайди, — дейишди.

Ясриб олимлари Назр билан Уқба Маккага қайтаётган пайтида яна бир гап айтгандилар:

— Агар сизлар айтаётган одам бу уч саволнинг бирига қисқа, қолган иккисига узун жавоб қайтарса, шубҳасиз, у пайғамбардир. Пайсалга солмасдан тезда унга иймон келтиринглар!

Мушрикларнинг саволларига берилган жавоблар яҳудий олимлари айтгандек бўлмадими?! Бўлди, айнан шундай бўлди. Бироқ мақсад узум эмас, боғ кўриқчисини калтаклаш бўлганидан сўнг, берилган жавобларнинг аҳамияти кимга қизиқ?! Ахир яҳудий олимлари уларга «Агар саволларга тезда жавоб қайтарсагина иймон келтиринглар, йўқса рад этинглар!» — дейишмаганди-ку!

Жаброили Амин бу ҳолат билан боғлиқ қуйидаги оятларни туширди:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كَانَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَكَفَرْتُمْ بِهِ وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَىٰ مِثْلِهِ فَأَمَّا إِنَّا تَكْبَرْتُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ {10}

Мазмуни: «Айтинг: «(Эй Исроил авлоди!) Хабар берингиз-чи, агар (ушбу Қуръон) Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сизлар унга кофир бўлсангиз ва Исроил авлодидан бўлган бир гувоҳ ҳам у (Қуръон)нинг ўхшашига гувоҳлик бериб, иймон келтирса-ю, сизлар (иймон келтирмай) кибр қилганингиз нимаси?! Албатта, Аллоҳ зolimлар қавмини ҳидоят этмас» **(Аҳкоф сураси, 10-оят).**

## ҲАЗРАТ МУСО ВА ҲИЗР

Каҳф сурасида ҳикоя қилинган Мусо ва Ҳизр алайҳиссалом қиссасини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга шундай изоҳладилар:

— Бир куни Ҳазрат Мусо алайҳиссалом Бани Исроилни яхшиликка даъват қилиш учун оёққа турди ва улар билан гўзал суҳбат ўтказди. Шу пайт ўтирганлардан бири Мусо алайҳиссаломга:

— Инсонлар орасида энг билимдони ким? — деб савол берди.

— Менман! — деди Мусо алайҳиссалом.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом бу саволга «Аллоҳ билгувчироқдир, энг билимдон бандаси ким эканини фақат Ўзи биледи!» — дея жавоб қайтармагани туфайли Парвардигор унга танбеҳ берди:

— Эй Мусо, менинг сендан-да ақллироқ қулим ҳам бор.

— Ё Раббий, У кимдир?

— Икки денгиз бирлашадиган жойда дуч келадиган одамнингдир. У бандам сендан кўра донороқ.

— Парвардигоро, ўша қулинг билан кўришишни истайман. Уни қандай қилиб таниб оламан?

— Саватга тузланган балиқ сол ва йўлга чиқ. Балиқ қаерда жонланса, уни ўша ерда учратасан.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом ёнига ёш хизматчини олганча йўлга чиқди. Балиқ жонланганини кўрган заҳоти хабар қилишини қаттиқ тайинлади.

Анча вақт юрдилар, денгиз қирғоғига етиб боришди. Эрта тонгдан оқшомгача ҳеч бир ерда тўхтамай юрганлари боис жуда чарчагандилар. Бир қоянинг тагига келдилар. Хизматчи егулик тайёрлаш билан банд эди. Саватда турган балиқ бирдан тирилиб, ўзини денгизга отди. Бу иш кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Сафар ниҳоясига етган, энди бошқа юришга ҳожат қолмагани. Бироқ ёш хизмат-

чи бироздан кейин келган Ҳазрат Мусо алайҳиссаломга бу ҳақда хабар қилишни унутди.

Яна йўлга тушдилар, узоқ давом этган юриш уларнинг иккисини ҳам ҳолдан тойдирди.

— Егуликни олиб кел, қорнимизни тўйдириб олайлик, — деди Мусо алайҳиссалом.

Хизматчи бирдан сакраб тушди:

— Вой эсимдан чиқибди, — деди. — Боя қоя олдида тўхтаганимизда саватдаги балиқ тирилиб денгизга сакрагани. Мен бу ҳақда сизга айтишни унутибман. Бунга фақатгина шайтон сабаб бўлди.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом ҳаяжонланиб кетди:

— Бизга керак нарса айнан шу эди. Дарҳол ортга қайтамиз.

Улар ортга қайтишди. Қояга яқинлашганларида ўша ерда уларни кутиб турган бир одамга дуч келдилар.

— Аллоҳ сенга берган илмлардан баъзисини ўрганиш мақсадида сен билан дўст тутунсам, майлими?

Ҳалиги одам хотиржам жавоб берди:

— Сен мен билан дўст бўлишга тоқат қила олмайсан. Асл моҳиятини билмайдиган ишларингга қандай қилиб сабр қила олардинг?! Эй Мусо, сен Аллоҳ хоҳлаган билмлардангина хабардорсан. Мен уларнинг барини биламан. Шу билан бирга мен ҳам Аллоҳ хоҳлаган айрим илмларнинг соҳибиман, бироқ сен буларни билмайсан. Шу сабабдан мен билан дўст бўлишга тоқатинг етмайди.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом илтимос қилди:

— Аллоҳ насиб этса, мени сабрли дўст эканимни биллиб оласан. Сенинг ҳеч бир ишингга эътироз билдирмайман ва қарши чиқмайман.

— Яхши, менинг дўстим бўлишни истар экансан, бирор ишнинг асл моҳиятини сенга айтиб бермагунимча мендан ҳеч нима сўрамайсан.

Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Биргаликда йўлга тушдилар. Бир кемага чиқдилар, улардан ҳақ олинмади.

Денгизнинг анча ичкарасига кириб борган вақтда исми Хизр бўлган бу одам қўлига тушган болта билан кемани теша бошлади. Бу иш ҳазилга сира ўхшамасди. Уни ақлдан айрилган деб ҳам бўлмасди. Бундай бемаъни ҳаракатга чидаб тура олмади.

– Сен кемадагиларни сувга чўктириш учун бу ишни қиляпсанми? Оқибати ёмон бу ишнинг!..

Хизр Мусо алайҳиссаломга маъноли қараб:

– Мен билан ҳамроҳликка чидай олмайсан, – деб айтмаганмидим? – деди.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом берган ваъдасини эслади.

– Унутганим учун мени маъзур тут. Айбга буюрмайсан. Дўстлигимизга путур етмасин.

Хизр ҳеч нима демади. Йўлда давом этдилар. Бу орада кемада бўлган Ҳазрат Мусо алайҳиссалом ва Хизр бир қушнинг денгиз сувига тумшуғини тиқиб чиқарганини кўришди. Хизр қушни кўрсатиб:

– Эй Мусо! – деди. – Қушни кўряпсанми?

– Албатта!

– Ўша қуш тумшуғини денгизга тиқиб ундан қанча миқдорда сув ола билса, сен ва менинг илмим ҳам Аллоҳ билганлари олдида худди шунга ўхшайди.

Эҳтимол, Мусо алайҳиссалом чиққан бу сафарнинг моҳияти биргина шу ҳикмат учун бўлиб ўтгандир.

Денгиз сафари тугаб, қирғоққа тушдилар. Иккиси йўлда кетаётиб ўйнаб турган болаларга дуч келишди. Хизр болалардан бирини ушлаб, дарҳол ўлдирди. Ҳазрат Мусо алайҳиссаломнинг юрагига кўрқув тушди. Бундай ҳодисага жимгина қараб туролмасди, ахир!

– Бегуноҳ жоннинг уволига қолдинг! Қасам ичиб айтаманки, жуда катта гуноҳ қилдинг!..

Хизр унга қаради:

– Мен билан ҳамроҳликка чидай олмайсан, – деб айтмаганмидим? – деди.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом қайта узр сўради.

— Бундан кейин сенга бирор ишда эътироз билдирсам, мен билан дўстлик алоқасини узишингга розиман, — деди.

Яна йўлга тушдилар. Анча юришгач қоринлари очди. Қишлоқ аҳлидан бирор егулик сўрадилар. Лекин ҳеч ким уларни меҳмон қилишни истамади. Бу орада йиқилай деб турган девор олдидан ўтиб қолдилар. Хизр қўли билан ишорат қилиб деворни асл ҳолига қайтарди. Очлик туфайли ҳолдан тойган Мусо алайҳиссалом бу сафар ҳам чидай олмади.

— Агар хоҳласанг, бу деворни тиклаб берганинг учун ҳақ олишинг мумкин эди. Ўша билан қорнимизни тўйдирган бўлармидик! — деди.

Хизр Ҳазрат Мусо алайҳиссаломга қаради:

— Мана шу гап бизнинг айрилишимизга сабаб бўлади. Эй Мусо, энди сен тоқат қила олмаган ҳодисаларнинг асл моҳиятини айтиб бераман.

Биз чиққан кема денгизда тирикчилик қилиб кун кўрадиган камбағалларники эди. Уларнинг юртида соз кемаларни тортиб олиб ўзиники қиладиган ҳоким бор эди. Мен ўша ҳоким кеманинг шикаст етган жойи борлигини кўргач олиб қўймасин, деган мақсадда уни болта билан чопдим.

Ўлдирилган болага келсак, унинг ота-онаси иймон-эътиқодли кишилардан эди. Шу сабабли ҳам катта бўлганда кофир бўлиши аниқ бўлган боладан уларни қутқариш мақсадида ўша болани ўлдирдим. Истадимки, Раббим уларга бошқа солиҳ фарзандлардан ато этсин.

Биз асл ҳолига қайтарган девор шаҳарда яшайдиган икки етим болага тегишли эди. Унинг тагида мана шу болаларга аталган хазина кўмилганди. Оталари яхши одам эди. Раббим хоҳладики, иккиси ҳам ўсиб улғайсин ва яширилган хазинани ковлаб олишсин. Бу Раббимнинг буйруғи эди. Мен бу ишларни ўз хоҳишимча қилганим йўқ. Сен сабр қила олмаган ҳодисаларнинг асл моҳияти шу эди.

Каҳф сурасида бу воқеа ҳақида шундай дейилади:

وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ لَا أَبْرَحُ حَتَّىٰ أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُبًا {60}  
فَلَمَّا بَلَغَا مَجْمَعَ بَيْنَهُمَا نَسِيَا حُوتَهُمَا فَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ سَرَبًا {61} فَلَمَّا جَاوَزَا  
قَالَ لِفَتَاهُ إِنِّي جِدَاءٌ لَقَدْ أَقَيْنَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصَبًا {62} قَالَ أَرَأَيْتَ إِذْ أَوَيْنَا إِلَى  
الصَّخْرَةِ فَإِنِّي نَسِيتَ الْحُوتَ وَمَا أَنسَانِيهِ إِلَّا الشَّيْطَانُ أَنْ أَذْكُرَهُ وَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي  
الْبَحْرِ عَجَبًا {63} قَالَ ذَلِكَ مَا كُنَّا نَبِغُ فَارْتَدَّا عَلَىٰ آثَارِهِمَا قَصَصًا {64} فَوَجَدَا عَبْدًا  
مِّنْ عِبَادِنَا آتِيَاهُ رَحْمَةً مِّنْ عِنْدِنَا وَعَلَمَنَاهُ مِنْ لَدُنَّا عَلَمًا {65} قَالَ لَهُ مُوسَىٰ هَلْ  
اتَّبَعْتَ عَلَىٰ أَنْ تَعْلَمَ مِنْ مَّا عَلَّمْتُ رَشْدًا {66} قَالَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا {67}  
وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِ خَيْرًا {68} قَالَ سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا  
أَعْصِي لَكَ أَمْرًا {69} قَالَ فَإِنِ اتَّبَعْتَنِي فَلَا تَسْأَلْنِي عَنْ شَيْءٍ حَتَّىٰ أُحْدِثَ لَكَ مِنْهُ  
ذِكْرًا {70} فَانطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا رَكِبَا فِي السَّفِينَةِ خَرَقَهَا قَالَ أَخْرَقْتُهَا لِتُغْرِقَ أَهْلَهَا لَقَدْ  
جِئْتُ شَيْئًا إِمْرًا {71} قَالَ أَلَمْ أَقُلْ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا {72} قَالَ لَا تُؤَاخِذْنِي  
بِمَا نَسِيتَ وَلَا تُرْهِقْنِي مِنْ أَمْرِي عَسْرًا {73} فَانطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا لَقِيَا غَلَامًا فَقَتَلَهُ قَالَ  
أَقْتَلْتُ نَفْسًا زَكِيَّةً بِغَيْرِ نَفْسٍ لَقَدْ جِئْتُ شَيْئًا تَكْرًا {74} قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكَ إِنَّكَ لَنْ  
تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا {75} قَالَ إِنْ سَأَلْتَكَ عَنْ شَيْءٍ بَعْدَهَا فَلَا تُصَاحِبْنِي قَدْ بَلَغْتَ مِنْ  
لَدُنِّي عُذْرًا {76} فَانطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا أَتِيَا أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعَمَا أَهْلَهَا فَأَبَوْا أَنْ يُضَيِّقُواهُمَا  
فَوَجَدَا فِيهَا جِدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقُضَ فَاقَامَهُ قَالَ لَوْ شِئْتَ لَاتَّخَذْتَ عَلَيْهِ أَجْرًا {77} قَالَ  
هَذَا فِرَاقُ بَيْنِي وَبَيْنِكَ سَأَتَّبِعُكَ بِتَأْوِيلِ مَا لَمْ تَسْتَطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا {78} أَمَا السَّفِينَةُ  
فَكَانَتْ لِمَسَاكِينٍ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرَدَتْ أَنْ أَعْيِبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ  
سَفِينَةٍ غَصْبًا {79} وَأَمَّا الْغُلَامُ فَكَانَ أَبَوَاهُ مُؤْمِنِينَ فَخَشِينَا أَنْ يَرْهَقَهُمَا طُغْيَانًا  
وَكُفْرًا {80} فَأَرَدْنَا أَنْ يُبَدِّلَهُمَا رَبُّهُمَا خَيْرًا مِنْهُ زَكَاةً وَأَقْرَبَ رَحْمًا {81} وَأَمَّا  
الْجِدَارُ فَكَانَ لِغُلَامَيْنِ يَتِيمَيْنِ فِي الْمَدِينَةِ وَكَانَ تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَا صَالِحًا  
فَأَرَادَ رَبُّكَ أَنْ يَبْلُغَا أَشُدَّهُمَا وَيَسْتَخْرِجَا كَنْزَهُمَا رَحْمَةً مِّنْ رَبِّكَ وَمَا فَعَلْتَهُ عَنْ أَمْرِي  
ذَلِكَ تَأْوِيلُ مَا لَمْ تَسْطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا {82}

Мазмуни: «Мусо ўз йигитига (шоғирди Ювшаъ ибн Нунга): «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман», — деган пайтини эслангиз.

Қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиқ) ден-

гиз қаърига йўл олди. Бас, қачонки (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: «Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик», — деди. У (Ювшаъ) айтди: «Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни унутибман. (Буни сизга) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди. У (балиқ) денгизга йўл олибди, ажабо!» (Мусо) деди: «Мана шу биз истаган нарса эди». Сўнгра (Хизрни) қидириб, изларига қайтдилар.

Бас, бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик. Мусо унга: «Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» — деди. У (Хизр) айтди: «Аниқки, сен мен билан бирга (илм муаммоларига) сабр қила олмайсан. (Зотан) ўзинг эгаллаб хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?!» (Мусо) деди: «Иншааллоҳ, сен менинг сабрли эканимни кўрурсан. Мен бирор ишда сенга итоатсизлик қилмасман». У (Хизр) айтди: «Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча, бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин!»

Бас, иккиси йўлга тушдилар. Бориб бир кемага минишлари билан (Хизр кемани) тешиб кўйди. (Мусо) айтди: «Одамларини фарқ қилиш учун уни тешдингми?! Жуда ножўя иш қилдинг-ку!» У (Хизр) деди: «Мен билан бирга сабр қилишга тоқатинг сира етмайди, демаганмидим?!» (Мусо) айтди: «Унутганим учун мени айбламагин ва бу ишим сабабли мени машаққатга дучор ҳам қилмагин!» Сўнгра яна йўлга тушдилар. Бориб бир болани учратганларида (Хизр) уни қатл этди. (Буни кўрган Мусо) деди: «Ҳеч кимни ўлдирмаган бир бегуноҳ жонни ўлдиридинг-а?! Ҳақиқатан, (сен) хунук иш қилдинг!» У (Хизр) деди: «Сенга мен билан бирга сабр қилишга сира тоқатинг етмас, демаганмидим?!» (Мусо) деди: «Агар бундан кейин сендан бирор нарса ҳақида сўрасам, менга ҳамроҳ

бўлмагин. Мен томондан узр (қабул қилиш меъёри)га етган бўлурсан». Сўнгра (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб, улардан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: «Агар хоҳласанг, бу (ишинг) учун ҳақ олишинг мумкин эди».

У (Хизр) айтди: «Мана шу сен билан менинг ажрашимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)дан огоҳ қилурман: кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча (бутун) кемаларни тортиб олаётган бир подшоҳ бор эди.

Ҳалиги боланинг эса, ота-онаси мўмин кишилар эди. Бас, биз у (бола) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик. Шу сабабдан, уларга Парвардигорлари у (бола)дан кўра покизароқ ва ундан кўра меҳрибонроқ (бошқа бир болани) бадал (эваз) қилиб беришини истадик.

Энди девор эса, шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг отаси солиҳ киши эди. Бас, Раббинг улар вояга етиб, Раббингнинг раҳмати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу (ишларни) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)» **(Каҳф сураси, 60—82-оятлар).**

Мусо алайҳиссалом билан Ҳизр ўртасида бўлиб ўтган бу воқеанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан боғлиқлик жойи бор эди:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан учта савол сўралганда «Иншааллоҳ, жавобини эртага айтаман!» демаганлари учун мушриклар олдида қийин аҳволга тушгандилар. Ўн беш кун давом этган машаққатлардан кейин

келган ваҳий бундан кейин ҳар бир иш олдидан «Аллоҳ хоҳласа!» — демай, сўз бермаслик лозимлигини англатганди.

Ҳазрат Мусо алайҳиссаломнинг ҳолатлари ҳам худди шундай эди. Улар ҳам ишни Аллоҳга ҳавола этмасдан, яъни «Аллоҳ билади!» — демай гапиргандилар. Бунинг натижасида узоқ ва машаққатли сафарга чиқарилган ва Хизр томонидан айтилган қуш билан боғлиқ ҳикмат орқали танбеҳ берилганди.

\* \* \*

Даве қабиласидан шикоят қилиб келган Ҳазрат Туфайл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оталари ва хотинларининг мусулмон бўлишганини хабар қилдилар. Бироқ, қавмлари Исломга қилинган даъватга эътиборсиз муносабатда бўлишганларини, шу боис кўнгиллари қаттиқ оғриганини ҳам қўшимча қилдилар:

— Ё Расулуллоҳ, Даве қабиласи мени мазах қилишди, гапимни ҳеч тушунишмади. Илтимос, уларни ўзингиз баддуо қилинг!

Фаҳри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини осмонга кўтардилар:

— Аллоҳим, Даве қабиласи одамларини ҳидоятга йўлла! Уларга шафқат қилиб, тўғри йўл кўрсат! — дея ёлвордилар. Сўнг ҳазрат Туфайлга қараб:

— Қани, энди қавминг ёнига қайт. — Уларни ҳақ йўлга даъват қил. Юмшоқ муомалада бўл, гўзал сўзлар билан хушхабар бер! — дедилар.

Ҳазрат Туфайл хайрлашиб йўлга тушдилар.

Бу сафар даъват қилиш услублари ўзгарганди. Буйруқ бергандек гапирган Ҳазрат Туфайл энди ширин сўзлар билан, кулар юз билан Исломга даъват қила бошладилар. Бу дин Даве қабиласи орасида жуда тез ёйила бошлади.

Одамлар тошларга қуллик қилишдан қутулдилар.

Кунларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларидаги олтига биродарлари билан суҳбат қилиб ўтиргандилар. Булар Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос, Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ҳазрат Билол ибн Рабоҳ, Ҳазрат Суҳайб, Ҳазрат Ҳаббоб ибн Арот ва Аммор ибн Ёсирлар эди.

Уларнинг олдига бир одам келди.

— Қурайшнинг катталари сен билан учрашишга келишмоқда.

— Келаверинсин, гаплашамиз!

— Бироқ!.. — дея дудуқланди ҳалиги одам. Кўзлари билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига бирма-бир қараб чиқди. — Улар бу ялангоёқлар билан бир ерда ўтиришмайди. Агар буларни ёнингдан қувиб юборсанг, сен билан гаплашадилар.

Чақирганлар улар ростдан ҳам мусулмон бўлмоқчи эдиларми, ёки бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қўйилган тузоқмиди? Шунча йилдан буён ниймонларини муҳофаза қилиш учун ақлга сиғмайдиган қийноқларга ҳам кўниб келаётган инсонларга қарата:

— Қани, бу ердан тезда жўнаб қолинглар. Ҳозир менинг олдимга бой-бадавлат одамлар келади, — дейиш керакмиди?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келган одамга:

— Йўқ, буларни қувиб юбормайман! — демадилар. Тўғрироғи, шундай деб айтишга улгурмадилар ҳам. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларига қараган саҳобалар Жаброил алайҳиссалом келганини, Парвардигорнинг фармонини уларга айтаётганини фаҳмлашди.

Ниҳоят, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келган ваҳийни дона-дона қилиб ўқидилар:

وَلَا تَطْرُدِ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ مَا عَلَيْكَ مِنْ  
حِسَابِهِمْ مِّنْ شَيْءٍ وَمَا مِنْ حِسَابِكَ عَلَيْهِمْ مِّنْ شَيْءٍ فَتَطْرُدَهُمْ فَتَكُونَ مِنَ الظَّالِمِينَ  
{52}

Мазмуни: «Эртаю кеч (доимо) Парвардигорларининг «юзи»ни истаб, Унга дуо (ибодат) қилаётганларни (хузурингиздан) ҳайдаманг! Сиз уларнинг (ишлари) ҳисоботидан бирор нарсага (масъул) эмассиз. Улар (ҳам) Сизнинг (ишларингиз) ҳисоботидан бирор нарсага (масъул) эмаслар. Уларни ҳайдаб, ситамкорлардан бўлиб қолманг!» (Анъом сураси, 52-оят).

Бу жавоб мушрикларга етиб борганида бир қаттиқ кулгу овозлари эшитилди.

— Орамизда Аллоҳнинг иноятига лойиқ бўлганлар ўшалар эканми?! Бу қанақаси? Абу Жаҳл, Валид ва Утба каби бир ишораси билан бутун қабилани оёққа тургизадиган кишилар бир четда қолиб, қаёқдаги Абдуллоҳ ибн Масъудга ўхшаган қўйчи, Билол ибн Рабоҳ каби кечки овқатга нима ейишини билмайдиган қуллар, Аммордек устига кийишга кийими бўлмаган бечоралар Аллоҳнинг иззат-икромига лойиқ бўлармикан?!

Бу гап куннинг бош мавзусига айланганди. Мушриклар қаердаки бирор мўмин-мусулмонни кўриб қолишса мазах қилишга киришиб кетардилар.

— Эй Аллоҳнинг иззат-икромига сазовор бўлган киши, эй шараф эгаси, бизга ҳам ўз шарафингдан озроқ бер! — деб калака қилишарди.

Бу каби истехзою мазах қилишлар мўминларни йўлдан оздира олмади. Аллоҳ таоло улар ҳақида оят нозил қилиб шарафлантирган экан, бу мушриклар уларнинг шарафларини икки дунёда ҳам тортиб ололмасдилар.

Кўп ўтмай, Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига қўйидаги ояти каримани ўқиб бердилар:

وَكذلك فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِيَقُولُوا أَهؤُلاءِ مَنَ اللهُ عَلَیْهِم مِّنَ بَیْننا أَلِیسَ اللهُ  
 بِأَعْلَمَ بِالشَّاكِرِینَ {53} وَإِذا جاءَكَ الَّذِینَ یُؤْمِنونَ بِآیاتِنا فَقُلْ سَلامٌ عَلَیْكُمْ كُتِبَ رَبُّكُمْ  
 عَلَی نَفْسِهِ الرَّحْمَةُ أَنَّهُ مَنَ عَمِلَ مَنكُمُ سَوءًا بِجَهاةٍ ثَمَّ تَآبَ مَن بَعَدَهُ وَأَصْلَحَ فَأَنَّهُ  
 غَفورٌ رَّحِیمٌ {54}

Мазмуни: «Бизларнинг ичимиздан (келиб-келиб) Аллоҳ ўшаларга неъмат ато этибдими?!» — дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Шукр қилувчилар (ким экани)ни Аллоҳ билувчироқ эмасми?!

Ҳузурингизга оятларимизга иймон келтираётганлар келганларида, айтинг: «Сизларга салом (саломатлик)! Раббингиз раҳмат (қилиш)ни Ўзига ёзди: сизлардан кимки жоҳилликда ёмонлик (гуноҳ иш) қилган бўлиб, сўнгра ўша (гуноҳи)дан кейин тавба қилиб, (ўзини) ислоҳ этса, бас, албатта, У кечиримли ва раҳмлидир» (**Анъом сураси, 53—54-оятлар**).

Ўзаро гап сотишаётганларида мушриклар ҳали ҳам шу мавзунга гапиришарди. Улардан бири:

— Бу масала энди жиддийлик чегарасидан чиқиб кетди. Агар ҳақ ва тўғри дин бўлганида бу ялангоёқлардан олдин уни биз қабул қилган бўлардик. Улар биздан олдин бу динга кирган экан, бу диннинг ботиллигини исбот қилувчи яна қандай далил керак сизларга? Ҳақ билан ботилни ажратиш шуларга қолибдими?!

Юқоридаги гап у ердагиларнинг ақл ва мантиқларига уйғун кўринди.

Унутилган ёки атай унутилгандек эътиборсиз қолдирилган жиҳат ақл ва бойлик ўртасидаги муносабат эди. «Бой бўлган киши ақлли ҳам бўлади, келажакни олдиндан кўра биледи. Ҳақ билан ботилни ҳам жуда яхши ажратади. Нима тўғри ва ҳақ бўлса олдин уларга маълум бўлади!» — демоқчи эдилар. «Бой ва аслзодаликнинг кўчасидан ҳам ўтиб кўрмаган Билолу Ҳаббоб кабилар хато устига хато қилишдан бошқа нимага ҳам ярардилар?!»

Уларнинг Утбаю Убайдан, Осдан, Валиддан ҳам обрў-эътиборли бўлиб кетишларига ким ҳам йўл қўярди, ким ҳам оғзини очиб бепарво қараб турарди?!»

Ташвиқот шу тахлит бошланди.

Мусулмон бўлганларни динларидан қайтаришнинг иложи йўқ эди. Бироқ, атрофдагиларни улардан қутқариб қолишнинг имкони бор эди. Ўлганларни тирилтира олишмасалар-да, тирикларни йўлга сола билар, уларнинг ўйламай бир қарорга келишларига тўсқинлик қила олишарди.

Бу тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораётганлар қай даражада самимий эдилар? Қилаётган ишларининг тўғри эканига ўзлари ишонардиларми? Ёки бу ишни мўминларни хорлаш, Ислом динини ботил дин сифатида кўрсатиш учун қилаётганмиди?

Шу кунгача айтгани айтган, дегани деган бўлиб яшган ҳаётларини ўзгариб кетишидан ва ўзларини Ҳазрат Билол, Ҳазрат Аммор ва Ҳазрат Ҳаббоблар билан бир даражага тушиб қолишидан қаттиқ кўрқувга тушганлари боис ҳам бу тарғиботни бошлагандилар. Улар ҳақида Аллоҳ таоло Қурони каримда шундай дейди:

وقال الذين كفروا للذين آمنوا لو كان خيراً ما سبقونا إليه وإذ لم يهتدوا به  
فسيقولون هذا افكٌ قديمٌ {11}

Мазмуни: «Кофир бўлганлар иймон келтирганлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эдилар», — дедилар. Улар ўзлари у (Қуръон) билан ҳидоят топишмагач: «Бу эски уйдирмадир», — дерлар» **(Аҳкоф сураси, 11-оят).**

\* \* \*

- Эй Муҳаммад, сенга таклифимиз бор.
- Қандай таклиф экан?

– Сен шу пайтгача бизлар тушимизда ҳам кўрмаган бир динни олиб келдинг. Олдин бизга Раббинг ҳақида маълумот бер. Унинг сифатлари қандай?

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Ихлос сурасини ўқидилар:

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ {1} اللَّهُ الصَّمَدُ {2} لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ {3} وَلَمْ يَكُن لَّهُ كُفُوًا أَحَدٌ

{4}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ Самад (эҳтиёжсиз, ҳожатбарор)дир. У тулмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенгги йўқдир» (Ихлос сураси, 1–4-оятлар).

Қисқа, бироқ лўнда таъриф эди бу. Ўша даврнинг одамлари учун етарлича билим бера оладиган, юз йиллардан кейин келадиган илму ирфон соҳиблари бўлган олимларни-да ҳайратга соладиган таъриф!..

Зеҳилари бутларнинг оёқлари остида эзгиланганлар бу сўзларнинг маъносини ҳис қила олишмади. Ҳаттоки:

– Маъбуд ҳам шундай бўларканми?! – деганлар ҳам бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қуйндаги оятни каримани ўқидилар:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ ضَرْبٌ مِّثْلَ فَاسْتَمِعُوا لَهُ إِنْ الدِّينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا  
ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ وَإِنْ يَسْلُبْهُمُ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَفِيدُوهُ مِنْهُ ضَعُفَ الطَّالِبِ  
وَالْمَطْلُوبِ {73}

Мазмуни: «Эй инсонлар! (Сизларга) зарбулмасал қилинди. Бас, унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб, сизгинаётган нарсаларингизнинг барчаси бирлашганда ҳам, бир пашшани ярата олмаслар, агар пашша улардан бирор нарсани тортиб олса, уни ундан айириб ололмастар. Талаб қилувчи ҳам, талаб этилувчи (бутлар) ҳам заифлик қилурлар» (Ҳаж сураси, 73-оят).

Ҳақиқатнинг бу шаклда баён қилиниши мушрикларнинг ғазабини кўзгади. Лекин бу пайтда ғазабланиш керакмиди?!

«Ҳақиқат сен ўйлагандек эмас, хоҳласанг ўзинг келиб кўр!» — дейишлари. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаерда хаго қилаётганларини айтиб, исботлашлари керак эмасмиди? Мисол учун бирор бутни олдига бориб, уни юргизиб, саволларга жавоб бердиртириб кўришлари керак эмасмиди? Уларнинг фикрича, Маъбуд дея аталиб, Каъба атрофига чиройли қилиб териб қўйилган бу тошлар неча-неча йиллардан буён турган жойларидан бир қадам ҳам жилган эмас, олдида қилинаётган тоат-ибодатларга бир марта бўлсин назар ташлаган эмас. Ўзларига қуллик қилаётган мушрикларнинг рўпараларига чиқиб, «Нима қилаётганингизни ўзингиз ҳам, биз ҳам аниқ билмаймиз!» — деганлари ҳам йўқ эди.

\* \* \*

— Эй Муҳаммад, кел яхшиси, бир йил биргаликда бизнинг бутларга тошинайлик, кейинги йилда сенинг Раббингга қуллик қиламиз! Улардан қай бири ибодатимизга лойиқ эканлигини вақт кўрсатади!

Бу таклифни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки дунёда ҳам қабул қилмас эдилар. Агар қабул қилсалар, ўз вазифаларини инкор қилган бўлардилар.

قُلْ إِنِّي نَهَيْتُ أَنْ أَعْبُدَ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ قُلْ لَا أَتَّبِعُ أَهْوَاءَكُمْ قَدْ ضَلَلْتُ إِذَا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُهْتَدِينَ {56}

Мазмуни: «Айтинг: «Мен Аллоҳни кўйиб, сизлар сиғинаётган (маъбуда)ларга ибодат қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг хоҳишларингизга эргашмайман. Зеро, унда мен адашган бўлиб, ҳидоят топганлардан бўлмай қолурман» (Анъом сураси, 56-оят).

Пайгамбарлик келишидан олдинги ҳаётларида ҳам нафрат билан қараган бутларга Пайгамбар бўлганларидан кейин қандай қилиб сажда қилардилар?! Уларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам бут-санамларни оддий бир тош эканлигини инсонларга англатиш эмасмиди?

Кейинроқ Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳақ таолодан келган ва айнан мушрикларга сўзлаш буюрилган қуйидаги муборак сура ўқилди:

قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ {1} لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ {2} وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ  
{3} وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ {4} وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ {5} لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ  
{6}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Айтинг: «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага (бут ва санамларга) ибодат қилмасман. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчи эмасман. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз. Сизга — ўзингизнинг динингиз, менга — ўзимнинг диним» (Кафирун сураси, 1—6-оятлар).

\* \* \*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир фурсатини топиб, Қурайшнинг зодагонлари билан баҳс-мунозара қилдилар. Булар Утба, Шайба, Абу Жаҳл, Умайя ибн Ҳалаф, Валид ибн Мугийра ва шу каби кишилар эди. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Ислом динининг асосларини тушунтирардилар. Улар мусулмон бўлишса, қандай гўзал иш бўлар эди. Агар шундай бўлса, берк эшиклар ўз-ўзидан очилар, кўрққанидан индамай юрган софдил кишилар ҳам мўминлик шарафига эришардилар. Ҳеч бўлмаганда, Маккада Ислом динини бемалол тарғиб қилишга имкон туғилар, мусулмонлар қийноқлардан, мазахлардан қутилардилар.

Суҳбат авжига чиққан бир пайт эди.

— Ё Расулulloҳ, Аллоҳнинг сизга берган илмидан менга ҳам таълим беринг!..

Келган одам Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактум эдилар. Уларнинг кўзлари кўр эди. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат овозларини эшиттар, лекин кимлар билан гаплашиб турганларидан беҳабар эдилар. Ҳар доимгидек Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кулар юз билан, ширин сўзлар билан қаршилашларини кутиб тургандилар, лекин иш бундай кечмади. Суҳбат давом этаверди.

— Марҳамат, эй Умму Мактумнинг ўғли! — дейилмади.

Гарчи уларга жавоб қайтарилмаган бўлса-да, бу ерда айнан «Менга таълим беринг!» — деган мавзуда гап кетаётганди. Бир четга ўтириб жимгина эшитганларида ҳам мақсадларига эришган бўлар эдилар.

— Ё Расулulloҳ, Буюк Раббим ўргатганларини менга ҳам ўргатинг!

Яна жавоб бўлмади. У ердагилар ҳам «Бир четга ўтир, яхшилаб эшитсанг, сен сўраган мавзуда суҳбат бўлаяпти. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳозир жуда бандлар!» — деб айтишмади. Ахир, Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактум билан бир соатлардан кейин ҳам суҳбатлашишса бўларди-ку!

Бунинг устига Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактум «Икки марта мурожаат қилдим, жавоб бермадилар. Балки бунда бирор ҳикмат бордир!» — деб ўйлашлари ҳам мумкин эди.

Лекин буларнинг ҳеч бири бўлмади. Бу сафар улар овозини яна-да кўтардилар:

— Ё Набийюллоҳ, Аллоҳ сизга ўргатган илмлардан менга ҳам айтинг! — дея бақирдилар.

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳодиса қаршисида ғамга ботдилар. «Бироз сабр қилиб турса бўлади-ку!» — дегандек қовоқларини уйиб олдилар, бошларини бошқа томонга бурдилар.

Мушриклар ўринларида туриб кетишаркан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ваҳий ҳолати қамраб олди.

Ниҳоят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзлари Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни ахтардилар. Уларга табассум билан қарадилар. Уша ердаги саҳобалар келган ваҳийнинг Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактум билан қандайдир алоқаси борлигини сезишди. Келган ваҳий дона-дона қилиб ўқилди, бу Абаса сураси эди:

عيس و تولى {1} ان جاءه الاعمى {2} وما يدريك لعله يزكى {3} او يذكر  
فتنفعه الذكرى {4} اما من استغنى {5} فانت له تصدى {6} وما عليك الا يزكى  
{7} واما من جاءك يسعى {8} وهو يخشى {9} فانت عنه تلهى {10} كلا انها  
تذكرة {11} فمن شاء ذكره {12}

Мазмуни: «(Муҳаммаднинг) қовоғи уюлди ва юз ўгирди. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди. (Эй Муҳаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол, у (Сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) покланар ёки эслатма олар-да, сўнгра бу эслатма унга фойда берар?! Аммо (Сизни машғул қилган) бой кимсага эса, бас, Сиз (эътибор бериб) мутасаддилик қилмоқдасиз. Ҳолбуки, унинг (ўз куфридан) покланмаслиги Сизга зарарли эмас эди. Энди, олдингизга югурган ҳолда (Аллоҳдан) қўрқиб келган киши эса, бас, Сиз ундан чалғимоқдасиз. Йўқ! (Бундай қилманг!) Албатта, улар (Қуръон оятлари) айни эслатмадир. Бас, ким хоҳласа, (уни) ёд этар» **(Абаса сураси, 1–12-оятлар).**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолодан бир танбеҳ олгандилар. Ҳолбуки, уларнинг Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактумдан жаҳллари чиқмаган, бор-йўғи мушрикларнинг Исломни қабул қилишларидан умидлангандилар.

Шундай аҳволда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сабр қилдилар, чунки одамлар улар-

дан энг огир вазиятларда ҳам фақатгина гўзал муомалада кўришганди. Набийни Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу пайтда Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактумга «Қилган ишинг билан Аллоҳдан менга гап эшиттирдинг!» — демадилар. Дўстларидан ўша ерда бўлганларга «Менинг банд эканимни кўриб тургандингиз, нима учун уни жим қилмадинглар?» деб ҳам айтмадилар. Устларидаги ҳирқаларини ечиб, ерга тўшадилар ва:

— Эй Раббимдан менга танбеҳ олиб берган шарафли инсон! — дея уларга лутф кўрсатиб, икром қилдилар. Кўнгилларини оладиган гаплардан айтдилар.

Шундан сўнг Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинидан жой олдилар, алоҳида ҳурматга сазовор бўлдилар. Ҳар келганларида шахсан Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳирқаларини ерга тўшаб, уларни ўтиришга таклиф қиладиган бўлдилар.

Кўзлари ожиз бир одамга вақтида жавоб бермаганлари учун Пайгамбарлар Саййиди соллаллоҳу алайҳи васалламга танбеҳ берилади деб ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Ўн саккиз минг олам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматлари учун яратилган бўла туриб, биргина одамни менсимаслик ҳаттоки пайгамбарларга ҳам мумкин эмаслигини Аллоҳ таоло кўрсатиб қўймадими?!

Ҳолбуки, бу ерда на менсимаслик бор эди, на бепарволик. Бироқ, Аллоҳ таоло Расулнинг бир онга бўлса-да эътиборсиз қолишини истамади. Агар у Буюк Пайгамбар ва улкан вазифа билан машғул бўлса ҳам!..

\* \* \*

فَإِذَا جَاءَتِ الصَّاحَّةُ {33} يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ {34} وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ {35}  
 وَصَاحِبَتِهِ وَبَنِيهِ {36} لِكُلِّ امْرِئٍ مِّنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ يُغْنِيهِ {37} وَجُودٌ يَوْمَئِذٍ مُّسْفَرَةٌ  
 {38} ضَاحِكَةٌ مُّسْتَبْشِرَةٌ {39} وَوُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ عَلَيْهَا غَبَرَةٌ {40} تَرْهَقُهَا قَتَرَةٌ  
 {41} أُولَئِكَ هُمُ الْكُفَرَةُ الْفَجْرَةُ {42}

Мазмуни: «Бас, қачонки, (қулоқларни) қар қилувчи (чинқириқ) келганда (Сур иккинчи марта чалинганда), ўша кун киши ўз биродаридан қочур. Яна онаси ва отасидан ҳам, хотини ва ўғилларидан ҳам (қочур). (Чунки) у кунда улардан ҳар бир кишида ўзига старли нарса (ташвиш) бўлур. У кунда (баъзи) юзлар ёруғ, шоду хурам (бўлур). У кунда (бошқа бир) юзлар узра губор бўлиб, уларни қоралик қоплар. Ана ўшалар (дунёда яшаган пайтларида фиску) фужур қилувчи кофирларнинг ўзидирлар» **(Абаса сураси 33–42-оятлар)**.

Сура юқоридаги оятлар билан ниҳояланарди.

Кўнгиллар бўшашиб кетди. Қуръони каримнинг гўзал ифодаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзларидан эшитганларнинг юзларида қайғу ва безовталиқ белгилари зоҳир бўла бошлади. Бугун бир гул каби суйилган, бағирларига босган болаларидан, кўксиларига бошларини қўйганда диллар ором оладиган оналаридан, бир қориндан талашиб тушган, бир отадан туғилган ака-укаларидан, бир ёстиққа бош қўйган эру хотинлар бир-бирларидан қиёмат кунда қочардилар.

Бу қочишнинг сабаби нима эди?

Чунки ҳар бири муҳтож, ҳар бирининг бошқасидан оладиган, кутган нимасидир бор. Ўзини қутқара олмайдиган инсон бошқаларга қандай қилиб ёрдам бера оларди?!

Албатта, ўша кунларда кулган, хотиржам юзлар ҳам бўлади, лекин бу юз эгалари кимлар?..

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиёмат кундан баҳс этадиган, инсонларнинг ўлгандан сўнг тирилиши борасидаги мавзуда гап борадиган оятларни эълон қилишлари Қурайш катталарининг таъбини тирриқ қилганди.

\* \* \*

– Қиёмат ҳеч қачон келмайди, тушундингми? Ҳеч қачон!..

Бу гапни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишаркан, мушриклар худди ҳеч ким билмайдиган ҳақиқатни ўргатаётгандек, унутилган нарсани эслатиб қўяётгандек ва бунга ишонтиришга астойдил интилаётгандек кўринардилар. Гуёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга мутлақо таслим бўлганча:

— Сизларни жуда яхши тушундим. Қиёмат ростдан ҳам бўлмас экан. Мен янглишибман, шекилли! — дейишлари керак эди.

Мушриклар Маккага ташқаридан келганларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан иложи борича узоқ тутишга интилишарди.

— Агар истасангиз, ўлиб чиригандан кейин, вужудингизнинг ҳар бир зарраси йўқ бўлиб кетгач, яна тирилишингизни айтадиган бир одам билан учраштирамиз! — дейишар, мусофирларнинг қизиқишларини оширгач, шундай қўшимча қилишарди: — У Аллоҳга исён қилмоқдами, ёки ақлдан озганми, биз буни билмаймиз!

Улар ҳақпараст, самимий инсон қиёфасига киришар, ўзларини мусофирларни дуч келиши мумкин бўлган «бало»дан қутқариш учун астойдил тиришаётгандек тутишарди.

## ЧИРИГАН СУЯКЛАР

Убай ибн Ҳалаф қўлидаги белкуракни бир четга улоқтирди, пешонасидаги терларни артиб, тупроқ орасидаги чириб кетган суякка узанди.

Суяк шу даражада чиригандики, бармоқларида тупроқ каби майдаланиб кетиши мумкин эди. Балки бу суяк юз йиллар олдин вафот этган одамга тегишлидир...

У тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига қараб йўлга тушди.

«Кирган йўлингнинг охири йўқ, мантиқсиз ишлар билан шугулланиб, халқни ҳам йўлдан оздирмоқдасан!» — демоқчи эди.

Убай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни топди, қўлидаги суякни кўрсатиб, кафтига қўйди. Кейин уни бармоқлари билан эзгилаб бошқа кафтига солди. Тупроқ ҳолига келган суякни пуфлаб ҳавога совургач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаттиқ тикилганча:

— Қани менга айт-чи, эй Муҳаммад! — деди. — Буларни ким қайта тирилтира олади?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол жавоб қайтардилар:

— Уларни Аллоҳ тирилтиради, сени эса жаҳаннамга тикади!..

Бундай жавобни сира кутмаган Убай шошиб қолди. Уни «Сени эса жаҳаннамга тикади!» — деган гап адо қилганди.

Охиратга ишонмаса-да, бу сўзларнинг аниқ амалга ошишини англатган бир туйғу унинг қалбига ўқ каби санчилганди.

Аслида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан душманлик қилишдан бошқа ўй-фикри бўлмаган Убайнинг нафрати яна ҳам оловланди.

Убай ибн Ҳалаф у ердан жўнади. Адоват ва кинга тўлган юраги уни қаерга бошлаб кетаётганидан ўзи ҳам

беҳабар эди. Убайнинг бу қилмиши малакут оламида яхши қаршиланмади. Жаброил алайҳиссалом Ёсин сура-сининг охирги оятларини олиб тушди:

اولم ير الإنسان أنا خلقناه من نطفة فإذا هو خصيم مبين {77} وضرب لنا  
مثلاً ونسي خلقه قال من يحيى العظام وهي رميم {78} قل يحييها الذي أنشأها أول  
مرة وهو بكل خلق عليم {79} الذي جعل لكم من الشجر الأخضر نارا فإذا أنتم منه  
توقدون {80} أوليس الذي خلق السماوات والأرض بقادر على أن يخلق مثلهم بلى  
وهو الخالق العظيم {81} إنما أمره إذا أراد شيئا أن يقول له كن فيكون {82}  
فسبحان الذي بيده ملكوت كل شيء وإليه ترجعون {83}

Мазмуни: «Инсон (кофир), Биз уни нутфадан (бир томчи шаҳват сувидан) яратганимизни, энди эса, у бирданига (Ўзимизга) ошкора хусумат қилувчи бўлиб қолганини кўрмадими?! У Бизга: «Чириб кетган суяклар-ни ким ҳам тирилтира олур?» – деб, нақл келтирди-ю, (аммо) ўзининг (қандай) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад!) Айтнинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб пайдо қилган Зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У турли хил яратиш(лар)ни билувчидир». У сизлар учун яшил да-рахтдан олов пайдо қилган Зотдир. Бас, сизлар ўшан-дан олов ёқурсизлар. Осмонлар ва Ерни яратган Зот яна (қайтадан) уларнинг худди ўзидек яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта, қодирдир). У Халлоқ (яратувчи) ва Алим (билувчи)дир. Бирор нарса (яратиш)ни прода қилганида, Унинг иши фақатгина: «Бўл!» дейишдир. У (нарса) эса бўлур (вужудга келур). Бас, барча нарсанинг эгалиги Ўз «қўли»да бўлган (Аллоҳ)га тасбеҳ (айтилурур) ва (қиёматда) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз!» (Ёсин сураси, 77–83-оятлар).

Убай ибн Ҳалаб «Сени эса жаҳаннамга тикади!» де-ган гапнинг таъсирида зўрға қадам ташлаб бораркан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан юқоридаги оятларни эшитди. Бўйнига тегирмон тоши осилгандек ҳис қилди ўзини. Худди тош кўтариб аранг кетаётган одамга ўхшарди.

– Эй Муҳаммад! Бир тулпорим бор. Уни яхшилаб парвариш қиялпман. Устига минганча сен билан жанг қиламан ва сени ўлдираман! Шунини ҳеч қачон эсингдан чиқарма! – деди.

– Аксинча, сени ўзим ўлдираман, эй Убай!

– Бунисини вақт кўрсатади.

Бу гапга шубҳа қилиш мумкинми? Қанчадан-қанча одамлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор марта ёлғон сўзлаганларини эшитишганими?!

Ўша оқшом Убай уйига жуда паришон ҳолда кириб борди. Сабабини сўрадилар, жавоб бермади. Қайта-қайта илтимос қилинавергач, худди бошқа бир оламда туриб гапираётгандек сўзлади:

– Бугун Муҳаммад ибн Абдуллоҳ менга «Сени ўлдираман!» – деб айтди.

– Шунга ҳам эътибор бериб ўтирибсанми?!

– Ҳақсан, бироқ Муҳаммад рост бўлмаган гапни ҳеч қачон тилига олмайди.

\* \* \*

Азд-шануа қабиласи вакиллари билан бўлган Димод Маккага келган пайтида қурайшликлар ҳали ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўғрисида бўхтон уюштириш билан банд эдилар.

– Эҳтиёт бўл, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнига бора кўрма, эй Димод!

– Қурайшлик биродар, нима учун бундай деяпсан?

– Чунки у ақлдан озган, ўта кучли сеҳргар.

– Мен одамларни бир кўришдаёқ соғ ёки ақлдан озганлигини ажрата оламан. Чунки бу умрим тентаклар-ла гаплашиш билан ўтди.

– Яхши, эй Димод! Шундай бўлса-да ўзингга эҳтиёт бўл. Агар унга бир марта туртинсанг, бир умр ўзингга кела олмай юрасан.

– Маслаҳатинг учун миннатдорман.

Иккиси ҳам ўз йўлига равона бўлишди. Димод Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келди. Ўзини таништирди.

— Мен жуда кўп беморларни кўрганман. Уларнинг кўпчилиги менинг қўлимдан даво топишган. Аллоҳ кимнинг тузалишини истаса у, албатта, тузалади. Хоҳлайсанми, сендаги девоналикни ҳам даволашга ҳаракат қилиб кўраман?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жавобан куйидаги гапларни айтдилар:

— Ҳамд оламлар Парвардигорига бўлсин! Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймиз. Аллоҳ кимга ҳидоят берса, уни тўғри йўлдан ҳеч ким адаштира олмайди. Залолатга ташлаб қўйса, токи Ўзи хоҳламагунча, уни ҳеч ким ҳидоятга бошлай олмас. Мен гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги ва ўртоғи ҳам йўқдир.

Димод мукамаллик намунаси бўлган бу сўзларни диққат билан эшитди.

— Бу сўзларни яна қайтадан такрорлай оласанми, эй Муҳаммад?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқорида айтган гапларини айнан такрорладилар.

Димод бошини эккан кўйи жим тинглади. Бир муддат бу сўзларни ақл тарозисига солиб кўрди. Кейин:

— Яна бир бора такрорла!.. — деди ҳаяжон билан.

Юқоридаги гап яна такрорланди, яна тингланди, охири Димод:

— Қасам ичиб айтаманки, мен сеҳргарлар билан, коҳинлар билан кўп бора учрашдим. Улар билан жуда кўп гаплашдим. Лекин шунга ўхшаш каломни бошқа ҳеч бир ерда эшитмадим. Қўлларингизни менга беринг, мен Исломни қабул қилиб мусулмон бўлмоқчиман! — деди.

Димод бу ерда ҳам ўз номидан ҳам қавми номидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилиб, ўз қабиласига қайтиб кетди.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бир воқеани шундай ҳикоя қиладилар:

– Набийин Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга «Аллоҳ таоло наздида энг катта гуноҳ қандай гуноҳ?» – дея савол бердим.

– Аллоҳга ширк келтириш, яъни Унинг шериклари бор деб айтиш, – дедилар.

– Ундан кейин қай бири? – дедим.

– Боқа олмасликдан кўрқиб ўз боласини ўлдирш, – дедилар.

– Ундан кейин қайси бири, ё Расулуллоҳ?

– Қўшнининг аёли билан зино қилишдир, – деб марҳамат қилдилар.

Фисқу фасод йўлидан юриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши чиққан, тўғри йўлга киришдан бўйин товлаганларнинг ҳолати қуйидагича баён этилди:

ويوم يعرض الظالم على يديه يقول يا ليتني اتخذت مع الرسول سبيلا {27} يا ويلتي ليتني لم اتخذ فلانا خليلا {28} لقد أضلني عن الذكر بعد إذ جاءني وكان الشيطان للإنسان خذولا {29}

Мазмуни: «У кунда золим кўлларини (бармоқларини) тишлаб (пушаймон қилиб), дер: «Эҳ, қани эди, мен ҳам пайғамбар билан бирга бир йўлни тутганимда! Ҳолимга вой! Кошки эди, фалончи (гумроҳ)ни дўст тутмаганимда! Аниқки, менга эслатма (Қуръон) келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди». (У кунда) шайтон (ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз кўювчидир» **(Фурқон сураси, 27–29-оятлар).**

Бу орада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари ҳам саҳобаларнинг қалбларига нақш бўлиб муҳрланди:

— Яхши дўст билан ёмон дўст худди мушк-анбар сотувчи одам билан исириқ сотадиган одамга ўхшайди. Мушк сотувчидан ё сен мушк сотиб оласан, ёки у сенга ҳадя қилади. Ҳеч бўлмаганда ёнида турганинг учун ундан келаётган муаттар ҳидлардан баҳра оласан. Исириқ сотувчи билан яқин бўлсанг, ё у сенинг кийимингни ёқиб юборади, ёки унинг балбўй ҳидидан ҳидлашга мажбур бўласан.

Мўминларнинг одоб-ахлоқи, қурайшликларга нисбатан қандай муносабатда бўлишлари лозимлиги Фурқон сурасида баён қилинди. Шу билан бирга бу сурада хушхулқ мўмин қандай бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар берилганди:

وَعِبَادِ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا {63} وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا {64} وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا {65} إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا {66} وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا {67} وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا {68} يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِ مُهَانًا {69}

Мазмуни: «Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда «Саломатлик бўлсин!» — деб жавоб қиладиган кишилардир.

Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ватик турган (ибодат билан бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир.

Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф этгин. Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон мақомдир», — дейдиган кишилардир.

Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида — мўътадилдир. Улар Аллоҳга кўшиб, бошқа «илоҳ»га илтижо

қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар.

Ким мана шу (гуноҳлар)ни (иймонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (уқубатга) учрар, қиёмат кунда унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур» **(Фурқон сураси, 63–69-оятлар).**

Бу оятлар жуда кўп мўминларни ўйлантириб қўйди. Кўзларга қараб бу кўз эгаларининг қаттиқ азобланаётганларини сезиш қийин эмасди. То ёшлик йилларидан буён ўтган умрлар бирма-бир сарҳисоб қилинди. Виждонни қийноққа солгувчи, уялиш туйғуларини уйғотадиган хотиралар эди бу!..

Эгилиб қолган бошлар, бир зумда кулишнинг нима-лигини унутиб қўйган кўзлар, чуқур-чуқур олинган нафаслар уларнинг қай аҳволда эканликларини билдириб турарди. Фақат тарих қоронғуликларида қолиб кетган ва бундан сўнг ҳеч қачон такрорланмайдиган гуноҳлар уларнинг зеҳнларида жонланиб, «Мен бу ерданман, мен бу ерданман!» — дегандек кўз олдиларидан кетмай қолганди. Бу ишларга неча-неча йиллар бўлган эса-да, жазо ва мукофот берадиган буюк Аллоҳ ҳар бир ишни жуда аниқ ва равшан билгувчи эди.

Ўша кеча асҳоби икромдан кўпчилиги ухлай олишмади. Қийноқ ичидаги виждонларга уйқу малҳам бўла олмади. Ҳар тарафга ағдарилганча мижжа қоқишмади.

Охир-оқибат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига боришга аҳд қилдилар.

— Ё Расулуллоҳ, дардларимизга бирор чора топинг, жуда оғир аҳволда қолдик! — дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан сабабини сўраганларида саҳобалар қуйидагича жавоб беришди:

— Биз жоҳилият даврида зино қилдик, одам ўлдирдик. Аллоҳни қўйиб, бут ва санамларга кўп бора сажда қилдик. Яна кўплаб гуноҳларимиз борки, улар бизни эзиб қўйди! — дедилар.

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавоб беришлари шарт бўлмай қолди. Жаброил алайҳиссалом шу ерга келгандилар. Мўминларнинг шафоатчиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига табассум югурди. Келтирган ваҳийни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

الَّا مِنْ تَابٍ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا {70} وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا {71} وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا {72} وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخْرُوا عَلَيْهَا ضُمًّا وَعُغْمِيَانًا {73} وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا فَرَّةً أُغْنِ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا {74} أُولَئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا تَحِيَّةً وَسَلَامًا {75} خَالِدِينَ فِيهَا حَسُنَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا {76} قُلْ مَا يَعْجَبُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا {77}

Мазмуни: «Илло, кимки (шу дунёда) тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

Кимки тавба қилиб эзгу (ишларни) қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур. Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолда) ўтарлар. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида уларга (эҳтиром юзасидан) кар ва кўр ҳолларида йиқилмайдилар (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар).

Улар: «Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!», — дейдиган кишилардир. Айнан ўшалар сабр қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинурлар. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳ ва энг гўзал даргоҳдир.

(Эй Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Агар дуоларингиз бўлмаганида, Парвардигорим сизларга парво қилмас эди. Бас, сизлар (У юборган пайғамбарни) инкор этдингиз. Энди, албатта, сизларга (азоб-уқубат) лозим бўлур» **(Фурқон сураси, 70–77-оятлар)**.

Расулуллоҳнинг юзларидаги севинчининг сабаби шу тариқа ойдинлашди. Бу оятларни эшитган мўминларнинг юракларига тош каби чўккан азоблар бир оҳ билан ташқарига отилди. Кўзлар севинч ёшларига тўлди. Ҳамд ва шукрга тўла туйғулар Аршга томон тўғри йўл олди.

Шундай қилиб, ёмон хаёллар билан хотирада қолган ўтмиш эртанги кунда келадиган яхши амаллар умиди билан алмашди. Жаноби Ҳақнинг раҳматига сиғинганлар учун шундай келажак ваъда қилинганди.

وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا {64}

Мазмуни: «Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (ибодат билан бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир» **(Фурқон сураси, 64-оят)**.

Бу оят мўминларда тунги намоз учун ўзгача рағбат уйғотиб юборди. Ҳамма мазза қилиб ухлаб ётган бир вақтда ўринларидан туриб, Буюк Холиқ билан яккама-якка қолиш, Унинг ҳузурини олиёйсизга бош қўйиш мўминларга таърифлаб бўлмайдиган даражадаги ҳаловатни ҳадя қиларди.

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам тунларни таҳажжуд намозлари ила бедор ўтказишни ният қилганларга қуйидагиларни марҳамат қилдилар:

— Буюк Раббимиз кечанинг учдан бир қисми қолган вақтда дунё осмонига тушади ва: «Мендан бирор нима истаб дуо қилганлар борми? Бўлса айтсин, мен уларни қабул қилайин!» — деб уч бора сўрайди. Бу ҳолат то қиёмат тонгги отгунча ҳар кеча давом этади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзлари билан туннинг охириги қисмини бошқа пайтлардан кўра улуғроқ вақт эканини айтмоқчи эдилар, назаримиз-да!

## МУМИНЛАРНИНГ ЯШАШГА ҲАҚЛАРИ БОРМИ? (Қамал)

Пайғамбарлик келгандан буён орадан етти йил ўтганди.

Қилган қаршиликлари ҳеч қандай фойда бермаганини кўрган қурайшликлар Макканинг юқори қисмидаги Ҳожун қабристонини ёнида кутилмаган йиғилиш ўтказдилар. Қисқа фурсатда қабул қилинган қарорга кўра:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қариндошлари бўлмиш Ҳошимийлар ва Абдулмутталиб ўғилларига қарши биргаликда курашиш ва оғир қамал уюштиришга келишилди. Улардан қиз олинмайдиган ва берилмайдиган, савдо-сотиқ муносабатлари узиладиган, бу қарорга амал қилмайдиганларни эса жазолайдиган бўлишди.

«Агар бу қарор ўз кучини кўрсатса, Ҳошимийлар ва Абдулмутталиб ўғиллари Муҳаммад ибн Абдуллоҳдан юз ўгиришади, ёлғиз қолган Муҳаммаднинг эса таслим бўлишдан бошқа чораси қолмайди», — дейилди.

Иш янада жиддий кўриниши учун бу қарор алоҳида қонун кўринишида ёзилди, кейин Абу Толибни чақириб унга ўқиб берилди. Жиянини таслим бўлишга кўндирмаса, бу қарор аёвсиз тарзда амалга оширилиши тушунтирилди.

— Жияним учун ҳар қандай фидокорлик қилишга тайёрман! — деди Абу Толиб. Керак бўлса, охириги томчи қоним қолгунча сизлар билан курашаман. Бутун Ҳошимийлар ва Абдулмутталиб ўғиллари бу борада мен билан ҳамфикрдир. Кўлингиздан келганини қилинглар.

Қабила раислари бир ерга тўпландилар, қамал шартлари ёзилган саҳифани Каъба ичига осиб қўйишди. Шундай қилиб, қамал расман бошланганди.

Абу Толиб Ҳошимийлар ва Абдулмутталиб ўғилларини биргаликда ҳаракат қилишга, Расулulloҳ соллalloҳу

алайҳи васалламни қаттиқ ҳимоя этишга даъват қилди. Улар ва Маккадаги бошқа мўминлар «Шиби Абу Толиб» (Абу Толибнинг дараси) номли маҳаллага кўчиб ўтдилар.

Қамал ва зиддият жиддий тус олди.

Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб каби обрўли мушриклар гузару бозорларда вазифага тайинланган маъмурдек кезишар, мўминларнинг бирор нима сотиб олишларига ёки сотишларига изн беришмасди. Баъзан уларнинг берадиган пулидан ҳам кўпроқ пулни ваъда қилишиб, савдони бузишар, ёки мўминларнинг молларини камситиб, ер билан битта қилишарди.

Абу Толиб кечалари Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғизлатиб қўймас — ёки ўзи, ёки ўғиллари, баъзида эса қариндошлардан бири Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида қолишарди. Бирор тажовуз ёки суиқасд бўлиб қолса, хужум қилишга шай турардилар.

Ҳошимийлардан Абу Толибнинг маҳалласига кўчиб келмаган фақатгина Абу Лаҳаб эди. У ҳар доимгидек ўз ҳамтовоқлари билан қолишни маъқул кўрганди, қариндошлари билан орани узганди.

Ҳазрат Умар ва Ҳазрат Ҳамзадан бошқа ташқарида бемалол юра оладиган ҳеч ким йўқ эди. Улардан бошқа бирор мўмин ташқарига чиқса, ҳақорат қилинар, калтакланар, қийноқларга солинарди.

Ташқаридан ичкарига ҳеч нима олиб келинмади. Янтоқдан бошқа нарса ўсмайдиган бу ерларда экин-тикин қилиш, сабзавот етиштиришнинг сира иложи йўқ эди. Шу сабаб қўлда мавжуд бор егулик имкон қадар кам миқдорда истеъмол қилинди. Бу борада қўшнилар бир-бирига ёрдам кўрсатди. Абу Толиб бор-йўгини шу йўлда сарфлаб тугатди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Ҳадичанинг қўлларидаги ҳамма нарса йўқсилларга улашилди. Бутпараст бўлганлари ҳолда қариндошлик ҳурмати учун шунча азоб-уқубатга чидаб,

«ғиринг» дея овоз чиқармаган инсонларга ҳам озиқ-овқатлар улашилди.

Уйдаги овқат қанча муддатга етарди?! Бир оила бой бўлса, нечта оилани тўйдира олиши мумкин?!

Қўлдаги бор нарса оз-оздан сарфланса-да тугаб битди. Мудҳиш очлик даври бошланди. Эрта тонгда бир луқма ҳам егулик емаганлар оқшомни ҳам шу ҳолда кутиб олишар, кейин яна тонггача оч қолишарди. Моллар ҳам, одамлар ҳам оч эдилар. Очликдан дармони қуриган болаларнинг инграшлари, фарёдлари атрофга эшитилиб турар, у ер бу ерда ўсган дарахт барглари истеъмол қилинар, тери парчалари чайнаб шимиларди.

Шунча қийноқ ва очликка қарамай, на Ҳошимийлардан, на Абдулмутталиб ўғилларидан бирор эркак, ёки хотин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб:

— Бизнинг бут-санамларимизга тил теккизганинг, динимизни ботилга чиқарганинг учун шу кўргуликларни кўряпмиз. Ҳаммасига сен айбдорсан, аҳволимизга бир қара! — деб айтгани маълум.

Кунлар шу зайлда кетма-кет ўтаверар, аммо ҳар бир тонг ўлим билан баробар қийинчиликда қарши олинарди.

Бир куни оқшомда кўчалардан одамларнинг қадамлари узилган вақтда устига ун тўла қоплар ортилган бир туя Абу Толибнинг маҳалласига қараб юра бошлади. Маҳалла бошига етиб келганда уни етаклаб келган киши арқонни туянинг бўйнига ташлади. Кейин орқасига бир-икки қамчи урганча маҳаллага ҳайдаб юборди. Ўзи эса ортига қайтиб, қоронғулик орасига сингиб кетди.

Бу одам Ҳишом ибн Амр эди.

Туя бир ўзи кимнинг эшигига борарди?! Уни биринчи бўлиб учратган одам уйига олиб киради, устидаги юкларни тушуриб, кейин қўшниларга бўлашиб чиқади.

Ҳишомни бу ишни қилишга мажбур қилган нарса Абу Толибнинг маҳалласидан эшитилиб турган ингроқлару

дод фарёдлар эди. Улар ҳам худди ўзига ўхшаган одам, улар ҳам Макканинг аҳолиси эди. Ҳаким ибн Ҳизомнинг ҳам холаси Ҳазрат Хадича учун озиқ-овқатлар юборгани, бу каби ишлар бир қанча кишилар томонидан амалга оширилгани тарихдан маълум.

Ҳишом ибн Амр яна уч туя юк ҳозирлади. Абу Толибнинг маҳалласига яқинлашганда уни тутиб олдилар. Эрта тонгдан Абу Жаҳл бошчилигида тўпланган мажлисда уни сўроқ қилдилар. Танбеҳ берилиб, келишув шартларига зид тарзда иш юритаётгани айтилди.

Абу Жаҳл:

– Бизнинг мақсадимиз бирор кимсага зулм қилиш эмас, – деди. – Истаймизки, бирлигимизни тарқатиб юборган, бутларимизни камситган ва бу гап тушунмас сеҳргар қилмишларини англаб етсин. Ё уни бу тутган йўлидан қайтарамиз, ёки Абу Толиб бошчилигидаги қариндошларини ундан юз ўгиришга мажбур қиламиз.

Бу орада Ҳишомни қаттиқ ҳақорат ҳам қилдилар.

Ҳишом ўзини ҳимоя қила оларди. Қилган бу иши виждонли инсонга муносиб иш бўлганини ҳам айта оларди.

– Мен бу ишни кеч бўлса-да амалга ошира олганимдан жуда мамнунман. Инсонни бунчалар қийнаш, аёллару болаларни қариндош бўла туриб оч қолдириш, ёрдам бермоқчи бўлганларга қаршилик қилиш ниҳоятда оғир гуноҳдир! – дея оларди. Бироқ бу гапни эшитишгач ҳеч ким: «Ҳишом тўғри айтмоқда, биз одамийликдан чиқиб кетдик!» – демасди. Шу боис у кўнглидан ўтганларни эмас, айна дамда айтишга мажбур бўлган сўзларини айтди:

– Мана шу охиригиси, бундан кейин ҳеч қачон мени бу иш устида топмайсиз, – деди.

Бошқа бир куни Ҳаким ибн Ҳизом холаси учун ун олиб кетаётганди. Абу Жаҳлга дуч келди. Бу манзара Абу Жаҳлнинг таъбини тирриқ қилди:

– Эй Ҳаким, бу юкларингни қайтариб олиб кет! – деди.

– Нима учун?

– Чунки бу маҳаллага озиқ-овқат киритилмайди, киришига рухсат берилмайди.

– Мен буни холам Хадича учун олиб кетяпман.

– Ҳеч ким учун олиб боролмайсан.

– Менинг нима қилаётганим билан сенинг ишинг бўлмасин. Холамга ёрдам бериш учун сендан рухсат сўраб ўтирмайман.

Абу Жаҳл Абул Бахтарийнинг ўзига ёрдамчи бўлишига шубҳа қилмаганди. Лекин у Ҳаким ибн Ҳизомнинг ёнини олди. Бошланган баҳс Абул Бахтарийнинг қўлига илинган бир суякнинг Абу Жаҳл бошига келиб урилиши билан якунланди. Ерга қулаган Абу Жаҳл ғазабини тиёлмаган Абул Бахтарийнинг муштларига нишон бўлди.

\* \* \*

Қамал бир қанча аламли воқеа-ҳодисалар билан уч йил давом этди. Бир куни Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Абу Толибнинг ёнига келдилар. Мушриклар томонидан Каъба ичига осиб қўйилган, қамал шартлари ёзилган саҳифани қурт-қумиреқалар еб-битирганини, ўша саҳифада фақатгина «Аллоҳим, Сенинг исминг билан» – маъносидаги «Бисмика Аллоҳума» – ибораси қолганини айтдилар.

– Бундай бўлганини сен қаердан биласан?

– Раббим хабар қилди.

Бу гапдан кейин Абу Толиб уйдан чиқди. Қурайш катталарининг ҳузурига борди.

– Сизларга бир таклифим бор, – деди.

– Эй Абу Толиб, қандай таклиф айтмоқчисан?

– Жияним Муҳаммад Каъба ичига осиб қўйганингиз қамал шартлари ёзилган саҳифани ёғоч қуртлари еб ташлаганини, унда фақатгина «Бисмика Аллоҳума» – деган жумла қолганини айтмоқда. Мен унинг болалигидан бери фақат рост гапирганига гувоҳ бўлганман. Энди сизларга айтмоқчи бўлган таклифимни эшитинг:

— Таклифингни эшитамиз, Ҳошимийларнинг катта-си!

— Ҳаммамиз биргаликда бориб Каъба ичида сақланаётган ўша саҳифани кўрсак. Агар жиянимнинг гаплари рост бўлиб чиқса, сизлар бу маъносиз қамалга нуқта қўясизлар. Инсонларни била туриб, оч-наҳор ўлиб кетишларига йўл қўйманг. У ерда сизнинг қабиладошларингиз, уларнинг оилалари жон таслим қилмоқда. Агар жияним айтган гап хато бўлиб чиқса, у ҳолда Муҳаммадни сизларга ўз қўлларим билан топшираман.

«Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ўтган уч йил ичида бирор марта Каъбага кирмагани аниқ. Демак, у ўз қўллари билан ўлим ҳукмига имзо чеккан!!!»

Юзларда шайтоний табассум кўринди. Энди ғалаба сари етакловчи йўл очиқ эди. Мушриклар ўйлаб ҳам ўтирмай:

— Жуда маъқул бир таклифни айтдинг, эй Абу Толиб, биз уни қабул қиламиз, — дедилар.

Биргаликда Каъба томон йўл олишди. Каъбанинг эшигини очиб ёзилган саҳифани олиб тушишди. Диққат билан қарашди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди улардан бири. Абу Толиб сўради:

— Ниманинг бўлиши мумкин эмас? Каъбанинг калити ўзингизда-ку! Сиз истамаган ҳеч ким бу ерга қанча вақтдан буён яқинлашмаган бўлса. Энди бу баҳс-мунозарага нуқта қўйишимиз лозим.

Абу Жаҳл ўртага тиқилди:

— Мен ишонч билан айта оламанки, сенинг жиянинг ҳақиқий сеҳргар. Ундан кучли сеҳргар ҳали дунёга келган эмас. Балки келмас ҳам...

Вазият бирдан тескари тус олди. Гўёки бироз олдин «Яхши, таклифингни қабул қиламиз. Сўзларинг тўғри чиқадиган бўлса, қамални тўхтатамиз!» — деганлар булар эмасди. Пўнғиллаганча тарқалдилар.

Мусулмонларга ёрдам бераётиб қўлга тушиб қолган Ҳишом чинакам виждонли одамнинг ишини қилгани учун Абу Жаҳл ва яқинларидан эшитган ҳақоратларига чидай олмади. Қайтанга бу ҳаракатлар, Ҳишомга ўзгача куч-қувват берди. Бу масалани бирёғлик қилиш ва галабага эришиш учун қўлидан келган ҳар қандай ишни амалга оширишга қарор қилди. Бу қарорини рўёбга чиқариш учун Зуҳайр ибн Абу Умайянинг ёнига борди.

Зуҳайр Расулulloҳнинг аммалари Отиканинг ўғли эди.

— Сенга салом бўлсин, эй Зуҳайр!

— Ўзингга ҳам саломлар бўлсин, Ҳишом!

— Аҳволинг қалай?

— Кўриб турганингдек яхшимиз.

— Яхшиликка яхшисан, бироқ тоғаларинг оғир аҳволда эканликларини била туриб қандай роҳат-фароғатда юрибсан? Еб-ичардан, чиройли бўлиб кийиниб юришдан қандай завқ оляпсан, билмадим. Сенга шуни аниқ айтишим мумкинки, агар Амр ибн Ҳишомнинг тоғалари қамалда қолишганда, буни асло қабул қила олмасди, чи-долмасди.

— Эй Ҳишом, бу гапларни менга нима учун айтяпсан? Мен бир ўзим нима ҳам қила олардим? Ёлғиз ўғил бўлсам! Қасам ичиб айтаманки, агар ёнимда мен билан ҳамфикр бирор одам бўлганда эди, ўша саҳифани йиртиб, бу бемаъни қамалга чек қўйган бўлардим.

— Ундай бўлса, сен қидираётган одам айнан менман. Мен сенга бу борада ёрдам бераман.

— Жуда соз, учинчи бир одамни ҳам топсак, яхши бўларди.

Ҳишом у ердан чиқиб Мутъийм ибн Одийнинг олди-га борди. Саломлашди, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин мақсадга ўтди, вазиятни тушунтирди.

Мутъийм инсофли одам эди.

— Мен нима ҳам қила олардим, бир ўзим бўлсам!

— Иккинчи бир одам ҳам бор, ёрдам беришга тайёр.

— Ким экан у?

— Менман.

— Яхши, унда яна битта одам топайлик.

— У ҳам тайёр, Зуҳайр ибн Абу Умайя.

— Тўртинчи одам ҳам керак.

Ҳишом у ердан Абул Бахтарийнинг ёнига йўл олди. Уни ҳам ўз таклифига кўндирди.

Шундан кейин Заъма ибн Асвад ибн Абдулмутталиб билан кўришди.

Мана шу беш киши оқшомда Ҳожун қабристонини ёнида учрашдилар. Нималар қилиш кераклиги ҳақида келишиб олишди. Зуҳайр:

— Дастлаб ишни мен бошлайман, сизлар менга ёрдам берасизлар! — деди.

Бу қарор маъқулланиб, уй-уйларига тарқалишди.

Эрта тонгда Зуҳайр чиройли кийиниб олганча йўлга тушди. Каъбани етти бора тавоф қилди. Кейин ўша ерда ҳозир бўлган одамларга қаради:

— Эй Макка халқи! Ҳошимийлар очликдан ўлаётган бир вақтда бизнинг мазза қилиб еб-ичиб юрганимиз тўғрими? Худо ҳаққи, қариндошликни йўққа чиқарган, ҳақсизликнинг тимсоли бўлган мана шу қамал ҳақидаги саҳифани бурдалаб ташламагунимча жойимга ўтирмайман! — деди.

Абу Жаҳл бир бурчакда ўтирганди. Эшитган сўзлари уни ўрнидан сакраб туришга мажбур қилди.

— Бекорларни айтибсан! Бу саҳифа ҳеч қачон йиртилмайди! — дея бақирди.

Заъма ибн Асвад гапга аралашди:

— Аслида бекорчи гапларни айтаётган сенсан, Амр! Бу саҳифани ёзилишига биз бош-қош бўлганимиз йўқ! — деди.

Абул Бахтарий:

— Заъма ҳақ гапни гапирди, — деди. Саҳифадаги шартларга биз рози бўлмаганмиз. Ҳозир ҳам тўғри деб билмаймиз.

Мутъим ҳам уни тасдиқлади:

— Иккинги ҳам тўғри сўзламоқдасиз. Бошқача гапирганингизда ёлгон бўларди. Биз бу саҳифаларда ёзилган ҳақсиз шартлардан Аллоҳга сўғинамиз.

Абу Жаҳл бу ерда бир гап борлигини аллақачон билганди. Шу боис:

— Бу бир сафсата, — деди. Сизлар буни аввалдан режалаштирганингиз аниқ. Энди эса бу ерда ижро қилинсанлар.

Бу воқеани Абу Толиб ҳам бир четда жим ўтирганча кузатаётганди.

Шу пайт Мутъимнинг ўрнидан турганини кўрдилар. У тўғри Каъбага кирди. Саҳифани олиб чиқиб, ҳамманинг кўз олдида йиртиб ташлади.

Шундай қилиб, Маккада уч йилдан буён давом этиб келаётган қамал ниҳоя топди, бутун сабр-тоқат тугаб, пичоқ суякка қадалган бир онда қамал саҳифаси ҳам йиртиб ташланди.

Ҳолбуки, Абу Жаҳл сўнгги зарбани берадиган кунлар жуда яқинлигини, яна бир-икки ой кутишса, мўминларнинг сабр косаси тўлишини яхши биларди. Шу сабабдан у мўминларнинг ёки ўлимни танлашларини, ёки Муҳаммад ибн Абдуллоҳни қўлларига топширишларини интизорлик билан кутаётганди. Овқат нишган, совусин дея бир четга олиб қўйилган, ўтириб тановул қилиш учун озгина фурсат қолганди. Бугунгача унга кулиб қараб келаётган толенинг авзойи ўзгарганди. Бир неча дақиқа ичида бўладиган иш бўлган, «Нима гап ўзи?» — дейишга имкон ҳам топилмай қолганди. Саҳифа йиртилиб оёқлар остида ётарди.

Шунда у Мутъимнинг, Заъманинг, Зуҳайрнинг, Ҳишомнинг устига ўзини ташлаб, пишган овқатга совуқ сув солганларининг ҳисобини сўрамоқчи бўлди. Аммо иш бу билан тугамасди, қонли тўқнашув юз бериши мумкин эди.

Жуда кўп кишилар қамалнинг тугагини хурсандчилик билан қарши олдилар. Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари кўлини бурнига тиқиб қолаверди. Абу Толибнинг маҳалласига келиб ўрнашганлар яна ўз уйларига қайтдилар. Кўпдан буён оч болаларига қорин тўйдиришлари учун бирор егулик бера олмаган ота-оналар қоринлари тўйгач мазза қилиб ухлаб ётган болаларини кўриб севинчдан кўз ёш тўкдилар.

Абу Толиб уч асрдек узоққа чўзилган қамалнинг оғир азоб-уқубатларига дош бериб, вафо-садоқатнинг энг юксак намунасини кўрсата олган қариндошларига миннатдорчилик билдирди. Энди Маккадаги ҳаёт яна аввалгидек ўз изига тушиб кетгандек эди.

\* \* \*

الم {1} غَلَبَتِ الرُّومُ {2} فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِّنْ بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ {3}  
فِي بَضْعِ سِنِينَ لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلِ وَمِنْ بَعْدِ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ {4} بِنَصْرِ اللَّهِ  
يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ {5} وَعَدَّ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنْ أَكْثَرَ  
النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ {6}

Мазмуни: «Алиф, Лом, Мим.

Рум (қўшини Форс қўшинидан) мағлуб бўлди, жуда яқин ерда. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг, (форслар устидан) албатта, ғалаба қилурлар, бир неча йил ичида. Олдин ҳам, кейин ҳам иш Аллоҳникидир.

Ўша кунда мўминлар (румликларнинг ғалабасидан) шодланурлар. Аллоҳ (аҳли китобларга) мадад бергани сабабли. (У) хоҳлаган кишига мадад берур. У Азиз (қудратли)

ва Раҳим (раҳмли)дир. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар (бу каби ҳақиқатларни) билмаслар» **(Рум сураси, 1–6-оятлар)**.

Убай ибн Ҳалаф қаршисида бу оятларни ўқиган Ҳазрат Абу Бакрни мазах қилганча кузатиб турди, сўнг:

– Буни ҳам сенга Муҳаммад хабар қилдимми?

– Худди шундай, бироқ бу унинг сўзлари эмас, балки Парвардигорнинг каломидир.

– Сизлар ёлғон-яшиқ гап тарқатишдан бошқа нарса-ни билмайсизларми? Қаерда бетайин гап эшитсам, у, албатта, сизлардан чиққан бўлади. Эй Абу Бакр, мен сени эсли-хушли одам сифатида билардим. Доимо шу фикрда бўлганман. Менимча, Муҳаммад ибн Абдуллоҳга қўшилиб сен ҳам ақлдан озгансан, шекилли! Ҳолбуки сен «Инсоннинг шарафини йўққа чиқаради, уялиб қолишига сабаб бўлади», – дея шаробни ўзингга ҳаром қилган кишисан.

– Ҳали ҳам шундай фикрдаман.

– Яхши, нега унда бу бемаъни фикрларга ишонапсан?

– Бу гап бемаъни гап эмас, аниқ амалга ошадиган гап.

– Яхши, унда мен билан баҳс бойлайсанми? Мен бу иш учун бир туя тикаман.

Улардан бири кўзи билан кўриб турганига, умри давомида йиққан тажрибасига қараб иш тутса, иккинчиси Буюк Раббимиздан келган хабарга ишонадиган киши эди.

Ҳазрат Абу Бакр Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга учраб, бўлган воқеани айтиб бердилар. Фахри Кинот соллalloҳу алайҳи васаллам «бир неча йил ичида» – деган жумлани уч йил билан ўн йиллар орасида бўлиб ўтишига ишора эканини айтдилар, сўнгра:

– Баҳснинг вақтини узайтир ва туялар сонини ошир!

– дедилар.

Убай бир неча соатдан кейин Ҳазрат Абу Бакрни рўпарасида кўриб шошиб қолди:

– Нима аҳдингдан қайтиб, баҳс бойлаганинг учун пушаймонмисан?

– Йўқ, пушаймон эмасман. Агар рози бўлсанг, туялар сонини ошириб вақтни ҳам чўзсак, нима дейсан?

– Қанча?

– Юзта туя тикаман ва вақтни тўққиз йилгача узайтираман.

– Қабул қилдим.

Шундай қилиб бойланган баҳс ўз қийматини йўқотмади. Румликларнинг Эрон устидан зафарга эришганлиги ҳақидаги хабар Маккага етиб келганда Ҳазрат Абу Бакр Убайдан юзта туяни оладиган бўлдилар.

## АРАБЧАДАН БЕХАБАР ТЕМИРЧИ

Мушриклар ҳар куни янгича иғво ўйлаб топишарди, бир гал:

— Муҳаммад ўзи ёзган нарсаларни кўрсатиб, халқни Аллоҳнинг каломи дея алдамоқда, — деган гапни чиқаришди.

Шу ва шунга ўхшаш гаплар мажлисларда гапирилар, мўминлар ақлсизликда айбланарди.

— Ўз қўли билан ёзганларини сизга ўқиб берса дарҳол «Бу Аллоҳнинг каломи» — деб эргашиб кетмоқдасиз. Ақлингизни ишлатсангиз бўлмайдими?..

Бу сўзлар мўминларга қарата жуда кўп бора гапирилди. Ниҳоят Анкабут сурасига тегишли бир неча оятлар тушурилиб, мавзуга ойдинлик киритди:

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ فَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمِنْ هَؤُلَاءِ مَنْ يُؤْمِنُ بِهِ وَمَا يَجْحَدُ بِآيَاتِنَا إِلَّا الْكَافِرُونَ {47} وَمَا كُنْتَ تَتْلُو مِنْ قَبْلِهِ مِنْ كِتَابٍ وَلَا تَخْطُهُ بِإِصْبَعِكَ إِذَا لَا رَتَابَ الْمُبْطِلُونَ {48} بَلْ هُوَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ فِي صُدُورِ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ وَمَا يَجْحَدُ بِآيَاتِنَا إِلَّا الظَّالِمُونَ {49}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Шунингдек, Сизга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Бас, Биз Китоб (Таврот ва Инжил) ато этган кишилар ҳам унга (Қуръонга) иймон келтирурлар. Ана улар (Макка аҳли ораси)да ҳам унга иймон келтирадиган кишилар бордир.

Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор қилурлар. Сиз илгари бирор китобни тиловат қилувчи эмас эдингиз ва қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда бузғунчилар, албатта, шубҳага тушган бўлур эдилар.

Йўқ, у (Қуръон) илм берилган зотларнинг дилларидаги аниқ оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золим-

ларгина инкор қилурлар» (Анкабут сураси, 47–49-оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни қирқ йилдан буён яқиндан таниганлар ўйга толдилар. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор ерда савод чиқармаганликларини, ўқиш-ёзишдан хабарсиз эканликларини жуда яхши билишарди. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қила олмади. Аммо мушрикларнинг қалбларини қорайтириб юборган кин ва адоват, нафрат туйғулари уларни бурунлари остини ҳам кўролмайдиган ҳолга келтириб қўйганди. Ақллари тўғри сўзни тушунмасликка қасам ичгандек, янгидан-янги игволарни ўйлаб топши алами билан ёниб-куяр, фақатгина шу йўлда тиним билмай елиб-югуришарди.

\* \* \*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳ-гоҳида асли румлик бўлган бир темирчининг ёнига борар, унинг Марво тепалигига яқин ерда жойлашган дўконида ўтириб суҳбатлашардилар. Темирчи бошқа жойдан келиб, Маккага жойлашганди. Шу боис араб тилида аранг гапира олар ва ўз мақсадини ҳам базўр англатарди.

Бир куни мушриклар хазина топиб олгандек севиниб кетдилар.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳ сўзлаб юрган каломларини мана шу темирчидан ўрганмоқда! — дедилар.

— Ҳа!.. Жуда тўғри! У темирчининг дўконига босқон ҳидини ҳидлаш учун бормайди-ку, ахир! Бунинг устига у темирчи ҳам эмас.

Кўллар «Нега бу нарса олдинроқ хаёлимизга келмади экан?!» дегандек тиззаларга урилди. Булоқ кашф қилинган, мақсадга етгандилар гўё: «Демак, буларнинг барини ўша темирчи ёзиб бераркан-да!..»

Ҳақиқатан ҳам уларнинг бу топилдиғи жуда чиройли кўринарди. Дарҳол ҳар тарафга хабар берилди.

«Абдулмутталибнинг набираси ҳар кимни мафтун қилиб қўйгувчи гўзал каломларни асли румлик темирчи Жабрдан ўрганаётган экан. Ўша темирчи ҳар сафар бир нималарни ёзиб бераётган эмиш!..» — деган гап тарқатилди.

Аммо ҳали ҳам ақлга сиғмайдиган, мантиқсизликлар бор эди.

Неча йиллардан буён мўминларга қон қустирганлар бу темирчининг ҳам танобини тортиб қўя олмасмиди?!

— Биродар, сен жуда ҳаддингдан ошиб кетдинг. Юрти-мизда сен туфайли фисқу фасоллар авжига минди. Бола отасини тан олмай қўйди. Буларнинг бари сен туфайли содир бўлмоқда. Қадамнингни ўйлаб босмасанг, ўзингга қийин бўлиб қолади! — дейишлари мумкин эди-ку!

Жуда кўплаб инсонларнинг ватанини тарк этишга мажбур қилган қийноқларнинг мингдан бирини бу темирчига қўллаганларида оғзи ёпилар, қайтиб «лом-мим» демайдиган бўларди.

Ҳолбуки, уни ўлдирган тақдирда ҳам орқасидан ҳисобини талаб қилувчи меросхўрию қариндош уруглари ҳам йўқ эди.

Агар тарқатган миш-мишлари асосли бўлса, бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа яхшироқ усули ҳам йўқ эмасди.

— Мана сенга энг зотдор ўнта урғочи туя! Бунинг эвазига фақат тилингга эҳтиёт бўл! Бундан кейин Абдулмутталибнинг набираси билан гаплашиш йўқ, — дейиш қийинмиди?

— Муҳаммадга буларни ёзиб бераётганинг учун қанча миқдорда пул олдинг?

Юқоридаги саволни бериб, янада кўпроқ ҳақ тўлашар ва бир қанча саҳифа ёздириб олиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига боришлари мумкин эди.

— Мана, бизга бу каломнинг ўхшашини келтиринг, деган эдинг. Бу худди сен олиб келган жойнинг ўзидан,

энди даъвойингдан воз кеч! — дейишлари ҳам мумкин эди.

Бу ерда яна бир масала бор эди. Темирчи Жабр насронийликка эътиқод қиларди. Бир насроний ўз динини четга суриб, нима учун бошқа динни кўкларга кўтариши керак?!

Бу қадар гўзал ва мукаммал сўзлашни билладиган одам нима учун бир бора бўлса ҳам «Бу сўзлар аслида менга тегишлидир!» — дея ўртага чиқмайди? Ҳамма шон-шарафни бошқа бировнинг қўлига индамайгина топшириб қўяди?

Ниҳоят, Жаброил алайҳиссалом келди. Бир онга бўлса ҳам уйлаб кўрмай, оғзига келган гапларни алжираб юрганларга яна бир бор танбеҳ бергувчи қуйидаги оятларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига муҳрлади:

وَإِذَا بَدَّلْنَا آيَةً مَكَانَ آيَةٍ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا نُنزِلُ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مُفْتَرٍ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ {101} قُلْ نَزَّلَهُ رُوحُ الْقُدُسِ مِنْ رَبِّكَ بِالْحَقِّ لِنُثَبِّتَ الَّذِينَ آمَنُوا وَهُدًى وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ {102} وَلَقَدْ نَعَلْنَا أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانِ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُبِينٌ {103} إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ {104} إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ {105}

Мазмуни: «Қачонки, (Биз) бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак, ҳолбуки, Аллоҳ ўзи нозил қиладиган оятларни яхши билувчидир — улар (пайғамбарга): «Ҳақиқатан, сен ўзинг тўқиб олувчисан», — дейдилар! Йўқ! Уларнинг кўплари (бунинг ҳикматини) билмайдилар!

(Эй Муҳаммад! Уларга) уни (яъни Куръонни) Рухул-Қудус (Жаброил) Раббингиз (тарафи)дан иймон келтирганларни (динда) собитқадам қилиш учун мусулмонларга ҳидоят ва башорат бўлган ҳолида барҳақ нозил қилганини (уларга) айтиб қўйинг!

Аниқки, (Биз) уларнинг: «Унга (Муҳаммадга Куръонни) бирор одам ўргатмоқда», — деяётганларини билурмиз. (Лекин) улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий (арабий эмас), бу (Куръон) эса аниқ арабийдир.

Албатта, Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларни Аллоҳ ҳидоят қилмас. Улар учун аламли азоб бордир. Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳ оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончилардир» **(Наҳл сураси, 101–105-оятлар)**.

Бир неча кундан буён баланд овозда бозорларда бақириб юрганларнинг уни ўчди. Ой юзини тўсган булутдек йўқ бўлиб кетишди. Анчадан бери қийналиб юрган виждонлар энди ўзларини кўрсата бошладилар:

— Албатта, тўғри! Ахир, бу темирчи арабчада оддийгина гапиришни ҳам қотирмайди-ку! Қандай қилиб бундай юксак балоғатли каломни ёза оларди? — дедилар.

Бу орада темирчинини яхши танимайдиганлар келган ваҳийнинг ҳақиқатга қай даражада уйғун эканини билиш мақсадида Марво тепалигига қараб йўлга тушдилар.

— Ҳорма, Жабр! Нималар билан бандсан?

Жабр келганларга қараб кулумсиради ва:

— Меники ишлайди, — деди.

Ўчоқдаги темирни кўрсатиб, қўшимча қилди:

— Темир!

Темирчи ҳақиқатан ҳам арабчада бир амаллаб гапирарди. Унинг гапириш учун сарфлаган гайрат ва кучининг тингловчи ҳам сарфлаши лозим эди. Акс ҳолда ҳеч нимани тушунмасди.

Келганлар у ердан лабларини буруштирганча, тарвузлари қўлтиғидан тушиб ортга қайтдилар.

Бечора темирчи нималар бўлаётганидан беҳабар, бор кучи билан темирни шаклга солишга интиларди.

Асл араб ўғлонига «устозлик қилганини» қаердан ҳам билсин?!.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Парвардигоримиздан келган бир оятни ёнидаги саҳобаларга етказдилар:

الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَٰئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ {82}

Мазмуни: «Иймон келтирган ва имонларига зулм (ширк)ни аралаштирмаганлар — айнан ўшаларга хавфсизлик (бордир) ва улар ҳидоят (туғри йўл) топган зотлардир» (**Анъом сураси, 82-оят**).

Ғамли бир оҳ эгилган бошларга, ёшланган кўзларга таржимон бўлди.

— Ё Расулуллоҳ, — деди, — орамизда бирорта зулм қилмаган одам бормикан?

Бу ниҳоят даражада соф ва самимий бир савол эди. Бу Аллоҳнинг ваъда қилган буюк неъматларини қўлдан чиқаришдан хавотирда бўлган юракдан чиқаётган дард эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволни сўраганларга юзландилар:

— Бу ерда Аллоҳ таолонинг муроди сизлар ўйлагандек эмас. Оятдаги зулм ширк маъносида келмоқда. Луқмоннинг ўглига айтганларини ёдингиздан чиқардингизми? Эсингизда бўлса, у ўглига насиҳат қилаётиб, «Ширк ҳеч бир шубҳасиз катта зулmdir», — деган эди, — деб марҳамат қилдилар.

Муборак сўзлар кўнгилларга фарахлик бағишлади. Бир зумда сиқилиб қолган қалблар ҳузурга қовушлилар. Бироз олдин ғамдан ёшланган кўзларда нур ўйнади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқир эканлар, Қуръони каримни баланд овоз билан қироат қилардилар. Уларнинг овозларини эшитган мушриклар жуда ҳаддиларидан ошдилар:

— Ўқиётганни ҳам, уни тушурганни ҳам, келтирганни ҳам... — дея сўкиндилар.

Бу жирканч сўкиниш ўзларига жуда хуш ёқиб кетди. Ҳар сафар Куръон эшитганларида мана шундай сўкинишни қора кўнгилларига тугишди. Лекин Жаноби Ҳақ Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга юборган бир фармон билан бу масалани ҳал қилди:

قُلِ ادْعُوا اللَّهَ أَوْ ادْعُوا الرَّحْمَنَ أَيًّا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ وَلَا تَجْهَرُوا بِصَلَاتِكُمْ وَلَا تَخَافُتْ بِهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا {110}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Айтинг: «Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир». (Эй Муҳаммад!) Сиз намозингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юборманг (токи мушриклар эшитиб, Куръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобаларингиз тинглаб, фойдалансинлар). Шуларнинг (жаҳрийлик билан махфийлик) ўртасидаги йўлни истанг!» **(Исро сураси, 110-оят).**

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам паст овозда қироат қиладиган бўлдилар.

Саҳобаларга нисбатан бўлаётган тазйиқ ва қийноқлар Илоҳий Девонда қайд қилиниб бормоқда эди. Мушрикларнинг жазоси бериладиган, пушаймонликдан бармоқларини тишлаб қоладиган кунлар ҳам келиши аниқ эди.

Жумладан, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари осмонга кўтарилди:

— Аллоҳим, уларга Юсуф пайғамбар давридагидек очарчиликни юбор! — дея дуо қилдилар.

Осмондан ёмғир ёғмай қўйди. Ердан ўсимлик ва мева-сабзавотлар унмади. Мудҳиш бир қурғоқчилик бошланди. Аҳвол шу даражага етдики, очликдан мажоли қолмаган инсонлар осмонга тикилишганда фақат туманни кўришарди.

Бут-санамлар ҳар доимгидек сас-садосиз эдилар. Шу кунга қадар ҳам ҳеч бир ишни ҳал қилишмаган. энди ҳал қилармиди?!

Хотиралар бир неча йиллар олдинга қайтишди. Абдулмутталибнинг, Абу Толибнинг ёмғир дуосига чиққан кунларини эслашди. Уларнинг ёнида турган нур юзли бола кўз олдиларига келди.

Абу Толиб ҳаёт эди, унинг ёнидаги нур юзли болакай ҳам ҳаёт эди. Аммо энди уларнинг ёнларига бориб:

— Қани юринг, ёмғир сўраб дуо қилайлик! — дейишга юз қолмаганди.

Қилиниши мумкин бўлган ҳамма иш қилинди, жабр-зулмнинг ҳар турлиси синаб кўрилди, ашаддий душманга кўрсатилгандек мўминларга аёвсиз сиёсат юргизилганди. Буларнинг барини бир четга суриб, худди ҳеч нима бўлмагандек ҳол-аҳвол сўраб дуо қилишларини илтимос қилиш учун одам ўта кетган юзсиз, уятсиз бўлиши лозим эди.

Қургўқчилик эса бутун шиддати билан давом этар, одамларга нафас ҳам олдирмай қўйганди. Дуолари қабул бўлганига шубҳа бўлмаган Улуғ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бош уриб боришдан бошқа барча йўлнинг охири йўқ эди.

Ниҳоят, Абу Суфён суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келди. Зулм кўрган, қўлидан ҳаққи тортиб олинган одамдек ялиниш оҳангида:

— Эй Муҳаммад! — деди. — Сен одамларни Аллоҳга итоатли, қариндош-уруғга яхши муносабатда бўлишга даъват этасан. Ҳолбуки, қавминг очликдан ўлар ҳолга келди. Аллоҳга дуо қилиб, бизни бу балолардан қутқар!

Шу билан Абу Суфён охирги сўз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан айтилишини, энг охирида уларнинг ҳукмлари амалга ошишини, Коинотнинг Раббиси олдида Қурайшнинг эмас, Ҳабиби Акрам

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари мўтабарлигини очик-ойдин тан олаётганди.

Бу гапларни айтар экан, худди йиллар давомида ақлига келган ҳар қандай ёмонликларни мўминларга раво кўрган бу кишилар эмасди. Гўёки Абу Толибнинг маҳалласида уюштирилган уч йиллик қамал ҳамманинг ёдидан кўтарилган эди.

— Яхши, агар дуойим қабул бўлса, иймон келтирасизларми?!

Абу Суфён чин юракдан гапираётгандек қилиб айтди:

— Гапларимга ишон, эй Муҳаммад! Осмон кўзимга фақат тутунга ўхшаб кўринмоқда. Бу осмон олдингидек мовий рангда эмас, қандайдир бало-қазонинг рангида бўлиб кўринаётгандек...

Абу Суфён ўз ҳолати борасида рост гапираётганди.

Неча кунлардан буён бирор луқма кўрмаган ошқозонлар одамларнинг ақлларига ҳукмронлик қила бошлаганди. Кўзларнинг олди қоронғулашган, тиззалар қалтирай бошлаган, осмонни эса тутун қоплаб олгандек эди. Айни очлик, айни паришонлик Абу Толибнинг маҳалласида бўлиб ўтганда Абу Суфёнлар, Абу Жаҳллар байрам қилишмаганмиди?! Виждонлари энди уйғониб қолдими, қавм-қариндош эканликлари энди эсларига тушдими?!

Аллоҳ таоло юборган оятлари билан вазият чиндан ҳам оғир эканини билдирди:

فَارْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ {10} يَغْشى النَّاسَ هَذَا عَذَابٌ أَلِيمٌ

{11} رَبَّنَا اكْشِفْ عَنَّا الْعَذَابَ إِنَّا مُؤْمِنُونَ {12}

Мазмуни: «Бас, (эй Муҳаммад!) Сиз осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг! У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир. «Эй Раббимиз! Бизлардан (бу) азобни аритгин! Албатта, бизлар иймон келтирувчидирмиз» (деб илтижо қилурлар)» (**Дуҳон сура-си, 10–12-оятлар**).

Шундан сўнг Расули Муҳтарам соллаллоҳу алайҳи вассаллам қаҳатчиликнинг тугашини сўраб дуо қилдилар. Қаҳатчиликнинг охирига етганидан хабар берувчи ёмғирлар ёғди.

Ҳамма нарса аввалги ҳолига қайтди, бироқ Абу Суфённинг ваъдасини ҳеч ким, ҳаттоки ўзи ҳам эсга олмади. Чунки у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг олдиларида тиз чўкиб ёлворган вақтида ҳам иймон келтирмаслигини ўз исмини билганчалик билар эди.

Иш шундайлигича қолиб кетаверадими? Танганинг иккинчи тарафи ҳеч қачон юз кўрсатмайдими? Буюк Раббимиз айна шу мавзудаги оятда қуйидагича марҳамат қилди:

أَنى لَهُم الذِّكْرَى وَقَدْ جَاءَهُمْ رَسُولٌ مُّبِينٌ {13} ثُمَّ تَوَلَّوْا عَنْهُ وَقَالُوا مُعَلَّمٌ مَّجْنُونٌ {14} إِنَّا كَاشِفُو الْعَذَابِ قَلِيلًا إِنَّكُمْ عَائِدُونَ {15} يَوْمَ نَبْطِشُ الْبَطْشَةَ الْكُبْرَى إِنَّا مُنْتَقِمُونَ {16}

Мазмуни: «Уларда қаёқдан ҳам эслатма бўлсин, ҳолбуки, уларга аниқ пайғамбар келган эди. Сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «(Унга Куръон бировлар томонидан) ўргатиб қўйилган, (у) мажнун», — дедилар.

Биз бу азобни (сизлардан) бироз аритувчидирмиз, сизлар ҳам (ўз куфру исёнларингизга) қайтувчидирсиз. Даҳшатли тутиш билан тутадиган кунимизда (Бадр жангида ёки қиёматда) Биз интиқом олувчидирмиз» (**Дуҳон сураси, 13–16-оятлар**).

Бу интиқом яқин келажакда Бадр куни бошланиб, қиёмат кунига қадар давом этади.

## МАШХҰР ШОИР ОЪШАНИ ҚАНДАЙ АЛДАШДИ?

Машхур шоир Оъша!.. У бутун Араб Ярим оролига донг таратган шоирлардан эди. Бакр ибн Вали ўгилларидан бўлган бу шоир Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақларида оз-моз биларди. Ислом динидаги ҳукмларни, Қуръондаги баъзи оятларни ҳам эшитганди. «Бориб Исломни қабул қилай!» — деганча туясига миниб, Маккага йўл олди.

Сафар давомида Пайгамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламни ўйлаб, уларни мадҳ этган қасидалар битди. Бир куни қуёш уфққа бош қўйган фурсатда Утба ибн Робиянинг эшигини қоқди. Кўпдан бери бир-бирини яхши таниган, ҳурмат қилган икки ошна кучоқлашиб кўришдилар:

— Ташрифнинг қанчалар қалбларга манзур бўлди, Оъша!

— Сизларни соғиндим, Утба!

Ўша оқшом Оъша Утба ибн Робиянинг азиз меҳмони бўлди. Унга ҳурмат кўрсатдилар. Кўпдан бери эшитилмаган шеърлардан ўқилди. Бу орада Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақида ҳам янги ёзилган қасида ўқилди.

Утба араб одатларига мувофиқ меҳмондан Маккага ташриф сабабини сўрамади. Чунки машхур шоирнинг гап-сўзларидан бу нарса аён бўлганди. Шоирнинг кутилмаганда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан гап бошлаши шундай ўйлашга мажбур қиларди.

— Жуда чарчагансан, Оъша! Ҳозир ётиб ором олсанг, айни муддао бўларди, — деди.

— Ҳақсан, Утба! Йўлда жуда толиқдим, кўзларим ҳам юмилиб кетмоқда.

Оъша солинган тушакка узанди. Кўп ўтмай машхур шоир қаттиқ уйқуга кетди.

Ярим кечага яқин эшиги қоқилган Абу Жаҳл Утба ибн Робияни овозидан таниди. Бу пайтда бирор муҳим иш бўлмаса, келмас эди. Бироз гаплашдилар. Хайрлашаётганда Абу Жаҳл деди:

– Мен боргунча уни ҳеч қасерга қўйиб юборма!

Утба қоронғулик ичра йўқолди. Унинг ортидаги эшик ёпиларкан, пичирлаган овоз эшитилди:

– Ҳап сеними, тўнғиз! Унинг динига кириб бўпсан!..

\* \* \*

Шу кеча Абу Жаҳл ухлай олмади, тонггача ўрнида эшак каби ағанаб чиқди. Хаёлида ҳали ҳам Оьша эди. Ётса, тушида кўрар, уйғонса, уни ўйларди.

«Бу машҳур шоир ақлсизлик қилиб, мусулмон бўлса, мўминларнинг кучига куч қўшилиши шубҳасиз»!.. Абу Жаҳл тонг отгунча Оьшани бўралатиб сўкиб чиқди.

Қуёш энди кўтарилган эди ҳамки, Утбанинг эшиги тақиллади. Хизматчи ичкарига кирди:

– Амр ибн Ҳишом келди, – деди.

– Дарҳол кирсин!

Бироздан кейин Абу Жаҳл кириб келди. Кўзу юзларида айёрона табассум ўйнарди.

– Хуш келибсан, улуғ шоир! Қадамларингга ҳасанот!

– Хуш кўрдик, эй Абу Ҳакам!

Абу Жаҳл ўтирди. Ўртага туя сути қўйилди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар. Ниҳоят, Абу Жаҳл шоирдан келиш мақсадини сўради.

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кириш учун келгандим, Абу Ҳакам!

– Ия!

Оьша қулоғига чалинган гапларни айтиб берди. Келтирилган дин ҳақида пайғамбарнинг ўзидан эшитиш учун келганлигини сўзлади.

– Фақат!.. – дея гапни узоқдан бошлади Абу Жаҳл, – бу динга киргач, унинг ҳукмларига ҳам тўлиқ амал қилиш лозимлигини билсанг керак?!

– Албатта!

– Яхши, Муҳаммаднинг зинони тақиқлаганидан хабаринг бордир?

Оъшанинг лаблари бурушди:

– Билмасдим, бироқ ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Энди зино қилиш унчалик хуш ёқмаяпти. Ундан осонликча воз кеча оламан.

– Яхши, ичкиликка нима дейсан? У ҳам тақиқланган.

– Тушунмадим?..

– Муҳаммад мусулмонларга ичкиликни тақиқлаб қўйган.

Оъшанинг қовоқлари уюлиб кетди:

– Мана бу иш бўлмабди, энди!.. – деди.

– Нима демоқчисан?

– Ичкиликни жуда яхши кўраман, ундан кечишим қийин-ов!

Оъшанинг кайфи учиб кетган, Абу Жаҳл эса режаси амалга ошаётганидан қувона бошлаганди.

Утба жимликни бузиб деди:

– Қандай қарорга келдинг, дўстим Оъша?

– Иш чаппасига кетди. Энг яхшиси, уйга қайта қоламан. Бу йил мазза қилиб тўйгунимча ичаман. Бир йилдан кейин келиб, Муҳаммаднинг динига кираман. Бошқача йўлини ҳечам кўрмайман.

– Назаримда, мана шу айтганинг энг тўғри йўл бўлса керак.

Утба эришилган зафарни нишонлаган каби хурмодан тайёрланган шаробни уларнинг олдига суриб қўяркан, Оъша каби кўпни кўрган одам бундай вазиятда тўғри йўл тутиши лозимлигини ҳам қўшимча қилди. Донғи Ямандан Шомгача кетган машҳур шоирнинг бир динга кириб, унинг аҳкомларига амал қилмаётганини кўрган одамлар кейин унга ҳеч қачон яхши муносабатда бўлмасликларини ҳам гапирди.

Оъша хайрлашиб йўлга чиқди.

– Яна кутамиз, эй шоирларнинг буюги!

– Уйимизни қувончга тўлдирадиган кунларингни соғиниб қоламиз, Оъша!

– Сизлар ҳам яхши қолинглар, дўстлар! Бир йил ўтгач, албатта, бир йил ўтгач, яна сизлар билан дийдорлашамиз!

Оъша «тўғри» маслаҳат берган дўстларига ташаккур айтиб жўнади. Бир йил бўкиб ичадиган шароби ҳақида ўйлай-ўйлай, Макка тупроғидан чиқди.

Абу Жаҳл ва Утба у кўздан ғойиб бўлгунича ортидан қараб туришди. Сўнг эришилган ғалабадан чақнаб кетган кўзлар бир-бирига қаради:

– Тутуруқсиз шоир! Фикридан қайтиб қолишидан шундай кўрқдим!..

– Жуда айёрсан, эй Абу Ҳакам! Лотнинг номини ўртага қўйиб айтаман. Агар шайтон мен бўлганимда ҳам сендан маслаҳат олиш учун бир кунда уйингга қирқ марта боришдан ҳам тоймасдим!

Оъша кетди. Айтганидек, умрини шароб ичиш билан ўтказди. Ҳар куни тонгдан оқшомга қадар, оқшомдан саҳаргача ичар эди. Ичкиликдан завқ олар, завқ олган сари яна ва яна ичаверарди. Йил охирига етгач, барчасини бас қилиб, Маккага бормоқчи ва Ислом динига кирмоқчи эди. Бироқ бир йилдан кейин бу дунёда бўлмаслигини ажал келиб ёқасидан олган фурсатда англади. Тутганини олиб кетмай қўймайдиган панжалар эди бу. Охир-оқибат, Оъша ёруғ дунё билан видолашди.

Агар яна яшаганда ичкиликни ташлаб, Маккага келиб мусулмон бўлармиди? Ёки «Ичкиликка тўймадим», – дея иккинчи йил ҳам шароб ичишга берилармиди?

Булар эртанги кунда ҳисоб-китоб қилинадиган мавзулардир. Оъшани ҳам, уни алдаганларни ҳам ҳисобга тортадиган Парвардигор бу ишларнинг барини яхши биларди, албатта!

Узоқ йўлни минг машаққат билан босиб ўтиб, бирикки сўзга алданиб, нур юзли Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай кетган Оъшага ачиниш бизнинг кўлимизда эмас.

\* \* \*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайш халқини абадий саодатга чорларкан, мушриклар бу ишни тўхтатиш учун тиш-тирноғи билан қаршилик қилишарди:

– Ҳеч бўлмаса, бу Қуръон икки шаҳарнинг улуғлари бўлган икки кишидан бирига тушурилганда ҳам бошқа гап эди!.. — каби гаплар ҳар тарафга ёйилди.

Икки шаҳарнинг улуғлари дея таърифланган одамлар — Маккада Валид ибн Муғийра, Тоифда Урва ибн Масъуд Сақафий эди. Ҳаттоки, Валид ибн Муғийра бу ҳақдаги шахсий фикрини ҳамманинг олдида очиқ-ойдин айтди:

— Муҳаммаднинг «Аллоҳнинг каломи» деб юргани ростдан ҳам шундай бўлганида, у менга ёки Урва ибн Масъудга туширилган бўларди.

Ҳар тарафда гап бўлаётган бу мавзуга Қуръон оятлари аниқлик киритди:

وقالوا لَوْلَا نَزَّلَ هَذَا الْقُرْآنَ عَلَى رَجُلٍ مِّنَ الْقَرَبِيِّينَ عَظِيمٍ {31} أَهْمُ يَقْسِمُونَ  
رَحْمَةً رَبِّكَ نَحْنُ قَسَمْنَا بَيْنَهُمْ مَّعِيشَتَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ  
دَرَجَاتٍ لِّيَتَّخِذَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا سَخِرِيًّا وَرَحِمْتَ رَبُّكَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ {32}

Мазмуни: «Яна улар: «Бу Қуръон икки шаҳар(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди», — дедилар.

(Эй Муҳаммад!) Раббингизнинг раҳматини (пайғамбарликни) улар тақсимлайдиларми?! Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз ва бир-бирларини бўйсундириш (ишлатиш)лари учун баъзиларини баъзиларидан даражаларини кўтариб қўйганмиз. Раббингизнинг раҳмати эса

улар тўплайдиган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир»  
(Зухруф сураси, 31–32-оятлар).

Бу борада янада ҳаддиларидан ошганлар:

– Пайғамбарларга берилган нарса бизга ҳам берилмагунча иймон келтирмаймиз! – дея оёқ тираб олдилар.

Жаноби Ҳақ бўлар-бўлмас истаклари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни безовта қилиб юборган маккаликларга бир жавоб ва Пайғамбарига тасалли тариқасида яна бир оятни нозил қилди:

وَإِذَا جَاءَتْهُمْ آيَةٌ قَالُوا لَنْ نُؤْمِنَ حَتَّى نُؤْتَى مِثْلَ مَا أُوتِيَ رَسُولَ اللَّهِ اللَّهُ أَعْلَمُ  
حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ سَيُصِيبُ الَّذِينَ أَجْرَمُوا صَغَارٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا كَانُوا  
يَمْكُرُونَ {124} فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدْ أَنْ يُضِلَّهُ  
يَجْعَلْ صَدْرَهُ ضَيِّقًا حَرَجًا كَأَنَّما يَصْعَدُ فِي السَّمَاءِ كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ  
لَا يُؤْمِنُونَ {125}

Мазмуни: «Уларга бирор оят (ёки мўъжиза) келса, айтадилар: «Бизга Аллоҳнинг (бошқа) пайғамбарларига берилгани каби оят (ёки мўъжиза)лар берилмагунча, сира иймон келтирмаймиз». Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (раво кўриш)ни яхши билувчидир. Жиноят қилганларга макр қилганлари сабабли Аллоҳ ҳузурда хорлик ва шиддатли азоб муҳайёдир.

Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг кўкси (қалби)ни Ислому учун (кенг) очиб қўяди. Кимни адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқик қилиб қўяди. Шундай қилиб, Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга (лойиқ) жазони раво кўрғай» (Анъом сураси, 124–125-оятлар).

## ҚАЙҒУ ЙИЛИ (Фидокор амакининг вафоти)

Абу Толиб чиндан ҳам яхшигина қариган, ҳаёт ташвишларини кўтара олмайдиган ҳолга келиб қолганди. Отаси Абдулмутталибнинг вафот этганига ҳам қирқ йилча бўлганди. Бир куни у хасталаниб ётиб қолди.

Қурайшнинг катталаридан Утба, Шайба, Абу Жаҳл, Умайя, Абу Суфён ва яна бир қанча киши унинг зиёратига келдилар. Соғайиб кетишини тиладилар. Гап орасида:

– Эй Абу Толиб, сен биз ҳурмат қиладиган одамсан. Бу касаллик туфайли сенга бирор нима бўлишидан хавотирдамиз. Шунча йиллардан бери жиянинг билан орамиздаги муносабатдан ҳам хабардорсан. Бизнинг олдимизга уни чақирсанг, мумкин бўлса, келишиб олсак. Унинг бизга зарари тегмасин, биздан ҳам унга бирор зарар етмасин! – дедилар.

Таклиф Абу Толибга маъқул бўлди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юборди. Улар келдилар, амакиларининг ёнида мушрикларнинг катталарига кўзлари тушиди. Бир четга бориб ўтирдилар.

Абу Толиб паст ва ҳорғин овозда гап бошлади:

– Эй Муҳаммад, қаршингдаги одамлар Қурайшнинг катталаридан. Сен билан келишиб олиш учун ташриф буюришганини айтишмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларига «маъқул» дегандек ишора қилиб, меҳмонларга юзландилар:

– Сизлардан исталган нарса бор-йўғи биргина сўз. Уни айтсангиз бутун арабларнинг ҳокимияти қўл остингизда бўлади. Араб бўлмаганлар ҳам сизнинг ҳукмингизга ва динингизга ўтади.

Абу Жаҳл шошилганча:

– Бир эмас, ўнга гап айтамыз. Отангнинг ҳурмати ҳаққи, шу масалани ҳал қилайлик!

— «Ла илаҳа иллаллоҳ» — деб, барча бут-санамлардан юз ўгирасизлар.

Улар шошиб қолишди. Қўллари билан чапак чалиб юбордилар. «Бу бўлмайдиган иш» — демоқчи эдилар гўё.

Ўрнидан туриб, истехзоли юришлар билан хонадан чиқдилар. Ўзини тутишларидан кибр ва такаббурлик ҳидлари уфуриб турар эди.

— Бундан бошқа шундай нарсаларни биладиган киши йўқмикан?! Унинг динига ўхшаган бир динни эшитган одам борми ўзи?..

— Азизим, уйдурма қанақа бўлади? Бутун бошли катта шаҳарда фақатгина унга ваҳий келарканми? Бунақаси кетмайди.

— Абу Толиб менга жуда оғирдек туюлди, — деди Умайя. — Бир неча кундан сўнг бу дунёни тарк этади-ёв!

— У яхши, мард одам. Аммо шу жияни борасида яхши иш қилмади-да!

— Қўявер, унинг ўжарлиги ошиб борса бир-икки ҳафта давом этади. Ундан сўнг, кўрасан, майдон ўзимизга қолади.

— Онасидан туғилганига пушаймон бўладиган кунлар амакисининг ажали билан бирга келади...

Шунга ўхшаш гапларни айтиб, йўлларига равона бўлишди.

Абу Толиб сўнгги кунларини яшаётганини ҳис қилиб турарди. Ёнида ўтириб, Ислом динининг аҳкомларини айтиб берган жияни бироздан кейин рухсат сўраб ташқарига чиқди. Жияни кетаркан, Абу Толибнинг кўзларидан оқиб тушган бир неча ёш томчилари поёнига етган умри учун эмас, балки отаси Абдулмутталибдан сўнг бор куч ғайрати билан давом эттириб келаётган муқаддас вазифасини охиригача адо этолмаётгани учун оққанди. Бир неча кун ўтгач, санокли қолган нафаслар ҳам охирига этади ва ҳар бир инсон бош эгишга мажбур бўлган илоҳий ҳукмга у ҳам кўнади, ҳисоб-китоб оламига кета-

ди. Бироқ ундан сўнг бу вазифани бажарадиган ҳеч ким йўқ.

Абу Лаҳаб Маккада сўзи ўтадиган, ҳурмат-эътиборли кишилардан бири. Шундай бўлса-да, унинг кўнгли жияни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан адоват ва нафрат билан тўлиб тошганди.

Яна бир укаси Аббос ҳам бу ишни қила олмасди. Бундай масъулиятли ва хавфли вазифани бўйнига оладиган даражада эмасди. У тижорат ва судхўрликка муккасидан кетган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоясига олган тақдирда ҳам Қурайш катталари унга нисбатан душман бўлиб қолишидан, бунинг натижасида тижорат ва судхўрлиги барбод бўлишидан чўчир эди.

Кичик укаларидан яна бири Ҳамза мусулмон бўлганди. Маккада мусулмон одамнинг сўзи эътиборга олинмас, ҳимояси ҳам қабул қилинмасди.

Вазият шундай экан, жиянининг ёлғиз қолиши муқаррар. Кўзларидан оқиб соқолларини ювиб тушаётган ёшларга айни шу мулоҳазалар сабаб эди.

Бир замонлар отасидан, онасидан, бобосидан етим қолиб кетган кичкина болакай — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ташлаб кетишга мажбурлиги эди уни йиғлатган.

Қурайш мушрикларининг ҳар турли найрангларига мардларча қарши туролган, қонининг сўнги томчилари қумларга тўкилиб сингмагунча жиянига душманлик қилиш учун узатилган қўлларга доимо қарши туришини ва бундан жуда фахрланишини кўксини керганча ҳайқириб айта олган, бу гапларни бир эмас бир неча марта қайтара олганди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уюштирилган ҳар бир ҳужум унинг мард, жасур ва ўлимдан қўрқмас кўксига урилиб парча-парча бўлиб кетарди.

Бир эмас, минг Абу Жаҳл бўлганда ҳам босган қадамидан ортга чекинмасди. Уч йил давомида очлик

билан курашди. Бир неча бор очлик сабаб ўлим билан юзма-юз келди. Ўшанда жирканч нарсаларни ейишга ўзини мажбур қилди, дарахт пўстлоқларини кемирди. Ўлган ҳайвонларнинг терисини, тирноқларини гажиди. Ошқозонининг дод-фарёдини эшитмаслик учун қорнига тош бойлаб олди, ерларга думалади, бироқ суюкли жиянини кечаю кундуз ҳимоя қилди.

Виждони олдида жавоб бераётган ҳеч бир одам, ҳеч бир мусулмон:

— Абу Толиб мана бу ишни қилмаганди, мен унданда яхшироқ ҳимоя қила олардим! — дея олмайди. Агар шундай деса, билимсизлигидан, тушунчаси йўқлигидан айтган бўлади. Бу Абу Толиб яшаган даврдан беҳабар ёлғончи кимсанинг лофи бўлади.

\* \* \*

Бир неча кун ўтгач, Абу Жаҳл ёнида Абдуллоҳ ибн Абу Умайя билан Абу Толибни кўришга яна келишди.

Аслида ўртада кўп йиллар давом этган, баъзан яхши баъзан ёқимсиз хотиралар қолдирган биродарлик бор эди.

Эҳтимол, Абу Жаҳл биродарини зиёрат қилиш баҳонасида унинг ўлими яқинми, ёки узоқ — шунини билиш учун келгандир. Улар энди ўтирганларида Раёулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кириб келдилар.

— Амакижон, бир марта «Ла илаҳа иллаллоҳ» — деб айтинг, шунда мен сизни қиёмат кунини шафоат қила оламан! — дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларини эшитган Абу Жаҳл ва Абу Умайя:

— Эй Абу Толиб, Абдулмутталибнинг динидан юз ўғирасанми? — дея орага бурун суқишди.

Пайғамбарлар Султони соллаллоҳу алайҳи васаллам такрор-такрор илтимос қилар, бир бора бўлса ҳам тавҳид калимасини айтишини сўраб ёлворардилар. Фақат икки жоҳил ҳар сафар Абу Толибга ота-боболарининг динини

эслатар, иймон келтирмаслиги учун астойдил интилардилар.

Абу Толиб ҳеч нима демасди. Ора-орада инграб кўяр, кўксен ҳар нафас олганда кўтарилиб тушарди. Ортиқ яшашга мажоли қолмаганини англаш қийин бўлмай қолганди. Берилган саволларга жавоб қайтара олмайдиган ҳолга келганди.

Оламларнинг Сарвари, кўзларимизнинг нури соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ йилдан ортиқ вақт давомида фақат яхшилик кўрган амакиларини иймонга киришини орзу қилардилар. Охиратда улуг шафоат ҳаққи берилган вақтда Абу Толибнинг қўлидан тутиб, унга энг катта ёрдамини кўрсатмоқчи эдилар.

Бу орада Абу Толибнинг лаблари қимирлади. Шивирлаган овозда қўидаги сўзлар эшитилди:

— У Абдулмутталибнинг динидадир.

Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайянинг юзларида шайтоний табассум пайдо бўлди. Кўзларида ғалаба қозонилганда кўринадиган учқунлар порлади. «Амакинингни сенга бериб қўймадик! Охир-оқибат ғалаба бизники бўлди!» — деган ифода билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дардлари оғир эди. Ҳаётда энг кўп тиргак бўлган, энг кўп яхши кўрган инсонларидан бири амакиларини бир умр йўқотмоқда эдилар. Бу айрилиқ қайтиши бўлмайдиган, абадий айрилиқ эди.

— Аллоҳ тақиқламагунча сизни кечиришини сўраб дуо қиламан, — дедилар ва у ердан чиқиб кетдилар.

\* \* \*

Абу Толиб нима сабабдан иймон келтирмади?

Жиянини жонидан ортиқ кўрган инсон унинг ҳурмати учун бир марта бўлса ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳ» — дея олмасмиди?

Бу борада айта олишимиз мумкин бўлган энг тўғри тахмин қуйидагича: Абу Толиб иймон келтирган тақдирда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қила олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини ўйлаб кўрқди.

Қурайш халқи олдида юксак обрў-эътибори бор эди. Аммо бу эътибор иймон келтирса тан олинмас, у ҳолда мушриклар кўнгилларига келган ишни қилишлари мумкин эди. Уларни ҳеч ким бундан тўхтата олмасди.

Мисол учун, бир пайтлар қурайшликлар жуда яхши кўрадиган, қаттиқ ҳурмат қиладиган инсон Ҳазрат Абу Бакр иймон келтиргач, мушриклар наздида ҳеч ким бўлмай қолгандилар. Уларни тутиб олиб роса калтаклашганди. Ўша кундан бошлаб улар ҳеч кимни ҳимояларига ҳам ололмай қолдилар. Агар ҳимоялари амал қилганида Ҳабаш юртидан қайтган мусулмонларнинг ҳимоя истаб, Валид ибн Муғйра, Абу Уҳайҳа каби мушрикларнинг ёнига боришларига эҳтиёжлари бўлмас эди.

Абу Толиб ҳаётининг сўнгги дамларигача эътиқод қилган динини қайта оёққа туриб кетишидан умидини узган, ўлими эшик қоқиб турганини ҳис этган бир пайтда ўзгартириши мумкин эмасмиди? Жиянининг бир ўзини чақириб, яширин тарзда иймон келтириб, кейин буни бошқалардан сир тутишини илтимос қилса бўларди-ку!

Булар Абу Толиб қила оладиган ишлар эди. Айтадиган шу бир оғиз калимасидан жиянининг жуда қувонишини ҳам биларди.

Бу борада унинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган гаплари юқоридаги мулоҳазаларга аниқлик киритади:

– Эй укамнинг ўғли! Қасам ичаманки, сенинг ва болаларингнинг бошига бирор ёмонлик келишидан кўрқмаганимда ва қурайшликлар «Ўлимдан кўрққани учун шундай қилди!» – деб айтишларидан уялмаганимда, албатта, иймон келтирган бўлардим. Агар динингга кирмаган тақдиримда ҳам, ҳеч бўлмаганда сенинг қувончинг учун шундай қилардим.

Айнан шу сабаб Абу Толибнинг охират сафарига иймон келтирмай кетишига сабаб бўлгандир, эҳтимол!..

Аввало, суюкли жиянини ҳимоя қила олиш учун иймон доирасидан ташқарида қолган бўлса, иккинчидан, «Абу Толиб ўзи боқиб катта қилган жиянининг динига кирди. Ўлимдан кейинг ҳаёт уни кўрқитди», — деган маломатларга қолиб кетмаслиги учун иймон келтиришдан узоқда бўлди.

Инсоният яшар экан, ер юзида бир дона бўлса ҳам мўмин банда қолгунича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга чин дилдан хизмат қилган Абу Толиб яхши хотиралар билан ёдга олинади. Аммо икки мушрикнинг олдида сир бой бермаслик учун ҳаётининг сўнгги онида ҳам иймон келтирмагани хуш қабул қилинмайди.

Балки Абу Толиб «Иймон келтирсам, баралла айтишни хоҳлайман. Бошим баланд, кўксимни керганча, ҳеч кимдан кўрқмай Исломни қабул қиламан. Шу кунгача жиянимни ҳимоя қилиш учунгина шундай йўлдан бордим, энди қурайшликлар мусулмон бўлганимни билишсин!» — деб ўйлагандир. Балки иймон келтириш энг тўғри йўл эканлигини билса ҳам, ота-боболарнинг динида қолишни маъқул кўргандир.

Бу нарсалар ёлғиз Аллоҳ таолога аён бўлган сирлардир.

Раҳмати ўн саккиз минг оламни қоплаб олган Буюк Раббимиз Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам берган, уни қўллаб-қувватлаган Абу Толибдек меҳрибон инсонга қандай муомалада бўлади? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни чин дилдан суйгувчи ҳар бир мўминнинг қалбида Абу Толиб туфайли ҳосил бўлган яра қиёматга қадар битмайди.

\* \* \*

Бир куни Ҳазрат Али ҳаяжонланганча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига кириб келди-

лар. Оталарининг вафот этганларини хабар қилдилар. Бу хабар йиллар давомида қурайшлик мушриклар қулата олмаган деворнинг қулаганини англатар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларининг ўлими боис жуда ғамга ботдилар. Уларни амакиларининг ўлиmidан ҳам кўпроқ иймон келтирмай ўтгани азоблаганди. Абу Толиб ортидан йиғлаб қолганлар билан бирга ўлими туфайли байрам қилган одамларни ҳам ташлаб кетди.

Фаҳри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам кўмиш ишларида қатнашдилар. Қайтаётганларида:

– Қариндош-уруғлик алоқалари охиратда ҳам давомли бўлсин, хайрли мукофотларга эришинг! — дея дуо қилдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрик ва мунофиқларнинг жаноза намозларини ўқишдан, уларга қатнашишдан ва қабрларига боришдан қайтарганлар. Аммо бу тақиқ Макка давридан кейин бўлган.

Жияни учун кўпдан-кўп заҳматлар чеккан, ёрдам қилган ва балки катта эҳтимол билан уларни кўриқлай олиш умидида иймон келтирмай, абадий саодатдан маҳрум бўлган Абу Толибни йўқотиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда оғир бўлди.

\* \* \*

Улар кўп бора қўлларини очиб, амакиларнинг ҳаққига дуо қилдилар, Аллоҳ таолога ёлвордилар. Ниҳоят, Қасос сурасидан бир оят нозил бўлди ва бу ояти каримадан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари бир оз бўлса-да тасқин топди:

{56} إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топувчиларни яхши билувчидир» (Қасос сураси, 56-оят).

Ислом уламолари Абу Толибнинг вафоти сабабли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан қилинган дуоларга жавоб тариқасида қуйидаги оят ҳам нозил бўлгани айтишади:

مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَىٰ مِنْ  
بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ {113}

Мазмуни: «На пайғамбар ва на мўминлар мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах аҳли эканлари маълум бўлгандан кейин — истиғфор (гуноҳларини кечиришини) сўрашлари жоиз эмас» (**Тавба сураси, 113-оят**).

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳу алайҳ ушбу мавзуда сўз юритиб, Абу Толибнинг вафоти билан боғлиқ биргина шу оятнинг тушурилганини таъкидлайдилар.

Бу оятнинг мавзу билан алоқадорлиги аниқ бўлса ҳам, унинг Тавба сурасида ўрин олганлиги ва бу сура Макка фатҳидан сўнг, Абу Толибнинг вафотидан деярли ўн икки йил кейин нозил бўлганини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз лозим.

Бундан ташқари, Тавба сурасини Қуръони каримдаги энг охириги нозил бўлган сура деб ҳисоблайдиган уламолар ҳам бор.

\* \* \*

Ҳазрат Аббос иймон келтиргач, Расулуллоҳни топдилар ва уларнинг ораларида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

— Акам Абу Толибнинг жони узилаётган вақтда ёнида эдим. Лаблари қимирлай бошлади, шу сабабдан қулоғимни унинг оғзига тутдим. Ўшанда у сиз орзу қилган гапни, яъни иймон калимасини айтиб жон берди!

Расулуллоҳ Ҳазрат Аббосга қисқагина жавоб қайтардилар:

— Мен буни эшитмадим.

Абу Толибнинг вафотига ҳали бир ҳафта ҳам бўлмаганди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига бошлари ва юзлари тупроққа беланган ҳолда кириб келдилар.

Катта қизларидан бири йиғлаганча пешвоз чиқдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошини ювиб тозаладилар. Расулуллоҳ қизларига тасалли бердилар:

— Йиғлама, қизим! Аллоҳ таоло отангни ҳимоя қилади!  
— дедилар.

Кейин Абу Толибни эсладилар ва шундай дедилар:

— Амаким Абу Толиб тириклигида қурайшликлар менга хоҳлаган ишларини қила олмагандилар.

## ЯНА БИР ОФИР ЖУДОЛИК

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали ҳам амакилари Абу Толибнинг вафотлари туфайли қайғуда эдилар. Қайғунинг ариши қийин кечарди. Чунки унинг ўлимини кутиб юрган мушриклар бирдан ўзгариб қолган, ҳақорат ва мазахларнинг сони кескин ортиб кетганди.

Устига-устак Ҳазрат Хадича онамиз ҳам бетоб бўлиб қолгандилар. Улар олтмиш олти ёшга яқинлашгандилар. Қирқ ёшда эканликларида учинчи бор ва энг бахтли турмушини қурган, йигирма олти йилга яқин вақтдан буён ҳақиқий оила бахтини ҳис қилиб яшар эдилар. Турмуш ўртоқларининг оғирларини енгил қилиш мақсадида моддий ва маънавий ҳар бир чорани қўллаган, бахтли онларида эса доимо уларнинг ёнларида бўлгандилар.

Йигирма олти йиллик умрлари давомида Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан турмуш қурганларида ҳеч қачон пушаймон бўлмадилар. Уларни пушаймон қиладиган бирор иш ҳам қилмадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир-биридан ширин фарзандларни ҳадя қилдилар, дардларига шерик бўлиб, тасалли бўла олдилар. Бироқ, ҳар бир бир банда ёруғ дунёга келгандан сўнг, ўлим шарбатини тотгани каби улар ҳам бир кетардилар.

Улар ҳам фоний дунё билан видолашиб, ортларида кўзлари ёшли, қадрли инсонларни ташлаб кетар эдилар.

Хасталаниб ётиб қолганларида энди умрларининг охирги онлари аста-секин яқинлашаётганини ҳис қилиб борардилар.

Сўнгги ўн йилда юз берган можаролар, мушриклар билан зиддиятлар уларнинг вужудларини ҳолдан тойдирганди. Ётиб қолганларида ҳам борган сари шамдек эриб бораётганлари сезиларди.

Бироқ, бу чарчоқларнинг бари вужудлари билан алоқадор. Руҳий ва маънавий оламига назар ташласак,

вайрона уйдан яқиндагина қурилган гўзал саройга кўчган инсон каби ҳузур-ҳаловатда эдилар.

Дунёда экилиши мумкин бўлган энг хайрли уруғни Пайғамбарлар Султони соллаллоҳу алайҳи васалламнинг раҳбарликлари ва қўл остларида ерга қадаган эдилар. Охиратда эса ҳеч кимга насиб этмайдиган ҳосилни йиғиб олар, жаннатда ўзи учун ҳозирланган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан хушхабар берилган кўшкка жойлашардилар.

Шу сабабдан ўлим улар учун жаннат ҳаётининг бошланиши ҳисобланарди. Аллоҳ таолонинг раҳматига, лутфу карамига қовушмоқ дегани эди.

Охират оламига шараф берганлари туфайли уларнинг ҳузурларига малаклар чиқишиб:

— Хуш келибсан, бизга яхшиликлар олиб келдинг, эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фидокор аёли, қиёси бўлмаган жуфти! — деб қаршилайдилар. Келажакда ўз кўшкларига жойлашгунларига қадар Аллоҳ таолонинг азиз меҳмони сифатида икром кўрадилар.

Дунёда Аллоҳнинг Расулини севганлари, уларга ҳеч ким бера олмайдиган оилавий бахт, роҳат-фароғат бағишлаганлари эвазига Аллоҳ таоло ҳам уларни сийлайди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдиган неъматлар билан уларни мукофотлайди.

Улуғ Ҳазрат Хадича!.. Аёлларнинг энг улуғи Ҳазрат Хадича у ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боргунларича Рабб-ул Оламиннинг меҳмони бўладилар.

Бу дунёни тарк этиш бошқа бир тарафдан қараганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, болаларидан айрилиш дегани эди. Уларни ўткинчи дунёда душманлари томонидан кўрсатиладиган минг бир азият ичига ташлаб кетиш дегани эди. Шу сабабдан ҳам ўлим Ҳазрат Хадича учун аччиқ эди.

Пайғамбарлар Султони соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ғамларини унутмай туриб, иккинчи, янада каттароқ

гамнинг қаршисида ўзини кўраётгандилар. Узоқ йиллар давомида ҳеч бир эрнинг ҳеч бир хотинидан кўрмаган энг гўзал ва мукамал аёллик намунасини Ҳазрат Хадичадан кўрдилар. Мушриклар қилган шунча азобларларнинг алами айнан уларнинг ёнида унутилди. Дардларини уларнинг ёнида аритдилар.

Айтишларига қараганда, Абу Толибнинг вафотидан озроқ вақт ўтгач, Ҳазрат Хадича ҳам ўзларини гўзал жаннатга таклиф қилиб келган фаришталар ҳамроҳлигида йўлга чиқдилар. Сўнгги нафасларини оларканлар, лаблари орасидан:

— Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу! — сўзлари чиқди.

Бу сўзларни айтиб жон бериш шарафи ҳам уларга насиб этди. Ўн йил давомида илк иймон келтирганларнинг биринчиси бўлиб, ҳамда йиллар давомида бу калиманинг мазмун-моҳиятини тушуниб ҳис этиб айтгандилар. Худди шу сўзлар билан Исломдан олдинги ҳаётларига нуқта қўйгандилар, шарафли иймон ҳаётини бошлагандилар. Энди эса охират оламига ҳам илк қадамини ҳам шаҳодат калимаси билан қўйдилар. Дунё ҳаётини ҳам шу сўзлар билан тугатдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хуш-хабар берган саодат юртига фаришталар ҳамроҳлигида хурсандчилик билан кетар эканлар, ортларида унутиш мумкин бўлмаган қадрли хотиралар ва ўзлари учун дуо қилиб қолувчи хайрлиларнинг энг хайрлиси бўлган оилани ташлаб кетдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларида бутун оила, ҳаттоки бутун мўминлар буюк қайғуга чўмдилар. Бу қадар қисқа муддатда Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кўп яхши кўрган икки қадрдонлари кетма-кет вафот этишди. Бу ҳолат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга жуда

қаттиқ даражада таъсир қилди. Ушбу ғам-аламларга тўла бўлган йил мўминлар орасида «Қайғу йили» деб аталди.

Макканинг Хожун қабристони Ҳазрат Хадичанинг муборак вужудлари билан шарафланди.

Улар кетгач уй мотамхонага айланди, хувиллаб қолди. Чунки улар ҳаётнинг тоти эдилар, кетганларидан сўнг ҳаётнинг тоти қолмаганди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун уйдан чиқмадилар. Ғам-қайғулар бир-бирининг устига йиғилиб келганди. Қурайшлик мушрикларнинг ҳеч нафас олишга ҳам бермайдиган ҳаракатлари ва уларга қарши чиқиб, мўминларни ҳимоя қила оладиган одамнинг йўқлигидан бу қайғуни орттирганди.

Мана шу ҳолатга ичида адоват олови сўнмаган Абу Лаҳабнинг ҳам сира сабр-тоқати етмади. У кунларнинг бирида келиб:

– Эй Муҳаммад, Абу Толиб ҳаётлигида нима қилган бўлсанг, ҳозир ҳам шуни қилавер. Лот номи билан қасам ичаманки, ҳеч кимса сенга зарар бера олмайди! – деди.

Макка кўчаларида кезиб юрган бир жарчи ҳар бир кўча бошида бақирганча бир эълон айтди:

– Бундан кейин Абдулуззо жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳимоясига олади. Ҳеч ким унга бирор ёмонлик қилишга уринмасин!

Эълон қурайшлик мушрикларнинг кўл-оёғини боғлаб қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Абу толиб давридагидек бемалол кўчаларда айландилар. Ҳеч ким уларга бирор ёмонлик қила олмас эди.

Кунлар шу тарзда ўта бошлади.

\* \* \*

Бир куни Ҳазрат Усмон ибн Маъзуннинг аёллари Ҳазрат Ҳавла Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқлаб келдилар.

– Ё Расулulloҳ, уйингизда Хадичанинг йўқлигини ҳис қилдим, – дедилар.

Ўша куни Ҳазрат Ҳавла Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қайта уйланишларига кўндирдилар. Ҳазрат Савдо бинти Замъа ва Ҳазрат Абу Бакрнинг қизлари Ҳазрат Ойшаларга совчиликка бориш вазифасини олиб уйдан чиқдилар. Уларнинг ҳар иккисини ҳам Ҳазрат Ҳавла тавсия қилгандилар.

Ҳазрат Савдо ёши катта, тўлароқ аёл эдилар. Оғир ҳаракат қилардилар. Эрлари вафот этгач, беш-олти бола билан бева қолгандилар.

Улар Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган совчиларнинг таклифини мамнунлик билан қарши олдилар. Бироқ атрофларида парвонадек айланиб, чуғурлашиб юрган болаларини ўйлаб бошлари қотди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

– Менга турмушга чиқишингда болаларнингдан бошқа ўйлаётган бирор нарсанг йўқми? – деб сўраган саволларига:

– Йўқ! – дея жавоб бердилар.

Ҳазрат Савдо Рисолатнинг ўнинчи йили Рамазон ойида «Уммул муъминин» (Мўминларнинг онаси) бўлиш шарафини кўлга киритдилар.

Ҳазрат Абу Бакр кичик қизлари Ҳазрат Ойшани Мутъим ибн Одийнинг ўғли Жубайрга унашиб қўйган эдилар. Бу орада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига уйланиш ҳақидаги таклифи Ҳазрат Ҳавла бинти Ҳаким тарафларидан етказилди.

Бир умр кутганда ҳам топилмайдиган таклиф эди бу. Лекин бундай таклифни ҳеч ҳам кутишмаганди. Хабар берилгандан сўнг Ҳазрат Абу Бакр нима қилишларини билмай қолдилар.

– Энди нима қилсак экан? – дедилар аёлларига.

Ўринларидан турдилар, нима қилишларини билмай, Мутъимнинг уйига қараб боравердилар.

Мутъимнинг хотини уларни тунд чеҳра билан кутиб олди.

– Эй Абу Бакр, қизингга ўғлимни уйлантириб олиб, кейин уни ҳам ўз динингга киритмоқчимисан? Бу ҳийланг ўтмайди! – деди.

Бу аёлга ҳеч нимани тушунтириб бўлмасди. Ҳазрат Абу Бакр Мутъимга қарадилар:

– Сен нима дейсан, Мутъим?

– Мен ҳам шундан кўрқяпман.

– Жуда соз, ундай бўлса, унаштирувни бекор қиламан.

Ҳазрат Абу Бакр у ердан хурсанд ҳолда чиқдилар. Ва-зият кутганларидан ҳам чиройли ва осон ҳал бўлганди. Бунга ўзлари сабабчи бўлмаганлари ҳам аниқ. Дарҳол Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга хабар юборди-лар ва қизлари Ҳазрат Ойшани унаштирдилар. Тўй учун эса бироз вақт бор эди.

\* \* \*

Абу Жаҳл ўзи билан бир одамни эргаштириб олган-ча Абу Лаҳабнинг уйига келди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин келишдан асл мақсадини айтди:

– Акангнинг ўғлидан отанг Абдулмутталиб қаерда экан-лигини бир сўраб кўрчи! – деди. Бу савол Абу Лаҳабнинг калласига ўрнашиб қолди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга дуч келиши билан сўради.

– Қавми билан бирга! – деган жавобни олди.

Абу Лаҳаб бу жавобни изоҳлаб беришини сўрамади, бироқ Абу Жаҳл бу жавобдан қониқмади.

– Жиянинг отанг Абдулмутталибни жаҳаннамда демоқчи! – деди.

Абу Лаҳабнинг бўйин томирлари бўртиб кетди. Ўрни-дан туриб, тўғри Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва-салламнинг олдиларига келди.

Абу Лаҳаб бу келишида аввалги Абу Лаҳабга айланган-ди. Шу ондан токи ўлимига қадар душманлик қилишини,

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нафас олишларига ҳам имкон бермаслигини бақира-чақира эълон қилди.

Олдин ҳимоясига олганини эълон қилди, кейин имкон туғилди дегунча ёмонликлар қилишга ўтди. Бошқа тарафдан ҳимоянинг бекор қилинганини эшитганлар ҳам тиш қайрашга тушиб қолдилар.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига кирар эканлар, бир дайди келиб уларнинг муборак бошларига тупроқ сочиб юборди. У бу манфур қилмишидан хурсанд ҳолда қочиб қоларкан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хафа бўлганча уйларига кирдилар.

Қизларидан биринчи бўлиб кўрганлари югуриб келдилар:

— Отажон, бу ишни ким қилди? — деб йиғлаб сўрадилар.

Кимнинг қилгани муҳим эмасди. У қилмаса, бошқаси қиларди. Йўл очилган, мушрикларнинг олдини тўсган баҳайбат девор — Абу Лаҳаб энди ўртада йўқ эди.

## ТОИФ САФАРИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам энди Макка кўчаларида юролмай қолгандилар. Қаерга борсалар ҳам ҳақорат қилган, мазахлаган, ёмон сўзларни айтган кишиларга дуч келар эдилар.

Қуръон ўқишни бошлашлари билан мушриклар узоқ-узоқлардагилар ҳам эшитадиган даражада бақир-чақир қилиб гаплашишар, ноғора чалишарди, бунинг натижасида Қуръон ўқиш қийин бўлиб қоларди. Аслида мушрикларга уларнинг катталари шундай қилишни буюришганди. Бу ҳақда қуйидаги оят нозил бўлди:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَسْمَعُوا لِهَذَا الْقُرْآنِ وَالْغَوْا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَعْلَمُونَ {26}  
فَلَنذيقَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا عَذَابًا شَدِيدًا وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَسْوَأَ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ {27} ذَلِكَ  
جَزَاءُ أَعْدَاءِ اللَّهِ النَّارُ لَهُمْ فِيهَا دَارُ الْخُلْدِ جَزَاءُ بِمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا يَجْحَدُونَ {28}

Мазмуни: «Кофир бўлган кимсалар (бир-бирларига: «Муҳаммад тиловат қилаётган вақтда) сизлар бу Қуръонга кулоқ солмангиз ва (уни чалғитиш учун) жаврайверингиз! (Шунда) зора голиб бўлсангиз», — дедилар.

Бас, албатта, (ўша) кофир бўлган кимсаларга қаттиқ азобни тоттирурмиз ва уларни ўз қилмишлари учун (охиратда) энг ёмон жазо билан жазолаймиз.

Бу (азоб) Аллоҳ душманларининг жазоси бўлмиш дўзахдир. Улар учун оятларимизни инкор қилувчи бўлганларининг жазоси сифатида ўша жойда мангу қолиш бордир» **(Фуссилат сураси, 26–28-оятлар)**.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қаерга борсалар ҳам бир мушрик пайдо бўлар, уларга роҳат бермасликка, тинч қўймасликка ҳаракат қиларди.

Охир-оқибат, вазифаларини Маккадан ташқарида бажариш қарори билан ёнларига тутинган ўғиллари Ҳазрат Зайд ибн Ҳорисани олиб шаҳардан чиқдилар.

Тоиф томонга боришга қарор қилишди. Уч кун давом этган сафардан сўнг Тоиф шаҳрига кириб келдилар. У ерда бирор иймон келтирган одамни учратиш умиди бор эди. Балки, ана шуларнинг ёрдамида маккалик мушрикларнинг одобсиз ҳаракатларига қарши турса бўлар.

Тоиф шаҳрида сўзи барчага ўтадиган уч ака-ука бор эди. Булар – Абдуялил, Масъуд ва Ҳабиб эдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларга ўзларини таништирдилар, нима учун келганларини ҳам айтиб, бир оз Қуръондан ҳам тиловат қилдилар.

– Агар чиндан ҳам сени Аллоҳ пайғамбари қилиб юборган бўлса, Каъбанинг устидаги ёпинчигини олиб йиртишга ҳам розиман!..

– Аллоҳ сендан бошқа бирор яхшироқ одамни топа олмабдими пайғамбар қилиб юборишга?

– Қасам ичаманки, сен билан бир оғиз ҳам гаплашмайман. Агар айтганингдек чиндан ҳам пайғамбар бўлсанг, мен сенга бир нарса демайман. Агар ёлғончи бўлсанг, унда сен билан гаплашиб ўтириш менга ярашмайди.

Уч ака-укаларнинг ҳар бири юқоридаги гапларни айтишди. Булардан ҳеч бир фойда чиқмаслиги тез орада маълум бўлди.

– Модомики иймон келтирмас экансизлар, у ҳолда сизлардан бу суҳбатни бошқалардан сир тутишингизни илтимос қиламан. Макка халқи бу ерга келганимдан хабардор бўлмасин.

– Бекорларни айтибсан, зудлик билан уларга хабар жўнатамиз!

Улар ҳеч бир гапни эшитишмас, тўғрироғи хоҳламасдилар. Араблар одатига мувофиқ меҳмонга кўрсатиладиган иззат ҳам оёқости қилинди.

«Шундай жиддий бир одам қандай қилиб ёлғон сўзлайди?» деб ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларнинг ёнидан кетдилар. Яна Маккага, душманлари бўлмиш

мушрикларнинг орасига қайтишлари лозим эди. Лекин тоифлик уч ака-ука уларнинг Маккага тинчгина кетишларига ҳам йўл қўйишмади.

Ярамас бир овоз Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламни тошбўрон қилишга буюрди. Нима қилишини билмай, зерикиб юрган маҳалла болалари бу ишни завқли бир ўйин сифатида қабул қилдилар. Қуллар ва болалар куфур сўзларни айтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан ёмғир каби тош ёғдиришди.

Иккинчи бир буйруқ тошларнинг ҳажми ва шакли ҳақида бўлди:

– Ўлдириб қўйишдан эҳтиёт бўлинглар!

Бунинг маъноси «Отаётган тошларингиз катта бўлмасин. Белдан юқорисига отманглар!» — дегани эди. Агар ўлдириб қўйишса, қурайшликларнинг интиқом олови аланга олиши мумкинлигидан қўрқишганди.

Тошлар ҳали ҳам тинимсиз отилар. Ҳазрат Зайд баъзан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг тарафларига, баъзан чап тарафларига, баъзан эса ортларига ўтиб, отилган тошларга ўзларини қалқон қилардилар. Шунга қарамай, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари қонаб кетди. Улар Тоифдан чиқиб кетаётганларида ҳам тошбўрон давом этарди.

– Ёлғончи одам!

– Яна пайғамбар эмиш!..

– Ёлғон гапиришга Аллоҳдан уялмадингми?..

Шунга ўхшаш ҳисобсиз ҳақоратлар бир-бирини тинмай таъқиб этиб турди. Тоифлик дайдилар ўзларига буюрилган топшириқни аъло даражада бажарганларига ишонч ҳосил қилишгач ортга қайтдилар. Бир бадбахт кўлидаги охирги тошни отаркан:

– Бу кунни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма, эй ёлғончи пайғамбар! — дея бақариб қолди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқатан ҳам бу кунни ҳеч қачон унутмадилар, унута олмадилар

ҳам. Бир неча йиллардан кейин суюкли аёллари Ҳазрат Ойша онамизнинг:

– Ё Расулуллоҳ, Уҳуд кунидан-да ёмонроқ бир кунни кўрганмисиз? – деб сураган саволларига жавоб берарканлар, шу кунни эста олгандилар ва буни бошқа азобли кунлардан минг чандон ортиқлигини эътироф этгандилар.

Дайдилар ортга қайтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Зайд ҳам дам олиш учун йўл четидаги бир боғнинг четроғига ўтиришди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини очиб, Буюк Аллоҳга шундай дуо қилдилар:

– Аллоҳим, куч-қувватимнинг камлигини, чорасиз қолганимни фақат Сенгагина айтаман. Одамлар орасида бу даражада хор бўлганимдан ҳам ёлғиз Ўзингга шикоят қиламан.

– Эй Марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган, Аллоҳим! Дард чекканларнинг, эзилганларнинг ва шахсан менинг Раббим Сенсан! Мени кимларга рўбарў қиляпсан? Ёмонлик билан қарши олган одамларнинг қўлларигами, ёки душманларимгами?!

– Агар Сенда менга нисбатан ғазаб йўқ бўлса, бу ёмонликларга парво ҳам қилмайман. Сендан келувчи саломатлик ва офийат мен учун энг яхшисидир.

Ғазабингдан Сенинг нурунгни сиғинаман. Зулматларни нурга айлантирган, дунё ва охираат ишларини тартибга солган Сенинг нурунғидир. Сен биздан рози бўлгунингга қадар биз Сендан рози ва мамнунмиз. Куч ва қудрат эгаси ёлғиз Ўзингдирсан!

Набийийн Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам турган боғ Утба ибн Робия ва унинг укаси Шайбага тегишли эди. Қандайдир тасодиф билан ўша вақтда улар ҳам боғда эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у ерга келганларини, ўтирганларини ва тоифликларнинг қилмишларини ўз кўзлари билан кўришди.

Энди бу ишни яширишнинг фойдаси йўқ эди. Тоифликлардан бўлиб ўтган воқеалар сир тугилиши сўралганда улар рози бўлмагандилар. Устига-устак бу ерда икки маккалик бу ҳодисаларга шахсан гувоҳ бўлишди.

Утба ва Шайба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан қилинган Ислом ва иймон даъватини ҳеч қачон тўғри тушунишмаганди.

Уларнинг паришон бир аҳволда, оёқларидан қон оққан ҳолда келиб, боғнинг бир четига ўтирганларида икки ака-ука тоифликларнинг даъватни қабул қилмаганидан севинишди, бироқ Қурайш орасида «Ал-Амин» дея ном чиқарган мўтабар зотнинг бу тарзда ҳақорат қилиниши уларнинг ҳам кўнглини бузиб юборди.

Утба укасининг юзига қараб, ўзининг кўнглидан ўтаётган ҳислар унда ҳам борлигини сезгач:

— Аддос! — дея бақирди.

Хизматчи келди.

— Сўридан бир бош узум олиб товоққа сол, кейин боғ четида ўтирган одамга олиб бор, есин, — деди.

Хизматчи айтилганларни бажарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бисмиллоҳ» дея узумдан олиб ея бошладилар. Аддос Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига қаради.

— Қасам ичиб айтаманки, бу гапни бу ерларда ҳеч ким айтмайди, — деди.

— Қайси ўлкадансан, дининг қандай?

— Нивона халқиданман, диним насронийлик.

— Демак, солиҳ бир кишисан. Юнус ибн Маттонинг шаҳридан.

— Юнус ибн Маттони қаердан танийсиз?

— У менинг вазифадош биродарим эди. Пайғамбар бўлган, мен ҳам Пайғамбарман.

Аддоснинг кўзлари ёшга тўлди. Эгилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошлари, кўллари,

оёқларидан ўпди. Иймон келтириб мусулмон бўлди. Нариги тарафда Утба билан Шайба уларни диққат билан кузатиб турарди.

– Кўрдингми, уни ҳам сеҳрлаб олди?

– Яхшилик қилмоқчи бўлгандик, қулимизни динидан қайтарди.

Бироздан сўнг Аддос келди. Юзларида хурсандчилик аломатлари бор эди.

– Ҳайф сенга, Аддос! Бориб ўша одамнинг оёқ-қўлларини ўпдинг!

– Бу одам дунёдаги энг улуғ инсон. Мен уларнинг пайғамбар эканликларига ишондим.

– Қаердан билдинг унинг пайғамбар эканини?

Аддос бошқачароқ оҳангда:

– Гап-сўзларидан. Улар менга айтган гапларни фақатгина пайғамбарлар билиши мумкин.

– Менга қара! Бу гапларинг менга унчалик хуш ёқмаяпти. Бу одам сени динингдан қайтариши мумкин. Ўзинг ҳам яхши биласанки, сенинг дининг уникидан яхшироқдир.

Аддос бу гапларга жавобан индамасликни маъқул кўрди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага йўл олдилар. Йўлда Жаброил алайҳиссаломга дуч келдилар.

– Эй Муҳаммад! Агар истасангиз, Аллоҳ Таоло Макка шаҳрининг икки четида бўлган Абу Қубайс ва Қуайқнон тоғларини бир-бирига уриб, шаҳарни йўқ қилиб юборишини айтмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломга қуйидагича жавоб қилдилар.

– Йўқ, мен буни истамайман. Менинг наслимдан бир киши мусулмон бўлса ҳам, маккаликларнинг ўлиб кетишидан кўра хайрлироқдир.

Жинлар Аллоҳ таоло берган қобилият туфайли турли шаклларга кира оладиган, узоқ масофаларни қисқа фурсатда босиб ўтадиган, ҳаттоки осмонларга ҳам уча оладиган мавжудотлардир. Улар гоҳ-гоҳида осмонга кўтарилиб, фаришталарнинг ўзаро суҳбатларини сирли равишда тинглар эдилар.

Бир куни осмон эшиклари улар учун тақа-тақ ёпиб қўйилди. Осмону фалакка кўтарилиш тақиқлаб қўйилди.

Жинлар бу ишнинг сабабини ҳеч тушуна олишмади. Нима учун ҳар доим чиқиб юрган осмонларнинг эшиклари бирдан ёпилди?! Ораларидан биттаси ерга тушиб вазиятни билиб келиш лозимлигини айтди:

– Тахминимча, бу эшикларнинг ёпилишига ер юзида содир бўлган нимадир сабаб бўлган.

Бу ҳодиса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий туша бошлаган кунларга тўғри келарди. Жинлар бир қарорга келишгач, тўп-тўп бўлиб ер юзини кеза бошладилар. Улар ҳамма ёқни яхшилаб кузатишар, диққатни жалб қилувчи нимагаки дуч келишса, яхшилаб ўрганишарди.

Ниҳоят, нубувватнинг ўнинчи йили ҳам кириб келди. Ваҳий туша бошлаганига ўн йиллар бўлган, жинлар ҳали ҳам бирор нима топиш илинжида тинмай кезиб юришарди.

Кунлардан бир куни Макка ва Тонф шаҳарлари орасидаги Наҳла деган жойда икки кишининг қуёш чиқмасидан аввалги вақтда ибодат қилаётганларини кўрдилар. Ўша ерда кезиб юрган бир қанча жинлар бу одамларни яхшироқ кузатиш мақсадида яқинроқ келдилар.

Ибодат қилаётганларнинг бири олдинда, иккинчиси эса унинг салгина ортида, ўнг тарафда турардилар. Иккиси ҳам тик оёқда туришарди. Олдиндагиси энг мукамал сўзлар билан ҳам ифодалаб бўлмайдиган бир каломни жуда гўзал тарзда ўқир эди.

— Тўхтанглар, яхшироқ қулоқ солайлик! — дедилар.

Жуда қаттиқ таъсирлантирувчи, ҳеч ким эшитмаган бир калом эди бу.

Бир-бирининг устиларига чиқиб кетгудек бўлиб турган жинлар Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўқиётган оятларидан маст бўлиб тингладилар.

Ораларидан бири:

— Ҳеч шубҳа қилмайман, — деди. — Осмон эшикларининг ёпилиб қолганига сабаб айнан шу нарсадир! Аллоҳга қасам ичиб айтамаки, худди шу!..

Намоз тугагач, қидирган нарсаларини топишганларига мутлақ ишонч ҳосил қилиб, у ердан кетдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Зайднинг бу гаплардан ҳеч қандай хабарлари йўқ эди.

Бироздан сўнг Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг саломини келтирди ва қуйидаги оятларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига муҳрлади:

قَالُوا يَا قَوْمَنَا إِنَّا سَمِعْنَا كِتَابًا أُنزِلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَى طَرِيقٍ مُسْتَقِيمٍ {30} يَا قَوْمَنَا أَجِيبُوا دَاعِيَ اللَّهِ وَآمِنُوا بِهِ يَغْفِرَ لَكُمْ مِمَّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيَجْرِمَكُمْ مِمَّنْ عَذَابِ آلِيمٍ {31} وَمَنْ لَا يُجِبْ دَاعِيَ اللَّهِ فَلَيْسَ بِمُعْجِزٍ فِي الْأَرْضِ وَلَيْسَ لَهُ مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءُ أُولَٰئِكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ {32}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Эсланг, ҳузурингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки, улар ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим бўлингиз!» — дедилар. Бас, қачонки, (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар.

Улар дедилар: «Эй қавмимиз! Дарҳақиқат, биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилувчи ҳақ (дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни (Қуръонни) тингладик.

Эй қавмимиз! Аллоҳнинг даъватчиси (Муҳаммад) ни қабул қилингиз ва унга иймон келтирингиз! (Шунда Аллоҳ) гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур.

Ким Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, бас, у ер юзида қочиб қутулувчи эмасдир ва унинг учун (Аллоҳдан) ўзга «дўстлар» ҳам йўқдир. Ана ўшалар аниқ залолатдирлар» **(Аҳкоф сураси, 30–32-оятлар).**

– Сизлар нималар демоқдасиз?

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан Қуръонни тинглаган жинлар давом этишди:

يَهْدِي إِلَى الرَّشْدِ فَاَمَّا بِهِ وَلَنْ نُشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا {2} وَأَنَّهُ تَعَالَى جَدُّ رَبِّنَا مَا  
اتَّخَذَ صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا {3} وَأَنَّهُ كَانَ يَقُولُ سَفِيهُنَا عَلَى اللَّهِ شَطَطًا {4} وَأَنَا ظَنَنَّا أَن  
لَنْ نَقُولَ الْإِنْسَ وَالْجِنَّ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا {5}

Мазмуни: «У (Қуръон) тўғри йўлга ҳидоят қилади. Бас, дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар (энди) Раббимизга ҳеч кимни сира шерик қилмагаймиз.

Албатта, буюклиги олий бўлмиш Раббимиз бирорта хотин ҳам, фарзанд ҳам тутган эмасдир. Албатта, бизнинг ичимиздаги аблаҳ (иблис) Аллоҳ шаънига («Унинг хотини ва фарзанди бор», – деб) тутуриқсиз сўз айтар эди. Яна инсонлар ҳам, жинлар ҳам Аллоҳ шаънига сира ёлгон сўзламас, деб ўйлар эдик» **(Жин сураси, 2–5-оятлар).**

Жинларнинг орасида бу даъватни қабул қилганлар ҳам бўлди. Инкор қилиб, куфурга кетганлар ҳам бўлди.

Аллоҳ таоло бу ҳолатни, жинларнинг суҳбатларини Жин ва Аҳкоф сурасида Расули Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламга англатди.

Бир бора тинглаганларидаёқ ўқилган каломнинг Буюк Раббимиздан бошқасига оид эмаслигига аниқ ишонган ва дарҳол иймонга келиш билан шарафланган мана шу жинлар Набийийи Акрам соллalloҳу алайҳи васалламни

минг бора тинглашса ҳам, сира иймон кўчасига яқин йўламайдиган мушриклар учун чин маънода ибратдир.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Зайд тўғри Маккага қараб боришарди. Ҳиро тоғининг этакларига келганларида тўхташди. Бу ердан у ёғига тинчгина кета олмасдилар. Ҳеч нима бўлмагандек, шаҳарга бемалол кириб боришларига мушрикларнинг изн бермаслигини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши билардилар.

Улар Ҳузоа қабиласидан бўлган бир кишига дуч келишди.

— Мен учун Маккага бора оласанми?

— Бора оламан.

— У ҳолда Аҳнас ибн Шарикни топасан, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнидан келаяпман, «Раббимнинг юборган дини ва Пайғамбарлик вазифасини адо этишимда менга ёрдам бера оладими?» — деб сўради дегин.

Ҳалиги одам шаҳарга жўнади. Аҳнас ибн Шарикни топиб кўришди. Аҳнас ўзининг Қурайш қабиласидан эмаслигини, бошқа қабиланинг одамини ҳимоясига ололмаслигини баҳона қилиб, уни ортига қайтариб юборди.

— Мен учун яна бир марта бора оласанми?

— Майли, бораман.

— Суҳайл ибн Амрни топ ва унга вазиятни тушунтир.

Одам яна шаҳарга борди. Суҳайл «Амр ибн Луай авлодлари Каъб авлодларини ҳимоя қила олмайди!» — дея рад этди.

Учинчи марта ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун шаҳарга боришга рози бўлган одам бу сафар Мутъим ибн Одийга учради. Мутъим таклифни қабул қилди.

Тонг отгач, ўғиллари билан қуролланган ҳолда йўлга чиққан Мутъим Ҳиро тоғининг этагида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни учратдилар.

Маккага қараб йўлга тушдилар. Шаҳарга кираётганларида уларнинг йўлларини Абу Жаҳл тўсди.

– Муҳаммаднинг динига кирдингми, ёки уни ҳимоянгга олдингми? – деб сўради.

– Унинг динига кирмадим, бироқ ўз ҳимоямга олдим.

Абу Жаҳлнинг башараси бурушди.

– Ундай бўлса ўтақол!

Расули Амин соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳазрат Зайд биргаликда биринчи галда Каъбаи Муаззамни та-воф қилдилар, кейин уйга кетишди. Шу кундан эътиборан токи ҳижратга қадар Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада қолдилар.

Ҳалабийдан нақт қилинишнича, ўша кеча суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мутъимнинг уйида меҳмон бўлдилар. Эрта тонгда яна бир бор Каъбани зиёрат қилганларидан сўнг, уйларига йўл олдилар.

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мутъим томонидан қилинган бу яхшилиқни ҳеч қачон унутмадилар. Жумладан, кейинроқ бўлиб ўтган Бадр жангининг асирларини қутқаришга келган Жубайр ибн Мутъимга: «Агар отанг соғ бўлганида бу асирларнинг ҳаммасини қўйиб юборишимни сўраган бўларди, мен эса унинг ҳурмати учун ҳаммасини озод қилардим! – дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кира олишлари учун кетма-кет Аҳнасга, Суҳайлга, Мутъимга хабар юборар эканлар, нима учун амакилари Аббос ибн Абдулмутталибни йўқламадилар? У ҳам мушрик эди, етарлича бой-бадавлат эди. Қурайш орасида сўзи инобатга олинадиган кишилардан эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари давомида энг оғир кунлигини эътироф этган Тоиф сафаридан сўнг уларни ҳимоясига олишлари мумкин эди-ку!..

## БУЮК ДАЪВАТ ВА ТАСАЛЛИ (Меърож)

Ражаб ойининг йигирма олтисидан йигирма етти-сига ўтадиган бир кеча эди. Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда қаттиқ қайғуда эдилар. Кетма-кет келган амакилари ва аёлларининг вафотлари, Тоифдан Маккага аламли қайтиш ва маккалик мушрикларнинг битмас-туганмас ҳурматсизликлари...

Шу куни оқшомда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига ҳам бормадилар, Каъбанинг ярим девор билан ўралган «Ҳатийм» деб ном берилган қисмига кириб уйқуга кетдилар.

Жаброил алайҳиссалом уларни уйғотганларида эшитган хабарларидан жуда қаттиқ севишиб, ҳаяжонга тушдилар. Буюк Раббимиз Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни малакут оламига сайр қилиш учун таклиф қилганди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўксилари Жаброил алайҳиссалом томонидан ёрилди. Муборак қалблари Замзам суви билан ювилди. Иймон ва ҳикматга тўлдирилиб, қайта ёпилди.

أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ {1} وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ {2} الَّذِي أَنْقَضَ ظَهْرَكَ {3}  
وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ {4} فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا {5} إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا {6} فَإِذَا فَرَغْتَ  
فَانصَبْ {7} وَإِلَىٰ رَبِّكَ فَارْغَبْ {8}

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илмуҳикматга) кенг очиб қўймадикми?! Сиздан юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик), қайсики, белингизни эзиб турган эди.

Зикрингизни (исмингизни) ҳам баланд кўтариб қўйдик.

Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир.

Бас, (эй Муҳаммад!) Қачонки, (намоздан) фориг бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг ва Раббингиз сари рағбат (билан дуо) қилинг!» **(Шарҳ сураси, 1—8-оятлар).**

Юқоридаги оятлардан ҳам Пайғамбарлар Султони соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўша куни ниҳоят даражада қийин аҳволда қолганларини билишимиз мумкин.

Энг буюк икром энг машаққатли даврда берилди, мушриклар озор берган кўнгил барча кўнгилларни яратган Раббимизнинг даъвати билан асл ҳолига қайтганди. Эҳтимол, бу кўкрак ёриш ҳодисаси Оламлар Сарвари соллаллоҳу алайҳи васалламни сафарга ҳозирлаган маросимдир. Чунки улар бу кечада ҳали ҳеч бир одам бола-сига насиб этмаган дунёларни, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдиган ҳодисаларни кўришлари лозим эди.

«Буроқ» деб ном берилган улов келтирилди. Ниҳоят даражада тез ҳаракат қилувчи Буроқнинг ҳар бир қадами уфқнинг бу чизигидан нариги чизигигача етарди. Эшакдан баланд, отдан паст бўлган Буроқ оқ рангли улов эди.

Кўз очиб юмгунча Қуддусга етдилар. Бу ерда Байт ул-Мақдис бор эди. Пайғамбарларнинг руҳониятлари шу ерга тўпланиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кутиб олишга чиққандилар.

Пайғамбарлар бир жамоат бўлдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг имомлигида икки ракат намоз ўқишди. Шу тарзда, азалдан «Имом ул-Анбиё вал-мурсаин» бўлишлари тақдир қилинган улуғ пайғамбарга боғлиқлик ифода қилинди.

Бу пайғамбарларнинг ҳар бири замонасига етган тақдирда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиришни ўз умматларига буюргандилар. Бу ўқиётган намозлари ҳам юқоридагиларни тасдиқ етарди. Пайғамбарлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзлари учун раҳбар — Саййид ул-Анбиё қилиб сайланганини шу тарзда изҳор қилгандилар.

Кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Меърож» деб аталган ишга биноан осмонга кўта-

рилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни саҳобаларига тушунтирарканлар:

– Мен меърождан ҳам гўзалроқ нарсани кўрмадим. Сизлардан вафот этаётганларга ва вафот этганларнинг кўзларига у кўрсатилади! – дея марҳамат қилгандилар.

Қуръони каримда бу сафар ҳақида гап бораркан, жумладан шундай дейилади:

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى الَّذِي بَارَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ {1}

Мазмуни: «(Ўз) бандаси (Муҳаммад)ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ул-Ҳарамдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилган Масжиди Ақсога тунда сайр қилдирган Зотга тасбеҳ айтилур. Дарҳақиқат, У Сомеъ (эшитувчи) ва Басир (кўрувчи)дир» **(Исро сураси, 1-оят).**

Улар дунё осмони (биринчи осмон)га кўтарилганларида Жаброил алайҳиссалом эшикни қоқди.

– Ким у?

– Мен Жаброилман.

– Ёнингдаги ким?

– Муҳаммад Расулуллоҳдир!

– Унга тақлиф юборилганми?

– Худди шундай!

Эшик очилиб, ичкари кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ерда ўтирган бир одамни кўрдилар. Унинг ёнида қандайдир шарпалар бор эди. Ўнг тарафига қараганда мамнуният билан жилмаяр, чап томонига қараганда йиғларди. У Набиййи Акрамни кўргач:

– Марҳабо, эй солиҳ ўғлон! Солиҳ Пайгамбар! – дея пешвоз чиқди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломдан:

– Бу ким? – дея сўрадилар.

— Бу Одам алайҳиссаломдир. Икки тарафидаги шарпалар унинг наслидан дунёга келган инсонлар. Унг тарафидаги жаннатийлар, чап тарафидагилари дўзахийлар. Унга қараган пайти жаннатий авлодларини кўриб мамнун бўлиб кулмоқда, чап томонига қараганда дўзахий авлодларини кўриб маҳзун ҳолда йиғламоқда, — деди Жаброил алайҳиссалом.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Одам алайҳиссалом билан хайрлашдилар. Иккинчи осмонга кўтарилдилар.

Ҳар бир осмон дарвозасида дунё осмонида бўлиб ўтгандек савол-жавоб қилинар, сўнгра эшик очиларди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Иккинчи осмонда Яҳё ва Исо алайҳиссаломлар билан:

Учинчи осмонда Юсуф алайҳиссалом билан;

Тўртинчи осмонда Идрис алайҳиссалом билан;

Бешинчи осмонда Ҳорун алайҳиссалом билан;

Олтинчи осмонда Мусо алайҳиссалом билан;

Еттинчи осмонда Иброҳим алайҳиссалом билан учрашдилар.

Жаброил алайҳиссалом учрашилган ҳар бир пайғамбарни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга танитар, улар ҳам ўз навбатида:

— Хуш келибсан, қадрдоним, Суюкли Пайғамбар! — дея саломлашардилар.

Етти қават осмондан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна бир оламга олиб чиқилди. Бу «На макон бор, на замон, на осмон на ер» — дея тушунтирилган, яна ҳам тўғрироғи тушунтириб бўлмайдиган макон эди.

«Сидрат ул-Мунтаҳо» деган жойга келдилар.

Ҳеч ким кўрмаган ва билмаган бу олам ҳақида гапирар эканлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— У ердаги ранглар шунақанги турфа хил эдики, мен таърифлай олмайман! — дегандилар.

У ерда Жаброили Амин Набиййи Акрам соллаллоху алайҳи васалламга яна бир бора асл қиёфасида кўринди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам уни бу ҳолда Ҳиро горидан Маккага келаётганларида кўрган эдилар. Ушанда жуда кўрққандилар. Бироқ, бу сафар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кўрқувга тушмадилар. Ҳеч бир кўз кўрмаган бу буюклик қудрати чексиз Аллоҳнинг яратган қулларидан фақатгина бири эди холос. Оддий инсон Жаброил алайҳиссаломни бу ҳолда кўришга тоқат қила олмасди.

Жаброил алайҳиссаломнинг азаматини тасаввур қилишга ожиз бўлган инсон Буюк Раббимизнинг азаматини англаши, қамраб олиши асло мумкин эмас. Қул учун фақатгина ожизлик билан бошини саждага қўймоғи лозим.

Бу кечада Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жаннат ва жаҳаннамни кўрдилар. У ерда жазо оладиган ва мукофотланадиган инсонларнинг аҳволини ўйладилар.

Яна бу кечада Оламлар Парвардигори қадрли Расули Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни ҳузурда қабул қилди. Тиллар таърифлай олмайдиган онлар эди бу. Набиййи Акрам соллаллоху алайҳи васаллам Буюк Раббимиз билан тўғридан-тўғри суҳбатлашишга муяссар бўлдилар.

Бу учрашувда нималар ҳақида суҳбат бўлгани борасида кўп маълумотга эга эмасмиз. Аммо учрашув ниҳоясида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам эллик вақт намоз ўқиш вазифасини олиб, Раббимизнинг ҳузурдан чиққанлари маълум. Қайтишларида олтинчи осмонда бўлган Мусо алайҳиссалом:

— Мен Бани Исроилни бу борада етарлича синаб кўрдим. Сенинг умматингнинг ҳам бунча кўп ибодат қилишга тоқати етмайди. Раббинг ҳузурига қайт, эллик вақт намознинг бир қисмидан кечишини сўраб дуо қил! — деди.

Ҳақ таоло дуолар сабаб бу намознинг ярмидан кечди. Мусо алайҳиссалом буни ҳам кўп деб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни яна ортга қайтарди.

Шундай қилиб, эллик вақтли намоз камая-камая беш маҳалга туширилди. Жаноби Ҳақ таоло Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай ҳитоб қилди:

– Эй Муҳаммад, бир кеча-кундузда мўминларнинг адо этишлари лозим бўлган бу беш маҳал намозларига эллик вақт намознинг савобини бердим. Беш маҳал намознинг адади бошқа камайтирилмайди. Бандаларимдан ким бирор яхши ишга ният қилсаю уни бажара олмаса, унинг ҳақиға бир савоб ёзаман. Агар бу ниятини амалга ошира олса, ўн савоб ёзаман. Ким бирор ёмонликни режа қилсаю сўнгра уни бажаришдан воз кечса, унга гуноҳ ёзилмайди. Агар уни амалга оширса, бир дона гуноҳ ёзилади. Боринг ва бу хушхабарларни умматингизга етказинг!

Мусо алайҳиссалом бу сафар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ортга қайтариб, намоз вақтларини Аллоҳдан камайтиришини сўраб дуо қилишларини айтганда улар шундай жавоб қилдилар:

– Яна Раббимнинг ҳузурига «Намозни камайтиргин», деб боришга ҳаё қиламан!

Мусо алайҳиссалом билган нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга маълум эмасмиди? Эллик икки ёшни қаршилаган, ҳаёт ҳақида яхшигина тажрибага эга ва дунёда ҳар хил одамлар билан кўп бора мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳолатидан хабардор бўлган, бунинг устига, Раббимиз тарафидан алоҳида, ҳеч кимда мавжуд бўлмаган қобилиятлар билан сийланган Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам эллик вақт намозга инсонларнинг сабр-тоқати етмаслигини билмасмидилар?!

Бу ҳолатни «Жилвайи Раббоний» дея баҳолашимиз жоиздир. Яна бир томондан, бу ҳолат билан одамларга ўзларидан олдин яшаб ўтган ота-боболарнинг тажрибаларига суяниш лозимлиги ҳам уқдирилган.

Аллоҳ таолонинг дастлаб эллик вақт намозни фарз қилиши, кейинроқ эса ҳар бири учун ўн баробар мукофот берилишини ваъда қилиши ҳам фақатгина Унинг ҳикмати билан боғлиқдир.

Бу муҳим саёҳатнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳаётларининг энг оғир ва машаққатли бир дамида қилдирилиши сабабли ҳам Пайгамбармиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафардан ян-янги руҳ билан, ягидан-янги ғайрат-шижоат билан қайтганлари шубҳасиздир. Улар бу кечада Аллоҳ таолонинг Жамолини ҳам тўйиб-тўйиб кўрганлари ҳам аниқ.

Шундай бўлса-да, «Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло билан учрашиш учун етти қават осмонларни жаннату дўзахларни ошиб ўтди, ундан кейин Раббимиз бўлган Аршга етиб борди», — деган тушунчага бориш керак эмас. Буюк Парвардигоримизнинг макон ва замон билан ҳеч бир боғлиқлиги йўқ ва У замон ва маконга муҳтож эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша тунда бутун осмонларни сайр қилдилар, жаннатларни айланиб, ҳад-ҳисобсиз ҳикмат ва ғаройиботларнинг гувоҳи бўлдилар. Бироқ, буларнинг барчасини кўриш бир нарса, Аллоҳ таолонинг Жамолини кўриш бир нарса. Аллоҳ таолони кўриш учун ҳеч бир сафарга чиқмоқликнинг ҳожати йўқ, маълум бир масофани босиб ўтишнинг ҳам асло кераги йўқ.

«Бу сафар нима учун айнан шу кечада содир бўлди?» — деган саволга жавобнинг ўзи йўқ. Бизларга бу борда фақатгина «Аллоҳ Ўзи хоҳлаганини қилади, бирор иш қилишда ҳеч кимдан сўраб ўтирмайди!» — деб айтиш лозим бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша тунда такроран Масжид ул-Ақсога қайтдилар. Буроқ яна вази-фасини адо этишга киришди. Бояги тезликда яна Макка томон йўлга тушдилар.

Йўлда «Дажнон» деб номланувчи жойга келганларида таниш бир карвонга дуч келдилар. Карвондагиларнинг барчаси ерга чўзилганча ухлаб ётардилар. Оғзи боғланган мешда бир-икки қултум сув бор эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам мешни очиб, ундаги сувни ичдилар. Кейин оғзини аввалгидек боглаб яна йўлга тушдилар.

Маккада бошланган ерда сафар ниҳоясига етди.

Баъзи ривоятларда бу сафарнинг Абу Толибнинг қизи ва Ҳазрат Алининг опалари Ҳазрат Умму Ҳонийнинг уйларида бошланиб, тугаганлиги айтилади. Бироқ, севиқли Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг оилали бўла туриб, амакиваччаларининг уйларида ётишлари ҳақиқатдан узоқроқдир. Каъбада ётганларига келсак, маккалик бир одамнинг Каъба атрофида ухлаши биринчи марта содир бўлаётган ҳодиса эмасди.

\* \* \*

Ўша кечанинг тонгги...

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам Масжид ул-Ҳарамда ўтиргандилар. Ёнларига келган Абу Жаҳл сўради:

– Нима гап юксак оламларда?..

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам жиддийлик билан жавоб бердилар:

– Бу кеча жуда муҳим сафарга юборилдим.

– Қаерга?

– Қуддусдаги Масжид ул-Ақсога.

– Бир кечада бориб, яна қайтиб ҳам келдинг, шундайми?

– Худди шундай!

Абу Жаҳлнинг хаёлидан бир шумлик ўтди. Туяда йўлга тушганда бир ойга чўзиладиган сафар билан фақатгина Байт ул-Мақдисга бора олиш мумкин эди. Қайтмоқ учун эса яна бир ой туяда юриш керак.

Абу Жаҳд бу фурсатни қўлдан чиқаришни сира-сира истамас эди. Фақат қулоқлари хато эшитмаганига амин бўлиш мақсадида яна бир бор сўради:

– Биз туяга минган ҳолда, бир ой ҳориб-чарчаб, аранг етиб борадиган ва яна бир ойда қайтадиган Байт ул-Мақдисга бир кечада бориб келдим деяпсан, шундайми?

– Албатта!

Масала аниқ бўлганди. Бундай фурсат бошқа ҳеч қачон топилмас эди.

– Яхши, шу сўзларингни қавминг олдида ҳам сўзлай оласанми, бунга жасоратинг етадими?

– Албатта!

Абу Жаҳд хазина топиб олган одамдек бор кучи билан бақира бошлади:

– Келинлар, эй Каъб ибн Луай ўғиллари! Келинлар, эй қурайшликлар!..

Бирлари ҳақ, иккинчиси ботилнинг намунаси бўлган икки кишини ёнма-ён кўрганлар, диққатга сазовор ҳодисанинг гувоҳи бўлишига амин эдилар. Абу Жаҳднинг овозида гурур бор эди. Ғалаба қозонган жўжахўроздек тинмай қичқирарди. Нима бўлаётганига қизиққан одамлар атрофни ўраб олишди.

Ниҳоят, етарли даражада оломон тўпланди. Масжид ул-Ҳарамнинг у ер-бу еридаги барча одам бир ерга йиғилганди. Уларнинг орасида мўминлари ҳам, мушриклари ҳам бор эди. Ҳар икки тараф вакиллари ҳам нима бўлишини қизиқиб қузатардилар.

Абу Жаҳд:

– Қани, менга айтган гапларингни буларга ҳам айтиб бер! – деди.

Унинг овозида «Мард бўлсанг, энди айтган сўзингдан қайтма!» — деган илдоа бордек эди.

Кўзлар кўзларимизнинг нури бўлган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қадалди. Уларнинг сўзларини диққат билан эшитишга шай эдилар. Пайгамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ҳар доимги виқор ва жиддиятлари билан:

— Мен бу кеча саёҳатда бўлдим, Масжид ул-Ақсога бориб-келдим! — дедилар.

Абу Жаҳлнинг башарасида зафарли табассум пайдо бўлди:

— Яъни, Қуддусга бориб-келдим, демоқчи! — деб бақирди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб:

— Шундайми? — деб сўради.

— Худди шундай!

Абу Жаҳл афв қилинмас гуноҳ ишни қилаётиб қўлга тушиб қолган жинойтчини тутиб олган одамдек, иддао билан:

— Яхши, бу ёлғонингга бизларни қандай ишонтирмоқчисан? — деди.

Кейин тўпланиб турган одамларга қараб шундай деди:

— Бу ёлғонга ишонадиганлар борми?!.

Оломон ичида озроқ ўйлаб иш қиладиган, бу ишни яхши тарафини кўрадиган бир киши бор экан, ўша гапга аралашди. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб:

— Орамизда Қуддусга борган, у ерни саёҳат қилган кишилар бор. Қани уларга Масжид ул-Ақсонини таърифлаб бер-чи! — деди.

Бу ақлга тўғри келадиган ва ишонилиши мумкин бўлган йўл эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу кунга қадар Қуддус шаҳрига бирор марта бормаганларини ҳар ким беш қўлдай биларди. Агар бу гап ёлғон бўлса, мана шу синов орқали ҳамма нарса фош бўларди.

— Эй Муҳаммад, ўша ерга бир кечада бориб келганингни тасдиқловчи иккита гувоҳ келтир! — дейишдан маъно йўқ эди. Бу каби ҳолларда икки дона гувоҳни топиш муаммо эмас эди.

— Гапларингнинг ростлигини тасдиқлаш учун онт ича оласанми? — деб ҳам айтмадилар. Бироқ, Қуддусга ҳеч қачон бормаган, кўрмаган, билмаган бир инсон у ерни қандай қилиб таърифлаши мумкин?! Борган бўлса кўриши, кўрган бўлса таърифлаши лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжид ул-Ақсо ва Қуддусни сайр қилиш учун бормагандилар. Шу боис ҳам на Масжид ул-Ақсога қарагандилар, на Қуддусга. Бунинг ҳақиқат экани аниқ эди.

Шундай онда Аллоҳ таоло Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ёрдамсиз қолдирармиди?

Бир онда Масжид ул-Ақсо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўз олдларига келтирилди. Унинг деворлари худди рўпараларида тургандек намоён бўлди. Уларнинг муборак кўзлари манзарани бирма-бир кузатар, тиллари эса таърифлашга киришганди.

У ерга бориб келган одамлар эсларида нима қолган бўлса, навбати билан сўрай бошладилар. Кимдир эшиги ҳақида савол берар, кимдир девордаги манзаралар ҳақида сўрар эди. Сўралган нарсалар Аллоҳ таолонинг қудрати билан дарҳол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўз олдларига олиб келинарди.

Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам савол берувчиларнинг саволларига мукамал тарзда жавоб қайтарган эдилар. Саволлар ҳам, жавоблар ҳам ниҳоясига етганди.

— Эй Муҳаммад, сен бизнинг саволларимизга тузук жавоб бера олмаяпсан! — деган одам топилмади. «Бизлар нимани сўраяпмизу сен нима ҳақда гапираяпсан?» — деб айтишни шундай хоҳлашгандики!..

Абу Жаҳлнинг пешонасидан оқиб тушаётган терлар, унинг юраги сиқилаётганидан дарак берарди. Бу аниқ ғалабага эришай деб турганда, мутлақо тор-мор этилиш билан баробар эди. Бироқ юраги сиқилиб, ўзини қаерга қўйишни билмаётган фақатгина Абу Жаҳл эмасди.

Абу Лаҳабнинг, Назр ибн Ҳариснинг ва Умайя ибн Ҳориснинг ҳам кўнгилларидан айни шу ҳиссиёт кечмоқда эди. Овоз чиқариб айтиш мумкин бўлган сўзлари йўқ эди. Қуддусга боргани аниқ бўлган бир инсон бир кечада бориб-қайтганини эътироф этар ва яна у ерга олдин борганларнинг саволларига ҳам аниқ-тиниқ жавоб берарди. Шу боисдан ҳам мушрикларнинг тиллари боғланганди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобларидан:

— Йўқ, мана бу жойда адашдинг, аслида бундай эди! — деб айта олишга арзигулик қусур топа олмадилар. Лекин ҳали ҳам ақллари ҳеч ишонгиси келмаётган, ўйлаб ўйига ета олмаётган бир савол бор:

— Бу ердан Қуддусгача туяда бир ойлик йўл, қайтиш ҳам бир ой. Бир одамнинг бир кечада шундай узоқ масофага ҳам бориб, ҳам қайтиши мумкинми?! — дейишарди мушриклар.

«Агар Муҳаммад бунчалик узоқ масофадаги жойларга бориб-келаётган бўлса, бу каби ҳолатларни нега улар кўришмаяпти?! Нима учун Ҳубал ёки бошқа бут-санамлар Абу Жаҳлни, Валид ибн Мугийрани ёки Утба ибн Робияни олиб саёҳатга юбормаяпти?!»

— Менга қулоқ солинглар! — деган овоз эшитилди.

Оломон унга қаради.

— Бизнинг Шом йўлидан қайтаётган карвонларимиз бор. Модомики, Масжид ул-Ақсогача бориб-келган экан, бизга карвон ҳақида ҳам маълумот берсин!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жавоб бердилар:

— Йўлда кетаётганимда фалончиларнинг карвонини учратдим. Бир туяси карвондан айрилиб қочган экан, шуни ахтариб юришганди. Уларга туялари қерда эканини айтдим. Қайтишда эса, фалончиларнинг карвонини Дажнон деган ерда тўхтаб турганини кўрдим. Оғзи ёпиқ мешдаги сувларини олиб ичдим ва яна қайта боғладим.

– Хўп, улар қачон қайтишади?

– Эрта тонгда, қуёш чиқаётган вақтда Танъим тепалиги томондан шаҳарга кириб келишади. Энг биринчида оқ рангли бир туя бўлади, устидаги юкларнинг бири оқ рангли, бир қора рангли қондир.

Албатта, бу хабар ўз-ўзидан айтилаётгани йўқ эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломнинг ваҳийларига таяниб шундай гапираётган эдилар.

Бу хабар мушрикларнинг кўнглини бироз бўлса-да хотиржам қилди. Улар «Эрта тонгда карвон айнан у айтган вақтда келмайди, ҳеч бўлмаганда бироз фарқ қилади. Агар шундай бўлса, зўр бир ғавғога йўл очилади!» – деб ўйлашди.

\* \* \*

Ҳазрат Абу Бакр ўтирган ерларида сакраб тушдилар. Эшиклари бузилиб кетгудек тақиллай бошлади. Улар бориб эшикни очдилар.

– Дўстинг бу кеча Масжид ул-Ақсога бориб-келганини даъво қилмоқда.

– Дўстинг деганда Аллоҳнинг Расули Муҳаммад ибн Абдуллоҳни назарда тутяпсанми?

– Ҳа, шундай!

– Агар бориб-келдим, деган бўлсалар, рост айтибдилар, мен уларнинг гапларини тасдиқлайман.

– Эй Абу Бакр, шунақа гапга ҳам ишониб кетаверсанми?

– Албатта, фақат бу гапга эмас, агар улар бундан ҳам фаройиб нарсаларни кўрганлигини айтсалар ҳам, ҳеч бир шубҳасиз ишонаман.

Хабар олиб келган одам ортига қайтаркан жуда галати аҳволда қолганди.

У истаганига эриша олмаганди. «Бунчалик бўлмайдида, ахир!» – дер эди ўз-ўзига. Бу воқеа Ҳазрат Абу Бакрга

абалдй шарафга эриштиргувчи номни олиб келди. Инсон иймон орқали етишиши мумкин бўлган энг юқори мақом эди бу. Энди уларни Абу Бакр Сиддиқ деб атай бошладилар. Бу ном уларга Набийлар Сарвари соллаллоху алайҳи васаллам томонидан берилганди. Унинг маъноси Содиқ, энг тўғри, Пайғамбарнинг сўзини тасдиқловчи дегани эди.

\* \* \*

Тонгнинг илк соатларида Танъим йўлидан келадиган карвонни кутиб олиш учун, яна ҳам тўғрироғи, «Карвон куёш чиқаётган вақтда келади» — деган хабарнинг ёлғонлигини исботлаш учун бир қанча кишилар Танъим тепалиги яқинига йиғилгандилар.

Уфқ оқара бошлаган вақтда одамларнинг юзларида ҳаяжон пайдо бўлди. Алғов-далғов бўлаётган кўнгиллар, тез-тез, сабрсиз ҳолда ташланаётган қадамлар ва мақсад-маъносиз у ердан, бу ерга бориб келаётган одамлар кўзга ташланарди.

— Менга қолса, бу сафар иши бугун ниҳоясига етади.

— Мана энди, кўрамиз Амр ибн Ҳишомнинг қандай интиқом олишини.

— Энди Абу Толиб ҳам йўқ уни ҳимоя қиладиган.

Гап-сўзлар шу тахлит давом этаркан, иймон келтирганлар орасида бу ишга ишонқирамай турганлари ҳам бор эди.

— «Ҳеч эплай олмайдиган бир ишни буюрайлик», — деб бош қотирган кунларимизни эсдан чиқардингми? Осмондаги ойни иккига бўлиб юборганини ҳеч унута олмайман! — деб айтганлар бўлди.

Айтилган вақт яқинлашган, баландроқ жойга икки киши чиқарилганди. Улардан бири куёш чиқар томонга қараб унинг чиқишини кузатар, иккинчиси эса Танъим йўлидан кўз узмасди.

Абу Жаҳлнинг сабр-тоқати тугар, баъзан бошини кўтариб, юқоридагилардан:

— Қандай хабарлар бор? — деб сўраб қўярди.

Бунга жавобан:

— Ҳеч ким йўқ! — деган гапни эшитарди.

Қуёш чиқишига дақиқалар эмас, балки бир неча сониялар қолганди. Абу Жаҳл сўнгги бор юқоридагиларга қаради, ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ эди. Бўлиши билан ҳаммага бу ҳақда айтилиши аниқ эди.

— Жин урсин! — дея пичирлади Абу Жаҳл.

— Хавотир олаверма, — деди Умайя, — бу сафар ғалаба албатта бизники бўлади.

Убай ибн Ҳалаф ҳам унинг гапини маъқуллади:

— Мана қуёш чиқай деб қолди. Шу пайтгача келмаган карвон энди келармиди?

Қуёш яратилгандан буён ўзи учун тақдир қилиб берилган низомда ҳаракат қилар, карвон эса, бир он бўлса-да Маккага эртароқ бориш учун тинмай илгариларди. Қуёш ҳам, карвон ҳам катта бир даъвонинг ёлғон бўлиши, ёки рост бўлиб чиқиши учун мусобақа қилаётганларидан бе-хабар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини Пайгамбар қилиб юборган Буюк Аллоҳнинг ёрдамига ишонардилар. Ҳар он энг тоза, энг соф қуллик туйғулари билан Раббимизга йўналган қалблари шу онда ҳам фақатгина Унга ҳавола қилинган эди. Қуёшни яратган — У, дунёни яратган — У, ҳар иккисини маълум бир ўлчов ила тартибга солган ҳам — У. Унинг иродасисиз карвон ҳаракатланмас, Унинг иродасисиз тўхтамас, бормоқчи бўлган жойига У хоҳлаган вақтдан олдин ҳам, кейин ҳам бора олмас эди.

Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари қанчалик асабий ва ҳаяжонда бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунчалик вазмин эдилар.

Вақт етиб келган, қуёшнинг илк нурлари кўринадиган он яқин эди. Абу Жаҳл ҳаяжонга тушмай, жимгина сабр қилиб кутаётган Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаради.

— Бу сафар сени енгаман!.. — дея пичирлади. — Бу гал ёнингда қайсар амакинг ҳам йўқ!

Тишлар орасидан илон захридек чиққан бу сўзларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эшитмадилар. Чунки худди шу пайтда юқорида турган икки киши баб-бараварига қичқириб юборишди. Шу сабабдан уларнинг гапини оломон тушунмади.

— Нималар деяпсиз?

Бу саволга ҳам иккиси бир пайтда жавоб беришди:

— Қуёш чиқди!

— Карвон кўринди!

Аҳнас ибн Шарик кўлидаги ҳассасини бор кучи билан ерга урди.

— Бундай толенинг... — деб бошлаган гапини сўкинч сўз ила тугатди.

Унга бошқалар ҳам жўр бўлишди. Мўминлар севинганларидан кўз ёш тўкар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда Аллоҳга шукр ва ҳамд айтишди. Ҳазрат Умар Абу Жаҳлнинг ёнига келдилар:

— Энди иймонга келишинг керак, эй Амр! — деди. — Мурувватли киши шундай қилади.

— Йўқол кўз олдимдан, Умар! Мен ҳозир сени эшитадиган аҳволда эмасман.

— Хўш, йўқолмасам нима бўлади?

Бу овоз Ҳазрат Умарнинг оловли кўзларининг ифодаси эдими, ёки куфурга қарши чексиз адоват тўла қалбларидан лабларига кўчдими?

Абу Жаҳл бу кўзларга бир сония дош бера олди, кейин эса Ҳазрат Умар билан жанжаллашса нималар бўлиши хаёлидан бир онда чақмоқдек ўтди.

«Ўзимни ўзим шарманда қилиб қўймай!» дегандек нигоҳларини ерга қадади, аста-секин Ҳазрат Умардан узоқлашди.

Аллоҳнинг мўминларга ҳадя этган энг улуг иймон намунаси бўлган Ҳазрат Умар Исломнинг зафаридан хабар

бериб турган мустаҳкам қалъадек турардилар. Эшитганларни титратадиган бир овоз ила:

– Қани марҳамат, бирор гапингиз борми яна? – дея ҳайқирдилар.

Ҳеч кимдан жавоб бўлмади. Пичирлаганча: «Бундай бўлиши мумкин эмас!» – деганлар бўлди.

Ҳали ҳолат тўлалигича аниқ эмасди. Шу боис бироз кутиб туришди. Карвон анча яқинлашиб қолди. Кўзлар карвоннинг энг олдидаги туяга қарадилар. Кулранг туя эди. Устида бири оқ, бири қора қоплар бор эди.

– Келаётганимизни қаердан билдинглар?

Карвондагилар нима бўлаётганидан беҳабар бўлганлари туфайли, одамларни карвонни кутиб олиш учун чиқишган деб тушунгандилар.

– Сизлар кеча тунда қаерда тўхтагандингиз?

– Дажнон водийсида.

– Ҳа, жин урсин!

– Нима гап?!

– Нима гаплигини қўй!

Кейин карвондагилар орасида мешидаги суви ўз-ўзидан тугаб қолган одамнинг бор ёки йўқлиги ҳақида сўраб-суриштирдилар.

– Ўша суви ғойиб бўлган мен эдим. Уйқуга ётишдан олдин мешимда сув борлиги аниқ эди, эрталаб уни ичмоқчи бўлдим. Мешнинг оғзи ёпиқ, бироқ унда сув йўқ эди. Ҳаммадан сўрадим. Аммо ҳеч ким мешдаги суви ичганини айтмади.

Бу гапларни айтган одам яна сўради:

– Менга ҳам нималар бўлаётганини тушунтириб бера оласизми?

Абу Жаҳл газабланганча жавоб берди:

– Сеҳргарлик синовларини ўтказаяпмиз. Дунёдаги энг зўр сеҳргар бизнинг қабиламиздан чиқди, табриклашнинг мумкин.

Ҳақ ва ҳақиқатни ҳис қилмаслик учун абадий муҳр урилган бу қалблар, шундай очик мўжизалар қаршисида

ҳам эски кўшиғини айтишдан бошқа йўл топа олмадилар.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кечада Масжид ул-Ақсога бориб-қайтганини айтиб бергач, мушрикларнинг куфри янада ортган бўлса, айрим иймони мукаммал бўлмаган мусулмонлар «Бундай бўлиши мумкин эмас!» — дея муртад бўлиб, диндан чиқдилар. Уларнинг ким эканлиги борасида бизда маълумот йўқ.

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам шу кунгача айтган ҳар бир хабарни тасдиқлаган ва бу йўлда қанчадан-қанча қийноқларга дош берган мўминларнинг «Бир кечада Масжид ул-Ақсога бориб-келдим» деган гапларига ишонмаслиги ва шу туфайли диндан чиқиши ҳақидаги маълумотлар унчалик ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапларининг аниқ исбот-далилларини келтирган эдиларки, ҳатто Абу Жаҳлдек мушриклар ҳам эътироз билдира олмаганди. Ахир, буларга иймонга келмаган мушриклар эътироз қила олмаган бир пайтда мўминлар қандай қилиб эътироз билдирсин?!

Агар Расули Муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васаллам сўралган саволларга жавоб бера олмай жим қолганларида эди, бунни кўриб баъзи мўминлар диндан қайтди, дейишнинг маъноси бўларди.

Ҳаттоки карвоннинг қачон келиши борасидаги берилган хабарнинг ўзи ҳам унча-мунча иймонсиз мушрикларни динга киритадиган даражада аниқ эди.

Меърож ҳодисасидан кейин мўминлар беш маҳал намоз ўқийдиган бўлдилар. Олдинлари фақат икки маҳал — бири қуёш чиқмасидан аввал, иккинчиси қуёш ботмасидан аввал ўқиларди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан буён ўқиган намозларида ўша кеча қилинган муаззам сафарлари ҳақида эслар, Парвардигорининг ҳузурига боришнинг маънавий ҳузурини туяр, намоз улар учун ўзига хос меърож бўлиб қолганди.

Намоз холис Аллоҳнинг розилигини истаб ўқиган мўмин учун ҳам меърожга айланди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаройиб сафарлари рўй берган Меърож кечаси ҳақида Исро сура-сида баён қилинди, шунингдек бу сурада мўминлар амал қилиши лозим бўлган қуйидаги амаллар ҳам баён этилди:

لَا تَجْعَلْ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَتَقْعُدَ مَذْمُومًا مَّخْذُولًا {22} وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِنَّمَا يَبْغَىٰ عِنْدَكَ الْكِبَرُ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا آفٌ وَلَا تُنْهَرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا {23} وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلَّةِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِی صَغِيرًا {24} رَبِّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِن تَكُونُوا صَالِحِينَ فَإِنَّهُ كَانَ لِلأَوَابِينِ غَفُورًا {25} وَأَتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمَسْكِينِ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تَبْذُرْ تَبْذِيرًا {26} إِنَّ الْمُبْدِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا {27} وَإِنَّمَا تَعْرَضُونَ عَنْهُمْ لِابْتِغَاءِ رَحْمَةٍ مِّن رَّبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ لَهُمْ قَوْلًا مَّيْسُورًا {28} وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا {29} إِنَّ رَبَّكَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا {30} وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ خَشْيَةَ إِمْلَاقٍ نَّحْنُ نَرْزُقُهُمْ وَإِيَّاكُمْ إِن قَتَلْتُمْ لَهُمْ كَفْرًا كَبِيرًا {31} وَلَا تَقْرَبُوا الزَّوْجَ إِتْنَهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا {32} وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَمَن قَتَلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيهِ سُلْطَانًا فَلَا يَسْرِفُ فِي الْقَتْلِ إِنَّهُ كَانَ مَنْصُورًا {33} وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِن الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا {34} وَأَوْفُوا الْكَيْلَ إِذَا كُنْتُمْ وَزَنُوا بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا {35} وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِن السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا {36} وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرْحًا إِنَّكَ لِن تَخْرُقُ الْأَرْضَ وَلِن تَبْلُغَ الْجِبَالَ طُولًا {37} كُلُّ ذَلِكَ كَانَ سَيِّئُهُ عِنْدَ رَبِّكَ مَكْرُوهًا {38}

Мазмуни: «Аллоҳга яна бирор «илоҳ»ни қўша кўрманг! Акс ҳолда қораланувчи ва маҳрум ҳолда ўтириб қолурсиз.

Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик би-

лан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй Раб-бим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»

(Эй инсонлар!) Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангиз, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир.

Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди.

Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг!

(Бахиллик қилиб) кўлингизни бўйинингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз.

Шубҳасиз, Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг ҳам, танг ҳам қилур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир.

(Эй инсонлар!) Болаларингизни қашшоқликдан қўрқиб ўлдирмангиз — уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир. Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир.

Аллоҳ тақиқлаган жонни ўлдирмангиз, магар ҳақ (шарый сабаб) билангина мумкин. Кимки зулман (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, Биз унинг эгаси (вориси) учун (қасос олишга) салтанат (ҳуқуқ) бердик. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин! Зеро, у ёрдам берилувчи шахсдир.

Етимнинг молига, то у вояга етгунича, яқинлашмангиз, илло чиройли йўсинда бўлса, майли. Аҳдга

вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (қиймат куни) сўрала-диган ишдир.

(Савдо-сотикда) ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўқис қилингиз ва тўғри тарозидида тортингиз! Мана шу яхши ва чиройли ечим (ҳукм)дир.

(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур).

Ер юзидида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан.

Буларнинг барчаси Раббингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳ(лар)дир» **(Исро сураси, 22–38-оятлар).**

\* \* \*

Аҳвол шу даражага етдики, Ҳазрат Абу Бакр ҳам йўл тадоригини кўришга мажбур бўлдилар. Энди Макка билан хайрлашишдан бошқа бирор йўл қолмаганди. Мушриклар уларга тинчлик бермас, ўзлари истагандек тоат-ибодат қилишларига тўсқинлик қилаётгандилар. Бошқа диндошлари каби Ҳабашистонга ҳижрат қилмоқчи бўлдилар. Вазиятни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам тушунтирдилар. Уларнинг руҳсатларини олгач, йўлга етадиган егулик олдилар-да Маккадан айрилдилар. Қалбларини қоплаб олган қайғу сўзлаб берадиган даражада эмасди.

Барқ ул-ғамод деган жойга етиб борганларида Қора қабиласининг улуғи Малик ибн Дағиннага дуч келдилар. Кўпдан буён бир-бирларини яхши танирдилар.

— Эй Абу Бакр, йўл бўлсин!

— Ҳабашистонга кетяпман!

— Яхши, қани савдо-сотик қиладиган молинг?

— Тижорат учун кетмаяпман.

Ҳазрат Абу Бакр бўлиб ўтган ишларни қисқача айтиб бердилар. Ибн Дағинна уларни диққат билан тинглагач, эътироз билдирди:

– Эй Абу Бакр, сендек инсоннинг бундай сабаб билан ўз юртидан бош олиб кетиши тўғри эмас. Бу иш сенга ярашмайди. Сен бева-бечораларга ёрдам берган, қариндошлик ҳақларига риоя этган, ўлим ёқасида турганларни қутқарган, қийин аҳволда қолганларга қўлини чўзган бир одамсан. Мен сен учун ишонч билдириб, ўз ҳимоямга оламан. Ҳозир юртингга қайт! Ўз юртингда хоҳлаганингдек Раббингга ибодатингни қилавер.

Иккиси биргаликда Маккага қайтишди. Ибн Дағинна Қурайш орасида ҳурмат-эътиборга эга киши эди. У Қурайшнинг улуглари билан учрашди.

– Абу Бакрдек одам юртини тарк этиши асло мумкин эмас! – деди.

– Сенинг ҳимоянгга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, аммо шуни билки, Ибн Дағинна, бизнинг ҳам ўз шартларимиз бор.

– Қандай шарт экан у?

– Абу Бакр ибодатларини ўз уйида қилсин, намозини уйида ўқисин! Қисқаси, бизнинг ҳаловатимизни бузмасин. Чунки биз хотин ва болаларимизнинг унинг динига қириб кетишидан хавотирдамиз.

Ибн Дағинна бу гапларни Ҳазрат Абу Бакрга етказди. Улар ҳам мушрикларнинг шартларини қабул қилдилар. Ўзга юртда ҳасрат чекиб юргандан кўра бу шартларни қабул қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўлиш афзалроқ эди.

Бир куни Ҳазрат Абу Бакр уйларининг олдида кичикроқ масжид қурдилар. Ўша ерда намоз ўқий бошладилар.

Нозик қалб соҳиби бўлганлари учун абадий мўъжиза бўлган Қуръони карим юракларининг энг тубларига етиб борар, у ердан энг тотли овозлар билан кўкка юксаларди. Баъзан азоб оятлари руҳларида пўртана ҳосил қилар, Аллоҳнинг лутф-карамидан баҳс этган оятлар жаннат шабадаларини олиб келгандек бўларди.

Маҳалла болалари уларни тинмай кузатишар, аёллар кўз ёшлари билан ёниқ овозда ўқилаётган Қуръонга қулоқ тутишарди.

Бу ҳолат қурайшликларнинг тоқатини тоқ қилди. Аёллар ва болаларнинг Қуръон таъсирига берилиб, янги динга киришларидан қўрқишди.

Ибн Дағиннага хабар юборилди. У келиб, мушриклардан нима гаплигини сўради:

— Биз сенинг ҳимоянгни тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Лекин сен билан келишган вақтимизда Абу Бакрнинг уйида ибодат қилишига рози бўлгандик, — дея бор гапни очиқ-ойдин айтиб бердилар. — Ё Абу Бакр шартларимизга риоя қилсин, ёки сен ўз ҳимоянгдан воз кеч! — дедилар.

Малик ибн Дағинна Ҳазрат Абу Бакрнинг уйларига келиб, бўлган ишларни тушунтирдилар. Ҳазрат Абу Бакр уни қийин аҳволга солиб қўйишни истамадилар.

— Менга Аллоҳнинг ҳимояси етади, сенинг ҳимоянгдан воз кечаман! — дедилар.

Араб одатларига мувофиқ биргаликда Масжид ул-Ҳарамга бордилар. Ҳазрат Абу Бакр ўз хоҳишлари билан Малик ибн Дағиннанинг ҳимоясидан воз кечганларини эълон қилдилар.

Малик ибн Дағиннанинг ҳам кўнгли хотиржам бўлиб, ўз юртига қайтиб кетди. Ҳазрат Абу Бакр учун яна эски кунлар бошланди.

## БОЗОРЛАРДА ҚИЛИНГАН ДАЪВАТ

Арабларнинг уч бозори — Укоз, Мажанна ва Зулмажоз жуда машҳур эди. Дастлаб Шаввол ойида Укозда савдосотиқ қилинар, бу бир ойга яқин давом этарди. Сўнгра Мажаннада йигирма кунча бўладиган бозор қилинар, у ердан Зулмажозга кўчиб ўтар эдилар.

Мана шу уч мавсумий бозор ниҳоялангач, ҳаж вақти кириб келар, одамлар тўп-тўп бўлиб Каъбани тавоф қилиш учун Маккани кўзлаб йўлга чиқишарди.

\* \* \*

Расули Мукаррам солаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккага келган қабилалар орасида айланиб юрардилар. Ёнларида насл-насаб илмининг билимдони Ҳазрат Абу Бакр бор эдилар.

Учрашилган қабила одамларидан кимликлари сўралар, кейин ёнларига ўтириб Ислом дини ҳақида гапириларди. Абу Лаҳаб эса ҳар доимгидек ўз вазифаси билан машғул эди.

— Бунга ишонманглар! Болаларни оталарига душман қилган сеҳргар худди шу одам. Оилаларни бузиб юборган, эрни хотинидан айирган фасодчи ҳам шудир!.. — деб бақириб юрарди.

Учрашилган қабила одамларининг баъзилари тўғрилиқча, баъзилари ахлоқсизларча, яна айримлари истеҳзо ва ҳақоратлар билан Исломни қабул қилмаслигини билдирар. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам ҳам умидларини узмай, бошқа қабилалар билан кўришиш учун у ердан кетардилар.

— Яхши, биз сенга ёрдам бериб ўзимизга бош қилиб олсак, сендан кейин бошқарув бизнинг қўлимизга ўтади. Шунга розимисан?

— Ҳар бир нарса Аллоҳнинг амри ва хоҳиши биландир. Ўзи хоҳлаганига ҳокимият беради.

– Ундай бўлса, бу ишдан бизга наф йўқ. Биз бу йўлга жонимизни тикайлик, арабларнинг душманликдарига қарши курашайлик, уларнинг ўқига нишон бўлайлик-да, кўлга киритилган ғалаба неъматлари бошқалара насиб этсинми?!.

Ҳар бир қабила турли хил баҳоналар айтар ёки бирор камчилик топишарди.

Ҳазраж қабиласидан олти кишилик бир гуруҳ билан ҳам учрашилди. Минодаги Ақоба дейилган ерга жойлашгандилар.

– Сизлар кимсизлар?

– Ясрибданмиз, Ҳазраж қабиласидан.

Расулуллоҳ уларга Ислом дини ҳақида сўзладилар. Аллоҳнинг Расули эканликларини, уларга китоб нозил бўлаётганини айтдилар. Куръон оятларидан ўқидилар.

Ҳалиги кишилар бир-бирларининг юзларига термулдилар. Нигоҳлар орқали суҳбатлашишди. Ораларидан биттаси шивирлаганча:

– Яҳудийлар «Тез орада келади», деган Пайғамбар шу бўлса керак. Яна яҳудийлар иймон келтиришда биздан ўтиб кетмасин!.. – деди.

Ул зот айтаётган гапларнинг бари гўзал эди. Инсонни фазилатли ва одобли қилгувчи муҳим жиҳатлар. Ақлли одамнинг бу нарсалардан юз буриб кетиши тўғри бўлмасди. Қайтанга Пайғамбар эканини сўзлаган бу зотнинг юзларидан нур ёғилар, гул каби ифор таратарди. Самимий инсон, пок ва тоза қалб соҳибни эканликлари ҳар бир ҳаракатларидан маълум эди.

– Эй улуғ инсон, сизнинг Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбарлигингизга ишонамиз!

Расулуллоҳ ниҳоятда мамнун бўлгандилар. Ҳар бир қабиланинг ёнидан маҳзунлик билан айрилган қалблари қувончга тўлганди, ҳар томонда инкор ва мазах бўлиб турган пайтда бу ерда иймон учқуни ярақлаганди.

Ҳазражлик кишилар бирма-бир ўзларини таништиришди:

- Ҳазрат Абу Умома Асъад ибн Зурора;
- Ҳазрат Авф ибн Хорис;
- Ҳазрат Рофи ибн Молик;
- Ҳазрат Қутба ибн Амр;
- Ҳазрат Уқба ибн Амр;
- Ҳазрат Жобир ибн Абдуллоҳ.

Баъзи ривоятларга кўра, юқоридаги олти кишидан ташқари Муоз ибн Афро, Убода ибн Самит (розияллоҳу анҳум)ларнинг ҳам бу илк учрашуда қатнашганликлари айтилади.

– Биз ҳозирда ўз қавмимиз ва биздан бўлмаган яҳудийлар билан тушунарсиз аҳволга тушиб қолганмиз. Орамизда душманликка ўхшаш кайфият ҳукмрон. Сиз сабабли ўртамизда Аллоҳ таоло дўстлик ва қардошлик туйғуларини уйғотса, ажаб эмас. Энди юртимизга қайтиб, у ердаги одамларга сиз келтирган динингиз ҳақида хабар бериб, даъват этамиз. Агар Аллоҳ таоло уларни Ислом узра бирлаштира, сиздан жуда миннатдор бўлар эдик.

Кейин ҳазражлик кишилар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан хайрлашдилар.

Шундай қилиб Ясриб шаҳрида Исломнинг илк ниҳоллари куртак ёза бошлаганди. Улар Ясрибда бу муборак ва шарафли дин ҳақида гапириб берадилар, ўзлари каби иймон келтирадиган эрларни етиштирадилар. Буюк Раббимизнинг бутун инсоният учун неъмат ўлароқ ёзган, бироқ маккаликлар томонидан рад этилган барокат дастурхонидан мадиналиклар баҳраманд бўлиб, қурайшликлар инкор қилган динга Авс ва Ҳазраж қучоқ очишади.

Улар Икки Олам Сарвари соллalloҳу алайҳи васалламдан олган омонатларини Ясрибга тезроқ етказиш учун йўлга чиқаркан, Набиййи Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам эса яна бошқа одамлар билан учрашиш учун йўлда давом этдилар.

Кейинги йил ҳаж мавсумида Ясриб шаҳридан иймон билан шарафланган ўн икки киши келишди. Ораларида бир йил аввал келган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоби бўлишдек бахтга эришган олти инсон ҳам бор эди. Улар кўрмаганларига бир йил бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни соғингандилар. Уларнинг муборак юзларини кўриш, ширин суҳбатларидан баҳраманд бўлиш истаги қалбларини чулғаб олганди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан бир йил олдинги жойда учрашдилар. Келганларнинг ҳаммалари мусулмон эди. Ясрибда ҳам Исломни қабул қилган анчагина одам борлигини айтишди. Улар энди нималар қилишлари, қандай яшашлари лозимлиги ҳақида сўраб ўрганишди. Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ясриб мусулмонлари билан Ислом аҳкомлари ҳақида гаплашдилар. Бу тарихга «Биринчи Ақоба байъати» номи билан кирди.

Йиғилганларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Ягона ва буюк Аллоҳга ҳеч бир шерик қўшмайсизлар. Ўғрилиқ, зино қилмайсизлар. Болаларингизни ўлдирмайсизлар, ҳеч кимга бўҳтон қилмайсизлар ва хайрли ишларга тўсқинлик қилмайсизлар. Шулар борасида менга сўз беринглар. Сизлардан кимки сўзида туриб, аҳдига вафо қилса, Буюк Раббимиз унга жаннатни ҳозирлаб қўйгандир! — дедилар.

— Бундай ёмон ишлардан ўзини тийган инсон қийинчиликка дучор бўлса, бу қийинчилик унинг учун каффоратдир. Ёки улардан бирортасини содир қилган инсонни нима қилишни Аллоҳнинг Ўзи биледи. Хоҳласа кечиради, хоҳласа азоблайди.

Ўн икки киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган бу муборак сўзларни такрорладилар.

— Аллоҳга ҳеч нимани шерик қўшмаймиз ва ўғрилиқ қилмаймиз! — дедилар.

Шу тарзда байъат ҳам якунланди. Ясрибдан келган ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи марта байъат қилиш шарафини қўлга киритган бу инсонлар:

- Ҳазрат Асъад ибн Зурора;
- Ҳазрат Авф ибн Хорис;
- Ҳазрат Муоз ибн Хорис;
- Ҳазрат Рофи ибн Молик;
- Ҳазрат Заквон ибн Қайс;
- Ҳазрат Убода ибн Самит;
- Ҳазрат Язид ибн Саълаба;
- Ҳазрат Аббос ибн Убода;
- Ҳазрат Уқба ибн Омир;
- Ҳазрат Қутба ибн Омир;
- Ҳазрат Молик ибн Таййиҳан;
- Ҳазрат Увайм ибн Соида (розияллоҳу анҳум)лар

эди.

Ақобада тозаланган қалблар Ясрибга қайтишаркан:

— Ё Расулуллоҳ, бизларга бирор одам юборинг, Қуръондан таълим берсин, — дедилар.

Фаҳри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларида мамнунлик зоҳир бўлди. Чунки бу таклифда самимият бор эди. Бундан кейин маккаликлар инкор қилган тавҳид машъаласи Ясрибда ёнадиган, муаттар иймон ниҳоли Ясриб тупроғларига экилиб, меваларини ҳам ўша ерда берадиган бўлди.

Мусъаб ибн Ҳарат Умайр бу муборак вазифага лойиқ кўрилдилар. Улар чақиртирилиб, вазифа тушунтирилди. Ҳазрат Мусъаб бу топшириқни севинчла қабул қилди.

— Энг яхшиларингиз Қуръон ўрганган ва ўргатганларингиздир, — деб марҳамат қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай ишга Ҳазрат Мусъабни лойиқ кўргандилар.

Ҳазрат Мусъаб иймон келтирганларидан буён оилалардан қувилгандилар. Ҳазрат Мусъаб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар эканликларини тасдиқлаган кунларига қадар ўша замоннинг энг шоҳона ҳаётида яшаган, нимани истаса, муҳайё қилинган, хуллас, шаҳзодалардек умр сургандилар. Бироқ иймон келтириб, бут-санамларни инкор этган кунларидан бошлаб бу аҳвол бутунлай тескари бўлиб кетганди. Яқинларининг «насиҳатларига» қулоқ осмагач, кўчага ҳайдалгандилар.

## ЯСРИБ ИЙМОН ЮРТИГА АЙЛАНАР ЭКАН...

Ҳазрат Мусъаб йўлга чиқиш учун ҳеч қандай тайёргарлик кўрмадилар. Чунки дунё молларидан фақатгина эски ва ҳамма жойи ямоққа тўлиб кетган либослари бор эди холос. Дарҳол «Қайдасан Ясриб?» — дея йўлга тушдилар. Ҳазрат Амр ибн Умму Мактум уларга ёрдамчи сифатида қўшиб берилди.

Ҳазрат Мусъаб ва дўстлари узоқ давом этган сафар сўнггида Ясриб шаҳрига етдилар. У ердаги мусулмонлар билан кўришдилар. Оиласи билан Исломни қабул қилганлар ҳам бор эди. Бир томондан кўришган одамларини Исломга ва иймонга даъват этсалар, иккинчи бир томондан мусулмон бўлганларга Қуръони каримни ўргатардилар. Ҳазрат Мусъаб ҳам ҳазрат Амр ҳам ясрибликларнинг Ислом динига бўлган муҳаббатини, эътиборини кўриб, Яратганга шукрлар айтишарди. Бу ерда Абу Жаҳл ва Абу Лаҳабга ўхшаганлар йўқ эди.

Бир куни ҳазрат Асъад ибн Зурора меҳмонлари ҳазрат Мусъаб билан бирга Бани Абдул Ашҳал маҳалласига боришди. Холироқ бир ерда ўтириб, суҳбат қуришга келишиб олгандилар.

Олдинроқ келишиб олинганидек, аввал ёш мусулмонлар келишди. Суҳбат бошланди. Ҳазрат Мусъаб гапирар, қолганлар жимгина тинглашарди. Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ахлоқлари, фазилатлари, мислсиз сабр-тоқатлари ҳақида гап борарди.

Бир пайт ҳазрат Асъад ҳазрат Мусъабнинг гапларини бўлдилар:

— Қара, Мусъаб! Анави келаётган киши Бани Абдул Ашҳалнинг раисларидан, — дедилар.

Келаётган кишининг чеҳраси тунд эди. Ниманидир ўйлаб қийналаётгани шундоққина билиниб турарди. Эшитган қулоқларни қизартирадиган беҳаё сўзларни айтиб сўкинди ва:

— Сизларнинг мақсадингиз нима ўзи? — дея гап бошлади. — Бу ёш йигитлардан нима истайсизлар? Бир нечта тоза қалбли йигитларимизни йўлдан оздиришми асл мақсадларингиз? Агар жонингиздан умидингиз бўлса, тезда бу ерлардан туёқларингизни шиқиллатинг!

У найзасини маҳкам ушлаб олган, кўзларидан ўт чақнар, овози ҳам дағдағали эди.

Ҳазрат Мусъаб бир он ўзларини Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида кўрдилар. Уларнинг юмшоқ феъллари, кулиб тургувчи юзлари ва ширин сўзлари кўз олдиларига келди.

— Бироз биз билан ўтирсанг, озгина суҳбатлашсак. Гапларимиз сенга маъқул келса, қабул қиласан, маъқул келмаса, биз ҳам сени безовта қилмаймиз.

Қаҳрли нигоҳларда бироз мулойимлик пайдо бўлди. Юзлардаги ифода ҳам сал юмшаганди.

— Ҳақ сўзни айтдинг, — деди.

Усайд кўлидаги найзани ерга ташлаб, ўша ерда ўтирганларнинг олдига келиб чўкди.

Ҳазрат Мусъаб суҳбатни давом эттирдилар. Одамларнинг олдинги аҳволлари ҳақида гапирдилар. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган диннинг ҳукмларидан, Аллоҳ таолонинг муқаддас китоби Қуръони каримдан сўзладилар.

— Маъқул, менга ўша китобдан бирор нима ўқиб бера оласанми?

Ҳазрат Мусъаб «Бисмиллоҳ» билан Қуръон қироат қила бошладилар. Усайд ибн Ҳузайр юрагининг туб-тубига етиб борган, ҳеч бир адиб ёки шоирнинг хаёлига келмаган бу балоғат тўла ифодалардан руҳининг ором топаётганини ҳис этди. Ўқиладиган бу илоҳий каломнинг тинглари экан, кўзга кўринмас, бироқ тенгсиз куч таъсирида аввалги ҳаётидан юз буриб, бутунлай нурли бир йўлга қадам қўйганини ҳис этди.

– Қандай ёқимли ва гўзал сўзлар! – дея шивирлади.

Ҳазрат Мусъабга қараб:

– Сизлар бу динга кириш учун нима қиласизлар? – деб сўради.

– Гусл қилиб покланасан, либосларингни тозалайсан. Сўнгра шаҳодат калимасини айтиб, намоз ўқийсан.

Усайд вақтни бой беришни истамади. Бориб гусл қилди, кийимларини тозалади. Кейин Ҳазрат Мусъабнинг ёнларига келди. Уларнинг айтган сўзларини айнан такрорлади:

– Ашҳаду ан лаа илааҳа иллаллоҳ... – дея ўрнидан турди. Ўргатилгандек намоз ўқий бошлади.

Кўнгилларга бир роҳат ва фароғат чўккан, кўзларда мамнунлик зоҳир бўлганди.

– Бизда яна бир киши бор, – дедилар ҳазрат Усайд, – Агар уни ҳам мусулмон бўлишига кўндира олсак, ҳеч нимадан кўрқишимизга ҳожат қолмайди.

Улар шундай деб у ерлан чиқиб кетдилар.

Саъд ибн Муоз ҳазрат Усайддан ҳавотирлана бошлаганди. Бироқ, уларнинг оҳиста қадам ташлаб келаётганларини кўриб, ёнидаги кишиларга:

– Қасам ичиб айтаманки, бу боя бизнинг ҳузуримиздан чиқиб кетган Усайд эмас, – деди.

Ҳазрат Усайд ибн Ҳузайр келдилар. Саъд улардан:

– Нима қилдинг? – дея сўради.

Ҳазрат Усайд шундай жавоб бердилар:

– Ўша Маккадан келган икки киши билан учрашдим. Бироқ, мен уларда бизларга зиён келтирадиган ҳеч нима кўрмадим. Шу пайт Бани Ҳорисликларнинг ҳолаваччангга бир ёмонлик қилишни режалаштираётганликларини эшитдим.

– Асъад ибн Зурорагами?

– Худди шундай.

Саъд ўрнидан туриб, шошилганча чиқиб кетди.

У ҳам бақир-чақир қилиб, сўкинганча келди. Унга ҳам ҳазрат Усайдга қилинган муомала қилинди. Кейин ҳазрат Мусъаб ўқиётган Қуронни тинглай бошлади:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ حَم {1} وَالْكِتَابِ الْمُبِينِ {2} إِنَّا جَعَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ  
تَعْقِلُونَ {3} وَإِنَّهُ فِي أُمِّ الْكِتَابِ لَدِينَا لَعَلِّي حَكِيمٌ {4} أَفَنَضْرِبُ عَنْكُمْ الذِّكْرَ صَفْحًا أَنْ كُنْتُمْ قَوْمًا  
مُسْرِفِينَ {5} وَكَمْ أَرْسَلْنَا مِنْ نَبِيِّ فِي الْأَوَّلِينَ {6} وَمَا يَأْتِيهِمْ مَنْ نَبِيٍّ إِلَّا كَانُوا بِهِ  
يَسْتَهْزِئُونَ {7} فَأَهْلَكْنَا أَشَدَّ مِنْهُمْ بَطْشًا وَمَضَى مَثَلُ الْأَوَّلِينَ {8}

Мазмуни: Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Ҳо, Мим. Аниқ Китобга (Қуръонга) қасамёд этаманки, албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилида нозил қилдик! Дарҳақиқат, у (Қуръон) даргоҳимиздаги Асл Китобда (Лавҳул-маҳфузда) олий мақом ва пур ҳикмат (битик)дир. Бас, ҳаддан ошувчи қавм бўлсангиз, сизлардан (бу) эслатмани буриб (ўз ҳолингизга ташлаб) қўяйликми?! Аввалгиларга ҳам қанчадан-қанча пайғамбар юборганмиз. Улар ҳам ўзларига келган пайғамбарни фақат масхара қилар эдилар. Бас, улардан (Макка кофирларидан) кучлироқларни ҳам ҳалок қилганмиз. (Қуръонда) аввалгиларнинг мисоллари (қисса)лари ўтди (**Зухруф сураси, 1–8-оятлар**).

Бу оятлар Саъд ибн Муознинг қалбидаги ғазаб ва адоватни кучли сел каби ювиб, эритиб юборди. Тинглаб бўлгач, юзларидаги ифоданинг ўзгариб қолгани руҳиятида ҳам қандайдир ўзгариш бўлганидан дарак эди.

У ҳам бу суҳбатга худди ҳазрат Усайд каби мушрик ҳолда қўшилди, лекин ундан мусулмон ҳолда чиқди. У ҳам қай усулда мусулмон бўлиши мумкинлиги ҳақида сўради ва шаҳодат калимасини айтди.

Шундай қилиб, қабилада сўзи ўтадиган, ҳурмат-эътибори баланд бўлган икки улуғ инсон мусулмон бўлган, мушкул вазият ўнгланди. Ҳазрат Саъд ортларига қайтиб, қабиладошларининг ҳузурига келдилар.

— Мени қандай одам сифатида биласиз? — деб сўрадилар.

— Сен бизнинг улугимизсан! — дейишди.

Ҳазрат Саъд ибн Муоз олдин шаҳодат калимасини айтдилар ва сўзларини қуйидагича давом эттирдилар:

— Аллоҳ ва унинг Расулига иймон келтириб мусулмон бўлмагунигизча сизлар билан гаплашиш мен учун ҳаром бўлсин!

Бу гап Бани Абдул Ашҳалликларга қаттиқ таъсир қилди. Ўша ердагиларнинг ҳаммаси шаҳодат калимасини айтиб мусулмон бўлдилар. Оқшом чўкканда Бани Абдул Ашҳалликлар орасида бирорта ҳам Исломни қабул қилмаган оила қолмаганди.

Бундан кейинги даъват муваффақияли тарзда амалга оширила бошланди. Ислом динига жон ва қалблари билан боғланиб бораётган бу инсонлар ҳар куни юзларни кулдирувчи хушxabарлар эшитишар, ҳар куни янгидан-янги кучлар билан қувватланар эдилар. Ўтиб бораётган ҳар бир кун Маккадаги ҳаётни мўминлар учун заҳарзаққумга айлантириб, борган сари чидаб бўлмас ҳолда якун топар экан, Ясриб халқи бир-бирлари ила иймон йўлида мусобақалашар, бу шаҳар ҳар бир мўмин яхши кўрадиган, унда яшашни саодат деб биладиган Ислом ва иймон шаҳрига айланиб борарди.

Ниҳоят, бир қанча ойлар ўтди. Бу йил ясрибликлар беш юз кишилик карвон билан ҳаж сафарига отланишди. Аммо уларнинг ораларида етмиш уч эркак ва икки аёл ўзгача бир кайфиятда эдилар. Қайсидир бирлари бир йил олдин танишган ва унутилмас суҳбатларида бўлган азиз Пайғамбарни яна кўриш учун, яна бир қанчалари кўрмасдан туриб ишонган Аллоҳ Расулининг дийдорларига тўйиш учун орзуманд эдилар.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарам қавми орасида ҳурмат-эътиборли, сўзи ўтадиган бир киши эди. У ҳам ҳаж иб-

датини адо қилиш учун йўлга чиққанлардан бири эди. Карвонда баъзан бирор таниши билан суҳбатлашганча, ёлғиз ҳолда йўлда давом этарди.

Ҳазрат Каъб ибн Молик унинг ёнига яқинлашдилар.

— Аҳволлар қалай, эй Або Жобир?

— Яхшиман.

— Мен ундай деб ўйламайман...

— Хўш, сенингча қандай эканман?

— Бу кетишда жаҳаннамга ўтин бўладигандексан.

Бу гап киноя эмасди. Ярим ҳазил, ярим чин айтилган, ҳақорат маъноси йўқ гап эди.

— Нима учун бундай деяпсан?

Ҳазрат Каъб Абдуллоҳнинг туяси устидаги ҳуржунга қўлларини суқиб, бир тош бўлагини олдилар.

— Бу нима? — деб сўрадилар.

— Ҳамма биладиган нарсани нима учун мендан сўра-япсан?

— Сенингча бу бир илоҳ, шундайми?

— Нима бунга шубҳанг борми?

Ҳазрат Каъб кулдилар.

— Илоҳ, аммо ҳис-туйғусиз, куч-қудратсиз, қисқаси ҳеч бир иш қўлидан келмайдиган, ҳеч нимага ярамайдиган илоҳ — яъни бир тош, — дедилар.

Улар юқоридаги гапларни айтаркан, қўлларидаги тошни бир-икки уриб қўйдилар.

— Қара, калтак еганини ҳам билмайди.

Ҳазрат Каъб Абдуллоҳнинг бироз ўйлаб олиши учун жим турдилар. Кейин:

— Нима дейсан, бу илоҳнинг ҳуржунингда нима қилаётган эди? Сен ҳуржунга солмагунингча бу бечора у ерга кирмайди ҳам, тушмайди ҳам, — дедилар-да тошни ерга отиб юбориб:

— Қара... — дедилар.

Абдуллоҳнинг хаёллари чалкашиб кетганди. «Бу қандай илоҳ бўлдики, Каъбнинг қўлида ўйинчоқ бўлса ҳам «миқ» этмайди?..»

Ҳазрат Каъб ибн Молик:

— Энди очик гапираман, эй Або Жобир. Сенинг жаҳаннам оловига ўтин бўлишингни ҳеч ҳам истамайман. Чунки сен нима қилаётганини биладиган, гап-сўзлари жойида бўлган, эътиборли бир одамсан.

— Сен ҳақсан. Каъб! Энди менга айтмоқчи бўлган гапнингни айт, эшитай.

— Биз яқиндагина юборилган, тўғри йўлни кўрсатувчи бир динга кирдик. Бу дин инсонларга ўзлигини англа-тадиган, тошу ёғочларга қулликдан қутқариб, ҳар нени яратган Аллоҳ таолога ибодат қилмоқни буюрувчи, одамнинг ахлоқини гўзаллаштирадиган бир диндир.

Ҳазрат Каъб машҳур шоир эдилар. Чиройли сўзлай олардилар. Ислом тўғрисида билганларича Абдуллоҳга маълумот бердилар. Абдуллоҳ эса бошини эгиб олганча жимгина эшитди.

Бироздан кейин йўлга тушиш учун ўринларидан турдилар. Бояги тош ҳали ҳам улоқтирилган жойида ётарди.

\* \* \*

Ҳазрат Баро ибн Маърур ҳам қавм орасида эътиборли кишилардан эдилар. Исломни қабул қилгандилар. Ҳаж учун йўлга чиққан карвонда мусулмонлар билан бирга кетаётгандилар. Йўлда биродарларига қараб:

— Намоз ўқиётганда Каъбага юзланмасдан, Шом тарафга қарашимиз менга ҳеч маъқул бўлмаепти-да! Бундан кейин намозни Каъбага қараб ўқийман, — дедилар.

— Бизга хабар берилишича, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиган вақтларида Шом томонга қараб юзланадилар. Бу ишга қарши чиқа олмаймиз.

— Сизларни билмадим, мен ўзим айтганимдек Каъбага қараб намоз ўқийман.

— Эй Баро, бизлар каби иш тутаверсанг яхши бўларди. Биласангки, айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри...

— Нима қилсангиз ҳам мени ўз ҳолимга қўйинглар. Сафар эса шу зайлда давом этди.

Макка...

— Юр сен билан бирга Расулуллоҳнинг ёнларига борамиз. Сафарда қилган ишларимдан галати бўлиб кетяман.

Бу гапни ҳазрат Баро ҳазрат Каъб ибн Моликка айтгандилар.

Иккиси биргаликда йўлга тушдилар. Уларнинг иккиси ҳам суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳали кўрмагандилар. Аммо сўраб-суриштириб топишга ишончлари комил эди.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳни қаердан топсак бўлади? Яъни Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммадни?

Маккалик киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бироз аввал кўрганди.

— Сизлар қидираётган одам Абдулмутталибнинг ўғли Аббоснинг ёнида ўтирибди.

Уларнинг иккиси Аббос ибн Абдулмутталибни савдогар бўлгани учун яхши танир эди.

Икки биродар Масжид ул-Ҳарамга кирдилар. ўнгу сўлга назар ташлашди. Аббос ибн Абдулмутталибни кўрдилар. Ёнида ўтирган инсон нурли юзлари, виқорли туришлари билан «Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳман», — деб айтаётгандек эдилар.

— Ассалому алайкум!

Келганларнинг саломига жавоб қайтарилгач, улар ҳам бир четга ўтирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй Абу Фазл, бу кишиларни танийсизми? — деб сўрадилар.

— Албатта, бу киши қавмининг улуғларидан бўлган Баро ибн Маърур. Бу эса Каъб ибн Молик.

— Шоир Каъбми?

— Худди шундай!

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдин ҳам улар ҳақларида эшитганлар. Ҳазрат Каъб бундан

мамнун бўлдилар. Бир умр хотираларидан чиқмайдиган воқеа бўлганди.

Келганлар ўзларининг Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганларини билдирдилар. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали кўрмай туриб иймон келтирган бу кишилар билан учрашганларидан хурсанд бўлдилар. Бирга суҳбатлашишди. Гап орасида ҳазрат Баро ибн Маърур:

— Ё Расулуллоҳ, йўлда келаётганимизда бу муқаддас Каъбага орқа ўгириб намоз ўқишга кўнглим бўлмади. Намозларимни Каъбага юзланган ҳолатда адо этдим. Аммо биродарларимга эргашмаганим учун юрагимда бир гидир бордек. Шунга нима дейсиз? — дедилар.

Жаноб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Биринчи марта қай тарафга қараб намоз ўқиган бўлсанг, шундай давом этишинг лозим эди, — дедилар.

Бироқ ҳазрат Баронинг ўқиган намозларини бошқатдан ўқишларини ҳам истамадилар. Тарқалишар эканлар, Ташриқ кунларида, худди аввалгидек Ақоба тепалигида учрашишга келишиб олдилар.

Қоронғу тушгунга қадар қавмлари ва қабилалари орасида юрганлар ҳаммаёқ тинчиб қолгач, аста-секин бир кишидан, икки кишидан бўлишиб, Ақобага тўпланмоқчи эдилар. Ҳеч ким кутиб ўтирилмас, уйқуда бўлган ҳеч бир киши уйғотилмасди. Ясриблик мусулмонлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кундузи учрашганларида:

— Эй Аллоҳнинг Расули! Сизнинг бу ерларда ҳақорат эшитиб, азиятлар кўраётганингизга жимгина қараб тура олмаймиз. Бизнинг юртимизга кўчиб ўтсангиз, ҳузур-ҳаловатда, сизга ишонган мўмин бандалар орасида яшар эдингиз. Бу таклифимизга кечки пайт аниқ бир жавоб айтсангиз, — деб хайрлашгандилар.

Келишилган вақт яқинлашгач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб билан биргаликда Ақоба тепалиги томон йўлга тушдилар.

## АҚОБАДАГИ ИККИНЧИ БАЙЪАТ

Ясрибдан келганлар ҳар кунгидек бир муддат суҳбатлашиб ўтиришди. Юмилиб-юмилиб кетаётган кўзлар уйқу лашкарининг ҳужумидан дарак бера бошлади. Улар бир-бирларига хайрли тун тилашиб, ухлаш учун чўзилдилар.

Уларнинг орасида ухламаслик учун қаттиқ тиришган, қалбида ажиб бир ҳаяжон кўтарилган инсонлар ҳам бор эди. Бироз кутиб ётдилар. Кейин қоронғуда бирор нимага турганиб, ухлаб ётганларни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёт бўлганча, аста-секин қадам ташлаётган бир-икки-тасининг шарпаси кўринди. Ҳеч ким бошқа бир одамга бир ерга кетаётгани ҳақида лом-мим демади. Чунки қоронғуда алашиб мусулмон бўлмаган одамни уйғотиб қўйиш ҳеч гап эмасди.

Зулҳижжа ойининг ўн бир ёки ўн иккинчисига ўтар кеча эди. Осмонда Ой нур сочар, юлдузлар чарақларди. Ер билан осмон ўртасида узоқ-узоқларга чўзилган осудалик бор эди. Ора-орада бу осудаликни итлар увуллаши билан бузар, сўнг яна ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қоларди.

Ҳалиги кишилар Ақоба тепалигига келишди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам амакилари билан кутиб тургандилар.

Биринчи бўлиб гапни Аббос ибн Абдулмутталиб бошлади:

— Эй ҳазражликлар! — деди, — жияним Муҳаммад бизнинг қавмимиз орасида билганингиздек ҳурмат соҳибидир. Биз уни ҳимоя қиламиз. Бироқ шунга қарамай, у бизни тарк этишни, сизнинг юртингизга кетишни истамоқда. Агар сизлар ўз ваъдаларингизга вафо қилиб, унга қарши чиққанларни даф қила олсангиз, бемалол. Лекин сизлар уни ёлғиз ташлаб қўйиб, хафа қиладиган бўлсангиз, ҳозирданоқ уни тинч қўйинг. Чунки жияним қавми орасида обрў-эътиборга эга.

Аббоснинг гаплари ёлғон эди. Нубувват эълон қилингандан буён ўн йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, у акасининг ўғли учун ҳеч бир иш қилмаганди. Иймон ҳам келтирмаганди, қўллаб-қувватламаганди ҳам. Ҳеч бўлмаганда акаси Абу Толиб вафот этгандан сўнг жияни-ни ҳимоясига олиши мумкин эди. Ёки Тоиф сафаридан паришон ҳолда қайтган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилганида, Ул зот бошқа бир бегона-нинг ҳимоясини нстамаган бўлардилар.

Абу Толибнинг, Абу Лаҳабнинг ҳимоясини тан олган Қурайш Аббоснинг ҳимоясини ҳам рад этмаган бўларди. Устига-устак у акаси Абу Толибдек фақир ҳам эмасди, қавм орасида етарлича мол-мулкка, ҳурмат-иззатга сазовор бойлардан эди. Каъба хизмаларидан бўлган «сиқоя» — ҳожиларга сув тарқатиш Аббоснинг вазифасига кирарди.

Аббос акаси Абу Толибга берган қарзини вақтида олмагач, ушбу вазифани акасидан ўзига беришини сўраган, қийин аҳволда қолган Абу Толиб сиқояликни укасига беришга мажбур бўлганди.

Ярибликлар номидан сўзга чиққан ҳазрат Асъад ибн Зурора Аббосга жавобан қуйидагиларни сўзладилар:

— Эй бизга нисбатан ишончсизлик билдирган киши! Пайғамбаримиз ҳақида гапириб, уларни «Қавм орасида шараф ва юксак мақом соҳиби» деганингда нимани назарда тутганинг ёлғиз Аллоҳга аён. Биз бутун қариндош-уруғларимиз билан муносабатларимизни узишга мажбур бўлсак ҳам, шоҳидлик берамизки, бу зот Аллоҳнинг Расулидир. Уларни Аллоҳ юборди. Олиб келган динлари ҳам ҳеч қандай уйдирма эмас. Пайғамбаримизни нстаганингдан ҳам яхши муҳофаза қилишга ҳаракат қиламиз. Бунга ҳеч қачон рад этмаймиз.

Ҳазрат Асъад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарадилар:

— Қани айтинг, ё Расулуллоҳ! Ўзингиз учун нималарни хоҳлайсиз? Раббингиз учун нималарни хоҳлайсиз? Айтинг ва истаган нарсангизни олинг.

— Бахтли ва гамгин дамларда ҳам сўзимни эшитиб ва амал қилишингизни; мўл-кўлчилик ва қаҳатчилик кунларида ҳам ёрдам беришингизни; ёмон ишларни тарк этиб яхши ишларга бел боғлашингизни; Аллоҳ учун сўзлашингизни ва бу йўлда дуч келган қийинчиликлардан кўрқмаслигингизни; ўз оилангиз ва болаларингизни душмандан қандай кўриқласангиз мени ҳам шундай ҳимоя қилишингизни истаيمان. Бу борада менга сўз беринглар.

— Яхши, агар сўз берсак, эвазига нимани ваъда қиласиз?

— Аллоҳнинг розилигини ва жаннатни.

— Қабул қилдик. Бироқ, бизнинг яҳудийлар билан ўзаро шартномамиз бор. Биз бу шартномага энди амал қилмаймиз. Биз айтганларимизга амал қилсак, Аллоҳ сизни голиб қилса, бизни тарк этиб яна қавмингиз орасига қайтасизми?

— Йўқ, қоним сизнинг қонингиз, сизнинг ўлимингиз менинг ўлимимдир. Биз сизларданмиз, сиз эса бизлардансиз. Сиз ким билан жанг қилсангиз мен ҳам жанг қиламан, ким билан сулҳ қилсангиз улар билан мен ҳам сулҳ тузаман.

Яриблик Салим ибн Афв уругидан бўлган ҳазрат Аббос ибн Убода сўз олдилар:

— Эй ҳазражликлар, сизлар бу инсонга нима деб сўз бераётганингизни биласизларми? — дедилар.

— Албатта, биламиз. Сизлар бу келишув орқали оқу қора бўлган бутун инсонларга қарши дин йўлида кураш олиб боришга сўз беряпсиз. Агар мол-мулкингизга етадиган зарар ёки ўлим қаршисида Расулуллоҳни ташлаб кетадиган бўлсангиз, ҳозироқ шундай қилинг. Бу ишни ўша пайтда қилсангиз, дунё ва охиратнинг энг разил ва расво ишини қилган бўласиз. Агар бу аҳдингиз мол-мул-

кингиз, шон-шарафингиз ва аҳлингизнинг йўқ бўлиши-ю ўлимига сабаб бўлса ҳам вафо қила олсангиз, қасам устига қасам ичиб айтаманки, дунё ва охиратнинг энг хайрли ишини қилган бўласиз, — дедилар.

Ҳазрат Абу Ҳайсам ва ҳазрат Малик ибн Таййихон сўз олдилар:

— Бизларнинг бу аҳдимиз мол-мулкимизнинг йўқ бўлишига, бошимиз қиличда олинishiга сабаб бўлса-да асло хиёнат қилмаймиз. Ё Расулulloҳ, бу аҳдимизга вафо қилсак, мукофоти нима бўлади?

— Бунинг мукофоти жаннатдир.

Шундан сўнг ҳазрат Баро ибн Маърур олдинга бир қадам ташладилар:

— Қўлингизни беринг, ё Расулulloҳ! Мен сизга байъат қиламан. Юқорида айтилган шартларга бир умр содиқ қоламан. Сизни ҳақ Пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга қасамки, оиламизни, болаларимизни қандай ҳимоя қилсак, сизни ҳам шундай ҳимоя қиламиз. Бизларга ишонинг, ё Расулulloҳ. Биз ҳарбий жанг санъатидан бохабар бўлган халқмиз. Бу иш бизларга ота меросдир.

Ҳазрат Баро ибн Маърур Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларини тутганча, кўзларини Пайғамбаримизнинг муборак кўзларига тиккан ҳолда шу сўзларни айтдилар. Бу кўзлар ичида жаннат боғларини кўраётганларига уларнинг ишончи комил эди. Ҳис этаётган туйғуларини тилда ифодалаш учун бир Баро эмас мингта Баро ибн Маърур ҳам камлик қиларди.

Улардан сўнг ҳазрат Асъад ибн Зурора, ҳазрат Абул Ҳайшом, ҳазрат Малик ибн Таййихон, ҳазрат Каъб ибн Молик Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларини тутган ҳолда байъат бердилар. Уларга ўша ерда бўлган бошқа мўминлар ҳам эргашишди. Етмиш уч эркак ва икки аёл берган сўзларига вафо қилишларини айтиб, байъат бердилар.

Шундай қилиб, байъат маросими ҳам ниҳоясига етди.  
Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Ораларингиздан ўн икки кишини нақиб (вакил) қилинг, — дедилар.

Тўққизтаси Ҳазраж, учтаси Авс қабиласидан бўлган кишилар дарҳол ўртага чиқдилар. Улар қуйидаги саҳобалар эди.

Ҳазражликлардан:

1. Ҳазрат Абу Умома Асъд ибн Зурора;
2. Ҳазрат Саъд ибн Робн;
3. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Равоҳа;
4. Ҳазрат Рофи ибн Молик;
5. Ҳазрат Баро ибн Маърур;
6. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром;
7. Ҳазрат Убода ибн Самит;
8. Ҳазрат Саъд ибн Убода;
9. Ҳазрат Мунзир ибн Убода.

Авс қабиласидан:

1. Ҳазрат Усайд ибн Ҳузайр;
2. Ҳазрат Саъд ибн Ҳайшама;
3. Ҳазрат Рифоа ибн Абдулмунзир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

— Ҳаворийларнинг Исо алайҳиссаломга ўз қавмлари номидан кафил бўлганлари каби, сизлар ҳам ўз қавмингиз номидан кафил бўласиз. Мен ҳам ўз қавмининг мусулмонлари номидан кафилман, — деб марҳамат қилдилар.

Бироқ бу ўн икки вакил Исо алайҳиссалом ҳаворийларидан ўзиб кетишади. Улар эришган шарафдан минг карра баланд мавқега эга бўладилар. Исо алайҳиссалом билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ораларидан қандай фарқ бўлса, ҳаворийлар билан бу вакиллар оласида ҳам шундай фарқ бор.

Уларни «Нуқобаи исна ашар» яъни ўн икки вакил деб атадилар.

Ясриб мусулмонлари мана шундай қоронғу бир кечада инсоният тарихидаги энг бахтли қарорга келишганди. Ўзларига битмас-туганмас шараф, чексиз саодат олиб келгувчи келишувни амалга оширишганди.

Кечаги кунгача Арабистоннинг оддийгина бир шаҳри бўлган Ясриб бундан кейин абадий муборак ва муқаддас бир шаҳар бўлишга лойиқ кўрилди. Қиёматга қадар ҳар мусулмоннинг қалби бу шаҳарнинг тошу тупроғини ҳам кўмсаб яшайди. Чунки унинг ҳар қарич тупроғи юксак эътиборга муносибдир.

Байъатда иштирок этган, ҳаттоки вакил ҳам бўлиш шарафини қўлга киритган ҳазрат Каъб ибн Молик бу байъатни бир умр энг азиз хотира сифатида эслаб қолдилар. Бу байъатни улар Бадр жангида иштирок этишдан ҳам шарафлироқ деб билганлар.

Маккалик нотавонлар ўзлари ботиб қолган ширк дарёсида ушбу кечани алжираганча ўтказишаркан, Ясриб йиғитлари бу кечада қилиниши мумкин бўлган энг шарафли ишни амалга оширгандилар. Энди улар Расулulloҳ айтган: «Қоним сизнинг қонингиз, сизнинг ўлимингиз менинг ўлимимдир. Биз сизларданмиз, сиз эса бизлардансиз», юксак мақомдаги сўзларга соҳиб бўлган инсонлар эди.

Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кечагина кўришганди. Аммо эллик-олтмиш йиллардан буён ҳар ҳолларию ҳаракатларини билиб, кўриб юрган одамлардек танишганди. Оламларга раҳмат бўлиб келган зотнинг айнан шу инсон эканликларини қалблари билан, бутун вужудлари билан ҳис этишганди.

Худди шу пайтда илоннинг вишиллашига ўхшаш ёқимсиз овоз эшитилди. Бошлар бу овоз эгасига қараб йўналди.

– Эй одамлар, Музаммам ва собийларни кўришни истаганлар буёққа келсин. Мана улар сизларга жанг очиш учун шай ҳолатда туришибди.

Овоз борган сари баландлашиб, қичқириққа айланди. «Музаммам» сўзини Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ишлатгандилар. «Муҳаммад» доимий равишда мадҳ этилувчи, мақталувчи дегани бўлиб, мушрикларнинг юқорида ишлатган сўзлари бунинг тамоман тескари маъносини берарди. Ёмонланадиган, ҳақорат қилинадиган маъносида эди бу сўз.

Пайгамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам:

— Бу Ақобанинг олчоғи Ибн Узайбнинг овозидир, — дедилар-да овоз келаётган тарафга бурилдилар:

— Мени эшитяпсанми, эй Аллоҳнинг душмани! Бу ердаги ишим битгач, сен билан ҳам ҳисоб-китоб қиламан, — дея бақирдилар.

Кейин саҳобаларига қараб:

— Қани ҳамма ўз жойларига тарқалсин, — дедилар.

Ҳазрат Аббос ибн Убода:

— Ё Расулуллоҳ, сизни ҳақ Пайгамбар қилиб юборган Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, агар истасангиз эртага қилич тутганча Минодагиларга қарши курашамиз, — дедилар.

— Биз бундай буйруқ олмадик, дарҳол жой-жойларингизга тарқалинглар.

\* \* \*

Чошгоҳ вақти эди. Ясрибликлар кўнган ерга қурайшликлардан бир гуруҳ келди. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни топдилар.

— Бизга етиб келган хабарларга кўра, сиз бизнинг баъзи одамларимизни юртингизга кўчиб ўтишларига тарғиб қилган эмишсиз. Бунинг устига бизлар билан жанг қилишга ҳам қарор қилган эмишсизлар. Шунини яхши билингни, биз сизлар билан жанг қилмоқчи эмасмиз, — дедилар.

Ибн Салул бу гапларни ҳайрат билан тинглаб ўтирарди. Улар гапни тугатгач, Ибн Салулнинг ҳолатини кўриб,

бу гапларнинг шунчаки гап эканини англагандек бўлишди.

Ибн Салул:

— Қасам ичиб айтаманки, нима ҳақида гапираётганларингизни зиғирча ҳам тушунмадим. Мен ўз одамларимга ишонаман. Қавмим орасида бундай муҳим қарорни мен билан маслаҳатлашмай айтадиган кишилар йўқ. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, — деди.

Ўша ерда вазиятнинг гувоҳи бўлиб турган мўминлар ҳеч нима демай, жимгина кулоқ солишарди.

Бошқа бир ишга ўрин қолмади. Мушриклардан бир қанчаси бу ишларнинг мишмишлигини айтиб ичган қасамлари масалани бирёқлик қилганди.

— Хўп, сизларнинг сўзларингизга ишондик... — дедилар.

Маккада ҳаж мавсуми битгач, тижоратнинг энг аъло-сини амалга оширган ясриблик мўминлар ҳам қалблари ҳаловатга тўлган ҳолда ўз юртларига қайтдилар. Энди фақатгина Коинот Сарвари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кутиш қолганди холос.

Ясриблик кексалар орасида бир оқсоқ киши бор эди. Уни Амр ибн Жамуҳ деб атардилар...

Неча йиллардан буён уйининг тўридан жой олган ва Манот деб аталувчи бир бутга сизиниб келарди.

Унга кўп иззат-икром кўрсатиб, уйининг тўрида сақларди. Ҳар куни тонгда унинг ёнига келиб таъзим бажо айларди. Шаҳарда унга ўхшаган уйда бут асраб, сизиниб юрадиган яна бир қанча киши бор эди.

Амрнинг ўғли ҳазрат Муоз иймон келтирган, Ақоба байъатида ҳам иштирок этгандилар. Улар билан бирга қариндошларидан бирининг ҳам Муоз исмли ўғли бор эди. Икки Муоз келишиб, бир куни кечқурун Манотни ўғирладилар.

Амр ибн Жамуҳ ҳеч нимадан хабарсиз тонг оттирди. Ўрнидан туриб овқатланди, кейин бутининг олдига бормоқчи бўлди, лекин Манот кеча турган ерида йўқ эди.

– Қани менинг Манотим? – дея бақирди.

Ҳеч ким «Мен кўрдим», деб айта олмасди.

– Ахир бу қандай бўлиши мумкин? Манотнинг оёқлари бормидики, бу ердан юриб кетса!..

У жаҳл билан уйидан чиқди. Ҳар тарафни айланиб кўрди. Бани Салом уруғи ерларига борганда бир манзара қаршисида ҳайратдан қотиб қолди. Йиқилиб тушишдан ўзини аранг асради. Бути ўша ердаги ахлатларга қоришганча, оёғи осмондан бўлиб ётарди.

Дарҳол бутни у ердан олиб тозалади. Хушбўй атирлар сепди. Аввалги жойига олиб бориб ўрнатди.

– Агар сени бу аҳволга солган кишининг кимлигини билганимда, унинг кўзларига ёруғ дунёни қоронғу қилган бўлардим! – деди. Бисотидаги бор яхши сўзлар билан Манотга илтифот кўрсатди.

Амр қаттиқ асабийлашганидан титрар, бутини бу қадар ҳақоратга лойиқ кўрганларнинг «динсизлигидан» ажабланар эди.

Кейинги кунлар ҳам айни ҳолат яна такрорланди. У ақлдан озаёзганди. Бу аслида бут билан эмас, Амр билан ҳазиллашиш эди. У бутни ахлатдан охирги бор олиб келди. Ювиб-таради. Яна хушбўй атирлар сепди. Қиличини белидан олганча:

– Қасам ичиб айтаманки, бу разилликни ким қилаётганини билиб оламан. Энди сенинг олдинга келишганида мана шу қилич билан ўзингни ҳимоя қил, – деди.

Амр ётиб ухлаб қолгач, бир ўлган итнинг лошини олиб келишди. Бутга боғлаб, Бани Саламанинг ахлат тўкиладиган қудуғига обориб ташлашди.

Амр эрталаб туриб фақат қиличинигина топа олди. Бутни қидириб кўчага чиқди. Уни яна қудуқ ичидан чиқариб олди. Бути жуда расво бир ҳолга келиб қолганди.

– Эй Амр, сен гап тушунадиган, бошқаларга маслаҳат бергувчи бир кишисан. Агар бу тош ҳақиқатан ҳам илоҳ

бўлганида шу аҳволга тушармиди?.. Фафлат уйқусидан уйгон, эй Амр!..

Амр хаёлидан ўтган бу гапга эътироз билдириш учун ўзида куч топа олмади. Оёқлари остида ётган бутни қўли билан кўтариб олиб, бор кучи билан ерга урди. Бут парча-парча бўлиб кетди.

— Агар илоҳ бўлсанг, ўлган ит лошию ахлат ташланадиган жойда нима ишинг бор?! — дея бақирди.

Оёқлари тагида чилларчин бўлиб ётган тош синиқларига қаради. Бу синиқ парчаларнинг қаршисида илоҳ дея ўйлаб таъзим қилган йиллари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Бошидаги оқарган сочлари мана шу ўтган йилларнинг далолати эди.

— Қанчалар аҳмоқ бўлган эканман-а!.. — деганча у ердан узоқлашди.

## ИЙМОН ЮРТИ ЯСРИБГА КЎЧИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Ясрибликларнинг юзларидаги самимият ва муҳаббатни кўрган Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда хурсанд бўлдилар. Энди мўминларнинг эмин-эркин нафас оладиган бир юртда яшайдиган вақт яқинлашганди. Уша кунлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир туш кўрдилар. Тонг отгач саҳобаларига:

— Тушимда хурмозорлари бор бир шаҳарга ҳижрат қилганимни кўрдим. Мен бу шаҳарни Ямома ёки Ҳажар бўлса керак, деб таҳмин қилгандим. Унга яқинлашганимда Ясриб эканлигини билдим. Аллоҳ сизларга қариндошлар-биродарлар насиб қилди, омонликда яшашингиз учун бир юрт берди, — дедилар.

Шундан сўнг Маккада яширин тайёргарлик бошланди. Кейин ҳеч кимга маълум қилинмай, Ясрибга (яъни Мадинага) қараб йўлга отланганлар бўлди. Бу орада ҳазрат Жаҳш оиласи бутун қариндош-уруғлари билан уйлари тарк этдилар. Йигирмата эркак, саккиз аёлдан иборат гуруҳ Мадина томон равона бўлишди.

Кунлардан бир куни Абу Жаҳл, Аббос ибн Абдулмутталиб, Утба ибн Робиа Макканинг юқори қисмида кезиб юришаркан, эшикларига қулф осилган бир қанча уйларни кўришди. Бу уйлар ҳазрат Жаҳш ва уларнинг қариндош-уруғларига тегишли эди. Утба: «Манаман деган қасрлар ҳам қанча вақт турсалар-да, бир кун келиб вақт шамолларига таслим бўлиб, вайронага айланади. Одамлар тарк этгач, ҳуввиллаб қолади», деган мазмунда байт ўқиди. Сўнгра:

— Жаҳш уруғининг уйлари ҳам ҳуввиллаб қолибди-да!  
— дея афсусланди.

Абу Жаҳл:

— Бу куйиб-пишинингга арзимаёди, — эй Утба. Отаси номаълум одамларга аза очиш шарт эмас, — деди.

Кейин Аббос ибн Абдулмутталибга қараб:

– Унутма, эй Аббос, бу иш ҳам жиянинг чиқарган хунарлардан бири. У бизнинг бирлигимизга рахна солди, ишимизнинг пачавасини чиқарди, – деди.

\* \* \*

Ҳазрат Абу Салама ибн Асад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўчиш учун рухсат беришлари биланоқ йўл ҳозирлигини бошладилар. Аёллари ҳазрат Умму Саламани бир туя устига миндирдилар, қўлларига ўғиллари Саламани тутқаздилар. Ўзлари эса туянинг жиловидан ушлаб йўлга чиқдилар.

Бани Муғираликлардан бир қанчаси йўлларини тўшишди.

– Ўзинг-ку Маккадан бош олиб кетаётган экансан, аммо бизнинг қизимизни қаерга судраяпсан? Уни сенга бериб қўйишимизни хаёл қилганмидинг? – деб устиларига бостириб боришди. Нима қилишлари маълум эди. Чунки кўп кишига бас кела олмасдилар.

Ҳазрат Абу Салама бир амаллаб жонларини қутқардилар-да Ясрибга жўнадилар.

Бу ёқда эса ҳазрат Абу Саламанинг қабиласи бўлган Бани Асадликлар келиб, ҳазрат Умму Саламадан кичик Саламани олиб кетмоқчи бўлишди. Бўлиб ўтган тортишув сабаб ҳазрат Умму Саламанинг қўллари чиқиб кетди. Охир-оқибат Бани Асадликлар устун келиб, болани ўзлари билан олиб кетишди.

Шундай қилиб, уч кишидан иборат оила ҳар ёнга тарқаб кетди.

Ҳазрат Абу Салама қочиб қутулдилар, агар қолганларида оқибати яхши бўлмасди. Ҳазрат Умму Салама Бани Муғираликларнинг уйида меҳмон эдилар. Бу меҳмондорчилик мажбурий бўлиб, уларга ҳеч ким ёмон гап айтмас, ёмонлик қилмасди, бироқ кетишларига ҳам

рухсат йўқ эди. Кичик бола бўлган Салама эса отасининг қариндошлари қўлида қолди.

Бундан кейин кунлар қандай ўтади, анор доналаридек ҳар томон сочилиб кетган оила қачон яна бирлашади, қачон бир-бирларига қовушади?..

\* \* \*

Ҳазрат Умму Қайс бева бўлсалар-да гўзал аёл эдилар. Бир куни эшиклари тақиллади. Уларга уйланишни истаган бир одам томонидан совчи юборилганди.

— Ҳозир бундай ишлар ҳақида ўйлайдиган аҳволда эмасман. Фурсат топишим билан Ясрибга сафар қиламан, — дедилар ҳазрат Умму Қайс.

Совчи бир кун ўтгач яна келди. Ўша таклифини такрорлади. Яна рад жавобини олди.

Совчи қайта-қайта келаверар, ҳазрат Умму Қайс нимани хоҳласалар муҳайё бўлишини, ҳар қандай орзулари амалга ошишини айтарди.

— Мен Ясрибга кетмоқчиман, агар у ҳам Ясрибга кўчса, кейин турмушга чиқишим мумкин, — дейишдан бошқа чора топилмади.

Ниҳоят таклиф ижобий қарши олинди. Бирлари Аллоҳ ва Расулининг ризолиги учун, бошқаси ҳазрат Умму Қайсга уйланиш орзусида Макка ва Ясриб орасидаги узоқ йўлни минг бир машаққат ила босиб ўтишди. Тўй бўлди, куёв муродига етди. Шу билан бирга у мусулмонлар орасида «Умму Қайсининг муҳожирини» дея машҳур бўлди.

Бу гап Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қулоқларига ҳам етиб келди. Ул зот ушбу муборак сўзларни шу воқеа муносабати билан айтган эдилар:

— Амаллар ниятларга қараб бўлади. Ҳар бир инсон нимани ният қилган бўлса, ҳисоб-китоб кунда шунга қараб муомала қилинади. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун бўлса, шундай қабул қилинади ва шунга кўра

мукофот берилади. Кимнинг ҳижрати дунё молини қўлга киритиш, тижорат ёки никоҳ учун бўлса, унинг ҳижрати ҳам унга ҳам шунга кўра муносабат бўлади.

\* \* \*

Бир йилга яқин вақт ўтди. Ҳазрат Умму Салама умр йўлдошлари ҳазрат Абу Саламадан бирор хабар эшита олмаганларидек, мажбуран олиб кетилган гўдаклари билан ҳам дийдор кўриша олмадилар.

Уларга қабила орасида ҳеч кимса озор бермас, бироқ қабиладан ташқарига чиқишларига ҳам изн йўқ эди.

Абтаҳ деб аталувчи жойга қадар бир неча марта бориб келдилар. У ерда ҳазрат Абу Салама ва кичик Салама учун узоқ-узоқ кўзёш тўкдилар.

Кунлардан бир куни яна Абтаҳда аччиқ-аччиқ йиғлаб ўтиргандилар. Қариндошларидан бири уларни бу аҳволда кўриб чидай олмади:

— Бу бечора аёлни қачонгача азобламоқчисизлар? Бечора аёлни эрию фарзандидан айирдингиз!.. — деди.

Бу гап Бани Муғираликларга таъсир қилди. Улар ҳазрат Умму Саламага:

— Хоҳласанг эринг ёнига боришинг мумкин, — дейишди.

Ҳазрат Умму Салама рухсат теккач, дарҳол йўл тадоригини кўрдилар. Бу тарафда Бани Асадликлар ҳам кичик Саламани олиб келдилар. Ҳазрат Умму Салама бир туяга миндирилди. Кучоқларига Саламани олганча ёлғиз ўзлари йўлга тушдилар.

Танъим деган жойга етиб келганларида Усмон ибн Талҳага дуч келдилар.

— Эй Умму Салама, бу аҳволда қаерга йўл олдинг?

— Ясрибга кетяпман.

— Нега ёнингда ҳеч ким йўқ?

— Нега энди, Аллоҳ бор!

– Қасам ичаманки, сени бу ҳолда кетишингга қараб туrolмайман.

Усмон ибн Талҳа туянинг жиловидан тутди. Юриш бошланди. Шу ҳолда бир неча соат йўл босишди. Карвонлар тўхтаб ўтадиган ерга манзилга келдилар. Бироз дам олишлари керак эди. Усмон ибн Талҳа туяни чўктирди ва нари кетди. Ҳазрат Умму Салама туядан тушдилар. Усмон туяни ушлаб, ўша ердаги бир дарахтга боғлади. Ўзи эса узоқроқ жойга бориб ухлаш учун чўзилди.

Орадан бир неча соат ўтгач, ҳазрат Умму Салама уйғондилар. Бу орада Усмон туяни олиб келди. Уни чўктириб, ўзи нарироқ кетди.

– Қани, мин Умму Салама, – деди.

Ҳазрат Умму Салама туяга мингач, Усмон туянинг жиловидан тутди. Яна сафар бошланди.

Сафар шу ҳолда давом этди... Ясрибнинг чеккароғида жойлашган Қубо кўринганда Усмон туянинг жиловини ҳазрат Умму Саламага тутқазди:

– Эй Умму Салама, эринг Абу Салама яшайдиган маҳалла шу ерда. Майли, соғ-саломат етиб ол, – деди.

– Соғ бўл, Усмон! Сенга ташаккур!

Усмон ортга бурилди ва тўғри Маккага қайтди.

Бугунги кундаги маданиятли, доно ва олижаноб инсонларнинг ақли бовар қилмайдиган, чин виждон соҳибларини ҳам ҳайратда қолдиргувчи бу ҳолат ҳазрат Умму Салама онамизнинг хотираларида бир умрга қолди. Йиллар ўтса-да ҳеч унутмадилар, доимо Усмон ибн Талҳани яхшиликла ёдга олдилар.

Усмон ибн Талҳа ҳали мусулмон эмасди. Фаришталар ҳам кўрса ҳавас қиладиган бу ишни ўз динидан бўлмаган бир аёл учун қилганди. Бориб-келиш минг чақиримча бўлган бу масофани пиёда босиб ўтди. Турли таҳликаларга тик боқди. Булутли кунда ҳам, очиқ ҳаволи тунда ҳам ва яна биз билмаган минг машаққатларни кўрдим демай босиб ўтди.

У ҳали яна бир неча йил иймон келтирмайди. Шундай олижаноб фазилат соҳиби анча вақтгача бут-санамларга бош эгади. Барча йўллар охир-оқибат Исломга олиб боришини, қутилиш ва саодат вақат Ислом билангина бўлишини англаб, шаҳодат калимасини айтгунича камида етти-саккиз йил ўтиши керак бўлади.

Ҳазрат Умму Салама Усмон айтган маҳаллага бордилар. Кўп ўтмай ҳазрат Абу Салама аёллари ва ўғилларини бағрига босдилар.

\* \* \*

Макка шаҳри ҳар куни ҳеч кимга хабар қилмасдан Ясриб томон йўлга чиққан бир қанча йўловчиларни жимгина кузатиб қоларди. Бу сафар ҳижрат қилаётганлар Ҳабашистонга кўчгандаги ғам-андуҳни ҳис қилмасдилар. Чунки Пайғамбарлар султони Жанобимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни ортларидан боришларига ишонган ҳолда йўлга чиқишганди. Албатта, туғилиб-ўсган юртини ташлаб кетиш осон эмасди. Аммо дин ва иймонларини муҳофаза қилиш учун бундан бошқа чоралари йўқ эди. Жимгина кетишга мажбур эдилар. Чунки мушриклар тутиб олишса, қийноққа солинишларига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

## ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ЯСРИБГА ҲИЖРАТИ

Ҳазрат Умар ибн Хаттоб ҳам ҳижрат қилишга қарор қилдилар. Ёнларида илк мусулмон бўлганлардан ҳазрат Айёш ибн Абу Робиа ва ҳазрат Ҳишом ибн Ослар бор эди. Улар Макка ва Ясриб орасидаги узоқ йўлни биргаликда босиб ўтишга келишиб олгандилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн олинди. Эрта тонгда қуёш чиқмасидан Танодуб деб аталадиган манзилда учрашишга қарор қилишди. Бу жой Маккадан йигирма чақиримча узоқда жойлашганди.

— Тонг отганда ҳам Танодубга етиб келмаганини кутиб ўтириш йўқ. Ҳамма ортига қарамай, йўлга тушаверсин, — дейилди. Сўнгра йўл ҳозирлигини кўриш учун тарқалишди.

\* \* \*

Масжид ал-Ҳарамда суҳбатлашиб ўтирганлар баланд бир овоздан бошларини кўтардилар.

— Эй ҳалойиқ, мени эшитинг!..

Ўтирганлар овоз эгасига қарашганда Ҳазрат Умар ибн Хаттобни кўрдилар. Улар ўқ ва ёйларини олган, қилич тутганча турардилар. Ҳар бир киши уларга диққат билан қулоқ солаётганини билгач шундай давом этдилар:

— Эй мушриклар! Мен ҳижрат қилишга қарор қилдим. Ясрибга кетяпман. Орангизда онасининг йиғлашини, хотинининг бева ва болаларининг етим қолишларини орзу қилаётган киши бўлса, қуёш чиқаётган вақтда Шарифга борсин. Мен уни ўша ерда кутаман.

Бу эълон баланд овозда, ҳамма эшита оладиган қилиб айтилганди.

— Эй Умар, у ерга бориб сарсон бўлгандан нима наф? Бу ишдан сенга ҳам, бизга ҳам фойда йўқ. Бизни ўз ҳолимизга қўй! — деб айтадиган ҳеч ким топилмади.

Ҳазрат Умар шу ҳолатда бироз кутиб турдилар. Жавоб қайтарадиган бирор кимса топилмагач, эҳтимол бир неча йил кўра олмаслиги мумкин бўлган Каъбани етти бора тавоф қилдилар. Атрофдагилар уларни шунчаки томоша қилиб туришди. Каъбани тавоф қилиб бўлган ҳазрат Умар виқор билан у ерни тарк этдилар.

Орқада қолганлар ўзаро шивирлашни бошлашди:

– Мард одам-да шу Умар! Юлдузпарастми, бошқами – нима бўлса бўлсин, ундан эҳтиёт бўлган маъқул.

– Кўрдингми, Абул-Ҳакам (Абу Жаҳл) ҳам бир сўз айтишга журъат қилолмади.

– Абул-Ҳакам ҳеч қачон Умарга қарши чиқа олмаган.

– Сенингча бу иш осон эканми? Ахир бу Умар ибн Ҳаттоб-ку!

Ҳазрат Айёш ва ҳазрат Умар Танодубда учрашдилар, лекин ҳазрат Ҳишомдан дарак йўқ эди. Кечаги келишувга мувофиқ кутиб ўтиришмади. Дарҳол йўлга чиқдилар. Ясрибга етгунларича бирор дилхираликка йўлиқишмади. Шаҳарнинг Аволи деган ерида Умайя ибн Зайд ўғилларининг хонадонида меҳмон бўлишди.

Кўп ўтмай Абу Жаҳл ва унинг укаси Ҳорис Ясрибга келишди. Ҳазрат Айёш ибн Робиа билан учрашдилар. Улар ҳазрат Айёшнинг амакиваччалари ва айни пайтда она бир акалари эди.

– Жуда ёмон иш қилдинг, Айёш. Сен Маккага қайтиб бормагунингча онанг сочларини тарамасликка, ҳатто жазирама иссиқда ҳам соя ерга ўтмасликка қасам ичди. Бечора аёлни қутқаришинг лозим, – дедилар.

Ҳазрат Айёш бу сўзларга ишониб қолганларида суҳбатга ҳазрат Умар аралашдилар:

– Тинчлан, Айёш! Уларнинг сўзларига қулоқ солма. Сени бу ердан алдаб олиб кетишмоқчи. Онангнинг боши ҳашаротлар билан тўлса тарашга, қуёш қаттиқ қиздирса сояга ўтишдан бошқа чора тополмайди. Сен менга қулоқ сол ва улар билан ҳеч қаерга кетма.

Ҳазрат Айёш бу ҳолатда ўзларини ҳазрат Умар каби совуққон ҳолда тута олмадилар. Чунки мушрик акалари уларнинг заиф томонига болта уришганди.

— Онам қасам ичибди! — дедилар.

— Ишонма, бари ёлгон. Бу одамлар шу кунгача қанчадан-қанча ёлгон-яшиқларни сўзлаганини ўзинг яхши биласан.

Абу Жаҳл жиддий тарзда:

— Эй Айёш, онангни қутқаришинг керак. Қуёш тиглари остида сени кутиб ўтирган онамизга раҳминг келсин. Ким билади, балки ҳозир жазирама туфайли бошига қон қуйилгандир.

Аслида шундоқ ҳам Маккани соғинган ҳазрат Айёш қайтиб кетишни истаётган эдилар.

— Мен бу ерда сенинг мол-мулкингга шерик бўляпман, эй Умар. Қайтиб борсам, ҳеч бўлмаса ўзимнинг молларимни олиб қайтардим.

— Агар гап мол-мулкда бўлса, ол — моларимнинг ярми сеники бўлсин.

— Негадир улар билан бирга кетишдан бошқа нарсани хоҳламаяпман.

Ҳазрат Умар уларни бу қарордан воз кечтира олмасликларини билгач:

— Дўстим, — дедилар. — Сен мана бу туямни ол. У зотдор ва ювош туя. Унинг устидан ҳечам тушма. Агар бирор нимадан шубҳалансанг, дарҳол қоч.

Улар йўлга тушишди. Ҳазрат Айёш оналарини қийин аҳволдан қутқаришни ва киндик қони тўкилган юртни яна кўришни ўйлаб ҳаяжонда эдилар. Абу Жаҳл ва унинг укаси ҳам ҳазрат Айёшни бу қадар осонлик билан лақиллатганларидан севингандилар.

Сафар осуда кечаётганди. Абу Жаҳл ҳазрат Айёшнинг қарорлари билан табриклар, она ҳаққини адо этаётганларини айтиб тинмай мақтовлар ёғдирарди. Сафар бошлангандан буён уларнинг суҳбати айланиб келиб яна она

мавзусига тақалар, Абу Жаҳл эса ҳар гал янгидан-янги ёлгонларни ўйлаб чиқарарди.

— Охирги куни бошидан сув қуймагунимизча ўзига келмади бечора аёл, — деди бир гал.

— Майли-куя, сизлар онамни сояроқ ерга олиб ўтмадингизми?

— Биз роса ҳаракат қилдик, амма қулоқ солиш қаёқда дейсан! Ҳушларига келиши билан: «Мени адо қилдинг, Айёш!» деб ҳайқирганча офтобга югурди.

Бу гапга Ҳорис қўшимча қилди:

— Аслида яхшироқ ўйлаб қарасанг, биз онангни қутқариш билан сени ҳам қутқаришни ўйладик. Чунки бу аёлнинг оху воҳлари ва зор йиғлашларидан сенинг бир балога учрашинг тайин эди.

— Бошингга мусибат тушишидан қўрқдик.

— Ким билади, сени кўриб қанчалар севинар экан! Ўзини қайта туғилгандек ҳис қилишига ишончим комил.

Юқоридагига ўхшаш гаплар билан сафар давом этаверди. Маккага яқин келиб қолишганди. Олдинда Абу Жаҳл ва укаси Ҳорис, ортда ҳазрат Айёш келаётгандилар.

— Бизнинг туя жуда ҳолдан тойди, — деди Абу Жаҳл. Туяларни озроқ вақтга алмашиб минсак нима дейсизлар?

Ҳазрат Айёш бу таклифни қабул қилдилар. Бу орада бир-бири билан кўз уриштириб олган ака-ука ҳазрат Айёшнинг устиларига отилдилар. Ҳазрат Айёш икки кишига кучи етадиган даражада кучли эмасдилар. Бир неча дақиқа ўтгач, қўллари боғланган ҳолда туяга ортилдилар.

Абу Жаҳл Маккага урушда галаба қилган қўмондонлардек кириб келди. Қонунни бузган қочқинни тутиб жасорат кўрсатган миршабдек атрофга гурур билан қараб борарди. Ўзларини кузатиб турганарга:

— Ақлингиз бўлса сизлар ҳам аҳмоқларнинг таъзири-ни менга ўхшаб беринглар! — дея бақирди.

Биринчи жазо сифатида ҳазрат Айёшга юз дарра урилди. Оналари ҳақидаги лофга ишонгани учун минг бор

пушаймон бўлдилар. Кўл-оёқлари боғлиқ ҳолда қамаб қўйилди. Ясрибга бирга чиқишга қарор қилган ҳазрат Ҳишомнинг ҳам ушланганларини шу ерда билдилар.

Қамоқ ҳаёти ҳечам ёқимли эмасди. Мушриклар уларни ўша ерда тинчгина ётишларига ҳам қўйишмас, азоб устига азоб беришарди.

Ҳазрат Умаринг насиҳатларига қулоқ солмаган ва Абу Жаҳл каби ахлоқсиз бир мушрикнинг гапларига қулоқ солган одамнинг шу тарзда «қулоғи буралиши» аниқ эди.

\* \* \*

Ҳазрат Умар билан Абу Жаҳл бутунлай бошқа дунё одамлари эди. Бири ҳақ ва адолатнинг бошқаси ширк ва залолатнинг тимсоллари эди. Агар ҳақ ва адолат инсон қиёфасига кирса, ҳазрат Умар бўлиши аниқ. Бордию ширк ва фасод инсон қиёфасига кирса, унинг Абу Жаҳл бўлиши ҳам шубҳасиз эди. Ҳар иккиси ҳам ўзлари мансуб бўлган дунёнинг ёрқин мисоли эдилар.

Ҳақ ва адолат борасида ҳазрат Умардан ёмонлик ва фисқу фуруж борасида Абу Жаҳлдан бирор қусур ва камчилик қидириш дарёдан ғалвир ила сув олишга ўхшарди.

Ҳазрат Айёшнинг ҳеч бир сўзга қулоқ солмай, Абу Жаҳл билан Маккага келгани мусулмонларга хуш ёқмади. Йиллар бўйи мўминларга жафо қилишдан бошқасини ўйламайдиган одамнинг гапларига лаққа тушган ҳазрат Айёшнинг ишларидан бирор маъно топа олишмади. Тавба қилса ҳам қабул қилинмаслиги ҳақида баҳс бошланди. «Ўз бошига ўзи бало сотиб олди» дейилди.

Ҳазрат Мусъаб ибн Умайр ҳазрат Саъд ибн Муознинг меҳмони бўлдилар. Ҳазрат Асъад ибн Зурора бу сафар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ҳазрат Ҳамза ибн Абдулмутталибни меҳмон қилиш шарафига эга чиқдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари ҳазрат Рукқайяни турмуш ўртоқлари билан уйи-

да меҳмон қилиш шарафи ҳазрат Авс ибн Собига насиб этди.

Шу тарзда юртларини тарк этган ва Ясрибда чоғроққина бўлса ҳам бир бошпана умид қилиб йўлга чиққанлар ўзлари кутгандан ҳам зиёда ҳолда, дўстона қарши олиндилар. Туғилганларидан буён бирга яшаган қавм-қариндошлари, ота-оналари, ака-укаю опа-сингиллари ҳамда ҳамшаҳарлари уларни она ватанидан қувиб соларкан, ҳеч танимаган, билмаган, иймондан бошқа бирор нарса боғламаган инсонлар тарафидан «Аллоҳнинг бир неъматидан» сифатида кутиб олингандилар.

Энди тинч ва хотиржам ибодат қилишнинг имкони бор эди. Маккадаги каби намоз ўқиб олиш учун бирор холи ерга бориш, «Мушриклар кўриб қолса-я!» деб хавотирланишга эҳтиёж қолмаганди. Қаерга ва кимга қарамасин, кулиб турган, кўзларининг ичида иймон ва самимият нурлари порлаб турган инсонларни кўриш мумкин эди. Маккада Аллоҳга иймон келтириш жиноят, гуноҳ эди. Бу ерда эса иймон келтирмаслик гуноҳ ва жиноят ҳисобланарди. Маккада мўминларга қилинган тажовуз ва ёмонликлар бу ерда йўқ эди. Худди жаҳаннам ҳаёти тугаб, жаннат ҳаёти бошлангандек эди. Ўт-ўланлар устида бир қатор саф бўлиб, жамоат билан намозни адо этаётган инсонларни кўрганда маккаликлар «Аллоҳим, Сенга шукрлар бўлсин, бу кунларни ҳам бизга кўрсатдинг!» — дер эдилар.

Бир пайтлар чидаб бўлмас ҳолга келган азоб-уқубатли ҳаётдан шикоят қилиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат этган ва «Ҳали Сано шаҳридан то Ҳадрамавтга қадар йўлга чиққан одам кўйларини бўғизлаб кетиши мумкин бўлган бўрилардан бошқа ҳеч нимадан кўркмайдиған даврлар келади» жавобини олган ҳазрат Ҳаббоб ўша ёруғ кунларга аста-секин қадам қўйилаётганини, бир-биридан гўзал кунлар келаётганини ўз кўзлари билан кўраётгандилар. Энди уларни қизиган

темир билан доғлаган Умму Аммор ҳам, «Қарзингни охиратда оласан», деб мазаҳ қилган Ос ибн Воил ҳам ўтмишда қолгандек туйиларди.

\* \* \*

– Ё Расулуллоҳ, барча биродарларим бирма-бир Ясрибга ҳижрат қилишди. Менга ҳам изн берасизми?

– Эй Абу Бакр, бунчалик шонима. Аллоҳ таолонинг сенга бирор сафардош беришидан умидворман.

– Ё Расулуллоҳ, мени ўзингиз билан сафардош бўлишга ва Ясрибга ҳижрат қилишга лойиқ кўряпсизми?!

– Албатта, эй Абу Бакр!

Ҳазрат Абу Бакр севинганча уйларига йўл олдилар. Шу кундан бошлаб яқиндагина сотиб олган икки дона чопагон туяларини алоҳида, самура дарахтининг барглари билан боқишга киришдилар. Ортиқ нафас ҳам олиб бўлмас ҳолга келган бу шаҳардан бош олиб кетадиган кунларни интизорлик билан кута бошладилар. Зеро, уларни Ясриб (Мадина)да ойдин ҳаёт кутарди.

Китоб тамомланган вақт:

11 Жумод ул-аввал 1403 – 24.02.1983. Пайшанба. Бурса.

Сўнгги таҳрир:

25 Шаббон 1432 – 26.07.2011. Сешанба. Бурса.

## Мундарижа

Иймон йўлининг илк йўлчилари ( <i>Ас-Сабиқун-ал аввалин</i> ).....	3
Очиқ даъватга илк қадам ( <i>Яқин қавм-қариндош</i> ) .....	25
Жанжал ва қийноқлар .....	36
Билол Ҳабаший.....	58
Ёсир оиласи ва Аммор .....	75
Амр ибн Ҳишом ( <i>Абу Жаҳл</i> ) .....	83
Эс-хушли қария ( <i>Утба ибн Робия</i> ).....	87
Бир ҳақсизлик ва Хилф-ул фузул аъзоси.....	101
Яна бир қийноқ қурбони ( <i>Ҳаббоб</i> ) .....	105
Эскилардан қолган эртак .....	111
Ҳожиларга нима дейилади? .....	115
Жаҳаннамни кўрувчи ўн тўққиз малак .....	119
Ўлимдан сўнг.....	123
Ваҳий бир муддат тўхтаб қолди .....	128
Жорияни қийнаган виждон ва овчи йигит.....	134
Махсус дуо.....	141
Ҳабашлар юртига кўчиш .....	144
Кутилмаган таклиф.....	154
Ҳабашлар юртига иккинчи бор кўчиш .....	163
Ҳақ бўлиш етарлими?.....	189
Буюк мўжиза .....	193
Самимиятсиз истаklar .....	204
Дуо қабул қилинди ( <i>Ҳазрат Умар</i> ).....	210
Яккама-якка кураш.....	225
Асҳоби каҳф.....	240
Ҳазрат Мусо ва Ҳизр.....	250
Чириган суяклар .....	270
Мўминларнинг яшашга ҳақлари борми? ( <i>Қамал</i> )..	279
Арабчадан беҳабар темирчи .....	291
Машҳур шоир Оъшани қандай алдашди?.....	301

Қайғу йили ( <i>Фидокор амакининг вафоти</i> ).....	307
Яна бир оғир жудолик.....	317
Тоиф сафари.....	324
Буюк даъват ва тасалли ( <i>Меърож</i> ).....	335
Бозорга қилинган даъват.....	358
Ясриб иймон юртига айланар экан.....	364
Ақобадаги иккинчи байъат .....	373
Иймон юрти Ясрибга кўчишнинг бошланиши.....	383
Ҳазрат Умарнинг Ясрибга ҳижрати.....	389

## Қайдлар учун

## Қайдлар учун

900000

169276 - 169277

АҲМАД ЛУТФИЙ

# РИСОЛАТ

## МАККА ДАВРИ

### II

<b>Муҳаррир:</b>	<b>А. Тилавов</b>
<b>Техник муҳаррир:</b>	<b>Ю. Ўринов</b>
<b>Мусаҳҳиҳа:</b>	<b>Н. Муҳамедова</b>
<b>Саҳифаловчи:</b>	<b>Ю. Ўринов</b>

Нашр лицензияси. АI 245, 02.10.2013.  
Теришга 14.09.2018 йилда берилди. Босишга 29.12.2018 йилга  
рухсат этилди. Бичими: 70x100 1/16. Офсет босма.  
Virtec Times Uz гарнитураси. Шартли б.т. 32.5.  
Нашр б.т. 18.7. Адади: 10000. Буюртма №118.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» MChJ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95